

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ  
АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

## МУНДАРИЖА

### ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИДА

Г.Э.ЛЕССИНГ. *Донишманд Натан. Драматик поэма*.....3

### НАСР

ПАУЛО КОЭЛЪО. *Бешипчи Тоғ. Роман*.....61  
ФРИДРИХ НИТШЕ. *Зардўшт таваллоси. Насрий достон*.....108

### ИНСОН ВА ТАБИАТ

ШЕРМУҲАММАД ЮСУПОВ. *Орол муаммосининг ечими борми?*.....160

### КИТОБЛАР ОЛАМИДА

ФАТХУЛЛА ЭРГАШЕВ. *Башарият маданиятининг кўҳна ўчоғи*.....164

### САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

ЖАДСОН ФИЛИПС. *Қинғир йўлдан. Роман*.....166

Бош муҳаррир:  
**Озод ШАРАФИДДИНОВ**

Таҳрир ҳайъати:  
**Мирпўлат МИРЗО**  
(Бош муҳаррир муовини)  
**Файзи ШОҲИСМОИЛ**  
(масъул котиб)  
**Амир ФАЙЗУЛЛА**  
**Раҳматилла ИНОҒОМОВ**

Жамоатчилик кенгаши:  
**Қуддус АЪЗАМОВ**  
**Одил ЁҚУБОВ**  
**Рисбой ЖЎРАЕВ**  
**Неъматулла ИБРОҲИМОВ**  
**Абдулла ОРИПОВ**  
**Файрат ШОУМАРОВ**  
**Рустам ШОҒУЛОМОВ**  
**Тўлепберген ҚАЙИШБЕРГЕНОВ**  
**Баҳром ҚУРБОНОВ**  
**Саидахрор ҒУЛОМОВ**  
**Пўлат ҲАБИБУЛЛАЕВ**

**Жаҳон адабиёти, 4. 2004.**

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

Таҳририят манзили:  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир Ҳ.ВАЛИЖОНОВА  
Рассом Ю.ГАБЗАЛИЛОВ  
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА  
Мусахҳиҳлар Д.АЛИЕВА, М.ҚОДИРОВА  
Компьютерда саҳифаловчи Н.ҚОДИРОВА

Теринга берилди 10.02.2004 й. Босишга рухсат этилди 05.04.2004й. Бичими 70x108 1/16.  
Газета қоғози. Офсет босма. Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.  
Жами 1200 нусха. А-5429 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида териблиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент матбаа комбинатида чоп этилди.  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

**Жаҳон адабиёти, 2004 й.**

Готхольд Эфраим ЛЕССИНГ

## Донишманд Натан

*Драматик поэма*

Introite, nam et heic Dii sunt.

*Apud Gelium<sup>1</sup>*

ҚАТНАШАДИЛАР:

Султон Салоҳиддин.  
Зита — унинг синглиси.  
Натан — Қуддус шаҳридаги бой яҳудий.  
Рэха — унинг боқиб олган қизи.  
Дайя — Натан хонадонида яшовчи насроний аёл, Рэханинг сирдош  
дугонаси.  
Роҳиб.  
Қуддус шаҳри черкови пешвоси.  
Шогирд-роҳиб.

Воқеа Қуддус шаҳрида бўлиб ўтади.

### САҲНА КЎРИНИШИ

Натаннинг хонадони  
Натан, Дайя ва Рэха

Дайя

**Н**атан! Унинг ўзи! Худога шукур!  
Қайтдингиз ниҳоят ўз уйингизга!

Рэха

Отам? Отажоним! Нечун қизингиз  
Рэханинг бағрига отилмаяпсиз?

Мирпўлат МИРЗО  
таржимаси

Улуғ немис адиби, драматурги, шоири Г.Э.Лессинг (1729-1781) олмон мумтоз адабиётининг асосчиларидан бири саналади. У “Сара Сампсон хоним” (1755) драмаси, “Минна фон Барнхельм” (1767), “Эмилия Галотти” (1772) комедияси ва “Донишманд Натан” (1779) драматик поэмаси билан машҳур.

Умумбашарий низоларга замин бўлиб келган диний зиддиятларни ўзида акс эттирган “Донишманд Натан” асари айниқса ҳозирги даврда алоҳида шуқуҳ билан янграйди. Зеро, у Миллий театримиз саҳнасида муносиб ўрин олиб, бугунги кунда муваффақият билан ўйналмоқда. Асар саҳна талқини асосида қисқартириб таржима қилинди.

<sup>1</sup> Кириг, бу ерда ҳам худолар яшайди. *Гелидан (лот.)*.

Ҳайҳот, омон чиқдим мен ўт ичидан,  
Ёниб кул бўлишим мумкин ҳам эди!

Н а т а н

Болам! Болажоним!

Р э х а

Сиз не-не дарё,  
Не-не саҳролардан ўтиб келдингиз...  
Беҳад ҳамд-санолар бўлсин тангрига!  
Унинг карами кенг — сизнинг кемангиз  
У йўллаган сирли малоикларнинг  
Қудратли дастида бўлиб ҳамиша  
Ёруғ соҳилларга етиб келолди.  
Менга ҳам йўлади у халоскорни  
Жўмард йигит шаклу шамойилида,  
Қутқарди у олов ичидан мени  
Ошпоқ қанотлари узра кўтариб.

Н а т а н *(чеккага)*

Ошпоқ қанотлари узра? Во ажаб!  
Этақларимасми у роҳиб тўнин  
Аланга устига илкис тўшалган?

Р э х а

Аниқ қиёфада мени оловнинг  
Ҳам аччиқ тутуннинг оташ комидан  
Ошпоқ қанотида кўтариб ўтди.  
Юзини мен жуда яқиндан кўрдим,  
Учрашдим халоскор фаришга билан.

Н а т а н

Билганингда унинг одам эканин,  
Уни фаришга деб атамасмидинг?

Р э х а

Асло ундаймас у! У — чин фаришга  
Бунга менинг теран имоним комил.  
Ахир, ўзингиз ҳам айтардингиз-ку,  
Фаришталар бор деб ушбу дунёда.  
Тангри ҳам бор дея — ким уни севса,  
Муяссар этгувчи чин саодатга.  
О, севиб қолдим мен уни...

Д а й я

Самодан,  
Оқ, парку булутнинг қўйнидан тушди  
У ерга ва Рэха рўпарасида  
Жўмард сиймосида бўлди намоён.  
Уни орзусидан этмангиз маҳрум —  
Насроний, яҳудий, мусулмонга ҳам  
Бирдек азиз бўлган эзгу орзудан!

Н а т а н

Қўйгил бу гапларни! Рэха ўзини  
Халос қилган одам мўъжиза сабаб  
Омон қолганига ишонмайди-ю...

Д а й я

Шафқат қилинг, Натан! Не зарар бунда  
Халоскор — одаммас, фаришта десак?  
Балки шунда яқин боргаймиз бешак  
Теран маъносига халоскорликнинг,  
Ўқигаймиз тангри битган ёзуқни.

Н а т а н

Ҳаммаси — манманлик! Ортиқча кибр!  
Чўян қозон истар — уни одамлар  
Кумушдан — бу, дея кўтаришларин,  
Шундоқ иззат истар қора декча ҳам.  
“Не зарар бор бунда?” деб сўрайсан сен,  
Менинг билгим келар, не фойда бунда?  
“Теран маъно” ҳамда “ёзуқ ўқишинг” —  
Ҳаммаси — сафсата, йўқ, ундан баттар!  
Ҳатто бу худога маломат-таъна.  
Лекин сиз қандайин эзгулик ила  
Мамнун қилмоқчисиз ул фариштани?  
Ибодатлар қилинг, ҳамд-сано айтинг,  
Бўзлаб нола айланг, кўз ёшлар тўкинг,  
Садақа улашинг ийду байрамда...  
Шунда муддаонгиз ҳосил бўлурми!  
Асло! Малоиклар эмас ҳеч бундан  
Ҳеш-у, яқинингиз кўргай фойда, наф.  
Хўш, ул фаришта бўлса-чи?

Р э х а

У оғриб қолдимми?

Д а й я

Нечун бетоб у?

Р э х а

Мен титраб кетяпман. Бошим ушлаб кўр,  
Дайя, музнинг ўзи-я!

Н а т а н

У ётибди!  
На дўсти бордир, на дастёр ёллашга  
Пули бор унинг.

Р э х а

Отам, отажоним!..

Н а т а н

На-да таскини бор, на меҳрибони,  
Ётибди ажалнинг ўлжаси янглиг...

Р э х а

Қаерда ётибди, қайда?

Н а т а н

Келмас у,  
Наҳот иккинчи бор ташриф буюргай,  
Сени қутқармоқ-чун яна бир карра!

Д а й я

Қаранг, унинг ранги қув ўчиб кетди!

Н а т а н

Кимнингки бўлмаса ўзга юпанчи  
Сўнги нафасдаги савобли ишдек...

Д а й я

Адо қилдингиз-ку уни!

Н а т а н

Сен адо қилдинг!  
Туйғулар комида маҳв этдинг уни!  
Рэха, кўзингни оч, сента оғумас,  
Малҳам бергайман мен — у тирик, ахир!  
Умид қиламанки, бетоб ҳам эмас!

Р э х а

Тирик? Бетоб ҳаммас? Шу ростми, ота?

Н а т а н

Онт ичиб айтаман, қизим, у тирик!  
Худо ёрлақагай яхшини ҳар вақт.

Р э х а

Қизингизни ёлғиз қолдирманг, ота,  
Ўзингиздан нари, зинҳор узоқда!  
Ростдан кетганмиди у бирор ёққа?

Н а т а н

Албатта, қизим!..

Д а й я

О, Натан! Натан!

Н а т а н

Дайя, не гап бўлди?

Д а й я

У шу ерда тагин! Шу ерда тагин!

Н а т а н

Ким — у?

Д а й я

У бўлмай ким бўлсин!

Н а т а н

У! У!

Ким ўзи у, ахир? О, сизлар учун  
У бир кароматли зотки... Менга-чи?  
Менга не, фаришга бўлса ҳам ҳатто!

Д а й я

Хурмолар остида юрар у узоқ  
Сайр этиб. Ва узар хурмодан гоҳ-гоҳ.

Н а т а н

Тановул қиларми одамга ўхшаб?  
Фаришга-я? Кетингиз нари...  
Маъзур тутгайсиз... О, жўмард роҳиб!

Р о ҳ и б

Нима демоқчисиз?

Н а т а н

Изн этсангиз...

Р о ҳ и б

Хўш, жухуд, нима гап?

Н а т а н

Рухсат этсангиз,  
Сизга икки оғиз гапим бор эди.

Р о ҳ и б

Фақат икки оғиз бўлса, гапиринг!

Н а т а н

Менинг исмим Натан, сиз нақд ўлимдан  
Олиб қолган қизнинг отасиман мен.  
Мен сизга келдимки...

Р о ҳ и б

Ташаккур учунми?  
Бас қилинг, етар! Шунча кўп мақтовлар  
Эшитдимки мен бу аянч жазмимга,  
Сиз унинг олдида қарздор эмассиз.  
Ахир, билмаганман шунда қизингиз  
Ўлим чангалидан қутқараётганим...

Н а т а н

Ғалат туюлмасми сизга, о, жўмард,  
Бу таваккал жазм қаҳрамон ҳақда  
Ўзидан ҳам тўкис гувоҳлик берар?  
Изн этинг, уни бир бағримга босай...  
Узр! Бейхтиёр...

Р о ҳ и б

Не содир бўлди?

Н а т а н

Ювилди тўнингиз кўз ёшим ила...

Р о ҳ и б

Ҳечқиси йўқ! Намга чидамлидир у?  
Санчиб ҳам олди-я жуҳуд сўз нишин!

Н а т а н

Мабодо аланга тили ялаган  
Ушбу тўнингизни беролмайсизми  
Қизим учун?

Р о ҳ и б

Нечук? Не сабаб?

Н а т а н

Қизим лаблари ҳам тегсаки, шояд  
Орзуси ушалса масъум кўнглида.

Р о ҳ и б

Исмингиз Натан-а? Тасанно, жуҳуд!  
Мот қилдингиз мени!.. Албатта... Агар...

Н а т а н

Қандайин ниқобга яширинмангиз,  
Мен барин англадим. Сиздаги ҳиммат  
Ва сиздаги гурур сизнинг бошқача  
Бўлмоғингизга йўл қўймасди сира.

Р о ҳ и б

Сизнинг халқингизга ҳеч қачон, Натан,  
Нафрат туймаганман ич-ичимдан мен,



Бироқ унинг ортиқ такаббурлигин  
 Ҳазм қилолмайман — бизга ва жами  
 Мусулмон аҳлига иддаосини:  
 “Худо — асли бизнинг худомиз!” деган.  
 Сизга кўп ғалати туюлса керак,  
 Буни, мен бир роҳиб, айтаётганим?  
 Лекин қайси макон, қайси замонда  
 Жаҳолат шу қадар сўқир жаҳд ила  
 Ёқлаган ўз динин ва “ўз худосин”,  
 Кўйиб уни ҳамма худодан юсак,  
 Топингирмоқ бўлиб унга башарни?  
 Қачон, қай муҳитда шундагичалик  
 У бадбин шуқуҳ-ла намоён бўлган?  
 Қора боғичлари бу жаҳолатнинг  
 Тушмасми очилган кўзлардан бу кун?  
 Бунга амин бўлмоқ қийинмас зинҳор!  
 Унутинг мен айтган гапларни... Кетдим!

Н а т а н

Йўқ, йўқ! Энди ёнингиздан кетмасман сизнинг!  
 Келинг, дўст бўлайлик! Майли, халқимни  
 Жинингиздан баттар сиз ёмон кўринг,  
 Лекин уни танлаб олмаганмиз биз.  
 Қолаверса, сиз, мен — ҳали халқмасмиз.  
 Халқ ўзи нима у? Жухуд, насроний —  
 Аслида ҳар бири инсон эмасми?  
 О, хурсанд бўлардим мен сизда кўрсам  
 Инсон эканидан мамнун жўмардни.

Р о ҳ и б

Уни кўряпсиз ҳам...

Н а т а н

Қизим Рэханинг  
 Боши осмонларга етгайдир бундан!  
 У билан кўришинг.

Р о ҳ и б

Шунга энтикмоқда юрагим мудом!

Н а т а н

Узр, исмингизни билсам ҳам бўлар?

Р о ҳ и б

Исмим — Курд... Курд фон Штауфен.

Н а т а н

Хайр! Қачон бизга ташриф буюрмоқчисиз?

Р о ҳ и б

Ҳатто шу бутун!

## САҲНА КЎРИНИШИ

Саҳнада хурмо дарахлари ўсиб турган майдон кўзга ташланади. Уларнинг тагида  
 Р о ҳ и б у ёқдан-бу ёққа юриб турибди. Ш о г и р д - р о ҳ и б маълум бир  
 масофада унинг изидан юради, ўзини чеккага олса-да, афтидан, унинг Роҳиб  
 билан гаплашгиси бор.

Р о ҳ и б

Бекорга юрмас бу йигит кетимдан,  
 Кўзини узмас ҳеч!.. — Балки биродар  
 Ёки муҳтарам зот?

Ш о г и р д - р о ҳ и б

Йўқ, биродарман...  
 Мен шогирдман сизга — беминнат дастёр.

Р о ҳ и б

Афсуски, қўлимда ҳеч вақоим йўқ,  
 Кошки бўлганида.

Ш о г и р д - р о ҳ и б

Барибир менинг  
 Кўнглим ташаккурин қабул айлангиз!  
 Сизнинг қилган битта яхшилигингиз  
 Мингта бўлиб қайтсин қодир эгамдан.  
 Хайр-эҳсон берувчи ҳотам эмасдир,  
 Бермоққа аҳд қилган саналур ҳотам.  
 Зеро келганим йўқ садақа сўраб.  
 Сизга йўлланганман.

Р о ҳ и б

Менгами, бошқага —  
 Йўлланган демак...

Ш о г и р д - р о ҳ и б

...ибодатхонадан

Р о ҳ и б

Ҳозиргина жиндак тамадди учун  
 Бемаврид мен кирган жойданми келдинг?

Ш о г и р д - р о ҳ и б

Даврада йўқ эди бирон бўш ўрин  
 Ташриф буюрсангиз бўларди қайта,  
 Муҳтарам жаноб?

Р о ҳ и б

Йўқ, нега энди?  
 Гўшгдан рўзадорман. Лекин бу менга  
 Қийин, шекилли. Хурмо ҳам пишди.

## Ш о г и р д - р о ҳ и б

Хурмодан эҳтиёт бўлмоқлик керак:  
Йўқса, қилиб ундан ортиқ тановул,  
Талоққа зўр келиб, дилни ҳасратга  
Мойил қилмоқ мумкин.

## Р о ҳ и б

Менга, эҳтимол,  
Ҳасрат хушдир? Бироқ, ҳар қалай сизни  
Бунинг огоҳи-чун йўлашмагандир?

## Ш о г и р д - р о ҳ и б

О, йўқ! Кимлигингиз билмоқчийдим мен.

## Р о ҳ и б

Шу гапни сиз менга гапиряписизми?

## Ш о г и р д - р о ҳ и б

Хўш, нима қипти?

## Р о ҳ и б

Содда биродар!

Сиз каби толиблар унда бисёрми?

## Ш о г и р д - р о ҳ и б

Билмадим. Билганим ёлғиз — итоат.

## Р о ҳ и б

Сира ишлатмайин ақлни; зеро  
Шундоқми, ахир?

## Ш о г и р д - р о ҳ и б

Ҳа, бўлмасам-чи,  
Идрок итоатга кушанда, ёв-ку!

## Р о ҳ и б

Бу бир содда ҳикмат! Лекин ким истар  
Билмоқликни мени яқиндан? Фақат,  
Сизмассиз. Ичурман ҳаттоки қасам.

## Ш о г и р д - р о ҳ и б

Ҳуқуқим не эрур? Эҳтиёжим не?

## Р о ҳ и б

Кимга керақдир бу? Кимнинг ҳаққи бор?

## Ш о г и р д - р о ҳ и б

Балки сиз зарурсиз бош роҳиб учун,  
Ахир, у йўлади мени сиз томон.

## Р о ҳ и б

Бош роҳиб? Ажабо? Аён-ку унга  
Оқ ёпинчиқ ҳамда қизил хоч сири!

## Ш о г и р д - р о ҳ и б

Менга-да аён бу.

## Р о ҳ и б

Хўш? Муддао не?  
Мен бир маҳбус зобит. Аниқ, тўғриси,  
Тебнин қалъасида тушдим асирга.  
Айни сулҳ олдидан ортга қайтмоқ-чун,  
Йўлни тозаларкан, у қалъани ҳам  
Қўлга киритмоққа ошиқдик чунон.  
Яна айтсам: бизлар йигирма нафар  
Эдик асирликда, лекин улардан  
Афв этди султон биргина мени.  
Билиб қўйсин буни бош роҳиб, албат,  
Билиши зарурми бироқ барчасин?..

## Ш о г и р д - р о ҳ и б

Зарур ҳазратимга. Барчаси зарур.  
Тагин бир синоат ўйлатар уни.  
Нечун ёлғиз сизни авф этди султон?  
Бу сирнинг боиси...

## Р о ҳ и б

Менга ноаён.  
Ёпинчигим қўйиб тиззам остига,  
Гарданамга қилич зарбин кутардим;  
Бир пайт Салоҳиддин менга термулиб,  
Қошимга шошди ва қилди ишора...  
Мен турдим оёққа, кишандан озод;  
Билдирайин дея миннатдорлигим  
Кўзларига боқдим, о, кўзида ёш.  
У бир сўз демади, мен ҳам турдим лол,  
Сўнг кетди — мен қолдим. Бор тафсилот шу.  
Бунинг асрори не, юз берди нечук —  
Ечсин ушбу сирни бош роҳиб ўзи.

## Ш о г и р д - р о ҳ и б

Ҳазратимнинг фикри шундай: худойим  
Улуғ ишлар учун асрабди сизни.

## Р о ҳ и б

Улуғ бўлгандаки! Яхудий қизни  
Ёнгиндан қутқармоқ, талай тақводор  
Зиёратчиларни Синай тоғига  
Олиб чиқмоқ қай бир улуғ ишдан кам?

## Ш о г и р д - р о ҳ и б

Шундай эрур бешак, лекин ҳарҳолда  
Бош роҳибнинг сиз-чун мўлжаллаб қўйган  
Муҳимроқ иши ҳам бўлиши мумкин.

## Р о ҳ и б

Наҳотки? Сизнингча шундайми, дўстим?  
Бу ҳақда у ҳеч бир иккиланмайин  
Шама ҳам қилдими?

## Ш о г и р д - р о ҳ и б

Албатга! Бироқ  
Дастлаб мен жанобни ўрганмоғим шарт:  
Қандайин одам у.

## Р о ҳ и б

Хўш, ундоқ бўлса,  
Тайёрман, ўрганинг! (Жуда ғалати  
Қандоқ ўрганаркин!) Нима ҳам дердим?

## Ш о г и р д - р о ҳ и б

Сарфламаслик учун вақтни беҳуда  
Бош роҳиб хоҳишин айта қолай мен.

## Р о ҳ и б

Айни муддао!

## Ш о г и р д - р о ҳ и б

Сиз жанобдан мактуб  
Бериб юбормоқчи.

## Р о ҳ и б

Не боис мендан?  
Чопар эмасман мен. Ёки сизнингча  
Яҳудий қизини олов ичидан  
Қутқармоқдан ҳам бу улғуроқ ишми?  
Тўғри англабманми?

## Ш о г и р д - р о ҳ и б

Шундоқ бегумон.  
Бош роҳиб айтдики ушбу мактубда  
Насронийга даъват битилган эмиш.  
Ким унга етказса, арши аълода  
Тангрининг лутфига бўлармиш ноил.  
Ҳамда у дедикки, бундоқ шарафга  
Муносиб эмасмиш сиздан бошқаси.

## Р о ҳ и б

Нечун мен?

## Ш о г и р д - р о ҳ и б

Чунки сиз эркин эмишсиз;  
Сиз бунда беармон кезиб хотиржам,  
Кузатар эмишсиз ҳамма нарсани,  
Қальбаларни қандоқ жанг-ҳужум билан  
Ишғол этмоқликни билар эмишсиз,  
Ва яна ҳимоя қилмоқликни ҳам;  
Сизга аён эмиш қальанинг ички  
Ҳимояси учун султон тиклаган  
Иккинчи деворнинг заиф жойлари.

## Р о ҳ и б

Ахир, мен, биродар, мазкур мактубда  
Нелар битилганин билмайман.

## Ш о г и р д - р о ҳ и б

Мен ҳам  
Беҳабарман. Лекин мактубнинг қирол  
Филиппга эканин биламан фақат.  
Бироқ пешвомизга... Танг қоламан гоҳ  
Туриб шундоқ юксак маъвода, осмон  
Таваллоси-ла банд бўлса-да, қандоқ  
Ҳафсала тополур ер ишларига!  
Ҳар қалай осонмас унга.

## Р о ҳ и б

Бош роҳиб —  
Наҳотки?..

## Ш о г и р д - р о ҳ и б

Муфассал, аниқ билар у  
Ҳарбий қудратини Салоҳиддиннинг —  
Қўшини қанча-ю, қайда ўрнашган  
Барин билар у.

## Р о ҳ и б

Билади?

## Ш о г и р д - р о ҳ и б

Ҳа, бундан  
Қирол Филиппни у огоҳ этмоқчи,  
Токи ҳисоб-китоб қилсин у барин,  
Мушоҳада қилсин — хавф-хатар қанча;  
Давом этдирсинми сулҳни умуман,  
Душман типирчилаб турган бир пайтда...

## Р о ҳ и б

Бош роҳиб шундоқ денг! Демак мен унга  
Муҳтарам ва танги зоти олийга  
Бир оддий чопармас, хуфя айғоқчи  
Ўрнида керакман? Азиз биродар,

Рухонийга шуни етказиб қўйинг —  
 Ўзингиз ўрганиб чиққанингиздек,  
 Ношудман бу ишда. Зеро мен, ахир,  
 Маҳбусман, қолайин маҳбуслигимча.  
 Мен зобит эрурман: бурчим жанг-жадал,  
 Айғоқчилик зинҳор менинг касбиммас.

### Ш о г и р д - р о ҳ и б

Менинг ҳам фикрим шу. Сиздек жанобни  
 Қўймам хижолатга. Лекин ҳарҳолда  
 Сиз учун бошқа бир таклифим ҳам бор:  
 Пешвомиз аниқлаб билдики шитоб,  
 Ливан юртидаги қай бир қалъада  
 Султоннинг эҳтиёткор падари бу кун  
 Сақламоқда эмиш беҳисоб маблағ —  
 Қўшинни тутишга ва турли ҳарбий  
 Ҳаржларга. Бот-бот ўша юрт томон  
 Борар Салоҳиддин ва ул қалъага  
 Киргай — кўздан пана, қўриқчиси йўқ  
 Айланма сўқмоқдан... Тушундингизми?

### Р о ҳ и б

Ўлай тушунсам!

### Ш о г и р д - р о ҳ и б

Қийинми шунчалик  
 Салоҳиддинни беҳос ҳамла билан  
 Бирйўла тинчитмоқ? О, қўрқдингиз-а?  
 Бу ишга чоеланган шер йигитлар бор —  
 Фақат ботирроқ бир кимса уларни  
 Етаклаб бормоғи керак у ерга.

### Р о ҳ и б

Демак, юкланар бу менинг зиммамга?

### Ш о г и р д - р о ҳ и б

Бош роҳиб гапига кўра, сиз учун  
 Қирол Филипп чўзар ёрдам кўлини.

### Р о ҳ и б

Менга-я, биродар? Йўғ-е?! Во ажаб  
 Салоҳиддин менга қилган ҳимматни —  
 Наҳотки мен сизга қилдим ҳикоя?

### Ш о г и р д - р о ҳ и б

Эшитдим, эшитдим...

### Р о ҳ и б

Хўш, шундай экан?..

## Ш о г и р д - р о ҳ и б

Бош роҳиб фикрича, булар барчаси  
Яхши, лекин худо, орият ҳамда...

## Р о ҳ и б

Бўлди, бас! Етарли! Қабоҳат учун  
Эҳтиром ножоиз!

## Ш о г и р д - р о ҳ и б

Бу-ку ҳақиқат,  
Лекин бош роҳибнинг гапига кўра  
Одамлар наздича энг чиркин аъмол  
Худога жуда хуш келармиш баъзан.

## Р о ҳ и б

Қотили бўлайми Салоҳиддиннинг,  
Унга ўз жоним-ла қарз бўла туриб!

## Ш о г и р д - р о ҳ и б

Разиллик бу! Лек у — насронийга ёв,  
Демак пешвомизнинг фикрича, асло  
У сиздан дўстликни кутмас.

## Р о ҳ и б

Дўстликни?  
Истамам мен мурдор кимса бўлмоқни —  
Туз ичиб тузликқа тупурган!

## Ш о г и р д - р о ҳ и б

Балли!  
Лекин ташаккурдан мосувомиз биз,  
Пешвомиз фикрига кўра: ҳам худо,  
Ҳам инсон олдида озодмиз мутлақ, —  
Марҳамат бизни деб қилинмаса гар.  
Лекин гап юрарки сиз ҳақингизда,  
Султон афв этмиш сизни шу боис —  
Унинг укасига ўхшаркансиз заб, —  
Бош роҳиб ҳам шундоқ фикрда, шаксиз...

## Р о ҳ и б

Бош роҳиб бундан-да воқиф-у, тағин!  
О, лекин не гуноҳ Салоҳиддинда!  
Унинг укасига ўхшар эканман,  
Шундай кароматни кўрсатган Худо  
Наҳот бахш этмаган шунга мос хислат?  
Агар бош роҳибга хуш келар туйғу  
Заррача қўзғалса, босайми уни?  
Табиат, бу ишда одилсан мудом!  
Тангрининг аъмоли пухта, мукаммал!  
Йўлингиздан қолманг! Дилимда зарда  
Қайнагандан қайнаб бормоқда!



## Ш о г и р д - р о ҳ и б

Майли,  
Кетаман мен беҳижолат, жим,  
Қандай келган бўлсам — шундоқ, аммоки  
Мени маъзур тугтай муҳтарам жаноб,  
Бизлар бош роҳибнинг содиқ кулимиз.

## САҲНА КЎРИНИШИ

Р о ҳ и б ва уни аллақачондан бери кузатиб юрган Д а й я. Ниҳоят у Роҳибга  
яқинлашади.

Д а й я

Шогирд-роҳиб уни, чамамда,  
Ёмон кайфиятда қолдирди, лекин  
Гаплашишга ўзим бир уринай-чи.

Р о ҳ и б

Во ажаб! Нақадар тўғри бу масал:  
Иккита кафти бор эмиш шайтоннинг —  
Аёл ҳамда роҳиб, роҳиб ва аёл!  
Биридан бирига отар ушбу кун  
У мени.

Д а й я

О, кимни кўряпман! Жўмард,  
Валлюмат зотними?! Худога шукур,  
Минг бора шукур! Сизни тополмадим,  
Қайларда эдингиз? Ишқилиб, дарддан  
Холию йироқсиз, шундайми?

Р о ҳ и б

Шаксиз!

Д а й я

Соғсиз, бардамсиз?

Р о ҳ и б

Ҳа, шундай.

Д а й я

Биз эса  
Хавотирда эдик.

Р о ҳ и б

Наҳотки?

Д а й я

Чамамда, қайгадир кетган эдингиз?

Р о ҳ и б

Худди шундай.

Д а й я

Демак, қайтгансиз ҳозир?

Р о ҳ и б

Кеча.

Д а й я

Қизнинг ҳам отаси уйида энди...  
Рэха умид қилса ҳам бўлар балки?

Р о ҳ и б

Нимага?

Д а й я

Биз сиздан ҳамиша сўраб  
Юрганимизга. Отаси ҳам зеро  
Бу ҳақда сўрагай сиздан муқаррар.  
Бобилдан қайтди у. Турфа ширинлик,  
Тоғ-тоғ матолару дур-жавоҳирни  
Олиб Ҳиндистондан, Эрон, Хитойдан.  
Йигирмата туя устига юклаб  
Келгирмиш, ҳаммаси ўйнатар кўзни.

Р о ҳ и б

Мен ҳеч нарса харид қилмайман.

Д а й я

Уни  
Сулгондек эъозлар қавмдошлари,  
Менга бигта нарса ноаён, мубҳам:  
Донишманд-Натан деб аташар уни,  
Нечун Бой-Натан деб аташмас.

Р о ҳ и б

Балки

Уларнинг тилида ақл ва бойлик  
Бир хил маъно берар.

Д а й я

Мен эса

Олижаноб-Натан атардим уни.  
Бу борада унга тенг келмас ҳеч ким.  
Эшитган маҳалда қизин оловдан  
Кутқарганингизни! Бир кўрсангиз эди,  
Чехраси ёнарди ҳимматдан чексиз!  
Сиз-чун аямасдан борини!

Р о ҳ и б

Аттанг.

Д а й я

Бориб, ишонч ҳосил қилинг ўзингиз.

Р о ҳ и б

Нимага? Умрнинг фонийлигию  
Учқурлигигами сонияларнинг?

Д а й я

Агар у ҳимматли бўлмаганида  
Шунча яшармидим уникида мен?  
Ахир, насронийлик эътиқодимнинг  
Путур топганини зарра сезмадим.  
Бешигимда алла айтишган дамлар  
Бир кун Фаластинга эринг-ла бориб  
Энагалик қилгунг жуҳудникида  
Дея каромат ҳам қилишмаганди.  
Ахир, менинг азиз жуфти ҳалолим  
Подшозода Фридрих қўшинида, ҳа,  
Хизмат қилган юксак эътиқод билан...

Р о ҳ и б

Швейцариялик бўлган у асли;  
Тақдири илоҳий лутф-карами-ла  
Насиб этган унга ҳалок бўлмоқлик  
Бир дарёда чўкиб ўша зот билан...  
Бисёр эшитганман буни мен сиздан!  
Таъқиб этасизми мени ҳали кўп?

Д а й я

Таъқиб эмишми бу? О, танграм!

Р о ҳ и б

Ҳа, ҳа,  
Таъқиб бу айнан. Мен энди истамам  
Сизни на кўришни, на эшитишни!  
Истамам, жонимга тегиб кетдингиз —  
Ҳар бир қадамимда эслатиш билан  
Ўзим учун мудом жумбоқдек сирли —  
Ҳеч ўйламай қилган жасоратимни.  
Афсус ҳам қилмасман бундан мен зинҳор,  
Бироқ, билиб кўйинг, иккинчи бора  
Бундоқ ҳодисага дуч келиб қолсам,  
Ғуноҳкор бўлурсиз сиз, ҳа, сиз, шаксиз —  
Ўзимни оловга отмасман шошиб,  
Аксинча, эс-ҳушим жиловлаб олиб,  
Томоша қилгайман унинг ёнишин!

Д а й я

Ё раббий, раҳм қил!

Р о ҳ и б

Ўтинаман мен,  
Бундан буён менинг изимдан юрманг.  
Йўлимга тирғилманг отангиз билан.  
Жухуд жухуд бўлиб қолар барибир,  
Мен эса — дағал ва эпашанг олмон.  
Агар қиз сиймоси бир пайт қалбимда  
Яшаган бўлса ҳам, энди йўқ, йитган.

Д а й я

Лекин сиз қалбида унинг тириксиз.

Р о ҳ и б

Хўш, нима қилибди? Нима қилай, хўш?

Д а й я

Ким билсин! Ҳарҳолда ҳамма одам ҳам  
Бўлмас экан сирти каби ҳамиша.

Р о ҳ и б

Яхши бўлиб чиқар жуда камдан-кам. *(Кетади.)*

Д а й я

Тўхтанг! Қайга бунча ошиқмоқдасиз?

Р о ҳ и б

Ёқгираман шунда сайр этишни мен;  
Кўп тирғилманг, тагин мана шу хушқад  
Хурмоларни ёмон кўриб қолмайин.

Д а й я

Боргин, боравергин, йўлингдан қолма,  
Турқи совуқ немис, кўча сеники!..  
Лекин, билиб кўйки, энди изингни  
Қаердан бўлса-да топиб олурман.  
*(У узоқлашгач, изидан кетади.)*

## САҲНА КЎРИНИШИ

Р э х а, Д а й я ва Ш а ҳ з о д а, кимдир эшикни очиб, ташқаридан унга:  
“Тўғрига юринг!” дейди.

Р э х а Дастлаб титрайди, кейин ўзини қўлга олиб, унинг оёқлари остига  
йиқилмоқни истайди.

Менинг халоскорим!

Р о ҳ и б

Мен айнан шундан  
Чўчиб келар эдим, ахир...

## Р э х а

Мен ҳозир  
 Бош эгтайман жўмард инсонга, бироқ  
 Ташаккурим унга эмас, худога.  
 Ахир Яратганнинг амри билан у  
 Пайдо бўлди олов ичида бирдан.  
 Унинг қўлларига тушдим, бамисли  
 Либосига қўнган учқундек енгил  
 Аланга комидан сирли бир қудрат  
 То итқитмагунча қолдим у билан.  
 Шунинг учунми мен айтай ташаккур?  
 Уни шер қилдими ва ё ўткир май?  
 Ҳақиқий жўмардга ҳам қарзу ҳам фарз —  
 Ким ёнса, ким чўкса — ўйлаб ўтирмай  
 Фидо қилса ҳамки ҳатто жонини.  
 Қутқариш шарафдир.

## Р о ҳ и б

*(Унга ҳайронлик ва ҳаяжонда мудом термилган кўйи)*

Дайя, Дайя!  
 Ғам ва аламларнинг исканжасида  
 Сенга зарда қилган бўлсам мен агар,  
 Унинг менга захри-заққуми нечун?  
 Сен мендан ашаддий ўч олдинг, Дайя!  
 Қаҳрингни меҳринга алмаштир: энди  
 Ҳимоячим бўл.

## Д а й я

Ҳозир тушар ҳовридан,  
 Унинг қалбидаги хор-тиконларни  
 Юлиб ташляяпман, ки улар сизга  
 Етказмас озор.

## Р э х а

Ғамда эдингизми?  
 Ва ғам ортиқмиди ҳаётингиздан?

## Р о ҳ и б

О, бокира гўдак, о, маъсума қалб!  
 Қайдан бу ғалаён, қайдан бу тугён?  
 Гоҳида тикилсам дейман беармон,  
 Гоҳида сўзларин тингласам ташна.  
 Наҳотки айнан шул пари-пайкарни  
 Қутқариб қолдим мен ёнғин чоғида?  
 Қўриб шундоқ қизни олов комида  
 Ким ўзин отмагай? Балки қўрқувдан  
 Бошқача кўринган кўзимга у пайт...  
*(Сукут. У гўё унинг хаёлига ғарқ бўлади.)*

## Р э х а

Сиз ҳамон ўшандай жасур, мард, ботир.  
*(Яна сукут; уни бу сукутдан чиқариш учун давом этади.)*

Айтинг-чи, мард одам, қайда эдингиз?  
Сизни узоқ кутдик интиқлик билан,  
Тагин сиздан шуни сўрамоқчийдим:  
Қайдасиз ҳозир?

Р о ҳ и б

Бўлишни хушламас жойимда, афеус.

Р э х а

Бўлган жойингиз-чи, балки кўнглингиз  
Унда ҳам унчалик яйрамагандир?  
Бу яхши эмас.

Р о ҳ и б

Мен бўлган жойим...  
Хаҳ, оти нимаиди?.. Жин урсин! Синай.

Р э х а

Синайда бўлдим денг? О, мен мамнунман!  
Энди билиб олсам бўлар, ростдан ҳам...

Р о ҳ и б

Нима: ростдан ҳам? Мусонинг худога  
Илтижолар қилган жойи бу, холос...

Р э х а

Йўқ, йўқ, мутлақо! Мусо турган эди

Худо қошида. Бу ҳақда биламан  
Керагича мен. Лекин, айтинг-чи, сиз  
Тоққа чиқмоқ ундан тушмоқдан кўра  
Осонроқ дейдилар, шу гап тўғрими?  
Менга шундоқ туюлар эди ҳар сафар,  
Нима дейсиз? Нега бурдингиз юзни?  
Нигоҳингиз олиб қочасиз нечун?

Р о ҳ и б

Сизни тингламоққа ташналиқдан бу.

Р э х а

Бемаъни гапларим ё қилиб нашта,  
Мендан кулаясиз, шундай муқаддас,  
Қадамжо ҳақида сўрамади деб  
Маънили бирон гап? Янглишдимми ё?

Р о ҳ и б

О, шундоқ бўлса гар, аввалгидайин  
Боққум кўзингизга... Нечук? Не боис  
Хиралантирдингиз уларни атай?  
Дариғ тутаясизми табассумингиз?

Лекин мен не учун нигоҳу жилва  
Замиридан маъно ахтаришим шарт,  
Шундоғам эшитиб турибман, ҳагто  
Нима демоқчисиз сиз сукут ила?  
Оҳ, Рэха, Рэха! Қўп рост айтмишди у:  
“Аввал уни теран, хўб ўргангин!” деб.

Р э х а

Ким айтмиш? Ким ҳақда? Сизга айтмишми?

Р о ҳ и б

“Аввал уни теран, хўб ўргангин!” деб  
Отангиз айтмишди сиз ҳақда менга.

Д а й я

Мен-чи? Мен ҳам шундоқ демаганмидим?

Р о ҳ и б

Лекин қасрда у? Отангиз қани?  
Ҳамон саройдами?

Р э х а

Ҳа, саройда.

Р о ҳ и б

Наҳот? Бунчалар паришонхотир бўлмасам!  
Йўқ, йўқ, зинҳор ундай келишмагандик. —  
Маъбаднинг ёнида кутмоқчи эди,  
Эладим, ҳа, ҳа: шунга келишгандик  
Маъзур тутинг! Ҳозир қайтаман.

Д а й я

Тўхтанг,  
О, жўмард! Келмоқда бу ерга ўзи.

Р о ҳ и б

Йўқ, қўйинг! У мени кутмоқда, ахир.  
Нечундир юрагим жуда безовта,  
Агар мен шу зумда етиб бормасам,  
Кутилмаган ғавғо бўлиши аниқ...  
Сиз яхши билмайсиз султон феълени...  
Ишонинг, кўз тикиб турибди бир хавф.

Р э х а

Хавф? Кимга?

Р о ҳ и б

Менга ва сизга, отангизга.  
Шошилмоғим зарур менинг шу боис.

**САҲНА КҮРИНИШИ**

С а л о ҳ и д д и н ва Н а т а н

С а л о ҳ и д д и н

Кела қол, эй жуҳуд! Яқин кел!.. Кўрқма!

Н а т а н

Сендан душман кўрқсин.

С а л о ҳ и д д и н

Сен Натанмисан?

Н а т а н

Шундай.

С а л о ҳ и д д и н

Донишманд ҳаммисан?

Н а т а н

Йўқ.

С а л о ҳ и д д и н

Аён,  
Олмагансан ўзинг ушбу лақабни,  
Халқ берган уни.

Н а т а н

Шундоқдир, эҳтимол...

С а л о ҳ и д д и н

Ўйлама, мен халқнинг раъйи-таъбиға  
Кибр-нафрат билан боқмаганман ҳеч.  
Зеро, у донишманд атаган инсон  
Кимлигин билмоққа қўп маҳтал эдим.  
Халойиқ билмас ҳеч аҳли башарнинг,  
Асл манфаати нимада эрур;  
Лек сен англаб етдинг бунини қасд қилиб.  
Ўйладинг уззу кун — сени донишманд  
Аташга кифоя шунинг ўзи ҳам.

Н а т а н

Бундайин донишманд деб ўзин ҳар ким  
Санаши мумкин.

С а л о ҳ и д д и н

Нечун, бу камтарлик!  
Унга жой йўқ совуқ ақл ёнида.



*(Ўрнидан сакраб туради.)*

Бас, етар сафсата! Ўтайлик ишга.  
Найранг қилма, жухуд! Бўлгин самимий.

Н а т а н

Ишон, сенга ҳиммат кўргазгум, султон;  
Шундоқ ҳимматки бу, сен кейинчалик  
Тақдирлаунг мени ишончинг билан.

С а л о ҳ и д д и н

Ҳиммат кўргазунг? Нима билан?

Н а т а н

Сенга  
Етказгум паст нарҳда — неки аслдир.

С а л о ҳ и д д и н

Нималар деябсан? Сен ўз молингдан  
Сўз очмоқчимисан? Олди-сотдини  
Синглинг билан қил. (Энди эшит буни!)  
Сени савдогар деб чорлаганим йўқ.

Н а т а н

Билишни истайсан сафар чоғида  
Мен пухта тўплаган бор маълумотни?  
Ёвларинг аҳволин сўрамоқчисан —  
Тагин ёмон ўйда гимирлаб қолган?  
Рости...

С а л о ҳ и д д и н

Қизиқтирмас булар ушбу дам.  
Бу ҳақда маълумот кўлимда бисёр.  
Мен хоҳлардимки...

Н а т а н

Амр эт, султон.

С а л о ҳ и д д и н

Модомики чиндан донишманд бўлсанг,  
Қайси динни ҳамда қайси қонунни  
Ҳаммасидан аъло дея санайсан?

Н а т а н

Ахир, мен — яхудий.

С а л о ҳ и д д и н

Мусулмонман мен;  
Яна ўртамизда насроний ҳам бор.

Бироқ бу уч диннинг фақат биттаси  
 Ҳақли ҳақиқий дин бўлмоққа. Сендек  
 Ҳурфикр қисмати раво айлаган  
 Динга кўр-кўрона қилмас эътиқод.  
 Лекин танлабдими бирорта динни,  
 Демак афзаллигин тополган унинг.  
 Мени қизиқтирар шу афзалликлар.  
 Сира вақтим йўқдир менинг бу ҳақда  
 Бош қотирмоққа. Шу боис сен менга  
 Ўз фикрларинг, мулоҳазаларинг  
 Очиқ-ойдин айт, — шоядки менда ҳам  
 Туғилса мукаммал, теран ҳулоса.  
 Хўш? Нега жимсан? Ҳайронсан бунча?  
 Балки мен шунақа ғалати феълли  
 Биринчи султонман; лекин ушбу феъл  
 Олий мартабамга етказмас пугур.  
 Ё гапим ёлғонми? Қани, айт? Гапир!  
 Ёки ўйлашинга берайми муҳдат?  
 Майли, изн айладим — ўйла! Ўйла тез!  
 Мен ҳозир қайтаман, ўйлаб тургин сен.

*(Ҳозиргина Зита чиқиб кетган эшикка йўналади.)*

## САҲНА КҮРИНИШИ

Н а т а н *(ёлғиз)*

Ҳм-м-м! Ҳим-м-м!  
 Вожаб! — Бу не ҳол! Бу нечук эрмак?  
 Мендан талаб қилар десам инжу зар,  
 Ҳақиқатни сўйла, деди дафъатан,  
 Тиллога топилмас соф ҳақиқатни!  
 Сийқа ҳақиқатлар унга бир чақа!  
 Янгиси керакмиш, ҳеч айнимаси.  
 Кимдир халгасига танга тўпласа,  
 У эса миясин ҳақиқат билан  
 Тўлдирмоқ ишқига тушган, шекилли.  
 Энди иккимиздан қайсимиз жуҳуд?  
 Унга ҳақиқатда... ҳақиқат эмас,  
 Ёлғон зарур бўлиб қолган бўлса-чи?  
 Яхшимас ёқласам яҳудийликни,  
 Инкор айламоқлик — мутлақ нораво.  
 У ҳолда сўрашга ҳаққи бор мендан:  
 Агар қарши бўлсанг яҳудоликка  
 Мусулмон эмассан нега, ахир деб?  
 О, топдим! Ҳа-ҳа, мен топдим нажотни!  
 Фақат болалармас эртакка муҳлис.  
 Энди келаверсин! Майли, келсин у.

## САҲНА КҮРИНИШИ

С а л о ҳ и д д и н ва Н а т а н

С а л о ҳ и д д и н

Хўш, қалай? Келиб қолмадимми жуда  
 Ошиғич? Обдон ўйладингми барин?

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Қани, гапир? Бунда бизнинг гапларни  
Ҳеч кимса эшитмас.

Н а т а н

Майли, эшитсин  
Бугун дунё бизни.

С а л о ҳ и д д и н

Шунақа дегин!  
Ҳақлигинга шунча ишончинг зўрми?  
Буни донишмандлик деса бўлади!  
Ҳақиқатгўйликни қилиб қоида,  
Унга барчасини қурбон қилмоқлик!  
Қонни ҳам, жонни ҳам! Умрни, шонни!

Н а т а н

Ҳа, гар нафи бўлса, бўлса фойдаси.

С а л о ҳ и д д и н

Демак, бундан буён арзийди олсам  
“Коинот ва қонунлар валинеъмати”  
Деган унвонни.

Н а т а н

О, ажойиб унвон!  
Жавоб кутмоқдасан сен мендан, султон,  
Кичик бир эртақдан бошламоқ менга  
Қулайроқмикин? Агар изн этсанг?

С а л о ҳ и д д и н

Бўлмасам-чи! Эртақ гадосиман мен  
Сўйлай билишса гар хуш, қойилмақом.

Н а т а н

Бу иш келмас менинг қўлимдан балким.

С а л о ҳ и д д и н

Яна итоатинг ила ғолибсан!  
Сўйла! Сўйлай қолгин, яхшиси, қани!

Н а т а н

Қадим замонларда шарқ ўлкасида  
Бир одам яшарди; унинг қўлида  
Қимматбаҳо лаълли узук бор эди.  
У лаъл минг хил рангда товланарди ва  
Эга эди ажиб сир-синоатга:  
Кимки тақиб юрса уни ихлос-ла  
Улус ва худога келар эди хуш.  
Не тонгки, ул одам — узук соҳиби,  
Нафақат ажралмай ундан туну қун,  
Балки туғилажак насли учун ҳам  
Сақлаб қўймоқликка қилибди қарор!

У ниятин шундоқ айлабди бажо:  
 Суюкли ўелига бериб узукни,  
 Дебди: қолдир сен ҳам энг суюклинга.  
 Алқисса, узукка сазовор фарзанд  
 Авлодни идора қилибди беғам,  
 Сеҳрли узукнинг жолуси билан.  
 Диққат айла, султон.

С а л о ҳ и д д и н

Вужудим — диққат.

Н а т а н

Падардан ўелига ўтиб бетиним,  
 Ниҳоят тегибди уч ўғилли бир  
 Отага; Не ажаб, унга уч ўғил  
 Бирдек севимли ва ардоқли экан.  
 Лекин баъзан ота тўнғич ўғлини  
 Кўпроқ яхши кўрса, сўнг ўртанчасин  
 Яхши кўрар экан, кейин кенжасин.  
 Хуллас, ҳар бир ўғил ота наздида  
 Ворис туюлибди узукка якто.  
 Отанинг ҳимматли юраги бир кун  
 Сеҳрли узукни уч ўғилга ҳам  
 Ваъда қилибди ва ўтиб кўп йиллар,  
 Улим яқинлашиб, отанинг кўнгли  
 Ғуссага тўлибди зўр муаммодан:  
 Узукни бирига берайин деса,  
 Қолганларин хафа қилмоғи мумкин.  
 Субутсизлик эса унга буткул ёт!  
 Энди нима қилсин? — Кўп ўйлангач у  
 Кетса ҳамки қанча меҳнат, қанча пул,  
 Шундай икки узук ясаб берсин деб,  
 Узукни заргарга йўллабди зимдан.  
 Ният бажо бўлиб, учта узукни  
 Заргар келтирганда ота қўлига,  
 Шу дам унинг ўзи ўз узугини  
 Фарқлаб ололмабди улар ичидан.  
 Мақсадидан мамнун қария шунда  
 Ўғилларин чорлаб қошига бир кун,  
 Эзгу дуо айлаб, сўнг узукларни  
 Бир-бир тутқазибди ва кўз юмибди.  
 Эшитяпсанми, султон?

С а л о ҳ и д д и н

*(саросимада ундан юз буриб)*

Ҳа, ҳа! Фақат тез  
 Тугатгин эртакни.

Н а т а н

Сўнгига етдим.  
 Нима бўлди кейин — шундоғам аён.  
 Ота риҳлат қилгач, ҳар битта ўғил  
 Узук билан келиб, йўлбошчиликни  
 Қилибди даъво. На тафтиш, на-да арз,  
 На баҳсу талаб — ожиз эди бунда:  
 Қайси узук асл — исботламоқлик,  
 Далиллаб бермоқлик мумкин эмасди.

(Султон жавобини кутиб, сукут сақлайди.)  
Худди шунинг каби қай дин ҳақиқат —  
Бизга билмоқ мушкул.

С а л о ҳ и д д и н

Шуми, бўлдимиз?  
Жавоб ўрнидами бу айтганларинг?

Н а т а н

Менинг узрим учун асосдир ушбу:  
Ота тақдим этган бу учта узук  
Бир-бирига ўхшаб кетарди чунон,  
Уларни фарқлашга мен ҳам ожизман.

С а л о ҳ и д д и н

Узук-пузукни қўй! Бас қил сафсатанг!  
Динлар орасида — мен сенга айтган  
Фарқлар ўйлайманки, топилар, каммас;  
Уларни либосда, таомда, урфда  
Кўрмоқ қийинмас-ку!

Н а т а н

Фақат асосда —  
Эмаски, уларнинг асоси яхлит:  
Тарихи битгадир, шундоқ эмасми?  
Қадим солномалар, нақл-ривоят —  
Далолат беради барчаси шундан.  
Бироқ ишонмаймиз бизлар тарихга!  
Ишонган боғ бизга ҳам суянган тоғ,  
Емайин едирган, киймай кийдирган,  
Биз учун ҳаттоки жон бермоққа шай  
Қиблагоҳ — отамиз ҳамда онамиз.  
Мудом эътиқодим тимсоли бўлган  
Оталарим руҳини қўйиб, мен сенинг  
Аждодинг руҳини қилайми тавоб?  
Ёки аксинча: қандоқ ахир, талаб  
Қилмоғим мумкин — сен ўз қавминг айблаб  
Ёлғон-бўхтонда, меникин тан олсанг?  
Ёндашмоқлик мумкин худди шу тақлид  
Насронийларга ҳам, шундоқ эмасми?

С а л о ҳ и д д и н

Барчаси ҳаққи рост! Фикрингни бўлмай.

Н а т а н

Энди келсак узук масаласига,  
Айтилгани каби мазкур эртақда,  
Баҳс бошланган оға-инилар аро;  
Қозининг олдига бориб ҳар бири,  
Узутин ҳақиқий деб қилган даъво.

С а л о ҳ и д д и н

Қози нима деди? Жуда ҳам қизиқ,  
Гапиртира олунг қозини қандай?

## Н а т а н

Қози дебди: мен ҳам сирли узукнинг  
 Сеҳр-жодусидан тошпанман хабар:  
 Кимки бу узукнинг бўлса соҳиби  
 Нафақат аҳли юрт, ҳаттоки Худо —  
 Ғоят илтифотли бўларкан унга.  
 Унинг бор қудрати шунда мужассам,  
 Бундайин қудрат йўқ соҳга узукда.  
 Бошқа иккингиздан кўра, айтингиз,  
 Севимли эрурсиз қайси бирингиз?  
 Нечун индамайсиз? Демакки сизнинг  
 Узугингиз таъсир қилмас ўзгага?  
 Фақат ўзингизга қудрати қодир?  
 Демак ҳар ким севар фақат ўзини?  
 Агар шундоқ эрса, о, учингиз ҳам  
 Алдамчисиз ёки алданган шўрлик!

## С а л о ҳ и д д и н

Мошалло! Ажойиб!

## Н а т а н

Қози сўзини  
 Давом эттирарди: “Агарки сизга  
 Маслаҳатмас, ҳукм кўп зарур бўлса,  
 Даф бўлинг! Маслаҳатим эса менинг  
 Шундайин: ким нимага эга бўлса,  
 Шу билан қаноат айласин. Узук  
 Ҳар кимда бор ва майли, ҳар ким  
 Ҳақиқий атасин ўз узугини.  
 Балки падарингиз ҳеч истамаган  
 Бир узук деб низо пайдо бўлишин.  
 Ҳар ким ўзидаги узук сеҳрини  
 Қанчалик қудратга эга эканин  
 Англашга интилсин ҳамиша, ҳар вақт!  
 Ўзингизга ишонч ортмоғи учун  
 Қамтарроқ бўлингиз, соме ва комил,  
 Ёруғ юзли бўлинг худо олдида!  
 Агар бу эзгу қуч наслингиз аро  
 Томир ёйиб борса мустаҳкам, теран, —  
 Уларни чорлагум минг асрдан сўнг  
 Айнан ушбу жойга. У маҳал бунда  
 Бошқа ҳакам бўлар — мендан ақлли.  
 Ва ҳукмин ўқир у. Энди борингиз!” —  
 Шундоқ яқунлади қози сўзини.

## С а л о ҳ и д д и н

Ё раббий! Тангрим!

## Н а т а н

Агар, Салоҳиддин,  
 Ўша ҳакамликка ўзингда хоҳиш  
 Ҳис этган бўлсанг, майли...

С а л о ҳ и д д и н

*(Унинг қўлидан маҳкам тутиб, сўзининг охиригача қўйиб юбормайди)*

Менми? Мен-а?  
Ғариб бир хоксор? — Ё раббий!

Н а т а н

Не бўлди?

С а л о ҳ и д д и н

Натан, Натан! Ўтмади-ку ҳали минг аср.  
Ҳакамлик қилмоққа менга йўл бўлсин!  
Хайр. Лекин дўстим бўлиб қолгин сен.

Н а т а н

Менга бошқа айтар гапинг йўқми ҳеч?

С а л о ҳ и д д и н

Йўқдир ҳеч гапим.

Н а т а н

Ҳеч бир-а?

С а л о ҳ и д д и н

Йўқ. Нима?

Н а т а н

Менинг илтимосим бор эди, яъни  
Қачонки, вазият...

С а л о ҳ и д д и н

Илтимос, ахир,  
Кутмас вазиятни!.. Сўрайвер, гапир!

Н а т а н

Мен қайтдим яқинда узоқ сафардан,  
Берган қарзларимни йиғиб, ўйладим:  
Ортиқча эмасми менга шунча пул?  
Шундоқ замонларга етиб келдикки,  
Ўйламоқлик керак ҳамма жиҳатни.  
Зеро шунча пулни қандоқ сақлай мен?  
Ва келди миямга шу фикр: ахир,  
Юрт уруш хавфида, уруш дегани —  
Кутилмаган сарфлар, чиқимлар... Балки  
Сен ҳам нимагадир муҳтожсан...

С а л о ҳ и д д и н

*(унга диққат билан термулиб)*

Наган!

Сенда, чамамда, шубҳалар уйғонган  
Менга нисбатан, ҳа, шунинг учун ҳам  
Таклиф қиляяпсан ўз ҳимматингни  
Шундайми, тан ол...

Н а т а н

Қанақа шубҳалар?

С а л о ҳ и д д и н

Мен бунга лойиқман. Не ҳам қилардим?  
Мени кечир: бўйнимга олишим зарур,  
Сен билан ўзим ҳам гаплашмоқчийдим...

Н а т а н

Ўша ҳақдамасми?

С а л о ҳ и д д и н

Худди шу ҳақда.

Н а т а н

Қара-я, гапимиз чиқмиш бир жойдан!  
Маблағ борасида ташвиш чекма ҳеч.  
Яна бир зот кўнглин олмоғим зарур.  
Бир жўмард роҳиб бор, сенга таниш у...

С а л о ҳ и д д и н

Қай жўмард роҳибни айтаётирсан?  
Умид қиламанки, сармоянг билан  
Менинг ёвларимни қўлламагайсан?

Н а т а н

Қанақа ёв бўлсин! Ҳаётин ўзинг,  
Сақлаб қолган эдинг у йигитнинг сен.

С а л о ҳ и д д и н

О, эсимга солдинг! У ўсмирни мен  
Унуган эканман муглақ, тамоман.  
Уни биласанми? Ҳозир қайларда?

Н а т а н

Эшитмаган эдинг наҳотки? Сенинг  
Эзгу марҳаматинг туфайли унга  
Қарздорман. Арзанда қизимни, ахир,  
Ёнгиннинг комидан қутқараман деб  
Омон қолди яна у бир ўлимдан.



## С а л о ҳ и д д и н

Ўшами қутқарган? Унинг рафтори —  
 Қуйиб қўйган каби ўхшар укамга.  
 У ҳам шундай мардлик қиларди балки.  
 Ҳали шу ердами? Бошлаб кел тезроқ!  
 Укамни таърифлаб синглимга кўп бор  
 Гапирганман, бироқ кўрмаган уни.  
 Бошлаб кел, укамни кўргандай бўлар.  
 Боргин, бора қол тез. Келтиргин уни!

## Н а т а н

*(қўлини бўшатиб)*

Ҳозироқ боргум! Бошқа ишлар ҳақда —  
 Кейинроқ, албат?

*(Кетади.)*

## С а л о ҳ и д д и н

Оҳ, афсус, синглимга  
 Ижозат бергандим. Олдига борай,  
 Барчасин батафсил қилай ҳикоя!

*(Бошқа эшикдан чиқиб кетади.)*

## САҲНА КЎРИНИШИ

Саҳна монастыр ва унинг ёнида ўсган хурмо дарахтидан иборат. У ерда Р о ҳ и б  
 Н а т а н н и кутмоқда.

## Р о ҳ и б

*(Саросимада бориб-келаётир; юрагини бўшатиш учун дафъатан овоз чиқариб.)*

Тўхта, шўрлик қурбон! Нафасинг ростла!  
 Етар, бас! Қалбимни муттасил тафтиш  
 Қила бермоқ ҳолдан тойдирди ортиқ;  
 Ортиқ ўйламасман сени ҳам, толе!  
 Қочиб кетдим, бекор-беҳуда, бироқ  
 Не чорам бор эди қочмоқдан ўзга?  
 Нима бўлса бўлар, энди бари бир!  
 Зарба шу қадар тез эдики, ўзим  
 Унглиниб олмоққа улгурдим аранг,  
 Авайлар эдим гар ўзимни мудом.  
 Уни бир бор кўрмоқ — эмасди орзу,  
 Мангу термулишга энди муштоқман.  
 Аҳду паймон — демак қатъий ҳаракат!  
 Мен эса — ўйинчоқ эдим бир аянч.  
 Уни кўрмоқ — висол, о, тотли висол,  
 Ощуфта юраклар пайваста лаҳза!  
 Унинг таърифига борми ҳеч таъбир?!  
 Тасаввур қилолмам усиз яшашни,  
 У бамисли менинг жисмим ичра жон.  
 Жонсиз жисмим менга не даркор, ахир.  
 Бизни ажратолмас ҳаттоки ажал.

Ҳатто ўлганимдан сўнг ҳам тасаввур  
 Қилмоқ унингсиз ўзни — ўлимдир.  
 Севгими?.. Ҳа, севги! Бўлдим мубғало!  
 Севади насроний яҳудий қизни... ҲМ-М-М!  
 Не тонгки, шундай!.. Бу жаннат заминда  
 (У мангу турсин!) турфа хил бидъат  
 Ноқис одатлардан мосуводирман.  
 Мағлабим нимадир? То асир тушиб  
 Роҳиблик ридосин эғнимга илдим,  
 Унга бегонаман. Ҳамда бу бошим —  
 Султоннинг ҳадыси, ўзгармаганми?  
 Йўқ, ўзгарган у. Унга аввалги  
 Ўй-хаёлилар, жами мулоҳазалар —  
 Бегона ва ёт. Шу ҳам кўп маъкул:  
 Кетгум қайга оғса бу ўғай юрда!  
 Мен ҳис этипманки, бу бошда шундоқ  
 Туйғулар галаён қилмоқладирки,  
 Не тонг, улар кечган бўлса отамнинг  
 Хаёлидан ҳам, агарки у ҳақда  
 Сўйлашмаган бўлса менга эртақлар.  
 Эртақлар! Уларда ҳақиқат мужассам бироқ;  
 Мен отам йиқилган жойни кўрганда  
 Барчаси айни шу лаҳзадагидек  
 Менга туюлмаган ҳақиқий бўлиб.  
 Йиқилган? Катталар-ла йиқилмоқ афзал  
 Кичиклар билан тик тургандан кўра.  
 Унинг умр йўли — мен учун ибрат.  
 Йўқса, кимдан олай ибратни тагин?  
 Натанданми? О, у менга нафақат  
 Ибрат — балки ато этар қувват ҳам.  
 Яҳудий-да, борар жухудлигига!  
 Ана, келяпти у; ошиқиб мамнун,  
 Ҳали Салоҳиддин олдиан ҳеч ким  
 Ноумид чиқмаган! Ҳой, Натан! Натан!

## САҲНА КЎРИНИШИ

Н а т а н в а Р о ҳ и б

Н а т а н

Нима? Ўзингизми?

Р о ҳ и б

Шубҳасиз, бироқ  
 Султон ушлаб қолди сизни.

Н а т а н

О, кўпмас!  
 Ўзим айбдорман, имиллаб бордим.  
 Юксак шавкатига муносиб зот у.  
 О, унинг ҳаммати, улуғворлиги  
 Ҳар не шон-шухратдан минг чандон зиёд!  
 Келгирдим мен сизга қувончли мужда.

Р о ҳ и б

Наҳотки?

Н а т а н

У сизни кўрмоқни истар,  
Ҳозироқ, ҳозироқ боришингиз шарт.  
Аввал уйга бирров кириб ўтайлик,  
Арзимас ишим бор, сўнг ров жўнаймиз.

Р о ҳ и б

Уйингизга кирмам мен иккинчи бор,  
Тоинки...

Н а т а н

Ҳали кирган ҳаммидингиз?  
Гаплашдингиз ҳамми қизим билан? Хўш?  
Айтинг, Рэха сизга ёқдимми?

Р о ҳ и б

Сўз йўқ,  
Таърифга! Бироқ у билан яна  
Кўришмоқ — о, Натан! Зинҳор-базинҳор!..  
Қанийди у билан шу ондан бошлаб,  
Ҳар кун кўришунг деб берсангиз ваъда,  
Қанийди!..

Н а т а н

Сизни мен тушунай қандоқ?

Р о ҳ и б

*(Қисқа сукутдан сўнг, дафъатан унинг бўйнига осилиб.)*

О, отам!

Н а т а н

Йигитча!

Р о ҳ и б

Ўғлим, денг! Натан,  
Илтимос!

Н а т а н

Оббо, шоввоз-эй!

Р о ҳ и б

Ўғлим денг!..  
Натан, Натан! Илтимос, ўгинаман:  
Юракнинг ҳақиқий ришталарини  
Турфа кишанлардан кўйинг устувор!

Ҳақиқий ҳотамнинг измин тутинг, бас!  
Менинг туйғуларим айламанг абгор!

Н а т а н

Азиз дўстим, қадрдонгинам!

Р о ҳ и б

Ўелим

Демайсизми? Ўғилмасманми?.. Гарчи  
Қизингиз қалбига эътироф севги  
Сўқмоғини очган бўлса ҳам? Гарчи  
Туғашмоғи учун юракларимиз  
Жиндак имонгизга бўлсак-да мушпоқ?

Н а т а н

Менинг ҳолимни танг қилиб қўйдингиз,  
Жувонмард йигит!

Р о ҳ и б

Ҳолингизни танг?  
О, наҳот шундоқ? Сиздек инсонни-я?  
Сўзларим ҳарорат бериш ўрнига,  
Наҳотки ҳолингиз танг қилган бўлса!

Н а т а н

Аввал менинг билиб олмоғим зарур,  
Қайси Штауфен отангиз бўлган!

Р о ҳ и б

Нималар деяпсиз, Натан! Шу лаҳза  
Безовта қилса-я сизни шу жумбоқ!

Н а т а н

Шундай... Билардим мен Штауфенни;  
Исми Конрад эди.

Р о ҳ и б

Менинг отамнинг  
Ҳам исми шунақа бўлса-чи?

Н а т а н

Балки?

Р о ҳ и б

Унвоним отамдан: ахир, Курд, Конрад  
Бир хил ва битта-ку.

Н а т а н

Бироқ мен билган  
Конрад роҳиб эди сиздай, сўққабощ;  
Демак, сизга ота бўлолмайди у.

Р о ҳ и б

Нечун, ахир?

Н а т а н

Сабаби аён!

Р о ҳ и б

Отам

Бўлиши мумкин-да.

Н а т а н

Ҳазиллашяпсиз.

Р о ҳ и б

Сиз жиддийсиз ўта! Хўш, нима бўпти?!  
Никоҳсиз туғилган! Биздақалар-ла  
Ҳеч кимнинг ҳеч қайда бўлмайди иши.  
Наслу насабимдан нечук муддао!  
Бу ҳақда сўраманг, мен ҳам сўрамай.  
Худо кўрсатмасин, агар сиз ҳақда  
Борсамми мен жиндек шубҳа-гумонга,  
Аждодингиз санаб бирма-бир роса,  
Тақайсиз муқаррар нақ Иброҳимга.  
У ёғи мен учун ой каби равшан —  
Онт ичиб далиллай олишим мумкин.

Н а т а н

Жаҳдингиз ноўрин. Менда нима айб?  
Сизга рад қилмадим. Ҳар бир сўзингиз —  
Самимийлигини текширдим, холос.

Р о ҳ и б

О, наҳот? Мен сиздан узр сўрайман.

Н а т а н

Кетдик, кетдик!

Р о ҳ и б

Сизникигами? Йўқ! Йўқ!  
Нақ оташ сарими? Кутгум. Сиз боринг!  
Тақдирда бор бўлса агар кўришмоқ,  
Унинг-ла кўришгум, кўриб тўйгайман.  
Менга шу ўзи бас, ортиқча ҳатто.

Н а т а н

Сизни кўп кутишга қилмасман мажбур.

## САҲНА КҮРИНИШИ

Р о ҳ и б, кейин Д а й я кўринади.

Р о ҳ и б

Етар, ҳолдан тойдим! Ортиқча бари!  
 Мияда ўй-хаёл бисёр шу қадар,  
 Баъзан у ҳатто энг майда фикрдан  
 Тўлиб-тошиб кетар. Бари кераксиз,  
 Ҳаммаси беҳуда. Бироқ сабр шарт!  
 Қалбимда жўш уриб безовта ҳислар,  
 Йўл очиб оларкан улар ўзига  
 Яна нурланар дил — кучар ҳаловат.  
 Наҳотки бу менинг илк муҳаббатим?  
 Балки аввалгиси эрмак эди бир.  
 Энди илиндимми севги домига?

Д а й я

*(ёни билан яшириниб)*

Ҳой, жаноб!

Р о ҳ и б

Ким у? Дайя, сизми?

Д а й я

Сезмай қолди у  
 Ёнидан шу лаҳза ўтиб кетганим.  
 Бироқ бу жой кўздан панамас, келинг  
 Бу ёққа! Дарахтнинг ортига келинг!

Р о ҳ и б

Нима содир бўлди? Қандай сирли гап?

Д а й я

Сирли, тўғри, ҳақсиз: шу сир боис ҳам  
 Келдим қошингизга ва сир биттамас.  
 Бири — сизнинг, бири — менинг сиримдир.  
 Айирбош қилармиз балки! Сиз — менга  
 Ишонинг сирингиз, мен эса — сизга.

Р о ҳ и б

Не дердим, тайёрман. Бироқ мен аввал  
 Билиб олай — менинг қандай сирим бор?  
 Сизникидан англаб оларман? Бошланг.

Д а й я

Сизни қаранг! Йўқ, йўқ, муҳтарам жаноб,  
 Аввал сиз айтасиз, кейин — мен. Агар  
 Сирингиз билмасам, менинг сиримни  
 Билишингиз бекор, бефойда. Шундоқ!

Тортиб олишим ҳам мумкин, у ҳолда  
Ҳисобга кирмас бу, доғда қоласиз.  
Менинг сирим ўзим билан қолар ва  
Кучини йўқотар сизнинг сирингиз.  
Қачон аёллардан эркак ўз сирин  
Эшлаб яширолган, о, шўрлик жаноб!

Р о ҳ и б

Қайсики ўзи ҳам билмайди баъзан.

Д а й я

Айтайлик, шундоқ ҳам. Шундоқ эрса гар,  
Олай ташаббусни, чин дўстлик ҳаққи.  
Қандоқ тушунмоқлик мумкин, айтинг-чи,  
Сизнинг бизни кўриб қочганингизни?  
Нима бу, даф бўлинг деганингизми?  
Нега қайтмадингиз сўнг Натан билан?  
Рэха сизга манзур келмаган балким?  
Балки ҳаддан зиёд манзурдир? Бешак!  
Ҳа, ҳа, ҳаддан зиёд! Хўш, энди қандоқ  
Тиширчиламоқда қафасдаги қуш?  
Нима бўпти? Иқрор бўлингиз — уни  
Телбадек севасиз; мен сизга айтсам...

Р о ҳ и б

Телбадек? Наҳот? Китобий гаплар бу.

Д а й я

Лоақал севгини, ишқни тан олинг:  
Телба сўзин, майли, қўйиб турайлик.

Р о ҳ и б

Бу-ку шак-шубҳасиз, шундоқ эмасми?  
Роҳиб севиб қолмиш яҳудий қизни!..

Д а й я

Ҳа, бунинг унчалик аҳамияти йўқ,  
Лекин нималардир муҳимроқ жуда,  
Ҳагтоки донолар идроки ожиз  
Маъвода йўл бошлар халоскоримиз.

Р о ҳ и б

Наҳот шундоқ эрур! (Бироқ агарда  
Халоскорни закий башоратчига  
Айлангирсак, бўлур айни муддао!)  
Сиз менинг қалбимга солдингиз туғён —  
Ҳеч қачон бу қадар тўлиб-тошмаган.

Д а й я

О, бу мўъжизалар мамлакатидир!

Р о ҳ и б

(Ғалат мўъжизалар десак, ярашар!  
Чунки тўшланмоқда бунда оломон.)  
Майли, Дайя, бўлсин сиз айтганчалик:  
Уни севаман мен, унингсиз ҳаёт  
Менга ҳаёт эмас; агар...

Д а й я

Ростми бу? Ростми?  
Унда ҳозир менга сўз беринг, уни  
Қутқармоққа! Ушбу ҳаётда ҳамда  
Охиратда ҳам!

Р о ҳ и б

Буни қандоқ қилай?  
Не чораси бор? Измимда бўлмаган  
Ҳаётга мен қандоқ ичайин қасам?

Д а й я

Йўқ, у — измингизда. Менга бир сўз денг —  
Утар қўлингизга бу ҳукмронлик.

Р о ҳ и б

Отанинг ҳукми-чи?

Д а й я

Э, ота ҳукми —  
Уни мажбурларлар.

Р о ҳ и б

Қандоқ? Мажбурларлар?  
Нима, қароқчилар қўлидамики?  
Ҳеч ким мажбурлашга ҳаққи йўқ.

Д а й я

Буни Натан дилдан хоҳлаши керак.

Р о ҳ и б

Қандоқ — дилдан ўзи хоҳлаши керак?  
Айтиб қўяйинки, Дайя, бу ҳақда  
Унга ўсмоқчилаб изҳор қилганман.

Д а й я

У рози бўлдими?

Р о ҳ и б

Негадир, лоқайд.



Д а й я

Нималар деяписиз? Мамнунлигидан  
Яйраб кетмадимиз сиз сўраган чоғ  
Жуфти ҳалолликка қизи Рэхани?  
Лоқайд турдимиз у? Мужмал қилдимиз?

Р о ҳ и б

Деярли шундоқ.

Д а й я

Унда бир зум ўйлай.

*Сукут.*

Р о ҳ и б

Ўйлаб бўлгандирсиз?

Д а й я

Гар ростин айтсам,  
У одам беназир ҳимматда. Унга  
Қарздорман қилган кўп яхшилиги-чун!  
Зинҳор ундаймас у! Кўрасиз, мана,  
Юрагимда аччиқ изгиروب билан  
Журъат этаман мен.

Р о ҳ и б

О, Дайя! Келинг  
Барҳам берайлик бу сирли мақомга.  
Агар ўзингиз ҳам гумон қилсангиз,  
Эзгу яқунига ниятингизнинг.  
Журъатингиз солса сизни танг ҳолга,  
Яхшиси, тапирманг бу борда, бас!  
Сизнинг дилингизга галаён солган  
Туйғулар ҳақида сўз очмам мен ҳам!

Д а й я

Сир сақламоқ эмас, сир кўзгамоқ бу.  
Унда билинг, Рэха яҳудий эмас,  
Насроний у.

Р о ҳ и б

*(совуққон)*

Хушнуд айлар бу мужда.  
Қийналиб-қийналиб айтдингиз охир.  
Тўлғоқдан чўчиманг! Сиз осмонларни  
Ишғол қилинг, замин рағбатингизга  
Яроқсиз туюлса, туюлса тубан!

Д а й я

Таъна-маломатми муддао асли?

Айтдим-ку — насроний наслидан Рэха;  
Сиз ҳам насронийсиз ҳамда роҳибсиз,  
Боз устига ошиқ, — хурсандмисиз, хўш?

Р о ҳ и б

Сизнинг матоҳингиз — насроний насли,  
Менимча, баридан мана шу муҳим.

Д а й я

Энди ҳаммасини тушунгандирсиз?  
Менга шундай оқил валлюмат зарур.  
Ундан қачонлардир тортиб олинган  
Ҳақиқий ҳаётни берсин қайтариб.

Р о ҳ и б

Гапнинг индаллосин айтинг ё кетинг;

Д а й я

У насроний бўлиб туғилган азал..  
Чўқинтирган яқинлари...

Р о ҳ и б

*(жонланиб)*

Натан-чи?

Д а й я

Натан отасимас.

Р о ҳ и б

Нима дедингиз?  
Натан отасимас?

Д а й я

Чин гапни айтдим,  
Мудом қон айлаган менинг дилимни —  
Ҳақиқат шу: Натан отаси эмас.

Р о ҳ и б

Лекин ўз қизидек тарбиялаган!  
Насроний улғайган яҳудий бўлиб!

Д а й я

Одатдагидек.

Р о ҳ и б

Буни у биларми?  
Эшитганми ундан бир бор ақалли  
Насроний эканин, яъни бу демак —  
Туғилмаганлигин яҳудий бўлиб.

Д а й я

Асло, ҳеч қачон.

Р о ҳ и б

Бола гумроҳликда ўсанми шундоқ,  
Гумроҳ қолганми у улгайганда ҳам?

Д а й я

Афсус, бахтга қарши!

Р о ҳ и б

Тушунолмаيمان!  
Натан, донишманд ва ҳимматли одам,  
Наҳотки иш тутса адолатга зид?  
Қарор қилмаганми — мусаффо қалбнинг  
Тугёнин бурмоқни бошқа ўзанга,  
Озод ўганида агар у, балки  
Ўзига ўзга йўл танларди! Дайя!  
Менга ишондингиз шундай сирники...  
Шундайки... фалокат ҳидин таратар...  
Бошим қотди... билмам не қиларимни!  
Бироз ўйлаб олай... Сиз эса боринг!  
Ҳозир келиб қолар. Кўзи тушмасин.  
Кетинг тез!

Д а й я

Пайқаса — ўлганим менинг!

Р о ҳ и б

У билан сўзлаша олмам бу ҳолда.  
Учрашсангиз айтинг бир оғиз гапни,  
Султон ҳузурида кўришгаймиз биз.

Д а й я

Эҳтиёт бўлингиз, сир бой берманг ҳеч!  
Майли, ўзингизни қўлга олинг, бу  
Сўнги бардошингиз Рэха қўнглидан  
Ортиқ гумонларни қувгайдир шояд.  
Уни Европага олиб кетсангиз,  
Қолдириб кетмассиз мени бу ерда?

Р о ҳ и б

Бу ҳақда сўз кейин. Кетинг тез!

## САҲНА КЎРИНИШИ

Саҳна кўриниши монастыр йўлагидан иборат. Унда Шогирд-роҳиб ва Роҳиб.

Ш о г и р д - р о ҳ и б

Ҳазратим беҳуда бермади дакки,  
Пешволар амрини қилолмам уdda,  
Шунда ҳам мажбурлаб қўйишмайди ҳеч.

Ўзимни гўлликка солиб бурнимни —  
 Дуч келган тирқишга суқишим даркор,  
 Ҳатто ямоқчилик кўлимдан келмас —  
 Икки дунёда ҳам чиқмас айғоқчи.  
 Наҳот тубанликка бутунлай ботмоқ —  
 Учун тарки дунё қилган бўлсам мен!

Р о ҳ и б

(унга шошилинч яқинлашиб)

Ниҳоят топдим мен сизни, биродар!

Ш о г и р д - р о ҳ и б

Мени-я, муҳтарам жанобим?

Р о ҳ и б

Наҳот  
 Танимаясиз?

Ш о г и р д - р о ҳ и б

Танимайин нечун!  
 Лекин, ростин айтсам, баҳаққи Худо,  
 Мени излайсиз деб ўйламагандим.  
 Бунга комил эди ҳатто иймоним.  
 Парвардигор шоҳид, ишонинг менга —  
 Бунчалар бемаъни тошпириқ билан —  
 Қанча қийналганим Худога аён.  
 Бемаъни таклифни етказиб сизга,  
 Таклифларим асти маъқул келмасин —  
 Дея пинҳона мен ёлворгандим ҳам.  
 Шу боис сиз ҳатто узоқ ўйламай,  
 Номуносиб кўриб ўз шаънингизга  
 Рад қилганингизда таклифим қатъий —  
 Қанча шод бўлганим бир Худо билар.  
 Ўзгардимми ёхуд фикрингиз ногоҳ?

Р о ҳ и б

Сизга аниқ бир гап айтишим қийин,  
 Ўзингиз жўяли бир гап айтарсиз?

Ш о г и р д - р о ҳ и б

Таклифимни демак ўйлабсиз узоқ,  
 Ўзингизга, ҳатто бош роҳибга ҳам —  
 Фойдали жиҳатин топа олгансиз.  
 Унинг бу нияти нафақат обрў —  
 Мўмай сармоя ҳам келгирар сизга.  
 Сақлаб қолган билан бизни ўлимдан —  
 Душман ўла қолса бизга бўлмас дўст.  
 Мазкур жиҳатларни хўб, теран ўйлаб  
 Бош эгиб келибсиз мана ниҳоят.  
 Бу ҳам каромати қодир эгамнинг.

## Р о ҳ и б

Ўзи ёрлақасин биз осийларни!  
 Бугунлай бошқа бир ниятда келдим,  
 Қолаверса, мен бош роҳиб билан ҳам —  
 Бошқа бир мавзуда гаплашмоқчиман.  
 Гапи битта бўлар асл жўмарднинг,  
 Менга ҳаётимни қайтариб бериб,  
 Дўстона дастини узатган зотнинг —  
 Ишонч-эътиқодин оқламоғим фарз.  
 Мақсадга кўчсам гар, мен бош роҳибдан  
 Маслаҳат сўрай деб келдим бу ерга.

## Ш о г и р д - р о ҳ и б

(кўрқа-ниса аланглаб)

Сиз ахир зобитсиз — иши жанг-жадал,  
 Руҳонийнинг эса юмуши бўлак.

## Р о ҳ и б

Ўринли эътироз, бироқ у билан —  
 Диний бир мавзуда гаплашмоқчиман.

## Ш о г и р д - р о ҳ и б

Лекин унутмангки, сиздай зот билан —  
 Ҳатто дин ҳақида қурмайди суҳбат.

## Р о ҳ и б

Лекин ўзи масъул бўлиб бу ишга,  
 Хатога йўл қўйган бўлса гар, унинг  
 Аҳволига ҳеч ким қилмагай ҳавас.  
 Агар бу масала биргина менга  
 Дахлдор бўлсайди ва биргина мен  
 Жавобгар бўлсайдим бу ишда, асло  
 Йўқлаб келмас эдим пешвонгизни ҳеч!  
 Бироқ ишлар борки, уларни ҳаргиз  
 Ўзинг ҳал этгандан кўра ҳарҳолда  
 Бошқа назар билан битирган маъқул.  
 Айни чоғда — кўриб турибман аён —  
 Дин ҳам сиёсатга айланган, зеро,  
 Кимки санамасин ўзини унга  
 Дахлдор эмас деб, аслида эса  
 Сиёсатдан асло бўлолмас холи.  
 Шундоқ экан, демак бўлсин қонуний.

## Ш о г и р д - р о ҳ и б

Жим турганим маъқул мен бу хусусда.  
 Сизни англамоққа ожизман, жаноб.

## Р о ҳ и б

Бундан қатъи назар! (Аслида менга —  
 Хулосами ёхуд маслаҳат даркор?)

Холис бўлгани соз, илмий на ҳожат!  
 Жуда катта раҳмат, сизга, дўстинам,  
 Илло, тўғри йўлга бошладингиз сиз.  
 Бош роҳиб ким бўпти? Сиз ундан камми?  
 Илло, насронийлар пешвоси эмас,  
 Пешво насроний деб қарайман сизга.  
 Мана, гап нимада...

Ш о г и р д - р о ҳ и б

Керакмас, жаноб!  
 Йўқ, йўқ, керакмас! Ҳеч ҳожати йўқ!  
 Мендан не маслаҳат чиқсин! Кимки гар —  
 Қанча кўп илмдан бўлса хабардор —  
 Масъулияти ҳам кўп бўлар шунча;  
 Менинг эса ёлғиз бир вазифам бор...  
 Ортиғи не даркор! Бахтимга қаранг  
 Ўз оёғи билан келаётибди.  
 Тўхтанг, тўхтанг, ахир. Сизни пайқади.

## САҲНА КЎРИНИШИ

Аввалгилар ҳамда Б о ш р о ҳ и б, виқорига хос дабдабали либосда йўлақларнинг бирида кўринади.

Р о ҳ и б

Бундайларни асти ёқтирмас жиним,  
 Бетидан қон томар, кеккайиши-чи!  
 Бунчалар зийнатга бурканмаса у!

Ш о г и р д - р о ҳ и б

Сарой либосида кўрмабсиз уни!  
 Ҳозир келаётир бемор қопшдан.

Р о ҳ и б

Ҳатто Салоҳиддин уялса керак.

Б о ш р о ҳ и б

*(яқинлашиб, шогирд-роҳибга ишора қилади)*

Ҳой! Роҳибми? Нечун у бунда?

Ш о г и р д - р о ҳ и б

Билмам.

Б о ш р о ҳ и б

*(Роҳиб олдига келади. Шогирд-роҳиб ва мулозимлар ортга чекинишади.)*

Хўш, аскар! Хурсандман, жуда мамнунман  
 Кўриб турганимдан шундоқ йигитни!  
 Баайни болакай! Бунда нимадир,  
 Худо хоҳласа бас, чиқар рўёбга.

## Р о ҳ и б

Боридан кўпроғи, эй муҳтарам зот,  
Балки камроғидир?

## Б о ш р о ҳ и б

Мен хоҳлайманки,  
Муқаддас динимиз шаъни-шавкати,  
Тангрининг амрини бажариш учун  
Мана шу навқирон, валломат йигит  
Давру даврон суриб, яшагай узоқ.  
Бу эса рўёбга чиқар муқаррар —  
Мардона ёшларнинг иқболи порлоқ,  
Панду насиҳатта қилсалар амал.  
Нимага муҳтожсиз, муҳтарам жаноб?

## Р о ҳ и б

Келганман мен ҳозир сиз айнан айтган  
Ёшлик эҳтиёжи — маслаҳат учун.

## Б о ш р о ҳ и б

Марҳамат. Бироқ, шарт амал қилмоқлик!

## Р о ҳ и б

Кўр-кўрона-я?

## Б о ш р о ҳ и б

Ҳеч ким айтгани йўқ  
Кўр-кўрона деб. Ахир, худо бизга  
Ақл-идрок берган. Зарур кезларда  
Фойдаланиш учун зийраклик билан.  
Шундай йўл тутарми ҳамиша барча?  
Муқаддас динимиз равнақи ҳамда  
Иймон-этиқоднинг поклиги учун,  
Лутфу марҳаматин аямай зарра,  
Фаришталар ёхуд фаришга монанд —  
Аҳли уламнинг даъвати билан  
Тангрим ўз ҳукмини билдирар экан:  
Ким ўзин ақли-ла само фармонин  
Тафтиш қилмоқликка ҳаққидирман дер,  
Ўзи шу ақлни яратган бўлса?  
Ким ўзин ўткинчи ҳамиятининг  
Ғариб низомини олий қонунлар  
Олдига қўёлур андоза қилиб?  
Бор гапимни айтдим, жанобим энди  
Қандай маслаҳатни кутгайлар биздан?

## Р о ҳ и б

Тасаввур қилинг бир, азиз отахон,  
Яҳудийда қиз бор — яккаю ёлғиз;  
Айтайлик, у қизнинг юрагида энг  
Эзгу туйғуларни айлаб парвариш,  
Ўстирди ўз жони каби авайлаб,  
Ки қиз ҳам меҳрин ҳеч аямас ундан.

Огоҳ бўлар кимдир кутилмаганда —  
 У қиз яҳудийнинг қизи эмасмиш;  
 Уни қачонлардир, мурғаклигида  
 Топиб, сотиб ёки ўғирлаб олмиш, —  
 Не десангиз денг, — аслида гўдак  
 Насроний қавмидан, чўқинтирилган,  
 Аммо яҳудийча тарбия олмиш;  
 Уни қизим дея — яҳудий қиз деб  
 Атайди жуҳуд. Муҳтарам зот, айтинг:  
 Нечук масала бу?

Б о ш р о ҳ и б

Нақадар қабих!  
 Бироқ жаноб менга аниқроқ айтсин:  
 Нима бу — ҳаётда мавжуд қисматми  
 Ёки зериккан қалб яратган қисса;  
 Яъни жаноб тўқиб айтмасми буни  
 Ё содир бўлганми ҳаётда чиндан,  
 Давом этмоқдадир балки ҳозир ҳам?

Р о ҳ и б

Менинг учун фақат сизнинг мўътабар  
 Фикрингиз керакдир — бошқа жиҳати  
 Фарқсиз мутлақо.

Б о ш р о ҳ и б

Фарқсиз мутлақо?  
 Мана ўзбошимча мағрур инсоннинг  
 Ҳур тафаккури черков ишларида  
 Қанақа гуноҳлар қилиши мумкин.  
 Асло! Бундоқмас! Агар бу воқеа  
 Тасаввур меваси бўлмаган бўлса,  
 Муҳокама қилмоқ — бемаъни бир иш.  
 Яхшиси, жанобни мен театрга  
 Йўллаш қолай, унда бу хил қисматлар  
 Чунон маҳорат-ла ўйналмоқдадир.  
 Агар жаноб менинг бошимни ажиб  
 Уйдирмалар билан айлантирмоққа  
 Аҳд қилмаган бўлса ва бу воқеа  
 Бизнинг музофотда, шаҳри Қуддусда  
 Содир бўлган бўлса чиндан ҳам, унда...

Р о ҳ и б

Хўш нима, унда?

Б о ш р о ҳ и б

Бир зум ҳам тўхтамай  
 У яҳудийни жазоламоқ керак.  
 Диний ҳам дунёвий ҳуқуқ бобида  
 Бундоқ разолатга жорий қонун бор.

Р о ҳ и б

Шундоқ денг!



## Б о ш р о ҳ и б

Хусусан, уларда аниқ  
Таъкидлаб қўйилган, агарда жухуд  
Насронийни ўзин асл динидан  
Қайтармоққа саъи ҳаракат қилса,  
Гулханда ёқилгай.

## Р о ҳ и б

Шундоқ денг!

## Б о ш р о ҳ и б

Агар  
Жухуд насроний бир болани қасддан  
Чўқинган динидан айирар бўлса,  
Ҳукм, боз устига, бўлгай аёвсиз.  
Зеро болаларга биз нелар қилсак,  
Зулм бу ҳар қайда ҳар вақт уларга!  
Бундан фақат черков аҳли мустасно.

## Р о ҳ и б

Жухуд қилмаганда агар мурувват,  
Нобуд бўлмасмиди бола очликдан?

## Б о ш р о ҳ и б

Фарқи йўқ! У гулхан ўтига маҳкум,  
Гўдак қашшоқликда ўлгани афзал,  
Халос қилингандан кўра тоабад.  
Жухудга қолганмас худонинг куни.  
Хоҳласа — усиз ҳам кутқаражакдир.

## Р о ҳ и б

Ўйлайманки, қатъи назар жухуддан,  
Саодат бахш этгай!

## Б о ш р о ҳ и б

Сира фарқи йўқ!  
У гулхан ўтига маҳкум.

## Р о ҳ и б

Мен учун  
Жуда қайғули бу. Шу боисданки,  
Қиз яҳудий қилиб тарбияланган,  
Боз устига динсиз. У худо ҳақда  
Билар фақат идрок талаб қилганин.

## Б о ш р о ҳ и б

Фарқи йўқ! У гулхан ўтига маҳкум...  
Фақат шунинг ўзи қилар кифоя,  
Уни бир бор эмас, юз бор ёқмоққа!  
Не ҳол? Ўстирмоқлик гўдакни динсиз!

Ахир, ахир, бизнинг илк вазифамиз  
Танитмоқ эмасми унга худони?  
Қуюшқондан чиқиб кетиш бу! Жаноб,  
Маъзур тузинг мени, ахир, ўзингиз...

Р о ҳ и б

Қолган нарсаларни, о, соҳибкарам,  
Ажрим қилар худо тавбага кўра.

*(Кетмоққа шайланади.)*

Б о ш р о ҳ и б

Қандоқ? Ҳеч бир гапин тугалламай-я?  
Ва ёвуз жухуднинг номин ҳам айтмай?  
Қошимга ҳукм-чун келтирмайин-а?  
Унда — биламан мен нима қилмоқни!  
Султонга боргумдир! Таслим чоғида  
Қасам янглиғ айтган қатъий сўзида  
Зиммасига олган ҳимоямизни;  
Муқаддас динимиз таълимотини  
Алқаган каломи битилган хатта.  
Худога шукрки, бу асл нусха  
Унинг имзосию муҳри-ла мавжуд!  
Қийинмас, султонга уқтирмоқ — динсиз  
Янаш кулфатлигин мамлакат учун!  
Тонса эътиқоддан инсон озгина,  
Узилгай, топталгай фуқароликнинг  
Жами ришталари! Даф бўл, разолат!

Р о ҳ и б

Афеуски, мен ҳузур қила билмайман  
Тинглаб сўнгигача бу ажиб ваъзни!  
Султон чақиртирган.

Б о ш р о ҳ и б

Жўмардсиз? Шундайми?  
Унда ўз-ўзидан масала равшан...

Р о ҳ и б

Изн этгайсизми, муҳтарам ҳазрат,  
Бу ҳақда султонни огоҳлангирсам?

Б о ш р о ҳ и б

О, биламан, унинг сизга меҳри зўр!  
Фақат бир нарсани ўтингум сиздан:  
Тилга олмагайсиз мени ёмонлаб!  
Фақат худованддан менинг раббатим:  
Нимаики қилган бўлсам мен унга  
Ихлосим туфайли қилдим, илтимос,  
Шуни унутманг! У жухуд ҳақида  
Айтганларингиз — шунчаки бир жумбоқ,  
Шундайми? Ўзга нарсамас...

Р о ҳ и б

Ҳа, жумбоқ.

(Кетади.)

Б о ш р о ҳ и б

(Бироқ мен тагига етишим керак.  
Тагин биродарим Бонафидасга  
Иш топилди.) Келгин, кела қол, ўелим!

(Шогирд-роҳиб билан гаплашган кўйи кетади.)

## САҲНА КЎРИНИШИ

Саҳна Салоҳиддин саройининг бир хонаси кўринишидан иборат, қуллар у ерга қоллар ташиб, бир-бирига тиркаб қўяди. С а л о ҳ и д д и н, кейин З и т а кўринади.

С а л о ҳ и д д и н

(кираркан)

О, нимадир булар? Ҳадсиз-ҳисобсиз!  
Ҳали бордир яна?

Қ у л

Ҳа, ярмидир бу.

С а л о ҳ и д д и н

Унда қолганини синглимга элтинг.  
Ал-Ғофий қаерда? Булар барчасин  
Ўтказиб қўйсин у хазинасига.  
Ё барин отамга жўнатаймикин?  
Мен ҳаржлаб қўяман уларни тезда.  
Қаттиққўл бўламан энди, етар, бас.  
Йирикроқ ҳадяга қўз тикса кимки,  
Энди керак бўлар катта маҳорат.  
Етиб келмас экан гар Мисрдан пул,  
Изғисин қашшоқлик, майли, бу ерда  
Лекин тобулларнинг ёнида юрган  
Ғадойларни рози қилмоқлигим шарт.  
Токи зиёратчи ҳар бир насроний  
Бу ердан кетмагай қуруқ қўл билан!  
О, агарда яна...

З и т а

Булар не эрур?  
Менга келтиришди қандай пулларни?

С а л о ҳ и д д и н

Ундан олгин қарзинг; қолганларини  
Заҳирага қўйгин.

З и т а

Нима, ҳали ҳам  
Келмадимми Натан Роҳиб-ла бирга?

С а л о ҳ и д д и н

Афғидан, ахтариб овора уни.

З и т а

Қара, лаш-лушларнинг ичидан топдим!

*(Унга мўъжаз суратни кўрсатади.)*

С а л о ҳ и д д и н

Нима бу? Укам-ку! Ҳа, инимдир у,  
Бир пайт тирик эди. О, маъсум гўдак!  
О, мен жуда эрта айрилдим сендан!  
Агар бўлганинда менинг-ла бирга,  
Нелар қилмасдик биз! Менга бер, Зита,  
Биламан: у ҳадя қилганди бун  
Кичик сингилчамга — жонидан суйган  
Лайлога, бағридан чиқиб бораркан  
Сўнг бор хайрлашиб. Охирги марга  
У кетди сафарга. Уни мен ўзим  
Кузатиб қўйгандим! Ҳайҳот! Мен ўзим!  
Лайло куйиб адо бўлди доғида,  
Шундоқ олис йўлга унинг бир ўзин  
Қўйиб юборганим учун мени у  
Кечирмади сўнги нафаси қадар.  
У кетди, ортига қайтмади кейин!

З и т а

О, шўрлик акам!

С а л о ҳ и д д и н

Ёнишдан не фойда!  
Барибир бир куни кетгаймиз биз ҳам!  
Лекин, ким билади? — Биргина ўлим  
Қайгара билмасди буңдоқ оташқалб  
Йигитни танлаган қатъий йўлидан.  
Ундайлар ғаними кўп бўлур, зеро  
Кучли ҳам йиқилмай ожиздек кўп бор.  
Майли, қисмат экан, руҳи шод бўлсин,  
Қани солиштириб кўрайин-чи бир  
Унинг суратини роҳибга, шунда  
Билум тасаввурим қанчалар тўғри.

З и т а

Худди шу мақсадда келгирдим уни,  
Қайтар, қайтар уни ўзимга! Ахир,  
Бунга ўткироқдир аёлнинг кўзи.

С а л о ҳ и д д и н

(кирган эшикбонга)

Ким у? Роҳибмасми? Майлига, кирсин.

З и т а

Сизга энди халал бермаслик ҳамда  
Уни таажжубга солмаслик учун...

(Чеккадаги диванга ўтиради ва пардани туширади.)

С а л о ҳ и д д и н

Яхши, ажойиб! (Овози? Наҳотки  
У ҳам ўхшашдир? Қалбим тубида  
Тирикдир Асаднинг овози мудом!)

## САҲНА КЎРИНИШИ

Р о ҳ и б ва С а л о ҳ и д д и н

Р о ҳ и б

Султон, ҳузурингга келди асириг...

С а л о ҳ и д д и н

Асирим? Наҳот мен ҳаёт бахш этиб,  
Эрк ҳам бермоқликни унутган бўлсам?

Р о ҳ и б

Сен мени муносиб билсанг, хулосанг  
Эшитмай мадҳ этмоқ менга ножоиз.  
Бироқ мен ўзимнинг ҳаётим учун  
Сендан қарздорлигим айтурман такрор.  
Неки юз бермасин, менинг бу умрим  
Амрингга бахшида.

С а л о ҳ и д д и н

Имоним комил,  
Уни менга қарши ишлатмагайсан!  
Ихлосингга раҳна сололмас ёвлар;  
О, мен алданмабман сенда, маъсум қалб!  
Бугун борлигинг-ла Асаддирсан сен.  
Энди ташна дилим билишни истар:  
Қаерларда эдинг шу пайтга қадар?  
Қай горда ухладинг? Қай салтанатда  
Қайси маликанинг меҳри ила сен  
Яшнадинг омонда, бебаҳо гулим?  
Руҳан бир бугунмиз, қайда бўлма сен.  
Жиндак койишга ҳам тайёрман, зеро  
Сенинг юрагингга теран бир сир бор.  
Укамдан ненидир яширгандексан.  
Ҳа, ҳа! Бу сир дарҳол кўнглим қилар гаши  
Сенга ва ўзимга кўз солган маҳал!

Майли, шундоқ бўлсин! Лекин бир нарса  
Бари бир ҳақиқий эрурки: укам —  
Асадинам умрим кузида тагин  
Гулдек яшнаб турар! Хурсандмисан, айт?

Р о ҳ и б

Сенинг бу ҳимматинг, бағри кенглигинг,  
Ширин орзу бўлган мен учун мудом.

С а л о ҳ и д д и н

Қилажакман сени ҳозир имтиҳон,  
Саройда қолмоқлик сенга маъқулми?  
Мен билан яшашга розимисан, айт?  
Насроний, мусулмон — барчамиз инсон!  
Хоҳла — салта ўра, хоҳла — қалпоқ кий.  
Мен учун бари бир! Ки мен ҳеч қачон  
Барча дарахтларнинг бир хил шаклда,  
Бир тусда бўлишин истамаганман.

Р о ҳ и б

Ҳа, сен ўзгача бўлишинг мумкин эмас ҳеч:  
Беназир зотсан сен, Тангрининг эзгу  
Ҳар бир аъмолига ҳамиша тайёр!

С а л о ҳ и д д и н

Агар шундай бўлса, мен модомики  
Яхши одам бўлсам кўзинг ўнгида,  
Демак ниятимиз ярми ижобат?

Р о ҳ и б

Шубҳасиз!

С а л о ҳ и д д и н

*(қўл узатиб)*

Бу — онтми?

Р о ҳ и б

*(унинг қўлига қўлини ташлаб)*

Ҳа! Сенга — бутун  
Вужудим, борлигим — сеники, инон!

С а л о ҳ и д д и н

Шунча омаду бахт — бир кунда! Кўплик  
Қилмасмикин? Қани? Қайда қолди у?

Р о ҳ и б

Ким?

С а л о ҳ и д д и н

Натан.

Р о ҳ и б

(совуққонлик билан)

Мен келдим ёлғиз.

С а л о ҳ и д д и н

О, қандай жасорат кўрсатолдинг сен!  
Ки бунда шундайин пурмазмун борки,  
Бу инсон бахтини таъминламоқни  
Тақдир юкламишдир сенга.

Р о ҳ и б

Ҳа, шундай!

С а л о ҳ и д д и н

Нечун, айт, шашгинг паст? Йўқ, йўқ, эй йигит!  
Худо биз орқали олий ҳимматин  
Намоён қиларкан, сусткаш бўлмоққа  
Зинҳор ҳаққимиз йўқ, ҳатто камтарлик  
Ҳисси ёлғондакам жўшиб турса ҳам!

Р о ҳ и б

Ушбу дунёдаги ҳар бир ашъёда  
Мингта жиҳат борки, улар бир-бирин  
Мингта ришга билан боғлаб турарлар  
Ва уларни илгаш осонмас жуда.

С а л о ҳ и д д и н

Улар энг манзурин маҳкам тут, ҳамда  
Тангрини алқайвер! Фақат у билар  
Нимани нимага боеламоқликни.  
Агар қаергаки етиб қадаминг,  
Шу ерда гавгога сен ташна бўлсанг,  
Унда мен ҳам сендан бўлпум эҳтиёткор.  
Нетай, бахтга қарши, мен бир ашъёман —  
Кам боғланган ўзга ришталар билан.

Р о ҳ и б

Афсусланарли ҳол. Мен имкон қадар  
Шубҳа-гумонлардан юраман йироқ.

С а л о ҳ и д д и н

Ва лекин бутунлай йироқ эмассан?  
Қачондир кимдандир шубҳа қилгансан?  
Чамамда, Натандан! Нечун Натандан?  
Сен-а? Нечун, ахир? Тупшунгириб бер!  
Кўрай ишончингнинг илк муждасини.

Р о ҳ и б

Натанга боғлиқлик йўқ бунда сира.  
Ўзимдан хафаман.

С а л о ҳ и д д и н

Нега, не боис?

Р о ҳ и б

Бир кун хаёлимдан ўтдики, жуҳуд  
Гуё жуҳудлигин борар унутиб;  
Бунинг чинлигига инондим ҳатто.

С а л о ҳ и д д и н

Очиқ гапир! Очикроқ гапир!

Р о ҳ и б

Султон,  
Билармидинг Натан қизи борлигин?  
Мен унга қўлимдан келганин қилдим,  
Қўлимдан келгани шу эди, холос.  
Фурурим қўймади термоққа унда  
Миннатдорлик, олқиш гулларин, зеро  
Экиб қўймагандим мен ўзим бир вақт.  
Ва мен у қиз билан учрашув кунин  
Суриб келавердим ортга, боиси  
Отаси сафарда эди. Қайтди ҳам.  
Келиб барин билди. Мени топти ва  
Кўнгли алланечук ҳисдан энтикиб,  
Қизи борасида сўради, кейин  
Келажак кунлардан сўз очди жўшиб,  
Кулиб турган бахтдан айлаб умидвор.  
Хулласи, кўндирди мени ва келиб  
Кўрсамки, қиз чиндан... О, кўксим, султон  
Номусдан ловуллар!

С а л о ҳ и д д и н

Нега, не учун?  
Яҳудий қиз сенга ёқмадими ҳеч.  
Нечун сен бунчалар изтиробдасан?

Р о ҳ и б

Отанинг сўзидан қанот боғлаган  
Юрагим ҳайратдан тонг қотди!  
Қайтадан киргандек бўлдим оловга,  
Розиман, деб айтдим, лекин умидим  
Кесилди.

С а л о ҳ и д д и н

Қандоқ?



## Р о ҳ и б

Албатта, ота  
 Бирдан “йўқ” жавобин бермади, бироқ,  
 Донишманд эмасми, у ёқ-бу ёгин  
 Бироз ўйлаб олай, дея важ қилди.  
 Мен ҳам ўйланардим, умидланардим,  
 Қиз олов комида эди бу асно.  
 О, бундай вазминлик, бундай ақл-идрок  
 Ҳеч бир қуюшқонга келарми тўғри?

## С а л о ҳ и д д и н

Айт-чи, чол лойиқми шундоқ таънага?  
 Ё туриб олдим оёгин тираб?  
 Ё сенга, яҳудий бўласан, дея  
 У қўйдими шарт?

## Р о ҳ и б

Менга қоронғи!

## С а л о ҳ и д д и н

Натанни  
 Билар, фақат уни яқиндан билган.

## Р о ҳ и б

Қандайин бидъатда улғаймайлик биз,  
 Чақиб олсак ҳамки мағзин, бир умр  
 Улар даф бўлмагай ҳаётимиздан.  
 Кишаннинг устидан кулмоқ — бу ҳали  
 Ундан озод бўлдим дегани эмас.

## С а л о ҳ и д д и н

Кўп гўзал айтдингиз, аммоки Натан...

## Р о ҳ и б

Ҳамма таассубдан ёмон таассуб —  
 Шунчаки деб билмоқ ўз таассубин...

## С а л о ҳ и д д и н

Шубҳасиз! Ва лекин Натан...

## Р о ҳ и б

У ёлғиз,  
 Фафлат босганларни бирма-бир овлар,  
 Бироқ кимки ҳушёр...

## С а л о ҳ и д д и н

Лекин Натан  
 Бундайин гуноҳга дахлдор эмас.

## Р о ҳ и б

Мен ҳам авваллари шундоқ ўйлардим!..  
Бироқ бу камдан-кам воқеа бўлиб,  
Мўъжиза саналар бунинг устига,  
Яъниким, оддий бир жуҳуд насроний  
Гўдакларни излаб, топиб ва зимдан  
Уларни ўстирса яҳудий қилиб, —  
Айтинг, нима қилмоқ керак?

## С а л о ҳ и д д и н

О, наҳот!  
Шу гаплар рост бўлса!

## Р о ҳ и б

Унинг қўлида  
Мен сари ташланган қармоқ ва ҳамда  
Қилган ишим ажру мукофотига  
Ваъда этилган қиз, яъни ўз қавми,  
Тўдасидан айро насроний гўдак  
Унинг қизи эмас муглақо!

## С а л о ҳ и д д и н

Сенга  
Бермоқни истамас шундоқ бўлса ҳам?

## Р о ҳ и б

(қизишиб)

Истайдими ёки истамайдими —  
Бари бўлди фош! Диннинг ҳуқуқлари  
Куруқ сафсата! Разил фалсафасин  
Қўйнинг терисига ўраниб олган  
Бу қари қашқирга итлар тўдасин  
Гижгжлайки бир, терисин шилишсин!

## С а л о ҳ и д д и н

(жиддий)

Насроний! Ўпканг бос!

## Р о ҳ и б

Нега насроний  
Ўпкасин босаркан? Жуҳуд, мусулмон  
Ҳимоя қилган пайт ўзиникини?  
Фақат насроний ўз насронийлигин  
Ёқлай олмайдими, ҳаққи йўқми ҳеч?

С а л о ҳ и д д и н

(янада жиддий)

Ҳушинг йиғ, насроний!

Р о ҳ и б

(ўзини қўлга олиб)

О, Салоҳиддин!

Сен бор таъналаринг жойлаб шу сўзга  
Қаҳринг жиловладинг, сезиб турибман.  
Тасаввур қилиб кўр: бундай ҳолатда  
Уканг Асад ўзин қандоқ тугарди?!

С а л о ҳ и д д и н

Сендан бамаънироқ, албатта, бироқ  
Қизишиб, тутақиб кетарди, шаксиз.  
Лекин қайдан олдинг сен бир сўз билан  
Асаддек сеҳрлаб қўйиш хислатин?  
Албатта, ҳаммаси сен айтганингдек  
Содир бўлган эса, шубҳасиз Натан  
Айланур мен учун чигал жумбоққа.  
Аммо у дўстимдир, мен ўз дўстларим  
Аро йўлатмасман низо уруғин.  
Ўзингни қўлга ол ва ҳушёр бўл ҳар вақт!  
Натанни оломон чиркин гирдоби  
Аро отмоқликка шошилма кўп ҳам!  
Ҳеч кимга сўз очма, аҳли динингиз  
Қасос ўти ичра ёниб телбавор,  
Ёприлиб келмасин менинг қошимга!  
Исони ўртага солмагин ҳеч вақт  
Мусулмон ва ёки яҳудий зотин  
Масхара қилиш-чун, ёниб аламда!

Р о ҳ и б

Эвоҳ, сал бўлмаса кечиккан эдик!  
Яхшиям, жунбушга кириб бош роҳиб  
Қонга ташналигин билдиргач аён,  
Унга қурол бўлмоқ аҳдидан қайтдим!

С а л о ҳ и д д и н

Нима, бош роҳибга бордингми аввал,  
Сўнг, кейин менга?

Р о ҳ и б

Алам гирдобида  
Изғиб беқарор! Мени маъзур тутгин!

Қўрқаманки, энди менда Асадни  
Қўрмоққа кўнглингда рағбат ҳам сўнган!

С а л о ҳ и д д и н

Шу қўрқув бўлмаса эди агарда!  
Дарвоқе, мен яхши биламан, қайси  
Иллатлардан ўсиб чиқар фазилят.  
Уни кузатишда давом эт, ҳамда  
Кечиримли бўлгин нуқсонларига.  
Энди бор! Балки Натан сени ҳозир  
Излаб юргандир, сен ҳам уни изла —  
Ва бирга келингиз! Сизларни энди  
Яраштириб қўйгум, бақамти қилиб.  
Ва агар у қизнинг хаёли мудом  
Ақлингни ром этиб турган бўлса, бил,  
У сеники бўлар! Ва биз Натандан  
Шуни сўраймизки, айни чоғ нечун  
Қизига ман қилган тўнғиз гўшгини?  
Бора қол!

*Роҳиб кетади, Зита дивандан туради.*

*Давоми келгуси сонда.*



Пауло КОЭЛЬО

**Бешинчи тоғ**

Роман

**УЧИНЧИ ҚИСМ**

**У**лар яна йўлга отландилар. Бола, сарбозларни нима сабабдан бу қадар ҳафсала билан машқ қилдиришипти, деб сўради.

— Фақат сарбозлар эмас, сенинг онанг ҳам, мен ҳам, ўз қалбига кулоқ соладиган одамларнинг ҳаммаси ҳам шай турмоғи керак. Ҳаётда ҳамма нарсани астойдил ўрганмоқ керак.

— Ҳатто наби бўлмоқ учун ҳам ғайрат билан ўрганиш керакми?

— Ҳатто фаришталарни англамоқ учун ҳам мутасил ўрганиш керак. Бизнинг фаришталар билан гаплашишга иштиёқимиз шу қадар зўрки, улар тилга кирганда овозлари кулоғимизга кирмай қолади. Уларни тинглаш унчалик осон иш эмас. Биз ибодатларимизда ҳамиша хатоларимиз учун тавба қилишга, алланималарни тилаб олишга ҳаракат қиламиз. Аммо Эгам ҳамиша ҳамма нарсадан бохабар ва баъзан у бизни Койнот гапираётган гапларни шунчаки тинглашга даъват қилади. У яна сабр-қаноатга чақиради бизни.

Бола лол қолиб, уни тинглаб борарди. Афтидан, у ҳеч нарсани англаётгани йўқ эди, лекин шундоқ бўлса-да, Илёс суҳбатни давом эттириш кераклигини сезиб турарди. Шундай бўлмоғи ҳам мумкинки, бола улғайганда бу сўзлардан бироргаси унга оғир дақиқаларда асқотиб қолиши мумкин.

— Ҳаётдаги ҳамма жангу жадаллар бизга бирор нарсани ўргатмоқ учун зарур. Ҳатто биз бой берадиган жангу жадаллар ҳам. Катта бўлганимда ўзинг қандай сохта гоёларни ҳимоя қилганимни, ўзингни ўзинг алдаганимни ёки арзимас нарсалар учун изгируб чекканимни англаб оласан. Агар сен яхши сарбоз бўлиб етишсанг, бундай хатолар учун ўзингни айбдор деб билмайсан, лекин уларнинг такрорланишига йўл ҳам қўймайсан.

У индамай қолди. Бола бу ёшда бунақа гапларни англаёлмайди. Улар аста-секин кетиб борардилар. Илёс бир вақтлар унга бошпана берган шаҳар кўчаларини тамоша қилиб борарди. Бу шаҳар ҳадемай ер юзидан супириб ташланади. Ҳамма нарса унинг қандай тўхтама қелишига боғлиқ.

Акбар ҳар доимгидан кўра тинчроқ эди. Шаҳарнинг бош майдонида одамлар паст овозда гаплашиб туришарди. Улар гўёки шамол уларнинг гап-сўзларини ассирияликлар қароргоҳига учуриб олиб кетишидан қўрқаётгандек кўринардилар. Қексалар ҳеч қанақа нохуш воқеа рўй бермайди деб ишонтиришпа уринардилар. Ёшлар эса бўлажак жангу-жадаллардан анча-мунча ҳаяжонда эдилар, савдогарлар билан ҳунармандлар эса бу можаролар баргараф бўлгунча, Тир ва Сидон шаҳарларига кўчиб кетган яхши деган гапларни гапиришарди.

“Улар учун кўчиб кетишнинг қийин жойи йўқ, — деб ўйлади Илёс. — Савдогарлар бутун молу мулкени дунёнинг истаган жойига кўчириб олиб боришлари мумкин. Ҳунармандлар эса бегона тилда гаплашадиган шаҳарда ҳам бемалол меҳнат қилиб яшайверадилар. Менга эса Эгамнинг розилиги керак”.

Охири. Боши ўтган сонда.

\* \* \*

Улар қудуқнинг олдига бориб, икки челақ сув олишди. Одатда бу ерда ҳамиша одам гавжум бўларди. Аёллар кирларини ювиб, матоларини бўягани келишар ва шаҳарда рўй бераётган воқеаларнинг ҳаммасини бирма-бир элақдан ўтказиб чиқишарди. Қудуқ ёнида шаҳарнинг ҳамма сиру асрори ошкор бўларди. Бу ерда ҳамма нарсани — жиддий ишларни ҳам, унчалик жиддий бўлмаган ишларни ҳам, жумладан, савдо-сотик, оилавий можаролар, қўшнилар ўртасидаги жанжаллар, ҳукмдорларнинг шахсий ҳаёти дейсизми, хуллас, бутун шаҳар турмуши муҳокама қилинар, баҳоланар, қораланар ёхуд маъқуланар эди. Ҳатто узлуксиз равишда ёвнинг кучлари кўпайиб бораётган ойлarda ҳам муҳокама қилинадиган энг севимли мавзу Исроил подшосининг қалбини забт этган малика Иезавел бўлиб қолган эди. Одамлар уни жасорати ва довиорақлиги учун мақташар, шаҳарнинг бошига бирор мусибат тушадиган бўлса, унинг қайтиб келиб, қасос олишига астойдил ишонар эдилар.

Бироқ ўша куни эрталаб қудуқнинг ёнида деярли ҳеч ким йўқ эди. Уч-тўртта аёл тезроқ далага бориб, галла ҳосилини ўриб олиш зарурлиги тўғрисида гурунглашар эдилар. Акс ҳолда, яқин орада ассирияликлар шаҳарга олиб келадиган ва ундан олиб чиқадиган йўлларнинг ҳаммасини ёпиб қўйишар эмиш. Иккита аёл Бешинчи тоққа бориб, худоларга қурбонлик қилишмоқчи экан. Улар ўғилларининг жангда нобуд бўлишини истамас эдилар.

— Коҳин айтди — биз бир неча ойлар мобайнида душман қамалига дош бера олар эканмиз, — деди улардан бири Илёсга. — Акбарнинг шаънини дадиллик билан ҳимоя қилинса бас, худолар бизга кўмак беради.

Бола қўрқиб кетди.

— Ёвлар бизга ҳужум қиладими? — деб сўради у.

Илёс жавоб бермади, негаки, бу унинг қанақа тўхтама келишига боғлиқ эди.

— Мен жуда ҳам қўрқиб кетяпман, — дея ўқтин-ўқтин такрорларди бола.

— Бу — сенинг ҳаётни яхши кўришингни исботлайди, холос. Бу — табиий нарса. Ҳар қандай одам ҳам баъзан-баъзан кўрқув туйғусини кечириб туради.

\* \* \*

Илёс бола билан уйларига пешин бўлмаёқ қайтиб келишди. Бева аёл турфа хил бўёқлар солинган кичкина идишчалар қуршовида ўтирарди.

— Мен ишлашим керак, — деди у ҳарфларга ва чала қолган жумлаларга қараб. — Қурғоқчилик важдан шаҳар чангга тўлиб кетди. Мўйқаламлар тез-тез кирланиб қоляпти, бўёқ чангга қоришиб кетяпти, ишлаш борган сари қийин бўлиб қолмоқда.

Илёс ҳамон индамас эди. У кўнглидаги таҳликаларини аёл билан баҳам кўришни истамас эди. У хонанинг бир бурчига ўтирди ва бутунлай ўз фикрлари оғушига чўмди. Бола ўртоқлари билан ўйнагани чиқиб кетди.

“Унга тинчлик керак”, — деб ўйлади бева аёл ва ўз иши билан шуғулланишга киришди.

Эрталабки вақтнинг ҳаммаси атиги бир неча сўзни ёзиб битиришга кетди, ҳолбуки, бу ишни тезроқ бажарса ҳам бўларди. Аёл одамлар кутиб турган ишни ёлчитиб қилмаётгани учун ўзини гуноҳкор ҳис этарди. Сирасини айтганда, унинг ҳаётида биринчи марта оиласини боқиб имконияти туғилган эди.

У яна ўз ишига қайтди. Аёл папирусга ёзарди. Папирусни унга Мисрдан бир савдогар келтириб берганди. Бу савдогар Дамашққа уч-тўртта мактуб жўнатмоқчи экан, аёлдан шу хатларни ёзиб беришни илтимос қилди. Қоғознинг сифати унча яхши эмас эди, рангли сийёҳлар унга бир текис тушмас эди. Бироқ, барибир, шундай бўлса-да, бу сополга ёзгандан минг чандон яхши эди. Қўшни мамлакатларда хат-хабарларни сопол парчаларига ёхуд пергамент бўлақларига ёзиб жўнатиш расм бўлган эди. Гарчи Миср оғир таназул даврини бошидан кечириётган бўлса-да, айни шу мамлакатда одамлар савдо-сотик ишларини ёки тарихий воқеаларни ёзиб бормоқ учун жуда қулай ва осон

йўлни ўйлаб топишган эди. Одамлар Наҳри Нил соҳилларида ўсадиган қамишсимон ўсимликларнинг танасини майда бўлақларга бўлиб қирқиб чиқишар, кейин уларни унча мураккаб бўлмаган ҳаракатлар ёрдамида бир-бирига ёпиштиришарди. Натижада, сарғишроқ матога ўхшаган нарса пайдо бўларди. Акбар савдогарлари Мисрдан папирус олиб келиб сотишадиган бўлди, чунки бу ерда — водийда уни ўстиришнинг иложи йўқ эди. Гарчи у арзон бўлмаса ҳам, савдогарлар уни афзал кўришди. Чунки сопол парчалари ва теридан фарқ қилароқ, папирус варақларини бемалол чўнтакка солиб юрса ҳам бўларди.

“Албатта, бу осон ва қулай, — деб ўйлади аёл. — Фақат бир жиҳати бор, холос — папирусда ҳукмдорларнинг ижозати билангина бирон нарса ёзиш мумкин. Аввалли қонунга биноан, ёзма матнлар ҳозирга қадар Акбар шахрининг кенгашида текширувдан ўтмоғи керак.”

Ишини тугатгач, аёл уни Илёсга кўрсатди. Аёл матнни ёзиб бўлгунча, у бир нуқтага тикилиб, индамай ўтирган эди.

— Сенга маъқулми? — деб сўради аёл.

Илёс уйқудан беҳос уйғонгандек чўчиб тушди.

— Ҳа, чиройли, — деб жавоб берди у айтаётган сўзларининг маъносига унча эътибор бермай. Ҳойнаҳой, у Парвардигор билан гаплашаётган бўлса керак. Аёл унга халақит бергиси келмади. У қоҳинни олиб келгани кетди. Аёл қайтиб келганида, Илёс ҳамон ўша жойда ўтирарди. Қоҳин билан Илёс синчиклаб бир-бирларига тикилишди. Орага жимлик чўқди.

Биринчи бўлиб қоҳин гап бошлади.

— Сен набисан, фаришталар билан гаплашасан. Мен эса бор-йўғи бир қоҳинман, фақат қонунларни талқин қиламан, маросимларни бажо келтираман ва халқимни хатолардан эмин сақлашга ҳаракат қиламан. Мен биламан — кураш одамлар ўртасида бораётгани йўқ. Бу — худоларнинг жангу жадали, унга халақит беришга менинг ҳаққим йўқ.

— Гарчи сен аслида мавжуд бўлмаган худоларга сизинсанг ҳам, сенинг имонинг мустаҳкам, — деб жавоб берди Илёс. — Агар бу худоларнинг жангу жадали бўлса, Эгам Баални ва Бешипчи Тоғнинг бошқа аҳлларини ағдариб ташлаш учун мени ўзининг қуроли қилиб танлайди. Сен мени аввалроқ ўлдириб юборишинг керак эди.

— Мен бу тўғрида ўйлаганман. Лекин бунинг зарурияти бўлган эмасди. Керакли дақиқада худолар мендан меҳрибонликларини аямадилар.

Илёс жавоб бермади. Қоҳин ўгирилиб, бева аёл ҳозиргина ёзиб тугатган папирус варағини қўлига олди.

— Санъатинг дуруст-ку! — деди у. Сўнг ёзилган матнни синчиклаб ўқиб чиқди-да, бармоғидан узугини олиб, уни ичига бўёқ солинган кичкина шиша идишлардан бирига ботирди ва папирус варағининг чап бурчагига муҳр босди. Агар бирор одам ёнида олиб келаётган папирусда қоҳиннинг муҳри бўлмаса, бу одамни ўлимга ҳукм қилишлари мумкин эди.

— Нега бундай қиялпсан? — деб сўради аёл.

— Папирусга ёзилган матнда гоё бор, — деб жавоб берди қоҳин, — гоёлар эса ҳокимлик қудратига эга.

— Лекин булар савдо битимлари тўғрисидаги ёзувлар, холос-ку!

— Тўғри. Лекин бу муҳорабанинг режаси ҳам бўлмоғи мумкин эди-да! Ёки бизнинг молу мулкларимиз ҳақидаги маълумотлар бўлиши мумкин. Ёки бизнинг хуфия ибодатларимиз унда мужассамдир. Бугунги кунда алифбо билан қоғоз пайдо бўлгандан кейин халқнинг маданий меросини ўғирлаб кетиш осон бўлиб қолди. Сопол парчаларини ёхуд терини яшириб қўйиши қийин. Бироқ алифбо билан қоғоз бирлашса, истаган мамлакатнинг маданиятини маҳв этиши ва тинчликни бузмоғи мумкин.

Кўққисдан уйга аёл югуриб кирди.

— Қоҳин! Ҳой, қоҳин! Тез қара, нималар бўляпти!

Илёс билан бева уларнинг кетидан эргашипди. Кўча бўйлаб оломон оқиб бормоқда эди. Одамлар оёғи остидан кўгарилган чанг сабабли, нафас олишнинг иложи йўқ эди. Оломоннинг олдида бақариб-чақариб болалар югуриб борарди. Уларнинг ортидан катталар сукут ичида аста кетиб борарди.

Улар шаҳарнинг жанубий қопқаси олдиға етиб боришди. У ерда ҳам бир тўда одам тўпланиб турарди. Коҳин одамлар орасидан туртиниб-суртиниб олдинға ўтди ва бу тартибсизликларға сабабчи бўлган одамни кўрди.

Акбарнинг соқчиси тиз чўккан ҳолда қўларини икки ёнға ёйиб турарди. Унинг қўллари тахтаға михлаб қўйилишпти. Уст-боши дабдала, чап кўзи найза билан ўйиб олинган. Унинг кўксида ханжар билан бир нечта ассирия ҳарфи ўйиб ёзилган. Коҳин Миср ёзувини ўқишни биларди, лекин ассирия тилини билмас эди. Ёнида турган савдогарға ёрдам сўраб, мурожаат қилишға тўғри келди.

— “Биз уруш эълон қилишмиз” деб ёзилган бу ёзувда, — деб таржима қилди у.

Оломон орасидан ҳеч ким лом-мим деб оғиз очмади. Илёс одамларнинг юзида даҳшат қотиб қолганини кўрди.

— Қани, менға қиличингни бер-чи! — деди коҳин ёнида турган сарбозлардан бириға.

Сарбоз бўйинсунди. Коҳин воқеа тўғрисида ноиб билан саркардаға тез хабар беришни буюрди. Кейин у чаққон ҳаракат билан найзани соқчининг юрағиға санчди.

Соқчининг кўксидан фарёд отилиб чиқди ва ўзи ерға қулади. У жон таслим қилди ва азоб-уқубатлардан ҳамда шармандалиқдан қутулди.

— Эртаға мен Бешинчи Тоғ этағида қурбонлиқ қиламан, — деди коҳин кўрқиб кетган одамларға қараб. — Худолар бизни яна эслагайлар.

Кетишдан олдин у Илёсға ўтирилди.

— Сен ўз кўзларинг билан кўриб турибсан — самолар аввалгидек бизға кўмаклашмоқда.

— Фақат битта саволим бор, — деди Илёс. — Нима учун сен ўз мамлакатинг халқини қурбонлиқ қилмоқчисан?

— Чунки гоёни маҳв этмоқ керак.

Илёс коҳиннинг эрталаб бева билан гаплашган гапини эшиттанди ва бу гоё — алифбо эканидан хабардор бўлган эди.

— Жуда кечиклиди. Библос аллақачон бутун дунё бўйлаб тарқалаяпти. Ассирияликлар эса бутун дунёни фатҳ эта олмайдилар.

— Фатҳ этолмайдилар деб сенға ким айтди? Сирасини айтганда, Бешинчи Тоғ худолари уларнинг кўшинлари ёнида-ку!

## ТҲРТИНЧИ ҚИСМ

Илёс водий бўйлаб узоқ тентираб юрди. У ҳали олдинда бир кечаю бир кундуз урушсиз вақт борлигини биларди. Биронта ҳам уруш қоронғида олиб борилмайди, негаки, сарбозлар ўзлариники қайси, душман қайси эканини ажрата олмайди. У биларди — бу кеча Парвардигор унға бошпана берган шаҳар тақдирини ўзгартириш имконини ато қилади.

— Сулаймон ҳозир нима қилмоқ кераклиги тўғрисида ўйлашиб ўтирмас эди, — деди у ўзининг фариштасиға. — Довуд ҳам, Мусо ҳам, Исҳоқ ҳам. Уларнинг Парвардигорға эътиқоди жуда мустаҳкам эди. Мен бўлсам, бор-йўғи иккиланишдан боши чиқмайдиган бир бандаман. Парвардигор менға танлаш имконини беришти, бу ҳам бошдан-оёқ унинг ҳукмида.

— Ота-боболаринг тарихида кўпгина керакли одамлар ҳамиша керакли ўринларда ўтирган кўринади, — деб жавоб берди фаришта. — Лекин сен бунға ишонма. Этам ҳар бир одамдан фақат унинг имкониятлари даражасидаги нарсани талаб қилади.

— Унда У менинг масаламда адашган.

— Одамзоднинг бошиға тушадиган жамики кулфатлари мусибатлар эртами-кечми, албатта ўтиб кетади. Бамисоли бутун бошли мамлакатларнинг бошларидан музаффариятлар ва фожеалар аригандай...

— Мен буни сира унутмайман, — деди Илёс. — Аммо фожеалар ўзларидан



кейин жуда чуқур из қолдирадилар, музаффариятлардан кейин эса фақат бефойда хотиротлар қолади, холос.

Фаришта жавоб бермади.

— Нима учун Акбарда яшаб туриб, мен тинчликка интилишимда ўзимга маслакдош одам топа олмадим? Танҳо ва ёлғиз набининг нима кераги бор?

— Кўкда ҳамроҳсиз йўл босадиган куёшнинг нима кераги бор? Водийнинг ўртасида кўкка бош чўзган тоғнинг нима кераги бор? Ҳо анави ерда мунгайиб турган қудуқнинг нима кераги бор? Ҳолбуки, карвон юриши керак бўлган йўлни кўрсатиб турадиганлар айни шулар-ку!

— Юрак-бағрим гуссага тўлиб кетди, — деди Илёс тиз чўкиб, иккала қўлини кўкка чўзганча. — Кошки эди шу ерда ўлиб қўя қолсаму, қўлларим ҳеч қачон на ўз халқининг, на ўзга халқнинг қонига булганмаса. Орқангга қара: нима кўряпсан?

— Ўзинг биласан-ку — мен басирман, — деди фаришта. — Кўзларимда Парвардигорнинг муқаддас нури ҳали сақланиб қолган. Шунинг учун ҳам мен ҳеч нарсани кўрмайман. Жамики англашим мумкин бўлган нарса — сенинг қалбининг менга айтадиган нарсаларидир. Мен тусмоллаб билишим мумкин бўлган бор-йўқ нарса — сенга таҳдид солиб турадиган хавф-хатардир. Бироқ мен сенинг орқангга нима борлигини билмайман.

— Унда сенга ўзим айта қолай: орқангга Акбар бор. Куннинг ҳозирги фурсатида, яъни оқшом куёшининг қийғоч нурлари шаҳар шамойилини олисдан ёритаётган бир пайтда, шаҳар бениҳоя гўзал кўринади. Мен унинг кўчалари ва деворларига ўрганиб қолдим, унинг саховатли ва кўнгли очиқ халқи қалбимдан чуқур ўрин олди. Бу одамларнинг ҳаёти ҳозирга қадар савдо-сотик ва хурофот билан яқиндан боғлиқ бўлса-да, уларнинг қалби шу қадар тозаки, бунақаси бошқа биронта халқда йўқ. Мен бу халқдан илгари ўзим билмаган жуда кўп нарсани ўргандим. Бунинг эвазига мен шаҳарликларнинг дардлари-ю, шикоятларини тингладим ва Худо берган илҳом ёрдамида уларнинг баҳсларини ечиб бердим. Неча марта лаб турли хавф-хатарларга рўпара келдим, лекин ҳамиша кимдир менга, албатта, ёрдамга келарди. Нима учун мен “бу шаҳарни кутқарайми?” ёки “ўз халқимни халос этайми?” деган масала ўртасида қайси бирини танлашни билмай, хуноб бўлмоғим керак?

— Бунинг боиси шуки, одам танламоғи керак, — деб жавоб берди фаришта. — Унинг бутун кучи ана шунда, яъни қабул қилган қарорининг қудратида.

— Танлаш жуда қийин-да! Танлаш — бир халқни халос этмоқ учун иккинчи халқнинг нобуд бўлишини қабул қилишни тақозо этади.

— Ўз йўлининг тайин қилиб олиш бундан ҳам қийинроқ. Танламайдиган одам гарчи аввалгидек ҳаёт кечириб, кўча-кўйларда юраверса ҳам, Худонинг назарида ўлган бўлади.

— Бундан ташқари, — деб давом этди фаришта, — ҳеч ким ўлмайди. Мангулик ҳамма қалбларга бағрини очади ва ҳар бир қалб ўз йўлини давом эттиради. Куёш паноҳида яшаётганнинг ҳаммаси бир нарсага яраб қолади.

Илёс яна қўлларини кўкка чўзиб, баланд товушда ҳайқирди:

— Менинг халқим аёл кишининг сеҳру жодуси туфайли Худодан чекинди. Ёзув худоларнинг қаҳрини кўзғашни мумкин, ёлғиз шу туфайлигина Финикия ҳалок бўлиши мумкин. Коҳин шундай деб ҳисобламоқда. Нима сабабдан Яратувчи ўзининг Ҳаёт китоби учун фожеани танлаб олади?

Илёснинг ҳайқиригига водийдан акс-садо келди.

— Нима деяётганингни сен ўзинг ҳам билмайсан? — деб жавоб берди фаришта. — Унда фожеа йўқ, муқаррар нарса бор, холос. Ҳаётда ҳамма нарса ўзининг маъносига эга. Фақат сен нима ўткинчи-ю, нима мангу эканини фарқлашни ўрганиб олишинг керак.

— Нима ўткинчи? — деб сўради Илёс.

— Муқаррар нарса.

— Нима мангу?

— Муқаррар нарсанинг сабоқлари.

Шуни айтиб, фаришта ғойиб бўлди.

Ўша куни оқшом чоғида тамадди қилиб ўтиришганда Илёс бевага ва болага деди:

— Буюмларингизни йиғиштириб қўйинг. Истаган дақиқада шаҳардан чиқиб кетишга тайёр турмоғингиз керак.

— Икки кундан бери ухлаганинг йўқ, — деди бева. — Бугун кундузи бу ерга ноибнинг хабарчиси келган эди. У сени, саройга борсин, деди. Мен сени водийга кетган, ўша ерда тунаб қолади дедим.

— Тўғри қилибсан, — деб жавоб берди у. Ўзининг хонасига чиқиб, ўрнига ётди-да, шу заҳоти чуқур уйқуга кетди.

\* \* \*

Эргалаб уни ноғоралар садоси уйғотиб юборди. Нима воқеа рўй берганини билмоқ учун пастга тушганида, бола уйнинг эшиги олдида турарди.

— Ана, қара! — деди у ҳаяжондан кўзлари чақнаб. — Уруш бошланди!

Жанубий қопқа томон ноғора садолари остида ҳарбий анжомлари ва аслаҳаларини шақир-шуқур қилганча сарбозлар дастаси кетиб борарди.

— Кеча сен жуда қўрқиб кетган эдинг, — деди Илёс болага.

— Сарбозларимиз бунақа кўпчилигини билганим йўқ эди-да.

— Бизнинг сарбозлар — энг асил сарбозлар!

Илёс кўчага чиқди. У нима қилиб бўлса-да, ноибни топмоғи керак эди. Шаҳарнинг бошқа аҳли ҳам ҳарбий ашулалар овозидан уйғонишган ва ҳозир карахт бир ҳолатда эдилар. Улар умрларида биринчи марта бутун бошли бир қўшин саф тортиб боришини кўрмоқда эдилар. Қуёшнинг илк шуълалари сарбозларнинг найзалари ва қалқонларида акс этарди. Саркарда қўшинни шаҳарга билдирмай тайёрлашга муваффақ бўлган эди. Энди у ҳаммани қўшини ассирияликлар устидан ғалаба қозониши мумкинлигига ишонтира оларди. Илёснинг қўрққани ҳам асли шунда эди.

Илёс сарбозларнинг сафлари орқали туртиниб-суртиниб олдинга ўтди ва сафнинг биринчи қаторларига етиб борди. От минган ноиб билан саркарда сафнинг бошида бормоқда.

— Биз келишган эдик-ку! — деди Илёс ноибга яқинлашиб борар экан. — Мен мўъжиза яратишим мумкин.

Ноиб унга жавоб бермади. Сарбозлар қопқадан ўтиб, водийга чиқишди.

— Биласанми, бу қўшин ўз-ўзини алдашдан ўзга нарса эмас, — деб ўзиникидан қолмади Илёс. — Ассирияликлар беш баравар кўп ва улар кўп жанг кўрган. Акбарни вайрон қилишга йўл қўйма!

— Мендан сенга нима керак? — деб сўради ноиб отини тўхтатмай. — Кеча кечкурун сен билан гаплашмоқ учун чопар юборган эдим. Менга сенинг шаҳарда йўқ эканингни айтишди. Яна нима қила олардим мен?

— Ассирияликлар билан очиқ майдонда юзма-юз олишиш ўз жонига қасд қилиш билан баробар-ку! Сиз буни яхши биласиз-ку!

Саркарда бу гапларни индамай туриб эшитди. У ҳамма масалада ноиб билан келишиб олган эди. Буни эшитса, исроиллик наби роса лол қолади-да!

Илёс отликларнинг ёнида югуриб борар ва нима қилишини билмай роса ҳайрон бўлмоқда эди. Сарбозлар сафлари шаҳардан анча узоқлашиб, водийнинг ичкарасига йўл олди.

— О, Парвардигор, мендан кўмагингни дариг тугма, — деб ўйлади у. — Жангда Исайга ёрдам бермоқ учун қуёшни тўхтатиб қўйганингдек, вақтни тўхтатиб қўй. Ноибга хатосини тушунтира олмоғим учун менга ёрдам бер.

Шу гаплар Илёснинг хаёлидан ўтиши билан саркарда қичқирди:

— Саflan!

— Эҳтимол, бу белгидир, — деди Илёс дилида. — Бундан фойдаланиб қолмоқ керак.

Сарбозлар бамисоли иккита девордек қатор сафга туришди. Улар қалқонларини ерга энгаштирдилар ва қуролларини олдинга ўқгалдилар.

— Мана, ўзинг кўриб, амин бўлмоғинг мумкин. Қаршингда Акбар сарбозлари турипти, — деди ноиб Илёсга.

— Мен қаршимда турган йигитларни кўряпман. Улар ўлимнинг кўзларига кулиб боқишяпти, — деб жавоб берди у.

— Шунни билиб қўйки, бу ердагилар фақат бир даста, холос.

Сарбозларимизнинг асосий қисми шаҳар ичида. Улар истехком деворларига жойлашиб олишган. Биз катта дошқозонларда ёғларни доғ қилиб, қиздириб кўйганмиз, истехком деворига тармашган ҳар бир одамнинг бошидан шу ёғни қуямиз. Биз одамларга ҳамма озиқ-овқат захираларини улашиб бердик. Шундай қилсак, ёвнинг оловли камон ўқлари уларни нобуд қилолмайди. Саркарданинг ҳисоб-китобига қараганда, биз шаҳарни икки ойлар чамаси мудофаа қилишга қурбимиз етади. Ассирияликлар урушга тайёргарлик кўришаётганда, биз ҳам бекор турганимиз йўқ.

— Сен бу тўғрида менга сира гапирмаган эдинг, — деди Илёс.

— Бир нарсани эсингда тут: гарчи сен Акбар халқига ёрдам берган бўлсанг ҳам, сен биз учун аввалгидек мусофирлигингча қоласан ва ҳатто бизнинг сарбозларимиз сени айғоқчи сифатида ушлаб олишлари ҳам мумкин.

— Буни қўявер-у, лекин сен тинчлик бўлишини хоҳлаган эдинг-ку?

— Биз ҳатто жангу жадални бошлаб юборган тақдирда ҳам аввалгидек тинчликка эришмоғимиз мумкин. Лекин биз тенгма-тенг туриб битим тузамиз.

Ноиб Тир билан Сидонга хатардан огоҳлантириб қўймоқ учун чопарлар юборилганини айтиб берди. Унинг учун ёрдам сўраб мурожаат қилиш осон бўлгани йўқ. Негаки, Тир ва сидонликлар уни ўзини ҳимоялашни ҳам эшловмайдиган ношуд деб ҳисобламоқлари мумкин. Лекин у бундан ўзга чора йўқ, деган тўхтамага келди.

Саркарда жуда муғамбир бир режани ишлаб чиқди. Жанг бошланиши билан у шаҳарга қайтиб, қаршилик кўрсатишни уюштиради. Ҳозир далада ҳаракат қилаётган сарбозлар имкони борича кўпроқ ёвни қириб ташлаб, кейин тоққа чекинмоғи керак. Улар бу водийни ҳар қандай бошқа одамдан кўра яхшироқ билишади. Шундоқ бўлса-да, улар кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб, ассирияликларга ҳужум қилиб туришади ва уларнинг ҳужумкор ҳаракатларига пугур етказишади.

Ҳадемай мадад келиб қолади ва Ассирия қўшини бошдан-оёқ тор-мор қилинади.

— Биз икки ой мудофаа қилишимиз мумкин, лекин бунчалик муҳлат талаб қилинмайди, — деди ноиб Илёсга.

— Лекин кўп сарбоз нобуд бўлади.

— Биз — ҳаммамиз ўлим остонасида турамиз, шунинг учун бундан ҳеч ким кўрқмайди. Ҳатто мен ҳам.

Ноиб ўзининг дадил бўлиб кетганига ўзи ҳам ишонмасди. У ҳеч қачон жангу жадалларда иштираётган эди, шунинг учун шаҳардан қочишга қарор қилди. Ўша куни эрталаб у ўзининг энг яқин аъёнлари билан бирга қочиш режасини ишлаб чиқди. У Тир ёки Сидонга қочиб боролмайди, уни сотқин деб ҳисоблашлари мумкин. Лекин Иезавел уни бажону дил қабул қилади, чунки унга содиқ одамлар жуда-жуда керак.

Бироқ жанг майдонига қадам кўяр экан, у сарбозлар кўзида шунақа қувонч ва мамнунлик ифодасини кўрдики, қўяверасиз. Гўё бу сарбозларни бутун умрлари давомида буюк бир мақсад учун тайёрлашган эдилар-у, шу бутун ниҳоят ўша фурсат етиб келганди.

— Бизнинг руҳимизда кўрқоқлик муқаррар нарса рўй бермагунча яшай беради, — деди у Илёсга. — Муқаррар нарса рўй бергандан кейин биз кўркувни улоқтириб ташламоғимиз ва унга беҳуда куч сарфламаслигимиз керак.

Илёс хижолатга тушди. У ҳам айни шу туйғуларни бошидан кечирмоқда эди, лекин буни тан олишга тортинмоқдайди. У уйлариинг ёнидан сарбозлар ўтганида, боланинг қувончларга тўлиб, ҳаяжонланганини эслади.

— Бу ердан кет, — деди ноиб. — Сен мусофирсан, қўлингда қуролнинг йўқ, ишонмаган нарсанг учун жанг қилмоғинг шарт эмас.

Илёс жойидан қимирламади.

— Улар келишади, — деди саркарда. — Кўриб турибман, сен ҳайрон бўлясан, лекин биз тайёрлигимизни кўриб қўйганмиз.

Илёс ҳамон жойидан қимир этгани йўқ.

Улар уфқ томонга кўз ташлашди — чанг-тўзон кўринмади. Ассириялик сарбозлар жойидан қимирлаганлари йўқ эди.

Олдинги қатордаги сарбозлар найзаларини қаттиқ чангаллаб, олдинга

ўқталиб олишган эди. Камончилар ўқ-ёйларини тортиб шай туришипти, саркарданинг буйруғи оғзидан чиқиши биланоқ улар ўқ узишга тайёр. Йигитлар ҳавода қилич ўйнатиб, машқ қилишяпти.

— Ҳамма нарса тайёр, — деди саркарда. — Ҳозир улар ҳужумга ўтишади.

Илёс унинг сўзларидан ҳавоси баланд эканини ҳис қилди. Афтидан, саркарда жанг бошланишини тоқатсизлик билан кутмоқда эди — у жангда жасурлигини кўрсатиб қўйишга ошиқмоқда эди. Ҳозир хаёлида бўлажак жанг манзаралари гавдаланаётганга ўхшайди — ана, ассирияликлар жанг қилмоқда, қиличлар шақир-шуқур қилмоқда, ҳамма бақирган-чақирган, теварак-атроф тўс-тўполон. У ўз сиймосининг Финикия қоҳинлари ривоятларида мардлик ва матонат тимсоли сифатида муҳрланиб қолаётганини аён кўриб турарди.

Ноиб унинг мулоҳазаларини бўлиб юборди.

— Улар жойларидан қимирлашмаяпти.

Илёс Худодан нимани илтимос қилганини эслади — у Худодан бир вақтлар Исайа учун қилганидек, осмонда куёшни тўхтатиб қўйишни сўраган эди. У фаришта билан гаплашиб кўрмоқчи бўлди, лекин фариштанинг овози эшитилмади.

Вақт ўтиб борарди. Сарбозлар найзаларини пастга қаратдилар, камон ишларини бўшатишди, қиличлар қилларига солинди. Пешин куёши шуни забтига олган эдики, уларнинг баъзи бирлари аллақачон лоҳас бўлиб, чўзилиб қолишди. Аммо сарбозлар кун оққунга қадар ҳам жангга тайёр ҳолда туравердилар.

Куёш ботгандан кейин сарбозлар Акбарга қайтиб кетишди. Улар яна бир кунни яшаб ўтганлари учун норозидек кўринишарди.

Водий ўртасида Илёснинг ўзи ёлғиз қолди. У анча вақтгача боши оққан томонларда тентираб юрди. Кейин кўққисдан бир тола нур шуъласига кўзи тушди. Унинг рўпарасида Эгамнинг фариштаси намоён бўлди.

— Сенинг таваллоларинг Худонинг қулоғига етиб борди, — деди фаришта. — Қалбингдаги изтироблар ҳам унга намоён бўлди.

Илёс кўлларини кўкка кўтариб, Худога ҳамду санолар ўқиди.

— Эгам — шону шараф ва қудрат манбаи. У Ассирия кўшинларини тўхтатди.

— Йўқ, — деб жавоб берди фаришта. — Сен Худо бизга йўлни танлаб бермоғи керак деган эдинг. Сенинг ўрнинга у йўлни танлади.

— Кетиш керак, — деди бева ўғлига.

— Менинг кетгим келмаяпти, — деди бола. — Мен Акбар сарбозлари билан ифтихор қиламан.

Онаси унга лаш-лушларни йиғишни буюрди.

— Ўзинг кўтариб кета оладиган нарсаларнигина ол, — деди аёл.

— Бизнинг қашшоқлигимизни унутдингизми, она. Менинг айтарлик бирор буюмим йўқ.

Илёс юқорига кўтарилди, гўё биринчи ва охириги марта кўраётгандек, кулбасига назар ташлади. Кейин пастга тушиб, бўёқларини йиғиштираётган бевага термулиб қолди.

— Мени ўзинг билан бирга олиб кетаётганинг учун сендан миннатдорман, — деди аёл. — Мен эрга текканимда бор-йўғи ўн беш ёшда эдим, ҳаётни сира билмас эдим. Оилаларимиз ҳамма нарсани ўзлари битишган. Мени болалик чоғларимданоқ эрга тегилга тайёрлаб келишган ва қандай воқеа рўй бермасин, ҳаммасида эримга кўмакчи бўлишим кераклигини уқдиришган.

— Сен уни севганидинг?

— Мен унга кўникиб қолгандим. Бошқа иложим ҳам йўқ эди. Шундоқ бўлса, яхшироқ бўлишига ишончим комил эди. Эрим вафот этгандан кейин ҳаётдан умидим қолмади. У пайтларда ҳали Бешинчи Тоғ худоларига ишонардим. Мен улардан ўғлим бироз улгайиб, ўз кунини ўзи кўриб кета оладиган бўлиши билан менинг жонимни олишларини илтижо қилдим. Шунда сен пайдо бўлдинг. Мен сенга бу гапларимни айтган эдим. Ҳозир яна бир бор тақрорламоқчиман. Мен ўша кундан бошлаб, водийнинг гўзаллигини, кўкка бўй чўзган мовий тоғларнинг шаклу шамойилини, ерда буёдой ўсмоғи учун доимий ўзгариб турадиган кўкдаги ойни кўрадиган бўлиб қолдим. Сен ухлаб ётган пайтларингда мен тез-тез Акбар кўчалари бўйлаб сайр қиладиган бўлиб қолдим. Мен янги

туғилган чақалоқлар йиғисини, дайдиларнинг қўшиқларини, истехком деворларида соқчилик қиладиган сарбозларнинг гурс-гурс қадам товушларини эшитардим. Авваллари бу манзараларни кўп марталаб кўрган эдим, лекин уларнинг гўзаллигини пайқамас эдим. Авваллари неча марталаб осмонга қараган, лекин унинг тубсизлигини бирон марта ҳам пайқаман эдим. Нега марталаб Акбар кўчаларида ҳукм сурган шовқин-суронларни эшитгандим, лекин улар ҳаётимнинг бир қисми эканини тушунмаган эдим.

Менинг қалбимда яна қайтадан яшамоқ иштиёқи пайдо бўлди. Сен менга Библос ҳарфларини ўрганишни буюрдинг, мен айтганингни қилдим. Мен нимаики қилсам, сенинг кўнглингни овлаш учун қила бошладим, лекин эндиликда қилаётган ишларимни теранроқ таҳлил этишга ҳаракат қилардим. Ва ниҳоят, англадимки, ҳамиша мен ўзим қандай кўришни хоҳлаган бўлсам, ҳаётим айна шундай бўлган.

Илёс қўлини узатиб, унинг сочларини силади. У умрида биринчи марта шундай қилмоқда эди.

— Нима учун илгари бунақа эмас эди? — деб сўради аёл.

— Шунинг учунки, сен кўрқар эдинг. Бугун жанг бошланишини кутиб ўтириб, ноибнинг гапларини тингладим ва сени ўйладим. Муқаррар нарса бошланган жойда кўрқув йўқолади. Шу дақиқадан бошлаб, кўрқув ўз маъносидан маҳрум бўлади. Бизга эса фақат бир нарса — тўғри қарор қабул қилишимизга умид қолади, холос.

— Мен тайёрман, — деди бева аёл.

— Биз Исроилга қайтамиз. Эгам менга нима қилмоғим кераклигини айтди. Мен унинг айтганларини бажо келтираман ва Йезавел ҳокимиятдан маҳрум бўлади.

Аёл жавоб бермади. Финикиянинг ҳамма аёллари каби у ҳам маликаси билан фахрланар эди. Улар Илёснинг ватанига боришганида, у ўз қарорини ўзгартирмоғи учун бева қўлидан келган ҳамма нарсани қилади.

— Мен Унинг иродасини бажо келтурганимча босиб ўтадиган йўлимиз олис ва машаққатли, — деди Илёс гўё унинг кўнглидаги ўйларини пайқагандай. — Бироқ сенинг муҳаббатинг менга суянчиқ бўлади. Худо йўлидаги жангу жадаллардан ҳориб-толиб қайтганимда сенинг ёнингда ўтириб ҳордиқ чиқараман.

Чоққина тугунчак орқалаган бола пайдо бўлди. Илёс тугунчакни олиб, бевага деди:

— Вақт бўлди, йўлга чиқайлик. Сен Акбар кўчаларидан ўтиб бораётганимда ҳар бир уй, ҳар бир шитирлаган товушни эслаб қол. Негаки, сен бундан кейин шаҳрингни ҳеч қачон кўрмайсан.

— Мен Акбарда туғилганман, — деди аёл. — Шаҳар ҳамиша қалбимда қолади.

Онасининг сўзларини эшитган ўғил дилида уларни ҳеч қачон эсидан чиқармасликка ўзига ўзи ваъда берди. Агар у қачонлардир қайтиб келиб, шаҳрини кўрадиган бўлса, даставвал онасининг чеҳрасини эслайди.

\* \* \*

Қоҳин Бешинчи Тоғ этагига етиб келганида қоронғи тушиб қолган эди. Унинг ўнг қўлида ҳасса, чап қўлида эса тугунчак бор эди. У тугунчакдан ичига суюқлик солинган шишачани олди. Кейин ҳассасининг учи билан қумда буқа ва қоплоннинг тасвирини чизди. Улар Момақалдиноқ Худоси ва Улуғ Илоҳанинг рамзи эди. У расм-русумга риоя этган ҳолда ибодат қилди ва илоҳий кароматни қабул қилиб олмоқ учун қўлларини кўкка чўзди.

Худолар одамлар билан гаплашмай қўйган эди. Улар айтмоқчи бўлган гапларини айтиб бўлган, энди эса расм-русумларнинг ижросини талаб қилмоқда.

Исроилдан бошқа бутун дунёда набилар чиқмай қолди. Қолоқ, хурофотга берилган Исроилда одамлар ҳамон Коинотни яратган Соҳиби Қудрат билан мулоқотга киришиш мумкин деб ҳисоблар эдилар.

Илёс икки юз йиллар муқаддам Тир билан Сидон Қуддуси шарифдаги Сулаймон деган подшо билан савдо қилишганини эслайди. Сулаймон подшо

жуда катта эҳром қурмоқчи бўлган ва уни дунёдаги энг қимматбаҳо ёғочлар билан беэмомқчи бўлган. Сулаймон подшо исроилликлар Лубнон деб атаган Финикиядан кедр дарахтларини харид қилишни буюрган. Тир подшоси Сулаймон подшо сўраган дарахтларни юборган ва бунинг эвазига Галилеядан йигирмата шаҳар олган. Бироқ бу шаҳарлар унча маъқул тушмаган. Шунда Сулаймон подшо Финикияга биринчи кемаларини қуришга ёрдам берган. Мана, эндиликда улар дунёдаги энг катта савдо флотининг эгаси.

У пайтларда исроилликлар фақат битта худога сифинишарди ва ҳатто унинг номини билишмас ҳам эди. Лекин шундай бўлса-да, Исроил улуг мамлакат эди. Улар худоларини жўнгина қилиб, Эгам деб аташарди. Сидон маликаси Сулаймонни ҳақиқий имон йўлига қайтаришга муваффақ бўлди ва у Бешинчи Тоғ худолари шарафига қурбонгоҳ барпо этди. Исроилликлар подшолар ичида энг доноси бўлмиш Сулаймон подшони худолар қаттиқ жазолади деб ҳисоблашади — худолар унинг бошига уруш балосини ёдирдилар, шу туфайли Сулаймон тахидан маҳрум бўлди.

Аммо унинг ўғли Ровоан отаси қабул қилган динни мустаҳкамлашда давом этди. У иккита олгин бузоқ ҳайкали қўйишни буюрди ва Исроил халқи уларга сифина бошлади. Айни ана шу вақтда набилар пайдо бўла бошлади ва улар ҳукмдорларга қарши боши-кеги кўринмайдиган урушлар бошлашади.

Иезавел ҳақ эди — ҳақиқий имонни сақлаб қолишнинг фақат битта усули бор эди — пайғамбару набиларнинг баҳридан ўтмоқ керак эди. Итоаткорлик руҳида ва урушлардан кўрқув туйғусида тарбия кўрган Иезавел шундай бўлса-да, баъзан зўрлик ҳам ягона чора бўлиши мумкинлигини тушунарди. Иезавел сифинадиган худолар унинг қўли қонга беланганини кечирсалар керак, албатта.

— Ҳадемай менинг қўлларим ҳам қизил қонга беланади, — деди коҳин забонсиз тоққа қараб. — Набилар Исроилга қарғиш олиб келганлари каби, ёзув Финикияга қарғиш келтирди. Униси ҳам, буниси ҳам турган-битгани зарар. Фурсат ўтиб кетмай уларни тўхтатиш керак. Омад худоси ҳозир Финикияни тўхтата олмайди.

Эргалаб рўй берган воқеадан у бениҳоя ташвишда эди: ёв кўшини негадир хужумга ўтмади. Ўтмишда Омад худоси бир марта Финикиядан юз ўтирган эди. Ўшанда у Финикия аҳолисидан даргазаб бўлганди. Шундан кейин шамчирроқлар ўчи қолган, ҳамма сипирлар ва қўйлар бола ташлаган, далаларда бутдой билан арпа пишмай қолганди. Қуёш — Худо Омад Худосини қидириб топиш учун Момақалдироқ Худоси билан Бургутни вакил қилиб жўнатибди, лекин Омад Худосини топа олмапти. Ниҳоят, Улуғ Илоҳа уни излагани асаларини жўнатишти. Омад Худоси ўрмонда ухлаб ётган экан. Асалари уни топиб, чақиб олишти. Омад Худоси уйғониб, даргазаб бўлиб, теварагидаги ҳамма нарсани кунфаякун қила бошлапти. Уни боғлаб қўйиб, қалбидаги газабни олиб ташлашга тўғри келишти. Ўшандан кейин ҳамма нарса яна аввалгидек бўлиб кетишти.

Агар у яна бир бора Финикияни тарк этишни ихтиёр этса, унда жанг бўлмайди. Ассирияликлар водийда бутунлай қолиб кетишади, шаҳар эса аввалгидек яшайверади.

— Дадиллик ибодат қилиш билан ифодаланадиган кўрқувдир, — деди коҳин. — Шунинг учун мен бу ерга келдим. Жангу жадалда мужмаллик қилишга менинг ҳаққим йўқ. Мен Акбар сарбозларига шаҳарни нима учун ҳимоя қилиш кераклигини кўрсатиб бермоғим керак. Шаҳарни қудуқ учун, бозор учун ёхуд ноибнинг қасри учун ҳимоя қилиш керак эмас. Биз келажакка ўрнатилган бўлмоқ учун ассириялик сарбозлар билан жанг қиламиз.

Ассирияликлар галабаси алифбе таҳдидини бир умрга бартараф қилади. Фотиҳлар ўзларининг тили ва одатларини жорий қила бошлайдилар, бироқ аҳоли бундан кейин ҳам Бешинчи Тоғдаги аввалги худоларга сифинишда давом этади. Энг муҳими ҳам ана шунда. Келгусида бизнинг денгизчиларимиз финикиялик сарбозларнинг бошқа мамлакатлардаги жасурликларини дoston қилишади. Коҳинлар қаҳрамонларнинг номларини ва Акбар ассириялик сарбозларга қаршилик кўрсатишга уринган кунни эслашади. Рассомлар папируслар саҳида Миср ҳарфларининг шаклларини чекадилар, Библос котиблари эса ўтиб кетади. Муқаллас матнлар эса уларни ўрганиш учун тузилган

одамларнинггина ҳукмида қолади. Кейинги авлодлар биз қурган нарсаларни қайта тиклашга уриниб кўришади ва бизникидан яхшироқ дунёни барпо этишади.

— Бироқ ҳозир бу жангни бой бермоғимиз керак, — деб давом этди у. — Биз довиорақлик билан жанг қиламиз, лекин бизнинг сарбозларимиз душман сарбозларидан заифроқ. Биз ҳаммамиз қаҳрамонларча нобуд бўламиз.

Шу дақиқада қоҳин туннинг нафасини ҳис қилди ва ўзининг ҳақлигини тушунди. Сукунат энг муҳим жанг фурсати етиб келганидан далолат берар эди, аммо Акбар аҳли бунни ҳис қилмади. Улар соқчиликда туриш ўрнига, қуролларини бир ёнга қўйиб, кўнгилхушлик қилишмоқда эди. Улар жониворларга эътибор ҳам қилишмади, ҳолбуки улар яқинлашиб келаётган хатар қаршисида жуда безовталанмоқда эдилар.

— Худоларнинг ниятлари вожиб бўлғай! Осмонлар бошимизга узилиб тушмагай. Биз, ахир, ҳамма ишни тўғри қилдик ва одатга бўйинсундик, — деб гапини тутатди у.

\* \* \*

Илёс, бева ва бола гарбга — Исроил томонга йўл олишди. Уларга ассириялик сарбозлар қароргоҳининг ёнидан ўтишга тўғри келмади — қароргоҳ жануброқда жойлашган эди. Тўлин ой уларнинг йўлини ёритиб турар, лекин водийдаги тошлар ва қоялар гаройиб ва ваҳимали соялар ташлаб турарди.

Қоронғида Эгамнинг фариштаси намоён бўлди. У ўнг қўлига оловли қилични ушлаб олганди.

— Сен қасқа кетяпсан? — деб сўради у.

— Исроилга, — деб жавоб берди Илёс.

— Эгам сени чорлаганмиди?

— Эгам мендан қанақа мўъжиза кутаётгани менга яхши маълум. Эндиликда мен бу мўъжизани қаерда кўрсатмоғим кераклигини ҳам биламан.

— Эгам сени чорладими? — деди фаришта такроран.

Илёс жавоб бермади.

— Эгам сени чорладими? — деб учинчи марта сўради фаришта.

— Йўқ.

— Ундай бўлса, қаердан келган бўлсанг, ўша жойга қайтиб кет, чунки сен ҳали зиммандаги вазифани адо этганинг йўқ. Эгам сени ҳали чорламапти.

— Лоақал бева аёл билан унинг ўғлига кетишга изн бер. Уларнинг бу ерда қиладиган иши йўқ, — ёлборди Илёс.

Аммо фаришта аллақачон ғойиб бўлиб бўлган эди. Илёс тутунини ерга қўйди. Кўчанинг ўртасига ўтириб, йиғлаб юборди.

— Нима бўлди? — деб сўрашди бева билан ўғли. Улар ҳеч нарсани кўришгани йўқ эди.

— Биз қайтиб кетамиз, — деди Илёс. — Худонинг иродаси шундоқ бўляпти.

\* \* \*

Ҳадеганда Илёснинг уйкуси келавермади. Ярим кечада кўзи илинган Илёс яна уйғониб кетди — у ҳавода алланечук безовталиқ сузиб юрганини ҳис қилди. Кўча бўйлаб кўрқув ва хавотирлик тарқатиб, совуқ шамол изғир эди.

“Аёлга муҳаббатда мен жамики мавжуд нарсаларга муҳаббат тимсолини кўрдим, — деб ибодат қилди Илёс. — У менга жуда керак. Мен унга муҳтожман. Мен биламан — Эгам мени ташлаб қўймайди. Унинг бандаларидан бири эканим, эҳтимолки, Унинг энг ожиз набиларидан бири эканим ҳамиша ёдида туради. О, Парвардигори олам, мендан марҳаматингни дариф тутма, жангу жадаллар сурони ичида мен хотиржамликка муҳтожман”.

Илёс ноибнинг кўрқув бефойда нарса экани ҳақидаги сўзларини эслади. Лекин, барибир, кўзига уйқу илинмади. “Мен хотиржам бўлмоғим, кучимни бир жойга йиғмоғим керак. Ҳозир ухлашимнинг имкони борида кўзларимга уйқу юбор”.

У фариштани чорламоқчи бўлди, лекин ўзига буткул ёқмайдиган бирор

гап эшитиб қолишдан кўрқиб, чорламай қўя қолди. Бироз ўзига келиб, хотиржамроқ бўлиб олмоқ учун у пастга тушди. Бева ўзлари билан олиб кетиш учун лаш-лушлар туғиб қўйилган бўхчалар ҳали ечилганича йўқ эди. Илès бир кўнгли аёлнинг хонасига кирмоқчи ҳам бўлди. Шунда Эгамнинг Мусога айтган гаплари Илèsнинг эсига тушди: “Кимки унашиб қўйилган қайлиғи билан қовушмаса, жангу жадалда нобуд бўлиб кетмаслиги ва унинг қайлиғини бошқа биров олмаслиги учун у одам орқасига қайтсин ва уйига кетсин”.

Улар ҳали қовушганлари йўқ эди. Аммо алланечук бошқача — жуда оғир эди, қовушмоқ учун унча қулай эмас эди.

Илès бўхчаларни ечиб, ҳамма лаш-лушларни жой-жойига қўйиб чиқишга қарор қилди. Бўхчаларнинг ичида уч-тўртта кийим-кечакдан бошқа беванинг туғунида Библос ҳарфларини ёзмоқ учун зарур бўлган асбоблар ҳам бор экан.

У пичоқни қўлига олиб, кичикроқ сопол парчасини сув билан ҳўллади-да, ҳарфларни ёзишга киришди. Беванинг қандай ёзишларини кузатиб ўтириб, у ёзишни ўрганиб олган эди.

“Ёзиш жуда осон экан-ку! Жуда ажойиб-а!” деб ўйлади у ўзини чалғитиш учун. У сув олиб келиш учун қудуқ ёнига борганларида неча марталаб аёлларнинг гап-сўзлари қулоғига чалинган эди: “Юнонлар бизнинг энг муҳим кашфиётимизни ўғирлаб олишган”. Илès бу гапнинг нотўғри эканини билар эди. Юнонлар унли товушларни ҳам қўшиб, алифбони ўзгартирдилар ва уни ҳамма халқлар учун тушунарли қилдилар. Бундан ташқари улар папируслар йиғиндисини алифбо ихтиро қилинган шаҳарнинг шарафига “библия” деб атаганлар.

Юнон библиялари пергаментларга — махсус тарзда намиқтирилган бузоқ териларига ёзилган. Илès бунақа материални жуда мўрт ва омонат деб ҳисобларди. Тери сопол парчаларидек мустаҳкам эмас, уни йўқотиб қўйиш ҳам осон. Папируслар тез-тез қўлга олиб турилганидан тез бузиларди, уларга сув тегса ҳам дарров айнир эдилар.

“Библиялар ва папирусларнинг умри қисқа, сопол парчалари эса йўқолиб кетмайди” — деб мулоҳаза юритарди у.

Агар Акбар вайрон қилинмаса, у ноибга мамлакат тарихини ёзиш кераклигини ва сопол парчаларини келажак авлод учун асраб қўйиш лозимлигини айтади. Шунда ўз халқининг тарихини хотирасида сақлайдиган Финикия хоҳинларини ассирияликлар қириб ташпаганда ҳам, сарбозлар билан шоирларнинг меҳнати ҳеч қачон унутилмайди.

Илès бир хил ҳарфларни ҳар хил тартибда ёзиб кўриб, анча эрмак қилиб ўтирди. Улардан ҳар хил сўзлар таркиб топганида, Илès бунга чин дилдан ҳайрон бўлди. Бу машғулот унинг кўнглидаги ғуборни тарқатиб юборди ва у яна уйқута ётди.

\* \* \*

У аллақандай тарақа-туруқдан уйғониб кетди. Унинг кулбасининг эшигини сугуриб олиб, пастга улоқтиришипти.

— Бу туш эмас. Бу — Худо юборган сарбозларнинг иши ҳам эмас.

Ҳамма бурчакларда соялар ғимирлаб кўриняпти. Улар худди тентаклардек Илès тушунмайдиган тилда алланималар деб қичқирашипти.

“Ассирияликлар”.

Эшиклар йиқилипти, қудратли зарбалардан деворлар қулаяпти, ёвларнинг бақир-чақирлари майдон томондан келаётган ёрдам ҳақидаги илтижолар билан аралаш-қуралаш бўлиб кетяпти. У ўрнидан турмоқчи бўлди, аммо соялардан бири уни яна ётган жойига қапиштириб қўйди. Пастдан қасир-қусур товуш эшигилди.

— “Ёнғин, — деган ўй ўтди Илèsнинг хаёлидан. — Улар уйга ўт қўйишипти”.

— Бу сенмисан? — деган финикия тилида кимдир айтган сўзларни эшитди.

— Сен уларнинг каттаси экансан-да! Баракалла-е, аёл кишининг уйига биқиниб олибсан-да, кўрқоқ!

Илès гапирётган одамнинг юзига қаради. Аланганинг шуъласи уйни ёритиб



турарди. У сарбозча кийинган чўққисоқол эркакни кўрди. Ҳа, булар ассирияликлар эди.

— Сизлар бизга тунда ҳужум қилибсизлар-да! — деб сўради у саросима ичида.

Аммо эркак жавоб бермади. Илёс ҳавода қиличнинг ялт этганини кўрди. Сарбозлардан бири унинг ўнг қўли терисига жароҳат етказди.

Илёс кўзини юмди. Бир лаҳза ичида унинг хаёлидан яшаб ўтганлари саҳнадагидек лип-лип ўтди. У яна қайтадан жонажон шаҳри кўчаларида ўйнаб юришги. Мана, у биринчи марта Қуддуси шарифга йўл олди. Ана, дурадгорлик устахонасида янги арраланган ёғочнинг муаттар ҳидини туймоқда. У яна бепоен денгизлар ҳақида, фақат порт шаҳарлардаги одамларгина кийинадиган тарзда кийиниб олган одамлар ҳақидаги хаёлларга берилди. Ана, у Ардоқли Замин узра водийлар ва тоғлар бўйлаб сайр қилиб юришги, Иезавелни биринчи бор қандай кўрганини эслаяпти. У оддийгина қизалоққа ўхшар, кўрган одам унга мафтун бўлмай қолмасди. У яна набилар қатлига шоҳид бўлди. Яна Худонинг хитобини эшитди. Худо унга саҳрога жўнашни буюрди. Илёс яна Акбар шаҳри дарвозаси олдида ўзини кутиб турган аёлнинг кўзларини кўрди ва билдики, у бир қарашдаёқ бу аёлга ошиқ бўлиб қолишги. У яна бир марта Бешинчи Тоққа чиқди, болани тирилтирди ва халқ унга донишманд ҳакам сифатида қарай бошлади. У осмонга қаради, осмонда бир туркум юлдузлар ўрнига бир зумда бошқа туркум юлдузлар пайдо бўларди. У яна шунга ҳайрон бўлдики, Ой ҳам бир лаҳзада тўрт фасллик йўлни босиб ўтмоқда эди. У бир вақтнинг ўзида ҳам совуқ қотди, ҳам исиб кетди. У ҳам кузни, ҳам баҳорни ҳис этаётгандай бўлди, у яна шаррос ёғаётган ёмғирда қолди, боши узра яшинлар ялт-юлт чақнаганини кўрди. Булутлар тинимсиз равишда шаклу шамойилларини ўзгартирди, дарёлар ўзанларини ўзгартирмай, ундан сувларини аллақайларга олиб кетмоқда. У ассирияликларнинг чодирини биринчи марта кўрган кунини яна эслади. У фаришталарни кўрди, у Исроилга кетаётганида оловли шамшир кўз ўнгида намоен бўлди, унинг хаёлида сопол парчаларидаги ҳарфлар гавдаланди. У уйқусизликдан беҳол бўлди ва яна... .. кейин яна бутунги кунга ўтиб қолди ва пастда бўлаётган воқеаларни ўйлай кетди. Ҳар нима бўлганда ҳам, бева билан унинг ўлини қутқармоқ керак эди.

— Ёнғин! — деб ҳайқирди у ассириялик сарбозларга қараб. — Уй ёнмоқда!

Унинг кўнглида кўрқув йўқ эди. Уни ташвишлантираётган нарса бева аёлу унинг ўғли эди, холос. Кимдир уни туртиб юборди, у йиқилиб тушди ва оғзида тупроқнинг таъмини ҳис қилди. У ётган жойида ерни ўпди ва уни жуда яхши кўришини айтди. У яна ерга мурожаат қилиб, урушнинг олдини олмоқ учун қўлидан келган ҳамма ишни қилганини айтди. У ўрнидан турмоқчи бўлди, лекин кимдир унинг бўйнига оёғини тиради. “Ҳойнаҳой, улар қочиб кетишган бўлса керак, — деб ўйлади у. — Улар ҳимоясиз заифа аёлга тегмас эдилар”.

Унинг қалбида теран бир хотиржамлик пайдо бўлди. Эҳтимол, Эгам Унга керак одам Илёс эмас эканини англагандир, балки У Исроилнинг туноҳини сўраб олмоқ учун бошқа бирор набини топиб ҳам кўйгандир. Ниҳоят, унинг ажали етган кўринади. Ўлим у кутганидай жуда изтиробли экан. Илёс тақдирга тан берди ва унга ўлим келтирувчи зарбани кута бошлади.

Бир неча сония вақт ўтди. Аввалгидек бақирган-чақирган овозлар эшитилар, қўлидаги жароҳатдан қон сирқиб оқар, лекин унга ўлим келтирувчи зарбадан ҳали ҳам дарак йўқ эди.

— Айт уларга, мени тезроқ ўлдиришсин, — деб қичқирди у. Ассириялик сарбозлар ичида унинг тилини тушунадиган лоқал битга одам чиқиб қолар деб умид қилганди у.

Унинг сўзларига ҳеч ким парво қилмади. Улар нималардир тўғрисида қизишиб баҳслашарди. Кейин уни яна тепкилай бошлашди. Илёс бўлса бу тепкилашлардан кейин унга яшаш иштиёқи яна қайтаётганини сезиб, даҳшатта тушди. “Менинг ҳаётдан умид қиладиган ортиқ илинжим қолмади, — деб ўйлади у ночорлик билан. — Ахир, бу уйдан кутулиб чиқмоғимнинг сира иложи йўқ-ку!”

Аммо олам шовқин-сурон, бақириқ-чақириқ ва чанг-тўзондан иборат бўлган бир қуюн бағрига мангу чўмгандай туюларди. Балки Эгам Исайа учун қилган ишини такрорлагандир — жанг авжи қизиган паллада вақтни тўхтатиб қўйгандир?

У аёлнинг қичқирганини эшитди. У тишини тишига қўйиб, оғриғига зўрға дош бериб, сарбозлардан бирини туртиб юборди ва ўрнидан туришга муваффақ бўлди, аммо шу лаҳзадаёқ уни яна ағдариб, ерга парчинлаб ташлашди. Ассириялик оёғи билан унинг бошига тепди ва у ҳушидан кетди.

\* \* \*

Бир неча дақиқа ўтгач, у ҳушига келди. Ассирияликлар уни уйдан судраб олиб чиқиб, кўчанинг ўртасига ташлашди.

У зўр-базўр бошини кўтарди. Теварак-атрофдаги ҳамма уйлар ўт ичида эди.

— Уй ичида бегуноҳ ва заифа аёл қолган. Уни қутқаринглар!

“Ё Парвардигор. Сен мени нима қўйларга солсанг ҳам майли, розиман, негаки, мен ҳаётимни ҳам, мамотимни ҳам сенга бағишлаганман, — деб тавалло қиларди Илès. — Лекин менга бошпана берган муштипар аёлни асраб қол”.

Кимдир унинг кўлидан тортиб, ердан бироз кўтарди.

— Тур, ана, тамоша қил, — деди ассириялик раҳнамо. У Илèsнинг тилини биларди. — Сен шунга муносибсан.

Иккита соқчи унинг қўлтиғидан олиб, эшик томон судрашди. Аланга бир зумда уйни буткул чулғаб олган, унинг шуъласи теварак-атрофни ёритиб турарди. Ҳар томондан йиғи-сиғи, фарёдлар эшитилар, бола ҳўнграр, қариялар шафқат тилаб таваллолар қилар, аёллар алам билан фарзандларининг номларини айтиб чақиршарди. Аммо Илès ўзига паноҳ берган аёлнинггина нола-фигонини эшитарди.

— Нима қилипсизлар? У ерда аёл билан бола бор-ку!

— Бу аёл Акбар ноибини яширмоқчи бўлган.

— Мен Акбарнинг ноиби эмасман! Сизлар адашяпсизлар!

Ассириялик уни эшик томонга итарди. Ёнаётган уйнинг томи беванинг устига қулади. Гуриллаб ёнаётган ходалар остидан Илès аёлнинг зўр-базўр қимирлаётган кўлини кўриб турарди, холос. Бева аёл тириклай ёндириб юбормаслигини сўраб фиғон чекарди.

— Нега сизлар менга шафқат қилдиларинг-у, бу муштипарга шафқат қилмадиларинг? — деб ёлборди Илès.

— Сенга ҳам шафқат қилмаймиз. Биз сенинг имкони борича узоқроқ қийналишингни истаймиз. Бизнинг бош раҳнамомиз шармандали ўлим топди — уни шаҳар девори ёнида топбўрон қилиб ўлдирдинглар. У сизнинг ҳузурингизга тинч мақсад билан борган эди, сизлар эса уни ўлимга маҳкум этдинглар. Энди сенинг ҳам қисматинг ўшанақа бўлади.

Илès ўзини бўшатиб олиш учун жонҳолатда ҳаракат қилди, лекин соқчилар уни судраб кетишди. Улар Акбар кўчаларига чиқишди-ю, жаҳаннамнинг қаърига тушиб қолгандай бўлишди. Сарбозларнинг юзларидан шаррос тер қуйилар, уларнинг баъзи бирлари бўлаётган воқеалардан ларзага тушган эди. Илès соқчилар кўлида типирчилаб, ўзини ҳар ёнга урар, кўкка илтижолар қилар, аммо ассирияликлардан ҳам, Парвардигордан ҳам садо чиқмасди.

Улар майдонга етиб боришди. Деярли бутун шаҳар ўт ичида эди. Аланганинг шиддатли қасир-қусури одамларнинг дод-фарёдига қўшилиб кетган эди.

“Яхши ҳамки, дунёда ўлим бор!”

Илès отхонада ўтказган кунидан кейин бу тўғрида тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолганди.

Ерда Акбар лашкарларининг кўпгина жасадлари ётарди, уларнинг устида совуғу қалқонга ўхшаш ҳарбий анжомлар деярли йўқ эди. Илès одамларнинг қаёққалигини билмай, нима қидираётганларидан беҳабар, ҳар томонга тирақайлаб қочишаётганини кўрди. Улар ўлимга ва яксонгарчиликка қарши турмоқ учун нимадир қилиш кераклигини ҳис этиб, тумгарақай қочишмоқда эди. “Нега улар бундай қилишяпти, — деб ўйлади Илès — наҳотки улар шаҳар аллақачон ёвнинг қўлига ўтиб кетганини ва уларнинг қочадиган жойи

қолмаганини тушунишмаса? Ҳамма нарса жуда тез рўй берди. Ассирияликлар сон жиҳатдан катта устунликларидан яхши фойдаландилар. Улар жангда ўз кучларини асраб қолишга муваффақ бўлишди. Акбарнинг ҳимоячилари эса деярли жангсиз мажақлаб ташланди.

Майдоннинг ўртасида улар тўхташди. Илёснинг қўлини орқасига боғлаб, ўзини тиз чўктиришди. Беванинг фарёдлари унинг қулоғига етиб келмаётганди. Балки у бир зумда жон таслим қилгандир, тириклай ёниб ўлишнинг давомли азобидан қутулиб қолгандир. Бу аёл қисматини Худонинг қўлига топширган эди. Ўзи эса кўксидан боласига жой берганди.

Ассириялик сарбозлар асирни судраб кетишяпти. Унинг башараси калтаклар зарбидан моматалоқ бўлиб кетганди. Унинг башараси дабдала бўлса-да, Илёс уни таниди — у саркарда эди.

— Акбарга шон-шарафлар бўлсин! — деб қичқирди у. — Финикияга шон-шарафлар бўлсин! Унинг сарбозлари кундуз кuni ёруғда душман билан олишади. Тун қоронғусида ҳужум қиладиган кўрқоқларга ўлим!

У гапни тутатиб улгурмасдан, унинг боши устида ассириялик сарбознинг қиличи ялтиради. Саркарданинг узилган боши ерга тушди.

“Энди навбат менга, — деди ўзига ўзи Илёс. — Мен бева аёл билан жаннатда учрашаман, кейин бир-биримизнинг қўлимиздан тутиб, сайр қиламиз”.

\* \* \*

Шу пайт ассириялик сарбознинг олдига эркак киши келиб, у билан ниманидир гаплаша бошлади. Бу одам Акбарда истиқомат қиларди, майдонда бўладиган машваратлар ва йиғинларда тез-тез иштирок этиб турарди. Илёс бир вақтлар бу одамнинг қўшнисини билан баҳсида аллақайси масалани ҳал қилишда ёрдам берганини эслади. Ассирияликлар ниманидир тортишиб қолишди. Уларнинг баҳси кучайгандан кучайиб борди. Улар қаттиқ-қаттиқ гапиришиб, ҳадеганда Илёсга ишора қилиб кўйишарди. Бояги эркак тиз чўкди, ассирияликлардан бирининг оёғини ўтди, қўлларини Бешинчи Тоғ томон чўзди ва болага ўхшаб йиғлаб юборди. Ассирияликлар бироз жаҳдан тушгандек бўлишди.

Уларнинг гапи ҳеч қачон адоқ бўлмайдигандай кўринарди. Эркак ҳамон тўхтовсиз йиғлар ва Илёс ҳамда ноибнинг уйига ишора қилиб, ялиниб-ёлборарди. Сарбозларнинг қиёфасидан эркакнинг гаплари уларга ёқмаётгани сезилиб турарди.

Ниҳоят, Илёснинг олдига финикия тилида гаплаша оладиган раҳнамо келди.

— Бизнинг айғоқчимиз, — деди у бояги эркакни кўрсатиб, — бизнинг хато қилганимизни айтяпти. Шаҳарнинг режасини бизга унинг ўзи берган, шунинг учун унинг гапига ишонса бўлади. Биз ўлдирмоқчи бўлган одам сен эмас экансан.

У Илёсни тепди. Илёс ерга йиқилди.

— Сенми Исроилга жўнамоқчи бўлаётган? У ерга бориб, сизларнинг тахтингизни эгаллаб олган Сидон маликасини ағдармоқчи бўляпсанми? Шу гап ростми?

Илёс жавоб бермади.

— Қани, айт менга — шу гап ростми? — деб яна сўради раҳнамо. — Шу шахдинг билан Исроилга борасан-у, яна қайтиб келиб, бева аёл билан унинг ўғлини ҳам қутқаришга улгурасанми?

— Ҳа, бу рост, — деди у. — Парвардигор унинг гапларини эшитган бўлиши мумкин. У бева билан болани қутқаришда мадад берса, ажаб эмас.

— Биз сени асир қилиб олиб, ўзимиз билан бирга олиб кетсак ҳам бўларди, — деб давом этди ассириялик. — Аммо бизни олдинда ҳали кўпгина жангу жадаллар кутиб туради, сен эса устимизга ортилган ортиқча юк бўласан. Биз сен учун ўлпон тўлашларини талаб қилсак бўларди, лекин кимдан талаб қиламиз? Сен ҳатто ўз тупроғингда ҳам бегонасан.

Раҳнамо Илёснинг юзига оёғини қўйди.

— Сендан сариқ чақалик фойда йўқ. Сен на дўстларингга, на

душманларингга кераксан. Сен баайни манави шаҳарга ўхшайсан — ҳокимиятимизни ўрнатмоқ учун бу ерда ҳатто бир қисм сарбозларимизни қолдиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Биз соҳилни фатҳ этганимиздан кейин, истасанистама Ақбар бизнинг қўлимизга ўтади.

— Битта саволим бор, — деди Илёс. — Бор-йўғи, битта савол.

Ассириялик унга ишонқирамай қаради.

— Нима учун сизлар Ақбарга кечаси ҳужум қилдинглар? Ҳамма урушлар кундуз кунни олиб борилиши кераклигини наҳотки билмасангиз?

— Биз қонунни бузганимиз йўқ. Урушни кечаси бошлашни тақққлайдиган ҳеч қандай одат йўқ, — деб жавоб берди командир. — Сизларнинг шаҳрингизни ўрганмоғимиз учун фурсатимиз етарли эди. Сизлар эса ўз одатларингизни ўйлашдан бўшамангиз ва ҳамма нарса ўзгариши мумкинлигини ҳаёлингизга ҳам келтирмадингиз.

Ассирияликлар бошқа бирон оғиз ҳам сўз айтмай, уни ўз ҳолича қолдиришди. Айгўқчи унинг ёнига келиб, қўларини ечди.

— Мен ўз-ўзимга сўз берганим, қачонлардир фурсати келганида, менга кўрсатган меҳрибончилигингни қайтараман, деб кўнглимга тутиб қўйганим. Мана, энди сўзимнинг устидан чиқяпман. Ассирияликлар қасрга киришганда қўллардан бири — сизлар излаб юрган одам беванинг уйида яшириниб ётипти, деб айтиб беришти. Сарбозлар сизнинг уйингизга етиб борганича, ҳақиқий ноиб қочишга муваффақ бўлишти.

Буларнинг бари Илёс учун ортиқ ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас эди. Ҳар томонда аланга шиддат билан кўкка ўрламоқда, ҳар томонда қий-чув, йиғи-сиги, фарёд...

Теварак-атрофда ҳукм сураётган тўс-тўполонда ҳали ҳам интизомга риоя қилаётган одамлар ажралиб турарди. Ўз раҳнамоларининг фармойишига итоат этиб, ассирияликлар сукут ичида шаҳарни тарк этишмоқда. Ақбардаги муҳораба тугаган эди.

\* \* \*

“Улар нобуд бўлишган, — деди дилида Илёс ўзига- ўзи. — Ахир, аёл омон қолмагандан кейин, у ерга бориб нима қиламан? Ёки бир мўъжиза рўй бериб, у омон қолдимкин? Ундай бўлса, биз бир-биримизни топамиз”.

Бироқ қалби унга ўрнидан туриб беванинг уйига бориши кераклигини айтмоқда эди. Илёс ўзи билан ўзи кураша бошлади.

Шу дақиқаларда Илёс на фақат бева аёлга муҳаббати тўғрисида ўйлади, балки бутун ҳаёти тўғрисидаги фикрлар уни банд қилганди. У Худонинг ниятига ишонч тўғрисида, туғишган шаҳридан қочгани, зиммасига юкланган вазифа тўғрисида, бу бурчни бажара олиши ёхуд бажара олмаслиги ҳақида ўйламоқда эди.

У теварак-атрофига аланглади — бирор жойда биронта қилич-пилич ётмаганмикин? Агар кўзига илинса, жонига қасд қилиб қўяқоларди. Аммо ассирияликлар биронта қуролни Ақбарда қолдириб кетишмапти. У гуриллаб ёниб турган алангага ўзини отмоқчи бўлди, лекин оғриқ азобидан кўрқиб, бундай қилмади.

Бир неча муддат у содир бўлаётган воқеаларни идрок этиб, қимирламай ётди. Бева аёл билан ўғли, ҳойнаҳой, бу дунёни тарк этишган бўлса керак. Энди Илёс уларни расм-русумларга биноан дафн этмоғи лозим. Унинг бирдан-бир таянчи Парвардигор йўлида меҳнат қилиш бўлиб қолди. У ўзининг диний бурчини адо этади, кейин унга шубҳа-гумонлару машаққатли дардлар азобини чекиш қолади. Лекин кўнглининг бир чеккасида улар тирик қолган бўлишлари мумкин деган бир умид учкуни ҳам милтиллаб турарди. У осмонга қараб ўтиравермаслиги керак.

“Уларнинг куйиб, хунути чиқиб кетган юзларини кўриб нима қиламан? Уларнинг қалблари эса аллақачон кўкларга парвоз қилиб бўлган”.

\* \* \*

Илёс унинг йўлларини чулғаб олган аччиқ тутундан бўғилиб, беванинг уйига қараб кетди. Шаҳарда нималар содир бўлаётганини у аста-секин англай

бошлади. Гарчи ассирияликлар шаҳардан чиқиб кетишган бўлса-да, аҳолининг қалбидаги ваҳима борган сари кучайиб бормоқда эди. Улар ҳамон йиғи-сиғи билан, худоларга илтижолар қилиб, шаҳар кўчаларида мақсадсиз тентираб юришарди.

Илès бирон кўмак илинжида теварагига аланглади. Шу яқин атрофда фақат биттагина эркак бор эди. У карахт эди ва ҳеч нарсани англаёлмасди.

Яхшиси, ҳеч кимдан ёрдам сўрамай, тўғри кетавериш керак.

У, барибир, Акбарни туғишган шаҳридай жуда яхши биларди, шу сабабдан гарчи у аввалги жойларни таниёлмаётган бўлса-да, бир амаллаб йўлни топиб юрди.

Кўчаларда ҳали ҳам нола-фигон ва йиғи-сиғилар эшитилиб турар, лекин бошдан кечирилган фожелардан кейин одамлар аста-секин ўзига кела бошлаган ва нимадир қилиш кераклигини англай бошлаган эдилар.

— Бу ерда ярадор бор, — дерди биров.

— Яна сув керакми? Биз оловни эглаёмаяпмиз, — деб қичқирарди бошқаси.

— Ёрдам беринглар. Эрим харобалар остидан чиқолмаяпти.

Илès ўша таниш уйга етиб борди. Кўп ойлар муқаддам шу уйдан у паноҳ тошган эди, шу уйда уни бамисоли бир дўстдек кутиб олишганди. Кўчанинг ўрғасида, шундоққина уйнинг ёнгинасида бир кампир ўтирипти. У қиғ-яланғоч эди. Илès кампирга ёрдам бермоқчи бўлди, лекин кампир уни итариб ташлади.

— Аёлнинг жони узиляпти! — деб қичқирди кампир. — Тезроқ унинг олдига бор. Бирор иложини қилиб ёрдам бер. Харобалар остидан уни тортиб ол!

Кампир жазавага тушиб, қичқириб юборди. Илès унинг қўлларидан ушлаб, силкита бошлади: кампирнинг бақирлишлари унга беванинг овозини эшитишга халақит бермоқда эди. Уйнинг ичи буткул вайрон қилинган эди. Илès бевани сўнгги марта бу уйнинг қаерида кўрганини эслаёлмади. Аланга анча пасайган эди, лекин ҳали унинг тафти жиндай бўлса-да, камайгани йўқ эди. Илès шифтдан қулаб тушган нарсалар орасига қадам босди ва илгари беванинг хонаси бўлган томонга юрди. Кўчадан эшитилиб турган шовқин-суронлар орасида инграган овозни аниқ эшитди. Бу — бева аёлнинг овози эди.

Илès ғайриихтиёрий равишда кийимининг чангини қоқди. Гўёки аёлнинг кўзига башангроқ кўринишни истагандай ... Кейин у бир жойда қимир этмай туриб қолди ва атрофга қулоқ солди. Яна оловнинг гуриллаши эшитилди, кўшни уйларнинг вайронлари остида ётган одамларнинг ёрдам сўраган нолалари қулоғига чалинди. Илès уларга “жим бўлинглар” деб танбеҳ бермоқчи бўлди — ахир, у бева аёл билан ўғли қаерда эканини аниқлаб олмоғи керак эди-да. Кейин анча вақт ўтгандан сўнггина у яна шитирлаган овоз эшитди — кимдир оёғи остидаги пол тахтасини тирнамоқда эди.

Илès тиззалаб олиб, телба мисол ерни кавлай бошлади. У тупроқ, тошлар ва ёғоч парчаларини ҳар томонга улоқтирди. Ниҳоят, унинг қўли аллақандай илиқ бир нарсага тегди. Бу — қон эди.

— Азизим, бардам бўл! Ўлиб қолма! — деди у.

— Синиб тушган лаш-лушларни йиғиштира, — деган овозни эшитди у. Бу — беванинг овози эди. — Мен юзимни кўришингни истамайман. Бор, ўлимга ёрдам бер.

Илès кавлашда давом этди. Бояғи овоз яна деди:

— Ўлимнинг жасадини топ. Менинг ўтинчимни бажо келтир, ялиниб сўрайман сендан.

Илèsнинг боши кўксига эгилди. У йиғлаб юборди.

— Мен унинг қайси синиқлар остида ётганини билмайман, — деди у. — Барака топкур, кетмай тур. Сенинг мен билан қолишингни истамайман. Сен менга севишни ўргатиб қўймоғинг керак. Менинг қалбим сева оладиган мартабага етди.

— Сен Акбарда пайдо бўлганингга қадар кўп йиллар мобайнида мен ўзимга ўлим тилаб яшадим. Бу илтижоларим Азроилнинг қулоғига энди етганга ўхшайди — мана, Азроил тепамда турипти.

Аёл инграб юборди. Илès индамай тишларини қисди. Кимдир унинг елкасига қўл тегизди. Илès кўрқиб кетиб, ўтирилди ва болани кўрди.

— Онам қани? — деб сўради бола.

— Мен шу ердман, ўғлим, — деган овоз келди вайроналар остидан. — Жароҳат олдингми?

Бола йиғлаб юборди, Илёс унинг елкасидан қучди.

— Йиғлаяпсанми, болам? — деди заифлашиб бораётган овоз. — Йиғлама, ўғлим. Бу ҳаётда маъно бор эканини англаш онанг учун осон кўчгани йўқ. Мен сенга буни ўргата олдим деб умид қиламан. Сен туғилган шаҳарнинг аҳволи нима бўлди?

Илёс билан бола бир-бирларининг пинжиги суқилиб, индамай қолишди.

— Ҳаммаси жойида, — деб ёлғон гапирди Илёс. — Биз бир неча сарбозимизни йўқотдик, холос. Лекин ассирияликлар шаҳардан чиқиб кетишди. Улар ноибни қидиришган экан: раҳнамоларидан бирининг ўлими учун ундан қасд олмақчи бўлган эканлар.

Яна сукунат чўқди. Ва яна заифлашиб бораётган овоз келди:

— Менинг шаҳрим омонми, йўқми? Шуни айт менга.

Илёс унинг узилаётганини ҳис қилди.

— Шаҳар бугун. Ўғлинг омон.

— Сен-чи?

— Мен ҳам омон қолдим.

У биларди — бу сўзлар унга таскин беради ва хотиржамлик касб этишига кўмаклашади.

— Ўғлимга айт, у тиз чўксин, — деди бева бир неча муддатдан кейин. — Мен яна ўз Парвардигоринг номига қасам ичмоғингни истаймман.

— Хўп бўлади. Истагингни бажо келтираман.

— Бир куни сен менга айтган эдинг — Парвардигор ҳамма ерда мавжуд экан. Мен бу гапга ишонгандим. Сен яна одам ўлганда жони Бешинчи Тоққа кўтарилмайди деган эдинг. Мен бу гал ҳам сенинг сўзларингга ишонгандим. Аммо сен, барибир, одамнинг жони қаерга кетишини тушунтириб берганинг йўқ. Энди қасам тўғрисида гапирай. Сизлар менга аза тутиб йиғламанглар, балки бир-бирларингизнинг ғамларингизни енглар. Токи Эгам ҳар бирингизга ўз йўлингиздан кетишингизга ижозат бермагунча, шундай қиласизлар. Ҳозирдан бошлаб, менинг қалбим бу курраи Заминда мен билган нарсаларнинг ҳаммасига сингиб кетади. Мен — водийда ва атрофдаги тоғлардан, шаҳарда ва унинг кўчаларидаги одамлардан. Мен — ярадорларда, тиланчиларда, сарбозларда, қоҳинларда, савдогарларда, донддор одамлардан. Мен — ерман, сен менинг гавдам устида одимлаб юрибсан. Мен қудуқдаги сувман — сенинг ташналигингни қондираман.

Менга аза тутиб йиғламанглар, чунки ғам-ғусса чекишга сабаб йўқ. Бугундан эътиборан мен Акбарман ва менинг шаҳрим бениҳоя гўзал.

Орага оғир жимлик чўқди, ҳатто шабада ҳам тиниб қолди. Илёснинг қулоғига ортиқ кўчадан келаётган нола-фиғонлар ва кўшни уйларни ямлаб-ютаётган оловнинг гуриллаши чалинмай қолди. У фақат сукунатни тингларди. Назарида бу сукунатни қўли билан ушлаб кўрса ҳам бўларди — сукунат шу қадар жонлидай туюлмоқда эди.

Илёс бироз бир томонга ўтди, устидаги кийим-бошини йиртиб лахтак-лахтак қилди ва самоларга мурожаат қилиб, овозининг борича ҳайқирди:

— О, Парвардигори олам! Сени деб мен Исроилни тарк этдим, лекин Исроил набилари каби сенинг йўлингга қонимни тўқа олмадим. Менинг дўстларим мени кўрқоқ деб аташди, душманларим сотқин дейишди.

Сени деб мен фақат қарга келтирган емишлар билан овқатландим, Сени деб саҳрони кесиб ўтиб, Сарепт шаҳрига етиб келдим. Бу шаҳарни одамлар Акбар деб аташар экан. Сенинг ироданг билан мен бева аёлга рўпара келдим ва менинг қалбим муҳаббат нима эканини таниди. Лекин мен ҳеч қачон зиммамдаги бурчимни унутганим йўқ. Мен бу ерда истиқомат қилган бўлсам-да, ҳар куни Исроилга қайтишга тайёр эдим. Бугун ўша шаҳарнинг ўрни — вайрона. Харобалар остида менга ишонган аёл ётипти. Менинг гуноҳим нимада, эй Парвардигор? Мен қачон ўз йўлимдан тойдим? Сен мендан рози эмасмидинг? Нима учун мени бу дунёдан чорлаб олмадинг. Бунинг ўрнига Сен мени яхши кўрган ва менга мадад берганларни яна хафа қилдинг.

Мен Сенинг ниятларингнинг маъносини чақа олмаяпман. Мен Сенинг ишларингда адолат кўрмайпман. Сен мени азоб-уқубатларга маҳкум этдинг, мен уларга дош беролмайман. Менинг ҳаётимни тарк эт, чунки менинг ўзим харобаларга, оловга, чанг-тўзонга айланиб қолдим.

Алангалар ва тўс-тўполон ўртасида Илёснинг кўзига нур кўринди. Эгамнинг фаришгаси намоён бўлган эди.

— Сен нега бу ерга келдинг? — деб сўради Илёс. — Жуда ҳам кечикиб келганингни кўрмайсанми?

— Мен сенга хушxabар олиб келдим — сенинг таваллоларинг бу гал ҳам Эгамнинг қулоғига етиб борди. Илтимос қилаётган нарсанга сен ноил бўлдурсен. Сенинг синов кунларинг охирига етмагунча ўз фаришгангнинг овозини ҳам эшитмайсан ва мен ҳам сенинг қаршингда намоён бўлмайман.

Илёс болани кўтариб олди ва икковлари бошлари оққан томонга йўл олишди. Шамолда ҳар томонга сузиб юрган тутун яна кўчаларни тўлдирди.

“Бу баайни тушнинг ўзи. Босинқираётганга ўхшайман”, — деб ўйлади у.

— Сен онамга ёлғон гапирдинг, — деди бола. — Шаҳар вайрон бўлган-ку!

— Ҳа, ёлғон гапирдим. Лекин у шаҳарнинг вайрон қилинганидан хабар топмадан, хотиржам қалб билан ўлимни қабул қилди.

— Онам бўлса, сенинг гапинга ишонди ва ўзини Акбар деб атади.

Илёс сувоқ ва шиша синиқлари устига қадам қўйиб, оёғини яралаб олди. Оғриқ унга кўраётганлари туш эмас, балки мудҳиш бир воқелик эканини эслатди. Улар майдонга етиб боришди. Яқин-яқинларда у бу майдонга одамларни тўшлаб, уларнинг баҳсларини ҳал қилишга ёрдам берарди. Ёнғинлар шувласидан бугун осмон қонталаш рангга кирган эди.

— Мен онамнинг кўзимга кўришиб турган жойда бўлишини истамайман, — деб яна гапини такрорлади бола. — Сен онамни алдадинг.

Бола онасига берган ваъдасининг устидан чиққан эди: Илёс унинг юзида бир томчи ҳам ёш кўрмади. “Мен нима қилияпман?” — деб ўйлади Илёс. Унинг оёғидан қон сирқиб оқиб турипти. Илёс оғриқдан бошқа ҳеч нарсани ўйламасликка қарор қилди. Оғриқ ночор аҳволни унутишига ёрдам беради.

Илёс унга ассириялик сарбоз қиличи билан етказган жароҳатни кўздан кечирди. Жароҳат у ўйлагандай чуқур эмас эди. Бола билан бирга у пастга тушди. Яқинда у шу ерда қўллари боғлиқ ҳолда турарди. Уни шу ерда айғоқчи ўлимдан қутқарганди. Илёс одамларнинг ҳар томонга бош урмай қўйишганини пайқайди. Улар чанг-тўзон, тутун ва харобалар орасида худди тирик мурдалардек аста тентираб юришарди. Улар ер юзида мангу дайдиб юришга маҳкум қилинган ва Худонинг эсидан чиқиб кетган одамларига ўхшар эди. Ҳаётнинг ортиқ маъноси қолмаган эди.

Фақат баъзи бир одамлардагина ҳаёт нишонаси бор эди. Илёс ҳамон аёлларнинг товушини ва сарбозларнинг дудмалланиб бераётган буйруқларини эшитарди. Аммо сарбозлар унча кўп эмас эди, ҳеч ким уларнинг буйруқларига бўйсунмаётгани ҳам йўқ эди.

Қачонлардир бир вақтлар коҳин “худолар биргаликда уйқуга кирганда дунё нотинч бўлиб қолади” деган гапни айтган эди. Борди-ю, у чиндан-да ҳақ бўлса, нима бўлади? Коҳин худоларнинг бундай мудҳиш ва бесаранжом уйқудан уйғониб, қайтадан тинчроқ уйқуга киришларига ёрдам бера олармикин? Илёс баъзан-баъзан кечалари ёмон туш кўрса уйғониб кетарди-да, кейин янгидан уйқуга кирар эди. Нега Коинотни яратган Соҳиби Қудратлар шундай қилишмайди?

Илёс ҳадеганда мурдаларга туртина-туртина бормоқда. Уларнинг ҳеч қайсисининг тўланадиган ўлпонлар билан, ассирияликларнинг водийдаги қароргоҳлари билан, диний расм-русумлар билан заррача иши йўқ эди. Қачонлардир Худонинг пайғомини уларга етказган сайёр набининг тақдири ҳам уларга бефарқ эди.

“Менинг бу ерда узоқ қолишим мумкин эмас. Бева аёлдан манави бола менга мерос қолди. Ҳатто ёруғ дунёда менинг қиладиган энг охири ишим шу бўлган тақдирда ҳам, мен унга муносиб бўлмайман”.

Илёс зўр-базўр ўрнидан турди, боланинг қўлидан етаклади-да, улар яна йўлга тушишди. Яксон қилинган дўконлар ва уйларда ўлаксахўрлар ҳунар

кўрсатмоқда эдилар. Илёс “Босқинни бас қилларинг” дея талаб қилиб, умрида биринчи марта содир бўлаётган воқеага аралашмоқчи бўлди.

Аммо уни жеркиб, итариб ташлашди.

— Буларнинг бари ноибга теккан ўлжанинг қолдиғи, холос. Биз шуни оляпмиз. Бор, йўлингдан қолма, бизга халақит берма!

Илёс улар билан тортишиб ўтирадиган қувватга эга эмас эди. У болани шаҳардан олиб чиқиб кетди ва улар водийга йўл олишди. Водийда оловли шамшир кўтарган фаришталар уларга рўпага келмайди.

“Бугун ой тўлган кеча”.

Тугуну чанг-тўзон қўйнидаги шаҳар ортда қолганида, Илёс ҳар томонни чароғон қилиб турган тўлин ойни кўрди. Бир неча соат аввал у шаҳардан чиқиб, Куддуси шарифга кетмоқчи бўлганида йўлни қийналмай топа олган эди. Шу ойнинг ўзи сахийлик билан ассирияликларнинг ҳам йўлини ёритиб турарди.

Бола кимнингдир жасадига қоқилиб тушиб, бақириб юборди. Жасад коҳиннинг жсади эди. Унинг қўл-оёқларини кесиб ташлашипти, лекин у ҳали узилипани йўқ эди. Унинг кўзлари Бешинчи Тоққа миҳлангандай тикилиб қолган эди.

— Кўриб турибсанки, Финикия худолари самовий жангда голиб чиқишди, — деди у зўр-базўр, лекин хотиржам оҳангда. Унинг оғзидан қон сирқимоқда эди.

— Изн берсанг, чекаётган азоб-уқубатларингга чек қўйсам, — деди Илёс.

— Ўз бурчимни бажарганимдан олган қувончим олдида бу оғриқ нима бўлипти?

— Сен бинойидек гўзал шаҳарни ер билан яксон қилишни ўз бурчинг деб ҳисоблармидинг?

— Шаҳар ҳалок бўлмайди, фақат шаҳар аҳолиси ва уларнинг фикрларигина ҳалок бўлади. Қачонлардир Акбарга бошқа одамлар келади, улар шаҳар қудуғининг сувини ичишади, янги коҳинлар шаҳарга асос солган одамлар қўйган тошни эҳтиёт билан асрашда ва унга жило беришда давом этишади. Бор, боравер. Ҳадемай менинг оғригим қолади, лекин сенинг умидсизлигинг умрингнинг охиригача сен билан бирга қолади.

Коҳин зўрға нафас оларди. Илёс уни ўз ҳолига қолдирди. Шу заҳоти уни бир тўп одам куршаб олди.

— Ҳаммасига сен айбдорсан! — деб қичқирди улар. — Сен ўз мамлакатингни шарманда қилдинг, бизнинг шаҳримизни қарғишга қолдирдинг!

— Ҳаммасига худолар шоҳид. Ким айбдор эканини худоларнинг ўзи билади.

Эркаклар унинг елкасига туртиб, ўдағайлай бошлашди. Бола унинг қўлидан юлқиниб чиқиб, қочиб кетди. Илёс калтакнинг тагида қолди, лекин унинг бугун фикри-зикри болада эди. У болани тўхтатиб қололмади.

Уни узоқ дўшпослашгани йўқ. Зўравонликдан ҳамма аллақачон ҳориб-чарчаб бўлганга ўхшарди. Илёс ерга йиқилди.

— Кўзимдан йўқол! — деб қичқирди кимдир. — Сен бизнинг меҳмондўстлигимизга нафрат билан жавоб бердинг.

Улар кетишди. Илёснинг ўрнидан кўзғалишга ҳам мадори етмади. Илёс ўзига келганда, у ўзини бутунлай бошқа одам деб ҳис қилди. У на ўлишни, на яшашда давом этишни истарди. Унинг кўнгли ҳеч нарсани тусамай қўйган эди, негаки унинг қалбида на муҳаббат, на нафрат, на имон қолганди.

\* \* \*

У қўққисдан чўчиб уйғонди — кимдир унинг юзига қўлини теккизган эди. Тун ярмидан оққан эди, лекин ой аллақачон боғиб бўлганди.

— Мен сенинг гамингни ейман деб онамга ваъда бергандим, — деди бола. — Лекин нима қилишни билмаяпман.

— Шаҳарга қайтиб кет. Яхши одамлар кўп, бирортаси сени паноҳига олади.

— Сен ярадорсан. Мен сенинг жароҳатларингга қарамоғим керак. Эҳтимол, фаришга намоён бўлар, у менга нима қилиш кераклигини айтар.



— Нималар бўлаётганига сенинг буткул ақлинг етмаяпти, — деб хитоб қилди Илёс. — Фаришталар энди сира келишмайди. Сен билан биз оддий одамлармиз. Оддий одамлар эса дард қаршисида ночор бўлишади. Одатдаги оддий одамлар фақат ўзларидан умидвор бўлмоқлари мумкин.

У чуқур хўрсиниб, хотиржам бўлишга ҳаракат қилди. Баҳслашиб ўтиришнинг маъноси йўқ эди.

— Сен қандай қилиб бу ерга етиб келдинг?

— Мен ҳеч қачон кетганим йўқ.

— Демак, сен менинг шармандалигимга гувоҳ бўлибсан-да? Демак, энди сен Акбарда менинг қиладиган ишим қолмаганини яхши биласан!

— Менга айтган гапинг эсингдами? Бизга ҳар қандай жангу жадаллар керак, ҳатто биз мағлуб бўладиган жанглар ҳам зарур, деган эдинг.

Илёс кеча эрталаб улар биргаликда қудуқ томон боришганини эслади. Ўшандан бери йиллар ўтиб кетгандай туюларди. У болага бошингта бахтсизликлар ёғилганда сўзларнинг ҳеч қанақа маъноси қолмайди демоқчи бўлганди, лекин уни хафа қилгиси келмади.

— Қандай қилиб ёнғиндан қутулиб қолишга муваффақ бўлдинг?

Бола бошини қуйи солди.

— Мен ўша кеча ухлаганим йўқ. Мен ўша тунда ухлამасликка аҳд қилгандим — кечаси онам ётган хонага кирасанми, йўқми — шуни кўрмоқчи эдим. Мен биринчи сарбозлар шаҳарга қандай кирганини кўрдим.

Илёс ўрнидан туриб, қачқадир кетди. У Бешинчи Тоғ этагидаги тошни топмоқчи бўлди. Бир кун у бева аёл билан бирга шу тош устида ўтириб, ботаётган қуёшни томоша қилган эди.

“Мен у ёққа бормаслигим керак, — деб ўйлади у. — Менга янада оғир бўлади”.

Аммо аллақандай куч уни ўша ёққа ундайверди. Бешинчи Тоғнинг этагига етиб бориб, у алам билан йиғлаб юборди. Майдондаги Тош шаҳарнинг рамзи бўлганидек, бу тош ҳам унинг учун жуда қадрли бўлган бир жойнинг рамзи эди. Шаҳарнинг бўлгуси аҳолиси майдондаги тошдан ортиқ ифтихор қилмаганидай, навқирон йигит-қизлар ҳам севгининг мағзини чақиб, маъносини англашар эканлар, бу тошни зиёрат қилиб, унга эҳтиром билан қўл теккизишмайди.

Илёс болани кучиб, ухлаб қолди.

\* \* \*

— Қорним очди, чой ичгим келяпти, — деди бола уйқудан кўзини очиб.

— Биз чўпонларнинг қулбасига кирмоғимиз мумкин. Улар шу яқин ўртала яшашади. Улар бало-қазолардан омон қолган бўлишлари керак. Улар Акбардан эмас-ку!

— Биз шаҳарни тиклашимиз керак. Онам “мен — Акбарман” деган эди.

Қанақа шаҳарни? Ахир, ортиқ на қасрлар, на бозор, на деворлар бор. Ҳалол одамлар босқинчи ўғриларга айланиб бўлди. Навқирон сарбозлар ўлдирилди. Фаришталар бошқа қайтиб келмайди, лекин бу Илёсни мутлақо ташвишга солаётгани йўқ.

— Вайронагарчиликларда, одамларга азоб беришда, уларни ўлдиришда бирон-бир маъно бор эди, деб ўйлайсанми? Сен ўйлайсанки, минглаб одамларни ўлдириш билан инсонни бирон нарсага ўргатиб бўладими?

Бола ҳайрон бўлганича Илёсга термулиб қолди.

— Ҳозирги айтган гапларимни эсингдан чиқар, — деди болага айтганлари ножоиз эканини ҳис қилиб. — Қани, юр, чўпон қулбасини излаймиз.

— Кейин шаҳарни талаймиз-а? — дея яна такроран сўради бола.

Илёс жавоб бермади. У яхши биларди — уни бахтсизликлар келтиришда айблайдиган одамларга энди у таъсир кўрсата олмайди.

Ноиб қочди, саркарда ўлдирилди, Тир билан Сидон ҳали замон ўзга юртли сарбозлар тазйиқига дош беролмай қулайди. Бева аёл ҳаққа ўхшайди: ҳақиқатан ҳам, худолар келиб-кетаверадиганга ўхшайди. Мана, бу гал Эгам улардан юз ўтиришти.

— Қачон Акбарга қайтамиз? — деб яна сўради бола.

Илѐс унинг елкаларидан туғиб, куч билан силкитди.

— Орқанга бир қара? Сен басир фаришга эмассан, сен онасининг кетидан қузатмоқчи бўлган бир боласан. Сен нимани кўряпсан? Сен осмонга ўрлаётган тугунларни кўряпсанми? Бунинг маъноси нима эканини сен биласанми?

— Елкам оғриб кетди! Бу ердан кетгим келяпти. Кетаман!

Илѐс ўзидан кўрқиб кетиб, тўхтади. У ҳали ҳеч қачон бунақа аҳволга тушмаган эди. Бола юлқиниб унинг қўлидан чиқди ва шаҳар томонга қараб қоча бошлади. Илѐс унга етиб олди-да, унинг олдида тиз чўкиб, юзгубан йиқилди.

— Мени кечир. Нима қилаётганимга ўзимнинг ақлим етмаяпти.

Бола ҳиқиллаб йиғлар, аммо юзида бир томчи ҳам кўз ёши кўринмасди. Илѐс боланинг йиғидан тўхтаб, тинчишини кутди-да, унинг ёнига ўтирди.

— Кетиб қолма, — деб ўгинди Илѐс. — Онанг вафот этаётганида мен унга ваъда бериб, то сен ўз йўлингни топиб олмагунингча сени тарк этмайман деган эдим.

— Сен унга шаҳар бус-бутун, шикаст кўргани йўқ деган гапни ҳам айтгандинг. Ушанда онам дедики...

— Такрорлашнинг ҳожати йўқ. Айбим оғирлигидан мен ўзимни йўқотиб қўйганман. Роса эзилиб юрибман. Менинг ўзимга келишимга имкон бер. Мени кечир, мен сенга озор етказмоқчи эмасдим.

Бола уни яхши кўрарди. Лекин кўзларидан бир томчи ҳам ёш чиқмади.

\* \* \*

Улар водий ўртасида турган бир уйнинг олдида келишди. Уйнинг остонасида бир аёл турарди, унинг олдида иккита ёш бола ўйнаб юрарди. Кўрада бир сурув қўй. Демак, бу тонг чўпон ҳали қўйларни тоққа ҳайдаб кетмапти.

Аёл келаётган эркак билан болага хавотирланиб қараб турарди. Аёл иложи борича тезроқ уларни бу ердан кетказиб юборишни истар эди, бироқ одат билан худолар аёлнинг меҳмондўстлик қонунини бажо келтиришини талаб қилишарди. Агар аёл ҳозир уларга бошпана бермаса, болаларининг қисматига ҳам шунақа маҳрумиятлар тушмоғи мумкин.

— Менинг пулим йўқ, — деди аёл. — Лекин мен сизларни едириб-ичирмоққа қурбим етади.

Улар томига похол ёпилган чоғроқ очиқ айвонда ўтиришди. Аёл қуруқ мевачева билан хурмачада сув келтирди. Улар индамай ўтириб тамадди қилишди ва шунчаки оддий ҳаётнинг қувончини ҳис қилишди. Илѐс билан унинг ҳамроҳидан кўрқиб кетган болалар уй ичига яшириниб олишди.

Овқатланиб бўлишгандан сўнг, Илѐс чўпоннинг қардалигини сўради.

— Ҳадемай келиб қолади, — деб жавоб берди аёл. — Биз шаҳар томондан келган даҳшатли суронни эшитдик. Бугун эрталаб эса кимдир келиб, Акбарнинг вайрон қилинганини айтди. Эрим нима бўлганини билиб келгани кетди.

Шу пайт уни болалари чақириб қолди ва аёл ичкарига кириб кетди.

“Болага бир гапни уқдиришнинг иложи йўқ, — деб ўйлади Илѐс. — У илтимос қилган нарсани бажо келтирмагунимча, бола мени ўз ҳолимга қўймайди. Бунинг иложи йўқлигини унга уқдириш керак, шунда унинг ўзи бунга ишонч ҳосил қилади”.

Егулик билан ичимлик мўъжизакор таъсир кўрсатди — у яна ўзини дунёнинг узвий қисми деб ҳис қила бошлади.

Илѐснинг миёсида ҳар хил фикрлар чапшор ура ғимирлай бошлади, лекин булар ҳали саволларга жавоб эмас, жумбоқнинг ечимини излаш туфайли туғилган фикрлар эди.

\* \* \*

Орадан бирмунча вақт ўтгандан кейин чўпон келди. У айвонда ўтирган эркак билан болага хавотир аралаш қараб қўйди. У ўзининг оиласидан ташвиш чекар эди, лекин бир зумда нима бўлаётганини англаб етди.

- Сизлар Акбардан қочиб келаётганга ўхшайсизлар, шунақами? — деди у.
- Мен ҳам ҳозир ўша ёқдан келяпман.
- У ёқда нималар бўляпти? — деб сўради бола.
- Шаҳар ер билан яксон бўляпти. Ноиб қочипти. Худолар олам тартибини издан чиқаришипти.
- Биз бор нарсамизнинг ҳаммасидан жудо бўлдик, — деди Илёс. — Биз сендан бизга бошпана беришингни илгимос қиламиз.
- Менинг назаримда, хотиним аллақачон сизларга бошпана бериб, қоринларингни тўйғизган кўринади. Энди сизлар кетаберсанглар ҳам бўлади. Бошга тушанга кўнмоқ керак.
- Болани нима қилишни билмай қолдим. Мен ёрдамга муҳтожман.
- Сен нима қилишни яхши биласан. Бола ҳали ёш экан, ўзи ҳам эсликкина кўринади. Куч-қувватга тўла экан. Сен ҳам ўз ҳаётингда кўпни кўрганга ўхшайсан. Бу боланинг ақл-идроки тўлишишига ёрдам берасан.
- Чўпон Илёснинг қўлидаги жароҳатни кўрди. У, жароҳат унчалик жиддий эмас, деди ва ичкарига кириб кетиб, тезгина шифобахш ўт-ўланлар билан бир бўлак латга кўтариб қайтиб чиқди. Бола ярани боғлашга кўмаклаша бошлади. Чўпон унга “қўявер, ўзим эплайман” деган эди, бола, “мен бу одамга ғамхўрлик қиламан деб онамга ваъда берганман”, деб жавоб берди.
- Чўпон кулиб юборди.
- Сенинг ўғлинг — лафзлик экан.
- Мен унинг ўғли эмасман, лекин бу одам ҳам лафзлик одам. У шаҳарни қайта тикламоқчи, негаки, у бир вақтлар мени тирилтиргандек, онамни ҳам тирилтирмоқчи.
- Илёс кўққисдан бола нима сабабдан ташвишланаётганини тушунди. Лекин бирон нарса деб оғиз очгунича чўпон хотинини чақириб қолди.
- Ҳаётни тиклашга нима етсин? — деди чўпон. — Лекин ҳамма нарсани аввалтидек жой-жойига қўймоқ учун анча вақт керак бўлади.
- Лекин ҳеч қачон бундай бўлмайди.
- Сен ёшсан, лекин ёш бўлсанг ҳам донишмандга ўхшайсан. Менинг ақлим етмайдиган нарсаларни билар экансан. Аммо табиат менга бир нарсани ўргатган: ҳеч қачон унутмаслик керакки, инсон ҳаёти об-ҳавога ва йил фаслларига боғлиқ. Чўпон одам фақат шу йўл билангина муқаррар нарсани бошидан кечирмоғи мумкин. У ўз сурувининг ташвишини қилади, ҳар бир кўйни асрайди, кўзиларни парвариш қилади, сув ичаётганда сурувни кўриқлайди. Бироқ шундай ҳам бўлиб қоладики, биронта кўй нобуд бўлиб қолиши мумкин. Илон қақиб олади ёки бирон йиртқич бўғизлаб кетади. Ҳатто жардан қулаб тушиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда, сабаб кўп. Муқаррар нарсдан ҳеч қасққа қочиб қутулиб бўлмайди.
- Илёс Акбар томонга бир қараб кўйди-да, фаришта билан гаплашганини эслади. Муқаррар нарсдан қочиб қутулиб бўлмайди.
- Унга дош бермоқ ва бемалол бошдан кечирмоқ учун сабр-қаноат ва тарғиб керак, — деди чўпон.
- Умид ҳам бўлмоғи керак. Агар сен ноумид бўлсанг, муқаррар нарса билан курашмоққа куч сарфлай олмайсан.
- Гап келажакдан умидвор бўлишда эмас, балки ўз ўтмишингни ўзгартира билишдадир.
- Чўпон уларни ортиқ кетишга қистамади: унинг қалби бу одамларга нисбаган раҳм-шафқатга тўлиб-тошган эди. Фожеалар унинг оиласини четлаб ўтди, шунинг учун худоларга миннатдорлик юзасидан йўлчиларга ёрдам бериши ҳеч гап эмас эди. Бундан ташқари, чўпон исроиллик наби тўғрисида эшитган эди: наби Бешинчи Тоғнинг устига чиққан, лекин само олови уни кўйдириб кулга айлантирмаган эди. Ҳамма аломатларга қараганда, унинг қаршисида ўтирган одам ўша наби эди.
- Истасанглар, меникида яна бир кун қолишларинг мумкин.
- Сен нима демоқчи бўлганингни унча тушунганим йўқ, — деди Илёс. — Ўз ўтмишингни ўзгартириш тўғрисида гапирдинг-ку...
- Бутун умрим давомида менинг уйим ёнидан одамлар ўтиб туришипти. Улар турмушим тузукроқ бўлармикин деб Тир ва Сидонга йўл олишади. Уларнинг кўпчилиги Акбарда бирлари икки бўлмаганидан зорланишади.

Вақти-соати етганда улар орқаларига қайтишади, лекин излаган нарсаларини тополмаган бўлишади. Ҳамма бало шундаки, улар Акбардан жўнаб кетишаётганда ўзларининг лаш-лушлари билан бирга омадсизликларини ҳам олиб кетишади. Янги жойда ўзига яраша иш топиб болаларига яхшироқ ҳаётни бахшида этиш камдан-кам одамга насиб бўлади.

Лекин бошқа тоифадаги одамлар ҳам бор эди. Улар қалблари тўла умид-орзулар билан Тир ва Сидонга боришган. Уларнинг Акбардаги ҳаётлари маънога тўла бўлган. Улар саёҳатлар қилишни орзу қилишган ва шу орзуларини рўёбга чиқариш йўлида астойдил меҳнат қилганлар. Бундай одамлар учун ҳаёт ҳамиша қувончлар ва зафарлардан иборат. — Улар ҳамиша шундай бўлиб қолади.

Ана шу одамлар Акбарга қайтишипти. Улар кўпгина қизиқ нарсаларни гапириб беришади. Улар ўзлари истаган кўпгина нарсаларга эришган. Бунинг сабаби шу бўлганки, ўтмишдаги муваффақиятсизликлар уларга халақит бермаган.

\* \* \*

Чўпоннинг сўзлари Илёснинг қалбига ғулгула солиб қўйди.

— Ҳаётни ўзгартириш унча қийин эмас. Акбарни вайроналар ичидан қайта оёққа турғизса ҳам бўлади, — деб давом этди чўпон. — Аввалгидек, гайрат билан меҳнат қилиш кераклигини тушуниш лозим, холос. Ва бунга ўз манфаатига бўйсундира билиш зарур.

Чўпон Илёсга диққат билан тикилиб қаради.

— Агар аввалги ҳаётинг сени ҳали ҳам эзиб ётган бўлса, уни тезроқ эсиндан чиқар, — деди чўпон. — Ҳаётингнинг янгича тарихини ўйлаб топ-да, унга биринчи бўлиб ўзинг ишон. Фақат ўзингнинг галабаларингни эслаб юр. Бу сенга кўнглингдаги тилаган нарсаларингга эришмоққа ёрдам беради.

“Бир замонлар мен дурадгор бўлмоқни орзу қилардим, кейин Исроилни қутқариш учун юборилган наби бўлишни хоҳлаб қолдим, — деб ўйлади Илёс. — Самодан фаришталар тушиб келишди ва улар орқали Эгам мен билан гаплашди. Мен Унинг адолатсизлигини қўрмагунимча ва Унинг ниятлари мен учун умрбод ечилмайдиган бир жумбоқ эканини англамагунимча, бу аҳвол давом этаверди”.

Чўпон хотинини чақирди ва унга бутун уйда қолишини айтди. Ахир, у бутун Акбарга пиёда бориб келди. Ҳозир эса унда яна қасқадир бориб келиш ишгиёқи туғилган эди.

— Бизга бошпана берганинг учун миннатдорман, — деди Илёс.

— Сизларни уйимда олиб қолишнинг мен учун ҳеч қанақа қийин жойи йўқ.

Гапга бола аралашди.

— Биз Акбарга қайтишни хоҳлаймиз.

— Эртагача тура туринглар. Шаҳарда талончилик бўлиб ётипти. Ҳамма ёқ тўс-тўполон. Ит эгасини танимайди. У ерда тунашнинг иложи қолмапти.

Бола лабини тишлаб, оёқлари остига телмуриб қолди. У зўр-базўр йиғлаб юборишдан ўзини тутиб турар эди. Чўпон уларни ичкарига олиб кирди, хотини билан болаларини тинчлангирди. Бутун оқшом давомида у Илёс билан болани оғир кечинмалардан чалғитиш учун об-ҳаво тўғрисида гап сотиб ўтирди.

\* \* \*

Эртаси куни Илёс билан бола уйқудан вақтли уйғондилар, чўпоннинг хотини тайёрлаган нонуштани еб, йўлга отлана бошлашди.

— Илоҳа, умринг узоқ бўлсин, сурувларингда қўй кўпайсин, — деди Илёс эшик олдида хайр-маъзур қилар экан. — Менинг бутун аъзойи баданим бирон егуликка эҳтиёжманд эди. Мен тамадди қилиб, нафсимни қондирдим. Сенинг уйингда қалбим билмаган нарсаларини билиб олди. Бизга қилган яхшиликларингни Худо ҳеч қачон унутмайди. Сизларнинг фарзандларингиз ҳам зарур бўлганда бегона ўлкаларда бошпанасиз қолмайди.

— Худо деганинг ким эканини мен билмайман. Бешинчи Тоғда кўп худолар

истиқомат қилади, — деди чўпон кескин оҳангда ва шу заҳоти гапни бошқа томонга бурди. — Сен ўзинг қилган яхши ишларни унутма. Бу сенга мардлик бахш этади.

— Мен жуда оз яхшилиқ қилганман. Лекин ўша озида ҳам менинг хизматим арзимамайди.

— Бўлмаса билиб қўй. Сен ҳам кўп яхши ишлар қиласан.

— Бўлса бордир. Мен ассирияликлар истилюсининг олдини олмоғим мумкин эди.

Чўпон кулиб юборди.

— Сен ҳатто Акбарнинг ноиби бўлганинда ҳам бўлиши муқаррар бўлган нарсани тўхтатиб қола олмас эдинг.

— Ассирияликлар ҳали жуда оз бўлишганда ноиб уларга ҳужум қилмоқ учун аскар юбормоғи керак эди. Ёки бошланмасдан аввал сулҳ тўғрисида битишиб олмоғи зарур эди.

— Нимаики рўй бериши мумкин бўлган бўлса-ю, рўй бермаган бўлса, уни шамол учуриб олиб кетади ва у ўзидан ҳеч қанақа из қолдирмайди, — деди чўпон. — Ҳаёт матоси бизнинг фикрларимиздан тўқилади. Баъзи бир ҳодисаларни бошдан кечирмасликнинг иложи йўқ, негаки, худоларнинг иродаси шунақа. Бунинг уларга нима кераги борлиги маълум эмас, лекин бу ҳодисалар бизни чеклаб ўтсин учун ҳаракат қилишнинг ҳам маъноси йўқ.

— Нима учун?

— Акбарда яшаган исроиллик набидан сўра. Унда ҳамма нарсага жавоб тайёрга ўхшайди.

У қўйлар жойлашган қўрага йўналди.

— Сурувни яйловга ёймоқ керак, — деди у. — Кеча улар қўрадан чиққани йўқ. Бугун бетоқат бўлишяпти. Тезроқ олиб чиқмаса, бўлмайди.

У Илёс билан болага хайр-маъзур маъносида бош ирғади-да, қўйларини олдиға солиб, ҳайдаб кетди.

\* \* \*

Бола билан Илёс водийда тентираб юришарди.

— Сен жуда имиллаб юряпсан, — деди бола. — Сен бошингга тушиб қоладиган воқеадан ҳадиқсираяпсан.

— Мен фақат ўз-ўзимдан қўрқаман, — деб жавоб берди Илёс. — Одамлар менга ҳеч нарса қила олмайдилар, чунки менинг қалбим ўлиб бўлган.

— Мени ўликлар қаторидан қайтарган Худо ҳали тирик. Агар сен шаҳарни қайта тикласанг, Худо онамни тириштириши мумкин.

— Бу Худони эсингдан чиқар. У биздан узоқ ва биз ундан кутадиган мўъжизаларни ортиқ кўрсатмай қўйган.

Чўпон ҳақ эди. Ҳозирдан бошлаб ўз ўтмишини ўзгартирмоғи зарур эди. Бир замонлар сен ўзингни наби деб ҳисоблаганингни, Исроилни халос этиш зиммангга тушганини, аммо Исроил у ёқда турсин, лоақал битта шаҳарни қутқариб қололмаганингни унутмоқ лозим.

Бу тўғрида мулоҳаза юритар экан, у ҳайрон қоладиган даражада кўтаринки қувонч туйғусини ҳис қилди. Умрида биринчи марта ўзини буткул озод ҳис қилди — у ўз ҳаётини ўзи тилагандай ўтказиши мумкин. Тўғри, у фаришталарнинг гапларини ортиқ эшита олмайди, лекин бунинг эвазига у — эркин. Хоҳласа, Исроилга қайтиб, қайтадан дурадгорлик қила бошлайди, хоҳласа, Юнонистонга бориб, у ердаги донишмандлардан тафаккур қилишни ўрганади, хоҳласа, финикиялик денгизчилар билан бирга кемаларда олис сафарларга жўнаши мумкин.

Қачонлардир уни Худо интиқомга чорлаган эди. Энг яхши ёшлик йилларини у лоқайд Худого бағишлади. Бу Худо фақат буйруқ беришни биларди ва ҳамма ишларни Ўз Измида қиларди. Илёс унинг иродасига бўйсунушга ва унинг ниятларини ҳурмат қилишга ўрганиб, кўникиб кетганди.

Аммо Илёснинг вафодорлиги ва садоқатига жавобан Худо уни тарк этди, у яхши кўрган якка-ю яғона аёл эса вафот этди.

— Сен бутун оламга ва жамики юлдузларга подшосан, — деди Илёс она

тилида бола унинг гапларига тушунмаслиги учун. — Бизга бир қумурсқани қирс этиб эзиб ташлаш қанча осон бўлса, сенга ҳам шаҳар ёхуд мамлакатни яқсон этиш шунчалик осон. Шундай экан, самовий оловингни юбориб, ҳозирнинг ўзида менинг жонимни ол, негаки, агар Сен шундай қилмасанг, мен Сенга қарши бош кўтараман.

Узоқда Акбар кўринди. Илёс боланинг қўлини олиб, уни маҳкам қисди.

— Ҳозирдан бошлаб, то шаҳар дарвозасидан кириб бормагунимизча, мен кўзларимни юмиб, йўл босаман. Сен мени етаклаб юр, — деб илтимос қилди у боладан. — Мабодо, мен йўлда ўлиб-нетиб қолсам, мендан илтимос қилган нарсангни ўзинг бажарасан, Акбарни тиклайсан — агар бунинг учун аввал ўсиб-улгайишнинг керак бўлса-да, кейин дурадгорлик ёки тошйўнарликни ўрганиб олишга тўғри келса-да, Акбарни тиклайсан.

Бола ҳеч нарса деб жавоб бермади. Илёс кўзларини юмиб, боланинг қўлидан тутди-да, унинг орқасидан кета бошлади. У шамолнинг гувиллашини ва қум узра кўйган икки қаламининг шитирлаганини эшитди. У Мусони эслади. Мусо Худонинг назари тушган халқни халос этганди, мислсиз қийинчиликларни енгиб, уни саҳродан бошлаб ўтганди. Шундан кейин Худо унга Хамаанга киришни тақиқлаб қўйди. Шунда Мусо деди:

“Менга бу ердан ўтишга ва Йорданнинг нариги томонидаги сахий ерни кўрмоғимга изн бер”.

Аммо Мусонинг бу илтимосини эшитиб, Эгамнинг қаҳри келипти. У депти: “... бўлди, бас қил, бундан буён Менга бу тўғрида бошқа гапирма. ... ўз кўзларинг билан денгизга қара, шимол ёққа боқ, жанубга, машприққа тикил, ўз кўзларинг билан тикилиб қара: чунки сен бу Йорданнинг нариги томонига ўтмайсан”.

Эгам Мусонинг давомли ва машаққатли меҳнатига ана шундай жавоб берди — унга Ардоқли Заминга қалам кўйгани ижозат бермади. Агар Мусо Худонинг гапини қулоғига олмаганида нима бўларди?

Илёс яна хаёлан самоларга мурожаат қилди.

— О, Парвардигор, бу жанг ассирияликлар билан финикияликлар ўртасидаги жанг эмас, балки Сен билан менинг ўртамдаги муҳорабадир. Орамиздаги жанг тўғрисида Сен мени ҳеч нарса деб огоҳлантирганинг йўқ ва ҳар доимгидек ғолиб чиқдинг. Менга эса Сенинг иродангни бажаришга тўғри келди. Сен мен яхши кўрган аёлнинг жонини олдинг, мен сарсон-у саргардон юрганамда менга бошпана берган шаҳарни вайрон қилдинг.

Унинг юзига куч билан шамол келиб урилди. Илёс қўрқиб кетди, лекин шундай бўлса-да, гапини давом этдирди:

— Мен бева аёлни тирилтира олмайман, тақдирни ўзгартириш қўлимдан келмайди. Сенинг вайронгарчилик билан боғлиқ ниятларинг қаршисида ожизман. Мусо Сенинг гапингга кириб, дарёдан ўтмади. Мен эса олға боравераман. Ҳозирнинг ўзида жонимни олиб кўяқол. Ахир, менга дарвозаларга яқинлашишга изн берсанг, сен ер билан яқсон қилмоқчи бўлган шаҳарни мен янгидан қураман. Шу тариқа Сенинг иродангга қарши бораман.

Ортиқ у ҳеч нарса демади. У бошқа ҳеч нарса тўғрисида ўйламади ҳам ва ўлишини кута бошлади. Қум узра кўйилган қаламлардан бошқа ҳеч нарсанинг овози қулоқларига чалинмай анча юрди. У на фаришталарнинг шивир-шивирини, на Худонинг гулдирак товушини эшитишни хоҳлар эди. Унинг қалби эркин эди, у ортиқ ҳеч насадан қўрқмай кўйганди. Бироқ қалбининг қаърида алланечук хавотирлик жойлашиб олганди, гўё у аллақандай муҳим нарсани унутиб қўйганди.

Бола тўхтаб, Илёснинг қўлидан тортгунича анчагина вақт ўтди.

— Етиб келдик, — деди у.

Илёс кўзларини очди. Само олови унга шикаст етказмади. У Акбарнинг вайрон бўлган деворлари олдида турарди.

\* \* \*

Илёс болага қаради. Гўё Илёснинг қочиб кетишидан қўрққандек, бола унинг қўлидан маҳкам ушлаб олганди. Наҳотки, бола уни яхши кўради? Илёс буни

билмасди. Бироқ бу тўғрида кейин ўйласа ҳам бўлаверади, ҳозир эса у кўп йиллар мобайнида биринчи марта Эгам буюрмаган бир ишни бажармоғи лозим эди.

Ҳавода куйган нарсаларнинг ҳиди анқийди. Осмонда йиртқич қушлар гир-гир айланиб юрипти — улар офтобда сасиб ётган мурдаларга ташланиш учун пайт пойлашяпти. Илёс сарбозлардан бирининг мурдаси ёнига келиб, белидаги қиличини олди. Ўттан кунги тўс-тўполонда ассирияликлар шаҳар ташқарисида қурол-аслаҳаларни йиғиб олишни унутишибди.

— Қилични нима қиласан? — деб сўради бола.

— Ҳимояланишга керак.

— У томонларда ассирияликлар бошқа қолгани йўқ-ку?

— Барибир, қилич керак бўлади. Биз ҳар нарсага шай турмоғимиз керак.

Унинг овози титради... Ҳозир улар чала бузилган девордан ўтиб, шаҳарга қадам қўйганларида нима бўлиши номаълум эди, лекин Илёс уни тўхтатмоқчи бўлган ҳар қандай одамни ўлдирмоққа тайёр эди.

— Мен ҳам манави шаҳар каби вайрон бўлганман, — деди у болага. — Аммо бу шаҳарга ўхшаб, ҳали ишимни охирига етказиб қўйганим йўқ.

Бола жилмайди.

— Сен бутунлай аввалги даврлардагига ўхшаб гапиряпсан-а!

— Менинг гапларимдан хижолат бўлма! Илгари мен Иезавелни тахтдан ағдариб, Исроилни Худога қайтариб беришга ҳаракат қилгандим. Бироқ У бизни унутиб юборган бўлса, биз ҳам Уни унутмоғимиз жоиз бўлади. Менинг вазифам — сен илтимос қилган нарсани бажо келтириш.

Бола унга ишонқирамай қараб қўйди.

— Агар Худо бўлмаса, менинг онам ўликлар дунёсидан қайтиб келмайди.

Илёс унинг бошини силади.

— Нариги дунёга онангининг жасадигина риҳлат қилган. Унинг ўзи биз билан қолаверади. Онанг бизга “мен Акбарман” деб айтган эди-ку! Биз онангга аввалги ҳусни таважжуҳини қайта касб этмоғига қўмаклашмоғимиз керак.

\* \* \*

Шаҳарда осойишталик ҳукм сурарди. Кўчаларда қариялар, аёллар, болалар тентираб юришипти. Бу унга ассирияликлар ҳужум қилган тундаги манзарани эслатди. Одамлар нима қилишлари кераклигини бутунлай англамаётгандай кўринарди.

Ҳар гал уларнинг ёнидан бирор кимса ўтиб қолганида бола Илёснинг қилич дастасини маҳкамроқ чангаллаётганини сезди. Аммо одамлар уларга мутлақ парво қилмай, йўлларида давом этаверардилар. Қўшлар исроиллик набини таниб, у билан саломлашарди, лекин уларнинг башарасида ҳеч қанақа ифода, ҳатто нафрат ҳам сезилмас эди.

“Улар ҳатто нафрат туйғусини ҳам унутиб қўйишганга ўхшайди”, деб ўйлади у булутларга чулганган Бешинчи Тоғ чўққиларига нигоҳ ташлар экан. Шу чоқ Эгамнинг сўзлари унинг эсига тушди:

“Сизларнинг жасадларингизни санамларингизнинг синиқ бўлақларига айлантираман ва Менинг қалбим сизлардан ҳазар қиладиган бўлади. Сизларнинг заминларингизни қовжиратиб, шаҳарларингизни чўли биёбонга айлантираман. Сизлардан омон қолганларингизнинг қалбларига ҳадик соламан, улар ҳатто япроқнинг титрашини эшитсалар ҳам тирақайлаб қочадиган бўлишади.

Ҳатто ҳеч ким уларни таъқиб этмаганида ҳам йиқилиб қолаверардилар”.

\* \* \*

Ана, нима ишлар қилиб қўйганингни Ўзинг кўриб қўй, Эгам: Сенинг сўзларинг вожиб бўлди — ер юзида ҳамон тирик мурдалар тентираб юрипти. Сен Акбарни тирик мурдалар маконига айлантирдинг.

Улар шаҳарнинг бош майдонига келишди, вайроналар орасида ерга ўтиришди ва теварак-атрофларига қарашди. Шаҳар у ўйлаганидан кўра бешбадтар вайрон бўлганга ўхшайди. Деярли ҳар бир уйнинг томи қулаб, шаҳарни лой босиб кетипти, ҳамма ёқ кир, исқирт, гуж-гуж паппалар учиб юрипти.

— Мурдаларни йиғиб олиш керак, — деди Илѐс. — Акс ҳолда, шаҳарнинг бош дарвозасидан ўлат кириб келади.

Бола бошини қўйи солиб ўтирарди.

— Бошингни кўтар, — деди Илѐс. — Онангни мамнун этмоғимиз учун биз астойдил меҳнат қилмоғимиз керак бўлади. — Бироқ бу гап боланинг қулоғига кирмагандай кўринди. Бола ана шу харобалар ичида қайдадир унга ҳаёт берган аёлнинг жасади ётганини ва бу жасад ҳам уларнинг теварак-атрофларида ётган жасадларга ўхшашини тушуна бошлади.

Илѐс болани қистамади. У ўрнидан туриб, бир жасадни орқалади-да, майдоннинг ўртасига олиб борди. У маййитларни дафн қилиш тўғрисидаги Эгамнинг кўрсатмаларини эсламади ҳам. Унинг бирдан-бир қилмоғи керак бўлган иши — шаҳарга ўлатни йўлатмаслик эди. Бунинг бирдан-бир чораси эса жасадларни ёқиб юбориш.

У бугун эрталабдан тинмай жасад ташиди. Бола эса шу кўйи ўтирган жойидан қимир этмади, бирон марта ҳам теварак-атрофга назар солмади, лекин онасига берган ваъдасининг устидан чиқди — Акбар тупроғига унинг кўзларидан бир томчи ҳам ёш томмади.

Уларнинг ёнида бир аёл тўхтади. Аёл анча вақт Илѐснинг қилаётган ишига қараб турди.

— Одамлар тириклигида уларнинг тортишувларида ҳакамлик қилган инсон энди ўликларнинг жасадларини йиғиштиряптими? — деди аёл.

— Улар кетишди. Қолган-қутган нарсаларни ҳам ўзлари билан олиб кетишди. Шаҳарда қиладиган иш қолмади. Шаҳарда фақат заифлару ожизлар — кексалар, бевалар, етим-есирлар қолди.

— Ахир, бу ерда жуда кўп аҳоли яшаган эди-ку? Ўтмишдан бу қадар осонлик билан юз ўтириб бўлмайди.

— Ҳамма нарсасидан маҳрум бўлган одамга бу гапларингни тушунтириб кўр.

— Менга кўмаклаш, — деди Илѐс яна битта жасадни кўтариб бориб, бошқа жасадлар устига кўяр экан. — Кел, бу жасадларни ёндириб юборайлик. Шундай қилсак, бизнинг ҳузуримизга ўлат худоси келмайди. У жазгинак бўлган тана исига тоқат қилолмайди.

— Ўлат худоси келса келаверсин, — деди аёл. — Бизнинг ҳаммамизни тезроқ олиб кетсин.

Илѐс яна ишга киришди. Аёл боланинг ёнига ўтириб олиб, Илѐснинг қандай ишлаётганини томоша қила бошлади. Бир неча муддат ўтгач, у яна Илѐснинг ёнига борди.

— Йўқликка маҳкум бўлган шаҳарни сен нега қутқармоқчи бўляпсан?

— Агар мен ишдан тўхтаб, бу тўғрида ўйлана бошласам, мен истаган нарсамни бажо келтира олмай қоламан, — деб жавоб берди у.

Кекса чўпон ҳақ эди — унинг бирдан-бир иложи — ўтмишни унутиб, ўзига янги тарих барпо этиш эди. Аввали наби алангага чулганган уйда бева аёл билан бирга оламдан ўтган эди. Эндиликда у Худого ишонмай қўйган одам. Эндиликда ҳар хил шубҳа-гумонлар унинг кўксини тилка-пора қилмайди. Бироқ у Худонинг қарғишидан кўрқмай, тикка унга қарши бораётган бўлса-да, ҳамон тирик, ҳали ўлгани йўқ. Агар у бундан кейин ҳам ўз йўлидан бормоқни ихтиёр этадиган бўлса, ўзи ўйлаган тарзда иш қилмоғи керак бўлади.

Аёл енгилроқ бир мурдани тахлади-да, уни оёғидан судраб, Илѐс тўшлаб қўйган жасадлар ёнига олиб борди.

— Мен буни ўлат худосидан кўрққаним учун қилаётганим йўқ, — деди аёл. — Акбар учун ҳам қилаётганим йўқ. Ассирияликлар, барибир, яна қайтиб келишади. Мен буни манави ерда бошини қўйи солиб ўтирган болани деб қиляпман. Унинг ҳамма ҳаёти ҳали олдинда эканини бола тушунмоғи керак.

— Раҳмат, — деди Илѐс.

— Менга раҳмат демай қўяқол. Эҳтимол, бу вайроналар орасидан менинг ўғлимнинг ҳам жасади чиқиб қолар. Унинг ҳам ёши айни манави боланикидай эди.

Аёл юзини кафтлари билан яшириб, йиғлаб юборди. Илѐс эҳтиёткорлик билан унинг қўлидан тутди.



Бизнинг юракдаги дардларимиз ҳеч қачон ўтиб кетмайди, аммо бу дардни енгиб ўтмоғимизга бизга меҳнат ёрдам беради. Изтироблар толиққан одамга шикаст етказа олмайди.

Кун бўйи улар ана шу қайғули иш билан банд бўлишди: жасадларни йиғиб, уларни бир тўп қилиб уюшди. Деярли ҳамма жасадлар йигит-ялангларники эди. Ассирияликлар уларни Акбарнинг сарбозлари деб ўйлашган кўринади. Уларнинг анча-мунчаси Илёснинг оғайнилари эди — Илёс уларни таниди. Унинг кўзларидан ёшлари шапқатор бўлди, лекин у ишларни тўхтатмади.

\* \* \*

Кун охирлаб қолганда улар бутунлай кучдан қолишди. Лекин улар кун бўйи ҳамма ишни қилиб улгуришмаган эди. Акбар аҳлидан бирон киши ҳам уларга ёрдам берайлик демади.

Улар бола ўтирган жойга қайтиб келишди. Эрталабдан бери биринчи марта бола бошини кўтарди.

— Овқат егим келяпти, — деди у.

— Қидириб, бирор нарса топиб келай, — деб жавоб берди аёл. — Анча-мунча уйларда етарли озиқ-овқат қолган, негаки, одамлар узоқ давом этадиган қамалда тайёрлик кўришган эди.

— Ўзинг учун ҳам, менинг учун ҳам егулик нарсаларни олавер, ахир, биз бу шаҳарни қайта тиклаш йўлида ўлиб-тирилиб меҳнат қиляпмиз, — деди Илёс. — Агар бу боланинг қорни очган бўлса, ўз гамини ўзи ейишига тўғри келади.

Аёл гап нимада эканини тушунди. У ўзининг ўғлига ҳам худди шундай муомала қилар эди. Аёл илпари ўзи истиқомат қилган уйга йўл олди. Ўғрилар қимматбаҳо буюмлар излаб бутун уйни ағдар-тўнтар қилиб ташлашпти. Пол устида шиша синиқлари сочилиб ётарди — энг шишасоз усталар томонидан ясалган ва йиллар давомида йиғилган ажойиб шиша идишларнинг ҳаммаси чил-парчин бўлганди. Ниҳоят, аёл, аввал яшириб қўйган — бироз қуруқ мева ва озгина ун топишга муваффақ бўлди.

Аёл майдонга қайтиб келиб, топган егулигини Илёс билан бўлишди. Бола лом-мим деб оғиз очмади.

Уларнинг ёнига бир кекса чол келди.

— Мен кун бўйи майитларнинг жасадларини йиғиб-териш билан банд бўлганларингни кўрдим, — деди у. — Сиз вақтингизни беҳуда кеткизяпсиз. Наҳотки билмасаларинг — ассирияликлар Тир билан Сидонни фатҳ этишлари биланоқ бу ерга қайтиб келишади. Ундан кўра, ўлат худоси келиб, ассирияликларни маҳв этгани яхши эмасми?

— Биз бу ишни на улар учун, на ўзимиз учун қиляпмиз, — деб жавоб берди Илёс. — Бу аёл болага ҳали унинг ҳамма ҳаёти олдинда эканини кўрсатиб қўйиш учун меҳнат қиляпти. Мен эса ортиқ ўтмиш йўқ эканини намойиш қилмоқ учун меҳнат қиляпман.

— Тирнинг улуг маликасига наби ортиқ таҳдид солмайдими? Жуда ажойиб-ку! Иезавел ажали етиб, бу дунёни тарк этгунича Исроилда ҳукмронлик қилар экан-да? Агар ассирияликлар мағлубларга олижаноблик қилмасалар, бизга ўша ёқдан бошпана топилиб қолар.

Илёс ҳеч нарса деб жавоб бермади. Авваллари бу ном қулоғига чалиниши биланоқ Илёснинг жини кўзиб кетарди. Ҳозир эса жуда олисдан эшитилгандай бўлди.

— Шунақами, йўқми, барибир, Акбар қайта тикланади, — деб ўзиникини маъқуллади қария. — Қурилажак шаҳарлар ўрнини худолар танлайди. Улар, албатта, Акбарни эсдан чиқармайдилар. Биз бўлсак, бу ишларни тўхтатиб, келажак авлодлар ҳиссасига қолдиришимиз мумкин.

— Ҳа, мумкин, лекин қолдирмаймиз.

Илёс “гап тугади” деган маънода қарияга орқасини ўтирди.

Аёл, Илёс ва бола очик ҳавода ётиб қолишди. Аёл болани бағрига олди ва очликдан унинг қорни гўлдирётганини эшитди. У болага бироз егулик бермоқчи бўлди, лекин шу заҳотиёқ бу фикрдан қайтди. Жисмоний толиқиш

чиндан-да рухий дардларни заифлаштиради. Бу бола ҳам, афтидан, жуда кўп азоб-укубат чекканга ўхшайди. У бирон нарса билан шуғулланмоғи керак эди. Ажаб эмаски, очлик уни меҳнат қилишга мажбур этса...

\* \* \*

Эртаси куни аёл билан Илёс яна ишга киришишди. Кеча кечқурун уларнинг ёнига келган қария бугун яна келди.

—Менинг қиладиган ишим йўқ. Майли десанглар, сизларга ёрдам берсам дегандим, — деди у. — Аммо менинг дармоним йўқ — елкамда жасад ташиёлмаيمان.

—Ундай бўлса, гишгларни, пайраҳаларни ташчи. Кулни супир.

Қария унга буюрилган юмушларни бажаришга киришди.

\* \* \*

Күёш қоқ тепага кўтарилганда, Илёс роса ҳолдан тойиб, бир ерга чўкка тушди. Илёс фариштанинг аввалгидек ёни-верида эканини сезиб турарди, лекин унинг гапларини ортиқ эшитмасди. “Эшигиб ҳам нима қиламан? Мен ёрдамга муҳтож бўлганимда, фаришга менга ёрдам бераолмади, энди бўлса, менга унинг маслаҳатлари керак эмас. Энг муҳими — бу шаҳарда тартиб ўрнатиш ва Худога унга зид иш қилиш қўлимдан келишини кўрсатиб қўйиш. Ана ундан кейин ўзим истаган томонга кетаверишим мумкин.”

Қуддуси шариф унча олис эмас, пиёда юрганда атиги етти кунлик йўл. Йўл унча оғир ҳам эмас, лекин шуниси борки, ватанида уни сотқин деб ҳисоблайдилар-да! Ёки Дамашққа жўнаб кетгани маъқулроқмикин? Биронта юнон шаҳрида мирзалик ўрнини қидириб кўрса ҳам бўлади.

Илёс ўзига кимнингдир қўли текканини ҳис қилди, ёнига ўгирилиб, болани кўрди. Бола қўлида чоғроқ кўзача ушлаб турган эди.

—Мен бу кўзачани бир уйдан топдим, — деди бола Илёсга хурмачани узатар экан.

Хурмачанинг ичида тўла сув бор эди. Илёс бир кўтаришда хурмачадаги сувнинг ҳаммасини ичди.

—Бирон нарса тамадди қилиб ол, — деди у болага. — Сен меҳнат қиялсан. Эвазига бирон нарса тамадди қилиб олсанг, арзийди.

Ассирияликлар Акбарга ҳужум қилган кечадан бери биринчи марта боланинг лабларида табассум зоҳир бўлди ва у жонҳолатда аёл ун билан меваларни яшириб қўйган жойга ташланди.

Илёс ишга қайтди. У вайрон бўлган уйларнинг ичига кирар, синган ёғочларни у ёқ-бу ёққа сурар, ўлганларнинг жасадларини олиб чиқиб, майдоннинг ўртасидаги бир тўп қилиб уйиб қўйилган жасадлар устига тахлар эди. Унинг қўлидаги жароҳатга чўпон боғлаб қўйган лагга тушиб кетди, лекин у бунга парво қилмади. У қадр-қимматини қайтадан касб этмоққа кучи етишини ўз-ўзига исбот қилмоғи керак эди.

Майдондаги ахлатларни йиғиб юрган қария ҳақ эди. Ҳадемай ассирияликлар ўзлари экмаган ҳосилни йиғиб-териб олгани қайтиб келишди. Илёс ўзининг севимли аёлини ўлдирганлар учун ғайрат қилмоқда эди. У ассирияликларнинг иримчи халқ эканини ва ҳар нима бўлганда ҳам шаҳарни тиклашларини биларди. Ривоятларга қараганда, худолар шаҳарларни барпо этар эканлар, уларнинг водийлар, жониворлар, дарёлар ва денгизлар билан уйғунлик касб этмоғини назарда тутганлар.

Ҳар бир шаҳарда худолар унинг бир бўлагини муқаддас билиб асраб қўярдилар ва ёруғ жаҳон бўйлаб қилган узундан-узун сайрлари вақтида шу жойларда ҳордиқ олардилар. Шунинг учун шаҳар қиргинбаротга учраса, Худолар замин устига самони ағдариб юбориш билан таҳдид қилардилар.

Ривоятда айтилишига кўра, кўп асрлар муқаддам бу жойлардан шимолдан келган Акбарнинг асосчиси ўтган экан. У шу ерда тунаб қолмоқчи бўлипти ва лаш-лушларини қолдирган жойни белгилаб қўймоқ учун ҳассасини ерга санчиб қўйишти. Эртаси куни у ҳассасини ердан суғуриб ола билмапти ва тушунбдики,

бу Коинотнинг иродаси. Мўъжиза рўй берган жойга у катта бир тошни ўрнатишти, сўнг унинг ёнидан булоқ кўз очганини кўришти. Вақт ўтиши билан тош ва булоқ теварагига ҳар хил қабилалар жойлаша бошлапти. Шу тарзда Акбар шаҳри вужудга келибди.

Қачонлардир бир вақтлар ноиб унга финикия ривоятларига кўра ҳар бир шаҳар кўкнинг иродаси билан ернинг иродаси ўртасида учинчи нуқта бўлган, уларни бир-бирига туташтирувчи ҳалқа бўлган. Коинот уруғнинг кўкага айланишига ёрдам берган, Замин бу кўкатнинг ўз бағрида кўкаришига изн берган, инсон унинг меваларини йиғиб шаҳарга олиб кетган ва у ерда дуолар ўқишиб, худоларга тухфалар қилишган. Сўнг бу тухфаларни муқаддас тоғларда қолдириб кетишган. Илёс унчалик кўп дунё кезмаган бўлса-да, жаҳондаги кўшига халқлар бу ривоятга ишонишини яхши биларди.

Ассирияликлар Бешинчи Тоғ худоларини овқатсиз қолдиришдан кўрқишар эди. Улар Коинотдаги мувозанатни бузишдан кўрқишарди.

“Мен нима учун буларни ўйламоқдаман? Ахир, кураш менинг иродам билан мени ғам-ғуссага ташлаб кетган Эгамнинг иродаси ўртасида бормоқда-ку?”

Кеча унинг вужудини қамраб олган туйғу бугун унга яна қайтди. У гўёки алланечук муҳим бир нарсани унутиб қўйгандек эди. У ҳарчанд хотирасини зўрлаб кучанмасин, бунинг нима эканини сира эсламасди.

\* \* \*

Яна бир кун ўтди. Улар деярлик ҳамма жасадларни йиғиштириб бўлай деганларида, уларнинг олдига яна бир аёл келди.

— Ейишга ҳеч вақом йўқ, — деди ҳалиги аёл.

— Биз ҳам шу! — деб жавоб берди Илёс. Кеча ва бугун фақат бир кишига мўлжалланган овқатни уч кишига тақсимлашга тўғри келди. — Ана, ўзинг айланиб қараб чиқ, бирон жойдан егулик топсанг, дарҳол менга айт.

— Мен буни қандай қилиб тошман?

— Болалардан сўра. Улар ҳаммасини билади.

Бола бир хурмача сув олиб келгандан бери яна ҳаётнинг мазасини тотадиган бўлиб қолгандай кўринарди. Илёс унга ахлат ва пайраҳаларни йиғишда қарияга ёрдамлашишни буюрди, бироқ узоқроқ ишлашга уни мажбур қилишнинг сира имкони йўқ эди. Мана, ҳозир ҳам у майдонда бошқа болалар билан ўйнаб юришти.

“Майли, ўйнаб қолсин. У улғайиб, катта бўлганда, меҳнатга ҳам роса тўяди”. Аммо Илёс унга меҳнат қилиши зарурлигини уқдириб, бир кеча оч ўтиришга мажбур қилгани учун мутлақо пушаймон бўлаётгани йўқ эди. Агар Илёс болага ассириялик сарбозларнинг шафқатсизлигидан жабр кўрган шўрпешана етимчадек муомала қилганида, бола ҳеч қачон шаҳарга киришлари биланоқ унинг бутун вужудини чулғаб олган айрилиқ аламини ва ғам-ғуссани енгиб ўта олмаган бўларди. Энди Илёс уни бир неча кунга ўз ҳолига ташлаб қўймоқчи эди — бир ўзи ўтириб, рўй берган воқеаларни танасига ўйлаб кўрсин.

— Болалар қасқдан билишади? — деб ижикилаб сўрашда давом этди Илёсдан овқат сўраган аёл.

— Бориб кўргин, ўзинг амин бўласан.

Қария билан аёл унинг кўчада ўйнаб юрган болалар билан гаплашаётганини кўришди. Болалар унга нимадир дейишди. Аёл ўтирилди, унинг чеҳрасида табассум йилт этгандек бўлди. Аёл муюлишга бориб, кўздан ғойиб бўлди.

— Болалар овқат борлигидан воқиф эканини қасқдан билдинг? — деб сўради қария Илёсдан.

— Мен ҳам бир вақтлар бола бўлганман. Болаларда ўтмиш бўлмаслигини ҳам биламан, — деди у яна чўпон билан қилган суҳбатини эслаб. — Ўша куни кечаси ассирияликларнинг ҳужуми уларни жуда кўрқитиб юборди. Лекин ҳозир улар бу тўғрида ортиқ ўйлаётганлари йўқ. Шаҳар улар учун тевараги тўсилган улкан бир майдонга айланди. Бу ерда уларнинг югуришига ҳеч ким ҳалақат бермайди. Ўйинларини ўйнаб, югуриб юришиб, улар яшириб қўйилган тамадди захираларига рўпара келишган. Шаҳар аҳли Акбар қамалини бемалол кечирингга умидвор бўлиб, уларни яшириб қўйишган эди.

Бола халқи катта одамларни уч нарсага ўргатиб қўя олади: буларнинг бири ҳеч қандай баҳонаю сабабсиз хурсанд бўлмоқ, ҳамиша шугулланмоқ учун ўзига машғулот топа олмақ ва айтганида қаттиқ турмоқ. Ахир, мени Акбарга қайтарган ҳам шу бола бўлди-да!

\* \* \*

Бу оқшом яна бир нечта аёл билан қария ўлганларнинг жасадини йиғатган одамлар сафига қўшилди. Болалар йиртқич қушларни ҳайдаб, ҳар хил латта-пугталар ва пайраҳаларни йиғиб келишарди. Қоронғи тушгандан кейин Илёс гулханга ўт ёқди ва баланд қилиб тўпланган жасадлар уюми аланга ичида қолди.

Тирик қолганлар осмонга ўрлаётган паға-паға тугунларга индамай қараб туришарди.

Ишени тутагач, Илёс дармонсиз ҳолда ўтириб қолди. Уйкуга ётиш олдиан эрталаб кўнглидан кечган туйғулар унга яна қайтди. У жон-жаҳди билан қандайдир жуда муҳим бир ишни қилишга талпинарди. Бу — унинг Акбарда ўрганганларига ҳеч қанақа алоқаси йўқ эди. Йўқ, бу қандайдир қадимий бир ҳодиса эди. Бу ҳодиса содир бўлаётган ҳамма воқеаларнинг моҳиятини очиб берадиганга ўхшарди.

\* \* \*

Бу кеча Ёқуб ёлғиз қолди. Ва аллаким у билан тонг ёришгунча кураш тушди. Ва унга кучи етмаётганини кўриб, “Мени қўйиб юбор” деди.

Ва Ёқуб деди: менга оқ фотиҳа бермагунингча сени қўйиб юбормайман.

Ва деди: сенинг исминг нима? У “Ёқуб” деди.

Ва деди: ҳозирдан бошлаб, сенинг исминг Ёқуб эмас. Исроил бўлсин, чунки сен Худо билан кураш тушдинг ва сен ҳамма одамларни енгасан.

\* \* \*

Шу лаҳзанинг ўзида Илёс уйғониб кетди ва кўкка қаради. Лекин у қуйидаги воқеани сира-сира эслаёлмади.

Қадим-қадим замонларда бузрук Ёқуб шийпонда тунаб қолганди ва шийпонга аллаким келиб, тонг ёришгунча у билан кураш тушганди. Ёқуб рақибни Худо эканидан хабардор эди. Шундай бўлса-да, у курашаверди. Куёш чиқди, лекин Худо ҳали ҳам Ёқубни мағлуб қилолгани йўқ эди. Худо оқ фотиҳа беришга рози бўлгандан кейингина курашни тўхтатди.

Бу воқеа ҳақидаги гаплар авлоддан-авлодга кўчиб юрарди. Уни ҳеч ким унутиб қўймаслиги керак эди — Худо билан бот-бот курашиб турмоқ ҳам керак. Ҳар бир одамнинг бошига бахтсизлик тушмоғи мумкин: шаҳари яқсон бўлади, ўғли вафот этади, беайб айбдор бўлиб қолади, бедаво дардга учрайди. Бундай вақтларда Худо одамни синовдан ўтказди. Одам Худонинг берган бир саволига жавоб бермоғи керак. “Эй, одамзод! Сен нима учун ҳаётга бу қадар ёпишиб олгансан? Ахир, умр қисқа ва азоб-уқубатларга тўла-ку? Сенинг курашингда қандай маъно бор?”

Шунда бу саволга жавоб топиб бераолмайдиган одам таслим бўлади, тақдирга тан беради. Ҳаётнинг маъносини излайдиган одам эса Худо адолатсиз иш қилди деган тўхтама келади. Бундай одам ўз тақдирига қарши боради. Шундай дақиқада самодан бошқа нур тушади; йўқ, бу куйдириб, ўлдирадиган нур эмас, бу нур эски деворларни кунфаякун қилади ва ҳар бир одамга унинг ҳақиқий истезодини очиб беради. Кўрқоқ одамлар ҳеч қачон бу нурнинг юракларига кириб олиб, у ерда аланга олишига йўл қўйишмайди. Уларнинг ҳаётдан излаган бирдан-бир нарсалари — янги нарсаларга тезроқ кўникишидан иборат, холос. Шунда улар яна яшайверадилар ва аввалгидек фикрлашда давом этаверадилар. Довюрақлар эса ҳамма эски нарсага ўт кўяди ва ҳатто мислсиз руҳий азоблар эвазига бўлса ҳамки, ҳамма нарсадан, шу жумладан, Худодан ҳам юз ўтириб, олдинга одимлайверадилар.

Довюраклар ҳамиша ўжар бўлади.

Осмондан қараб турган Худо қувонганидан жилмаяди, ахир, у айни ана шуни хоҳлайди — ҳар бир одам ўз ҳаёти учун ўзи жавоб берсин, дейди. Сирасини айтганда, Эгам ўз бандаларидан танлаш ва қарорлар қабул қилиш қобилиятини дариғ тутмаган. Фақат қалбларида муқаддас олов ёнган одамларгина Худо билан олишмоққа журъат қила оладилар. Фақат уларгина унинг ишқига қайтиб олиб келадиган йўлдан воқифдурлар, бундай одам бахтсизлик жазо эмас, синов эканини англаш даражасига кўтарилади.

Илёс хотирасида ўзининг ҳар бир қадами тиклади. У дурадгорлик устахонасини тарк этгандан бошлаб, сира иккиланмай, ўз тақдирига тан берди. Ҳатто айни шу нарса унинг зиммасидаги чинакам вазифаси бўлган тақдирда ҳам (шундай эканига у астойдил ишонарди), у ҳеч қачон ўзи юриб кўришдан воз кечган йўлларда уни нималар кутганини билиш имкониятига эга бўлмаган эди. Негаки, у имонини, садоқатини ва иродасини йўқотиб қўйишдан қўрқарди. У ҳамма қатори яшаш хавfli деб ҳисобларди — агар шундоқ бўлса, охир-пировардида ҳамма нарсага кўникиб, теграндгиларнинг ҳаммасини севиб қолмоқ мумкин. Илёс ўзининг ҳам ҳар қандай бошқа одамга ўхшаган бир инсон эканини тушунмасди. Ҳатто фаришталарнинг гапини тинглай олса ва Худонинг йўриқларига риоя қилиб япаса-да, барибир, одам-да! У ўзининг йўли тўғри эканига шу қадар қаттиқ ишонар эдики, ўз ҳаётида бирон марта ҳеч қандай муҳим қарор қабул қилмаган одамларнинг хатти-ҳаракатига ўхшаган ишларни қилаберарди.

У шубҳаю гумонлардан ўзини олиб қочарди. Муваффақиятсизликлардан қочарди. Мужмалликдан нари юришга интиларди. Аммо Эгам саховатли ва олижаноб эди. Эгам уни муқаррар нарсага рўпара қилди ва бу билан унга инсон ўз тақдирига тан бермоғи керак эмас, аксинча, тақдирини танлаб олмоғи кераклигини кўрсатмоқчи бўлди.

Кўп йиллар бундан муқаддам ҳозиргига ўхшаган қоп-қора тун эди. Ўша тунда Ёқуб то оқ фотиҳа бермагунча, Худони қўйиб юбормади. Фақат шундагина Эгам ундан “Исминг нима?” деб сўради.

Ҳамма гап мана шунда — исмда! Ёқуб исмини айтгандан кейин, Худо унга “Исроил” деб янги исм қўйиб берди.

Ҳар бир одам гўдаклик чоғлариданоқ ўз исмига эга бўлади, аммо ҳар бир одамнинг ўз ҳаёти учун исм топа билмоғи муҳимдир. Бу шундай сўздирки, унинг бутун ҳаётига маъно бахш этади.

“Мен — Акбарман!” — деган эди бева.

Илёс унга исм керак эканини англагунча, шаҳарнинг яқсон бўлишини ва сеvimли аёлининг вафотини бошдан кечиришга тўғри келди. Ўша дақиқанинг ўзида у ўз ҳаётини Қўрқарбек деган исм билан атади.

\* \* \*

У ўрnidан турди. Майдонда ҳамон ҳалок бўлганларнинг жасадлари тутаб ётарди. Бу жасадларни ёндириш билан у ўз мамлакатининг қадимий одатига хилоф иш қилди. Одатга кўра, одамларни маросимларни бажо келтирган ҳолда дафн қилмоқ керак эди. У жасадларни куйдиришга жаҳд қилиб, анъаналар билан ва Худо билан олишди. Лекин у ўзининг гуноҳ қилмаётганини ҳис қиларди, негаки, ҳозирги янги вазиятда жасадларни куйдириш якка-ю ягона чора эди. Худонинг меҳрибонлигига чегара йўқ, аммо журъатсизларга, мужмалларга нисбатан Унинг қаҳри ҳам қаттиқ.

Илёс яна бир қур майдонга кўз ташлади. Одамлар ҳали уйкуга кирмаган эди. Улар кўзларини узмай, аланга тилларига тикилиб туришарди — гўё бу аланга уларнинг хотираларини, ўтмишларини, тепса-тебранмасликларини, икки юз йиллик тинч ҳаётларини ямлаб ютаётгандай эди. Кўрқув ва умидворлик замони охирига етди. Энди фақат қайтадан тикланиш қолди, холос. Ёки мағлуб бўлиш.

Бу одамлар ҳам худди Илёс каби ўзларига исм танлаб олишлари мумкин — Муроса, Дониш, Ошиқ, Зиёридин — осмондаги юлдузлардек, исларнинг ҳам сон-саноғи йўқ. Ҳар бир одам ўз ҳаётининг исмини топиб олмоғи керак. Илёс ўрnidан туриб, ибодат қила бошлади.

“Эй Парвардигори олам! Мен сен билан олишдим. Лекин бунга хижолат чекаётганим йўқ. Мен ўз йўлимдан бораётганимни англаб етдим, негаки буни мен ўзим хоҳладим. Бунга мени ота-онам ҳам, юртимнинг урф-одатлари ҳам ва ёки Сенинг ўзинг ҳам мажбур этганинг йўқ. Шу дақиқаларда Сенга қайтишни истайман, О, Эгам! Сенга чин дилимдан ҳамду санолар ўқишни тилайман. Сен буни ўз йўлини танлаб ола билмаган бир одамнинг қўрқоқлиги важдан қилаётган иши деб ўйлама. Аммо Сен менга ўзингнинг энг муҳим ниятингни ишониб билдирмоғинг учун, Сен менга токи оқ фотиҳа бермагунингча Сен билан олишишда давом этмоғим керак.”

Акбарни қайтадан тиклаш. Илёс буни Худо билан олишув деб ҳисобларди. Аслида эса бу Худо билан янги учрашув бўлди.

\* \* \*

Эртасига эрталаб тамадди қилиш учун қаердан овқат топиш мумкинлигини сўраган аёл яна келди. У ўзи билан бошқа аёлларни бошлаб келди.

— Биз озиқ-овқат сақланадиган омборни топдик, — деди аёл. — Энди овқатимиз нақд бир йилга етади. Негаки, кўшлар ҳалок бўлди ёки ноиб билан бирга қочиб кетди.

— Озиқ-овқатни тақсимлашни қарияларга ишониб қўйиб бераверинлар. Улар шаҳарда тартибни қандай жорий қилишни яхши билишади.

— Қарияларда яшаш ишгиёқчи кўринмайди-ку?

— Ҳар нима бўлганда ҳам улардан келишни илтимос қилинг.

Аёл кетишга чоғланди, лекин Илёс уни тўхтатди.

— Сен ҳарфлар ёрдамида ёзишни биласанми?

— Йўқ.

— Мен буни ўрганганман. Сенга ҳам ўргатиб қўйишим мумкин. Сенга бу жуда ҳам асқотади. Ёзишни билсанг, шаҳарни бошқаришда менга ёрдам берасан.

— Бироқ ассирияликлар қайтади-ку!

— Улар қайтиб келишса, шаҳарни бошқармоқ учун бизнинг ёрдамимизга муҳтож бўлишади.

— Нечук энди бу душманга ёрдам берар эканмиз?

— Мен буни шунинг учун қиламанки, ҳар бир одам ўз ҳаётига исм бера олсин дейман. Биз ўз кучимизни синовдан ўтказмоғимиз учун душманлар бир баҳона, холос.

\* \* \*

У тахмин қилганидек, қариялар келишди.

— Акбар сизларнинг кўмагингизга муҳтож, — деди Илёс. — Ҳозир сизлар ўзларингизга эрк бериб, қарилик гапгини суролмайсизлар. Бизга ҳозир навқирон куч-қувват керак. Ахир, сизлар бир замонлар ёш бўлгансизлар-ку?

— Биз ёшлигимизни қандай қилиб қайтариш йўлини билмаймиз-да, — деб жавоб берди улардан бири. — Ёшлигимиз бизни доғда қолдириб, ажинларимиз ортига яшириниб олган.

— Бу гапларинг тўғри эмас. Сизлар, аслида, ҳеч қачон мафтункор бўлмагансизлар. Шунинг учун ёшлигингиз сизни тарк этган. Энди бўлса, уни қидириб топиш фурсати келди. Ахир, сизлар билан биз фақат бир нарсани — Акбарни қайта тиклашни орзу қиляпмиз.

— Наҳотки, амалга ошириш мумкин бўлмаган ишни бажо келтириш кўлимиздан келса?

— Келади. Бунинг учун қалбларингга умид қайтиб келмоғи керак.

Гуссали ва ғамгин кўзлар бирдан чарақлаб очилди. Улар энди кун охирида гурунглашишга гап топилсин деган мақсадда халқ йиғинига келган, шаҳарнинг ҳеч кимга нафи тегмайдиган аҳиллари эмас эдилар. Энди уларнинг зиммасига жуда муҳим вазифа юкланди — энди улар керакли одамлар.

Қарияларнинг ораларидаги энг бақувватлари вайрон бўлган деворлар орасида бутун қолган уйларни тиклашга яроқли нарсаларни излашди. Энг кекса қариялар шаҳидларнинг кулини далаларга сепишга ёрдам беришди. Шундай

қилинса, ҳосилни йиғиб-териш вақтида одамлар ҳалок бўлганларни эсга олишади, руҳларини шод қилишади. Бошқалар эса шаҳардаги бутун қолган уйлардаги галлаларни йиғиб, улардан нон ёпиш билан ва қудуқлардан сув келтириш билан машғул бўдилар.

\* \* \*

Орадан икки кун ўтди. Кечкурун Илёс шаҳар аҳлини майдонга тўплади. Майдон синиқлардан, куйиндилардан аллақачон тозалаб қўйилганди. Машғалалар ёқилди. Илёс гап бошлади.

— Бизда танлаш имкони йўқ, — деди у. — Биз бу ишни ўзга юртдан келганлар маҳрига қолдирмоғимиз мумкин. Аммо шундай қилсак, биз ўзимизни ўзимиз ана шу мусибат туфайли қўлимизга кирган бир имкониятдан — турмушимизни ўзгартириш, қайта қуриш имкониятидан маҳрум қилган бўламиз. Бир неча кун аввал жасадлари ёндирилган одамларнинг хоки баҳорда ям-яшил майса бўлиб униб чиқади. Сиз истило тунида йўқотган ўғлингиз бугун яқсон бўлган шаҳар кўчаларида беғам ўйнаб юрган, куйиб қул бўлган уйларга югуриб кириб-чиқаётган болаларда тажассум топган. Рўй берган фожиаларни енгиб ўтиш ҳозирча фақат болаларгагина насиб этди, чунки уларнинг ўтмиши йўқ. Улар учун энг муҳим нарсаси — ҳозирги дақиқалардир. Келинлар, биз ҳам болаларга ўхшаб яшашга бир уннаб кўрайлик.

— Наҳотки, инсон қалбидаги айрилиқ дардини ўзи сўндира олса? — деб сўради бир аёл.

— Йўқ. Аммо у ўз ишларидан тасалли топмоғи мумкин.

Илёс ўтирилиб, булутлар бағрига чўмиб турган Бешинчи Тоғ чўққисига ишора қилди. Энди — шаҳар деворлари бузилгандан сўнг тоғ майдондан жуда яхши кўрина бошлади.

— Мен ягона Худога ишонаман, сизлар бўлсангиз, худолар Бешинчи Тоғни чулғаб олган булутлар устида яшайди деб ҳисоблайсизлар. Мен ҳозир менинг Худом кучлироқ ёхуд бақувватроқ экани тўғрисида гапирмоқчи эмасман. Мен орамиздаги тафовут тўғрисида эмас, мушгарак томонларимиз тўғрисида кўпроқ гапирсам дегандим. Бошимизга тушган мусибат бизни битта мушгарак туйғуни кечиришга мажбур қилди. Нега шундай бўлди? Шунинг учунки, биз гўё ҳамма нарсани ҳал қилиб қўйдик, ҳамма нарсани белгилаб қўйганмиз деб ҳисоблар эдик ва бирон-бир ўзгариш бўлишига сира-сира кўнмоғимиз мумкин эмас эди.

— Сизлар билан биз савдогар тоифасига мансуб халқмиз, лекин биз сарбоз сифатида ҳам иш юрита оламиз, — деб давом этди у. — Сарбоз эса ҳамма вақт нима учун курашмоғи керагини яхши билади. У ўзига тааллуқли бўлмаган нарсалар учун сира жанг қилиб ўтирмайди ва ҳеч қачон вақтини ўзига ачинишга сарфламайди.

Сарбоз мағлубиятни тан олади. У мағлубиятни лоқайдлик билан қабул қилмайди ва уни ғалабага айлантиришга уринмайди ҳам. У талафотлар аламиндан, лоқайдликдан изтироб чекади ва ёлғизликдан ноумид аҳволга тушади. Кейин эса, буларнинг барини бошидан кечириб бўлгач, жароҳатларини доволайди-да, ҳаммасини бошидан бошлайди. Сарбоз биладики, уруш қўшлаб жанглардан ташкил топади. У олға бораверади.

Бахтсизликдан ҳеч қаёққа қочиб қутулиб бўлмайди. Биз сабабини излаб топишимиз мумкин, бошқа одамларни айблашимиз мумкин, бошимизга шу кулфат тушмаганда ҳаётимиз буткул бошқача бўлиб кетиши мумкинлигини тасаввур қилмоғимиз мумкин. Лекин буларнинг ҳеч қайсиси бирон аҳамиятга молик эмас, негаки, бахтсизлик аллақачон рўй бериб бўлган. Шу дақиқадан бошлаб биз бахтсизлик рўй бермасдан олдин бизнинг руҳимизда қарор топдирадиган қўрқувни унутмоғимиз керак ва қайта тикланишни бошламоғимиз лозим.

Ҳозирдан бошлаб ҳар биримиз ўзимизга янги исм қўйиб олайлик. Бу муқаддас исм бўлади. Бу исмда биз нима учун курашган бўлсак, ҳаммаси ўз ифодасини топади. Ўзим учун мен “Холосбек” деган исмни танладим.

Бир зум майдонга жимлик чўқди. Сўнгра бир аёл ўрнидан турди. У Илёсга биринчилардан бўлиб ёрдам берган аёл эди.

—Менинг исмим Яна Қўшилмоқ, — деди аёл.

—Менинг исмим — Дониш, — дея луқма ташлади қария.

Илès жуда яхши кўрган бева аёлнинг ўгли хитоб қилди:

—Менинг исмим — Алифбе!

Майдондаги одамлар қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди. Бола уялиб кетди. У хижолатга тушиб, яна жойига ўтирди.

—Қандай қилиб одам ўзини Алифбе деб аташи мумкин? — деб қичқирди бошқа бир бола.

Илès жавоб бермоқчи бўлди-ю, лекин бола ўз-ўзини ҳимоя қилабилгани яхши, деган тўхтамга келди.

—Онам шу ишни яхши кўрар эди, — деди бола. — Ҳар гал ҳарфларни кўрганимда, онамни эслайман.

Бу гал ҳеч ким кулмади. Бирин-кетин Акбарнинг етим-есирлари, бевалари ва қариялари ўзларининг янги номларини айтишди. Ҳамма ўз номини айтиб бўлгандан кейин Илès одамлардан вақлироқ ётишни илгимос қилди. Эртасига эрталаб ишни яна давом эттириш керак эди.

Илès боланинг қўлидан тутди ва улар икковлашиб майдон томон кетишди. Майдонда катта матодан ёпиб, соябон қилинган эди.

Шу кундан бошлаб, Илès болага Библос ёзувини ўртага бошлади.

\* \* \*

Кунлар кўшилиб ҳафта бўлди ва ҳафталар ўтган сайин Акбарнинг қиёфаси ўзгара борди. Бола ҳарфларни ёзишни анча тез ўрганди. Энди у ҳарфларни кўшиб, сўз ясай оладиган даражага етган эди. Илès унга сопол парчаларига шаҳарни тиклаш тарихини ёзишни буюрди.

Сопол парчаларини ўчоқда куйдириб пишитар эдилар ва бир кекса эр-хотиннинг уйида эҳтиёт қилиб асрар эдилар. Ҳар куни кечқурун шаҳар аҳолиси майдонга тўпланарди. Илès кексалардан уларнинг турмушларини сўраб-суриштирар, кейин эса уларнинг ҳикояларини сопол парчаларига ёзиб кўярди.

—Бу сопол парчаларида биз Акбар ҳақидаги хотираларни асраймиз, негаки, олов уларга қор қилмайди, — деб тушунтирди у. — Қачонлардир вақти-соати келганида бизнинг фарзандларимиз ва невараларимиз бизнинг мағлубиятга кўниб кетганимизни, балки муқаррар нарсани мардона бошдан кечирганимизни билиб олишади. Бу уларга ўрнатилган бўлиб хизмат қилади.

Ҳар оқшом бола билан машғулотлар тутагандан кейин Илès кимсасиз шаҳарда сайр қилар ва сайр қилиб юриб, бир дарвоза олдига келиб қоларди. Қуддуси шарифга олиб борадиган йўл шу дарвоза олдидан бошланарди. У дарвоза олдида бирмунча вақт хаёл суриб туриб қолар, лекин бирон марта ҳам бу йўлга отланишга ботинмасди.

Машаққатли оғир меҳнат уни фақат ҳозирги вақт тўғрисидагина ўйлашга ундарди. У яхши биларди — Акбар аҳолиси шаҳарни тиклашга бўлган ҳамма умидларини унга боғлаган эди. Бир марта — ассириялик айғоқчининг ўлимига халақит беролмай қолганда, иккинчи бор эса урушнинг олдини ололмай, Илès уларнинг ҳафсаласини анча пир қилганда. Аммо Эгам ўз бандаларига ҳамиша яна бир марта имконият беради. Илès бу имкониятни қўлдан чиқармаслиги керак. Бундан ташқари, у болага тобора кўпроқ боғланиб қоляпти. У болага на фақат Библос ҳарфларини ёзишни ўргатапти, балки Худога имон келтиришдан ҳам, қадимгиларнинг донишмандлигидан ҳам сабоқлар беришга интиляпти.

Лекин шундоқ бўлса-да, Илès ўзининг туғишган юртида ўзга юртлик малика ва ўзга юртлик худо ҳукмронлик қилаётганини эсидан чиқарган эди. Оловли шамшир тутган фаришталар келмай кўйган эди, у қаёққа бораман деса, қачон бораман деса, ихтиёри ўзида эди ва нимаики лозим деб ҳисобласа, шунини қилмоғи мумкин эди.

Ҳар куни кечаси Илès шаҳардан чиқиб кетиш тўғрисида ўйларди. Ҳар куни кечаси у қўлларини кўкка чўзиб ибодат қиларди:

“Ёқуб туни билан олишиб чиқиб, фақат тонг ёришгандагина Сенинг фотиҳангни олишга сазовор бўлганди. Мен эса Сен билан кунлар ва ойлар



мобайнида олишяпман, Сен бўлсанг менинг овозимни эшитишни ҳам истамайсан. Теваракка бир қара! Сен дарҳол менинг ғолиб чиққанимни англайсан: Акбар вайроналар ичидан қад кўтаряпти, Сен ассирияликларнинг қилчи билан кунфаякун қилган шаҳарни мен қайта тикляпман.

Сен менга ва менинг меҳнатим самараларига оқ фотиҳа бермагунингча мен Сен билан олишмоқдан тўхтамайман. Эртами-кечми — барибир Сен менга жавоб беришинг керак-ку!”

\* \* \*

Аёллар ва болалар далаларга сув олиб бориб, охир-кеги кўринмаётган қурғоқчилик билан курашмоқда эдилар. Бир куни кўкда қуёш ҳаддан ташқари забтига олганида Илёс кимнингдир зорланганини эшитди:

— Биз қўлимиз қўлимизга тегмай меҳнат қиляпмиз, ҳатто ўша машъум тундаги азоб-укубатларни ортиқ эсламай ҳам қўйдик. Тур билан Сидонни, Библос ва Финикияни талон-торож қилиб бўлишгандан кейин ассирияликлар Акбарга қайтиб келишларини буткул унутиб ҳам қўйдик. Меҳнат бизга ёрдам беряпти. Бироқ биз уззу-кун шаҳримизни тиклашга уриниб ётган бўлсак-да, ҳеч нарса ўзгараётгани йўқ. Биз ўз меҳнатимизнинг самараларини кўраётганимиз йўқ.

Илёс бу гаплар тўғрисида анча мулоҳаза юритди. У одамларга кун охирида Бешинчи Тоғ этакларида тўшланиб, қуёш ботишини бирга томоша қилишни таклиф қилди.

Одатда одамлар ҳаддан ташқари ҳориб, чарчар эдилар, ҳатто бир-бирлари билан гурунглашгани ҳам мадорлари қолмасди. Бироқ улар баъзан оғир ўйларни бир чеккага қўйиб туриб, кундалик ташвишларни бироз бўлса-да унутмоқ нақадар муҳим эканини яхши тушунарди. Бундай пайтларда уларнинг қалблари ҳар хил ҳадиклардан халос бўлар ва улар эртанги кун учун янги куч ва янги илҳом олишга муваффақ бўларди.

\* \* \*

Ўша куни Илёс уйқудан уйғониб, одамларга бугун ишлажаягини айтди.

— Бугун менинг юртимда Тавба-газарру кунини нишонлашади.

— Сенинг қалбингда ҳеч қанақа гуноҳ йўқ, — деди унга аёллардан бири. — Сен жуда кўп савоб ишларни қиляпсан.

— Одатта риюя қилмоқ керак. Мен унга хилоф иш қилаётганим йўқ.

Аёллар сувларини кўтариб, далага йўл олишди, кексалар ўз ишларига қайтишди. Улар деворларни тиклаб, ёғочлардан эшик ва ромлар ясамоқда эдилар. Болалар кичикроқ қолипларда гишт куйишга кўмаклашяпти. Кейинчалик хом гиштларни хумдонда пиширишади. Илёс уларга қараб туриб, кўнглида кувонч жўш ураётганини ҳис қиларди. Кейин у шаҳардан чиқиб, водийга йўл олди.

У боши оққан томонга кетиб борар экан, болаликда ўрганган дуоларини ўқиб борарди. Қуёш ҳали кўтарилганича йўқ ва Бешинчи Тоғнинг баҳайбат сояси водийни қоплаб ётипти. Илёснинг кўнглида ёмон ўйлар гужгон ўйнай бошлади — Исроил Худоси билан финикияликлар худолари ўртасидаги кураш ҳали узоқ чўзиладиганга ўхшайди. Эҳтимолки, у минг йил давом этар.

\* \* \*

У кунлардан бирида кечаси тоғ чўққисига кўтарилиб, Фаришта билан гаплашганини эслади. Аммо Акбар яқсон бўлгандан бери у ортиқ самодан келган товушларни эшитгани йўқ.

— О, Парвардигор, бугун Тавба-Газарру кунини. Мен Сенинг қаршингда кўп гуноҳлар қилдим, — деди у Қуддуси шариф томонга юзланиб. — Мен ожиз эдим, негаки, ўз кучимни эсимдан чиқариб қўйгандим. Матонатли бўлиш керак бўлган ўринларда кўнгиличлик қилдим. Нотўғри тўхтамларга келиб қолишдан қўрқиб, қарорлар қабул қилганим йўқ. Мен миннатдор бўлиш ўрнига Сендан жуда эрта юз ўтирдим ва Сени қораладим.

О, Парвардигор! Лекин сен ҳам менинг олдимда гуноҳқорсан. Сен менинг бошимга шундай азоб-уқубатлар ёғдирдингики, уларга дош беришга менинг кучим етмасди. Сен мен севган аёлни бу дунёдан олиб кетдинг. Сен менга бошпана берган шаҳарни кунфаяқун қилдинг. Сен мени йўлдан чалғитдинг. Сенинг қаҳринг Сенга бўлган муҳаббатимни унутаёзишимга мажбур қилди. Шу вақт мобайнида мен Сен билан олишиб келдим. Сен бўлсанг, менинг олишувимни тан олишни истамайсан.

Агар менинг гуноҳларимни Сеники билан таққосласа, Сен мендан қарздор бўлиб чиқасан. Аммо бугун Тавба-Тазарру куни бўлгани учун Сен мени кечир ва мен ҳам Сени кечираман. Шунда биз бундан бу ёғига яна бирга кетишимиз мумкин бўлади.

Шу пайт шабада қўзғолди ва Илёс бу билан ўзининг фариштаси гаплашаётганини ҳис қилди.

— Сен тўғри иш қилдинг, Илёс. Худо сенинг олишувингни тан олди.

Илёсининг кўзларидан ёш тирқиради. У тиз чўкди ва водийнинг қовжираб ётган тупроғини ўпди.

— Менинг ҳузуримга келганинг учун мингдан-минг раҳмат сенга! Негаки, менинг юрагимни ҳамон шубҳа-гумонлар ўртаб турипти — қилаётган ишларим гуноҳ эмасмикин деган гумонларга бораман.

Фаришга унга деди:

— Сарбоз ўз устози билан олишса, уни хафа қилган бўладими?

— Йўқ! Бу олишини ҳадисини олишнинг бирдан-бир йўли.

— Шундоқ экан, Эгам сени Исроил тупроғига чорламагунча олишувни давом эттиравер, — деди фаришга. — Тур ўрниндан. Сенинг курашишинг керак эканини исбот қил, чунки сен ўз кемангни муқаррар нарсанинг оқимига қарши йўналтира олгансан. Кўплар шу оқим бўйлаб сузишади ва ҳалок бўлишади. Бошқаларни бу оқим уларга ёт бўлган ўлкаларга сулраб кетади. Сен қаршиндан эсан шамолдан қўрқмайсан-ку? Сен тўғри йўл танлагансан. Сен дардингни ҳаракатга айлантиришга интиляпсан.

— Таассуфлар бўлгайким, сен басирсан, — деди Илёс. — Акс ҳолда етим-есирлар, бева аёллар, қариялар шаҳарни қандай қайта қуришаётганини кўрар эдинг. Ҳадемай ҳамма нарса аввалги шамоийлини касб этади.

— Йўғ-е, касб этмайди деб умид қиламан, — деди фаришга. — Ахир, улар ўз ҳаётларини ўзгартирмоқ учун жуда катта ҳақ тўладилар-ку!

Илёс жилмайди. Фаришга ҳақ эди.

— Умид қиламанки, сен яна бир имкониятни қўлга киритган одамдай ҳаракат қиласан, яъни бигта хатони иккинчи марта такрорламайсан.

— Эсимда туради, — деди Илёс фаришганинг қайтганига хурсанд бўлиб.

## БЕШИНЧИ ҚИСМ

Карвонлар водий орқали юрмай қўйишди. Ассирияликлар эски йўлларини бузиб, янги савдо йўллари очган кўринади. Ҳар куни шаҳар деворидаги бирдан-бир бутун қолган минорага болалар чиқар эди. Уларга уфқда ассириялик аскарлар кўришиб қолиш-қолмаслигини кузатиш топширилган эди. Илёс уларни муносиб кутиб олишга ва ҳоқимият жиловини уларнинг қўлига тутқазишга тайёрланмоқда эди.

Кейин у Акбарни тарк этади.

Лекин ҳар бир кун ўтгани сайин у Акбар ўз ҳаётининг узвий қисмига айланиб қолганини ҳис қиларди. Балки унинг зиммасидаги вазифаси Иезавелни тахтдан ағдариб эмасдир, балки умрининг охиригача шу ерда ана шу одамлар билан бирга қолишдир? Эҳтимол, унинг қисматида ассирияликларнинг аянчли қули бўлиш бордир? У савдо йўлларини тиклашга ёрдам беради, ёвнинг тилини ўрганади, бўш вақтларида эса кутубхонада шуғулланади. Кутубхона ҳам кун сайин янги сопол парчаларига тўлиб бормоқда.

Қачонлардир у тунда харобалар ичида ётган шаҳарни кўрган эди. Ўшанда у ҳаммаси тамом бўлди деб ўйлаганди. Ҳозир энди у бошқача фикрга келган — бахтсизлик шаҳарнинг қиёфасини ўзгартиришга ёрдам беради, шаҳар янада

гўзалроқ бўлади. Кўчалар кенгайтирилади, уйларнинг томлари янада пишиқ-пухта бўлиб қолади, қудуқ сувларини эса қувурлар орқали шаҳарнинг энг олис бурчакларига етказиб бериш имкони туғилади. Илёснинг қалбида ҳам ўзгаришлар содир бўлмоқда. Болалар, аёллар ва қариялардан у ҳар куни бирор янги нарсани билиб оларди. Бу одамлар ҳам ўзгариб кетди. Ўз вақтида улар Акбарни тарк этишмади, чунки ўзгалар ёрдамига муҳтож эдилар. Ҳозир бўлса улар кучга тўла ва нима қилиш кераклигини жуда яхши билади.

“Агар ноиб ўз вақтида бу одамларнинг нималарга қодир эканини тасаввур қила олганида, у шаҳар мудофаасини бошқача ташкил қилган бўлар ва унда Акбар вайрон бўлмай қоларди”.

Бироз мулоҳаза юритиб, Илёс адашаётганини тушунди. Одамларда мудраб ётган қувватни уйғотмоқ учун Акбарнинг яксон бўлиши, албатта, шарт эди.

\* \* \*

Орадан бир неча ой ўтди, лекин ассирияликлар қораларини кўрсатишмади. Акбар деярли бугунлай қайта тикланди. Илёс энди келажак тўғрисида ўйлаб кўрса ҳам бўладиган бўлиб қолди. Аёллар у ер-бу ерларда сақланиб қолган газламаларини қилириб тошиб, яна кўйлақлар тиктира бошладилар, қариялар турмушни изга солиб, шаҳарда тартиб ва тозаллик учун жавоб бера бошладилар. Илтимос қилинса, болалар ҳар хил юмушларга қарашиб юборишарди, лекин асосан улар ўзларининг машғулотлари билан банд эдилар, яъни шаталоқ отиб ўйнашдан бўшамас эдилар.

Илёс билан бола унча катта бўлмаган ғишгин уйда туришарди. Бу иморат авваллари шаҳар омбори ўрнашган жойга қурилганди. Шаҳар аҳли ҳар оқшом шаҳарнинг энг катта майдонида ёқиладиган гулхан теварагида тўпланишиб, ўз ҳаётларидан турли-туман воқеаларни гапириб, гурунглашиб ўтирар эдилар. Эртасига улар сопол парчаларини пиширишарди. Кун сайин кутубхона сопол парчаларига тўлиб борарди.

Ўзлини йўқотган аёл ҳам Библос ҳарфларини ўрганмоқда. Илёс унинг ҳарфларни кўшиб, сўз ясай оладиган бўлганини кўргач, ундан бошқаларни ҳам алифбога ўргатишни илтимос қилди. Ассирияликлар қайтишганда Акбар аҳли уларнинг қошида тилмоч ёки ўқитувчи бўлиб ишлашлари мумкин.

— Коҳин айни ана шунга тўсқинлик қилмоқчи бўлган эди-да, — деди бир куни қария. У ўзига Уммон деб исм қўйиб олган эди — қалби уммондай бепоён ва ҳудудсиз бўлар экан. У Библос ёзуви сақланиб қолишини истамас эди. Библос ёзуви Бешинчи Тоғ худоларининг қаҳрини келтирар эмиш.

— Муқаррар нарсанинг олдини ким ола олар экан?! — деб хитоб қилди Илёс.

Кундузлари одамлар ишлар, оқшомлари бирга йиғилиб ўтириб, ботаётган Қуёшни томоша қилишарди. Кейин эса улар бир-бирларига ҳар хил воқеаларни гапириб беришарди.

Шаҳар аста-секин тикланиб бораётганини кўриб, Илёс ифтихор туйғусини ҳис қиларди. У янги шаҳарга борган сари кўпроқ боғланиб бормоқда эди.

Акбарни кўриқлаб турган болалардан бири минора зинасидан югуриб тушди.

— Мен уфқда тўзон кўрдим! — деди у ҳаяжон ичида. — Ёвлар қайтиб келятти!

Илёс минорага кўтарилди ва боланинг рост гапираётганига ўзи ишонч ҳосил қилди. У чамалаб кўриб, ассирияликлар эртагаёқ Акбар дарвозаси олдида пайдо бўлишади деган тўхтамга келди.

Ўша кунийёқ Илёс шаҳар аҳолисидан Бешинчи Тоғқа бормасликни, унинг ўрнига майдонда тўпланишни илтимос қилди. Ҳамма йиғилиб бўлгандан кейин Илёс одамларнинг юраги кўрқувдан така-пука эканини кўрди.

— Бугун биз ўтмиш воқеалари тўғрисида гурунглашмаймиз. Акбарнинг келажаги ҳақида ҳам гаплашмаймиз, — деди Илёс. — Келинлар, ўзимиз тўғримизда гапланша қолайлик.

Ҳеч ким лом-мим деб оғиз очмади.

— Ўша куни осмонда ой нур сочиб турганида шундай воқеа рўй берган эдики, уни ҳамма олдиндан кўра билган эди, лекин ҳеч ким шундай бўлишига

рози бўлмаган эди. Ўшанда Акбар ер билан яксон бўлган эди. Ассириялик сарбозлар шаҳардан чиқиб кетишгандан сўнг, биз энг яхши сарбозларимиз нобуд бўлганини кўрдик. Омон қолишга муваффақ бўлганлар бу ерда қолишдан маъно йўқлигини англаб, кетишга қарор қилишди. Фақат қариялар, бевалар ва етим-есирларгина, яъни ҳеч кимга кераги йўқ одамларгина қолди.

— Теварак-атрофингизга бир қаранг. Майдон аввалгига қараганда ўн чандон гўзалроқ бўлиб қолди, уйларимиз янада пишиқроқ. Биз яшириб қўйилган озик-овқатни топиб, ҳаммага расамади билан тақсимлаб чиқдик. Ҳозир ҳамма Библосда яратилган ёзувни ўрганмоқда. Шаҳарда сопол парчалари сақланипти — биз уларга тарихимизни ёзиб бормоқдамиз. Келгуси авлодлар бизнинг ишларимизни эслаб юришади.

Бутун биз биламизки, шаҳарда ортиқ қариялар, етим-есирлар ва бевалар қолгани йўқ. Уларнинг ўрнида бугун орзу-умидларга тўла ёшларгина бор. Улар ўз ҳаётларига ном қўйиб олишди ва уларнинг ҳаёти теран маъно касб этди.

Шаҳарни тиклар эканмиз, биз ассирияликларнинг қайтишини билар эдик. Биз яна шуни билар эдикки, қачонлардир вақти-соати келганда биз уларга шаҳримизни тошпиришга мажбур бўламиз, шаҳар билан бирга эса ўзимизнинг машаққатли меҳнатимизни ҳам, шаҳримиз аввалгидан гўзалроқ бўлганини англаганимиздан олган қувончимизни ҳам кўш қўлаб тошпираимиз.

Гулхан шуъласи одамларнинг юзини ёритди. Кўплар йиллар эди. Ҳатто оқшомги йиғинлар вақтида ўйнаб ўтирадиган болалар ҳам Илёснинг гапларига диққат билан қулоқ осиб ўтиришар эди. Илёс давом этди:

—Аммо бу муҳим эмас. Биз Худо олдидаги бурчимизни адо этдик, негаки, унинг даъватини қабул қилиб, унга муносиб эканимизни намойиш этдик. Ўша даҳшатли тунга қадар У бизга узлуксиз “Олға юринг! Олға юринг!” деб келди. Лекин биз унинг гапини қулоққа олмадик. Нима учун?

Бунинг сабаби шуки, бизнинг ҳар биримиз аллақачон ўз келажагимизни белгилаб олгандик. Мен Иезавелни тахтдан ағдармоқчи эдим. Ҳозир бу маликанинг исми Яна Қўшилиш бўлди. У ўғли денгизчи бўлишини орзу қиларди. Ҳозир унинг ўғлини Дониш деб аташади. У умрининг қолганини майдонда шароб ичиб ўтириб ўтказмоқчи эди. Биз ҳаётнинг муқаддас сирига кўникиб қолган эдик ва ортиқ унга аҳамият бермай қўйгандик.

Шунда Эгам ўзига ўзи деди: Улар олға боришни хоҳлашмаяптими? Ундай бўлса улар ҳали яна узок вақт бир жойда депсиниб туришади.

Ана шундан кейингина биз унинг сўзларининг маъносини тушундик. Пўлат қиличлар бизнинг йигитларимизнинг жонини олиб кетди, қўрқув эса кўпчиликни шаҳардан қочиб кетишга мажбур қилди. Улар ҳозир қаерда бўлишмасин, барибир, бир жойда депсиниб туришипти. Улар Худонинг қарғишига тан беришан.

Биз эса Худо билан олишдик. Ўз ҳаётимизда яхши кўрган одамларимиз билан ҳам олишдик. Негаки, бу кураш бизни шарафлайди ва донороқ қилади. Мусибат бизга сабоқ бўлди, биз Худо олдидаги бурчимизни адо этдик ва Унинг сўзига бўйсунушга ҳамда олға юришга тайёр эканимизни намойиш этдик. Ҳатто энг оғир даврларда ҳам биз олға юрдик.

Ҳаётда шундай даврлар бўладики, Худо биздан итоатни талаб қилади. Аммо баъзан у иродаимизни синаб кўрмоқ учун бизни курашга чорлайди. Шу даъвати билан у бизга бўлган муҳаббатини намоеън этади. Биз Унинг ниятларини Акбар деворлари қулаганда тушундик: деворларнинг қулаши нигоҳимиз қаршисида уфқларни очиб берди ва бизнинг ҳар қайсимиз ўзимизнинг нимага қодир эканимизни кўрдик. Биз ҳаёт тўғрисида чуқур мулоҳаза юритиб, яшашда давом этиш керак деган тўхтамга келдик.

Биз кўп нарсага эришдик.

Илёс одамларнинг кўзлари яна чақнаб кетганини кўрди. Унинг гаплари одамларга етиб борган эди.

— Эртага мен Акбарни жангсиз топшираман. Мен эркин одамман, хоҳлаган пайтимда кетишим мумкин. Негаки, Эгам мендан кутган нарсани бажо келтирдим. Аммо менинг меҳнатим, менинг қоним, менинг якка-ю ягона муҳаббатим шу шаҳарда қолади. Мен бу ерда умримнинг охиригача қолишга қарор қилдим ва шаҳарни яна қайтадан вайрон қилишларига йўл қўймастик

учун интилишга аҳд қилдим. Бизнинг ҳар қайсимиз истаган тўхтамга келишга ҳақлимиз, лекин ҳеч қачон унутмангки, бутун сизлар аввалгига қараганда анча яхшироқдирсизлар.

Сизлар мусибат туфайли пайдо бўлган имкониятдан фойдаландинглар. Бу — ҳамманинг қўлидан келавермайди.

Илёс ўрнидан туриб, машварат тамом бўлганини эълон қилди. У болани кеч келаман деб огоҳлантирди ва унга қайтишини кутмай, ухлайверишни тайинлади.

\* \* \*

У ибодатхона сари йўл олди. У ёвнинг ҳужуми вақтида омон қолган ягона иморат эди. Эҳромни тиклашга тўғри келмади, ҳолбуки ассирияликлар худоларнинг ҳайкаллари чиларчин қилиб сиңдириб ташлашган эди. Илёс эҳтиром билан қўлини бир тошга тегизди. Ривоятларга кўра, бу тош турган жойга қадим замонда бир йўлчи кечкурун ҳассасини суқиб қўйиб, эрталаб суғуриб ололмаган экан.

Илёс унинг юртида Иезавел ҳам худди шунга ўхшаган эҳромлар барпо этишни буюрганганини ўйлади. Ҳозир халқнинг бир қисми бу эҳромларда Бабалга ва унинг илоҳларига сиғиниб сажда қилмоқда. Шунини ўйлади-ю, Илёснинг қалбини яна аввалгидай нохуш туйғулар чулғаб олди. Исроил Худоси билан финикияликларнинг худолари ўртасидаги уруш ҳали яна жуда узоқ чўзилади, тасаввур қилиш мумкин бўлгандан кўра узоқроқ давом этади. Илёс худди тушидагидек юлдузларни кўрди. Улар Куёшни кесиб ўтиб, Ер юзига қирғин ва ажал уруғларини ёғдирмоқда эдилар. Номаълум тилда гаплашадиган одамлар пўлат отларни эгарлаб, булуглар орасида бир-бирлари билан жанг қилмоқдалар.

— Ҳозир сен бунақа нарсаларни кўриб ўтиришинг керак эмас, негаки ҳали бунақа нарсаларни кўришнинг фурсати келган эмас, — деган фариштаннинг овозини эшитди у. — Теварагингга қара.

Илёс нима деб буюрилган бўлса, шундай қилди. Теварагига қараб, кўкдаги тўлин ойни кўрди. У Акбарнинг уйлари ва кўчаларини ёритиб турар эди. Вақт кеч бўлишига қарамай, у гўнғир-гўнғир овозларни, кимнингдир қўлганини эшитди. Акбар аҳолиси гарчи яқин ўртада ассирияликлар шаҳарга қайтиб келишидан хабардор бўлишса-да, ҳаёт қувончларидан баҳра олишда давом этмоқда эдилар. Улар тақдирнинг янги бурилишларига тайёр эдилар.

Кўққисдан Илёс кимнингдир соясини пайқаб қолди. У дарҳол сезди — бу Илёс дил-дилидан яхши кўрган ўша аёл эди. Энди у яна бошини мағрур тутиб, шаҳар бўйлаб борарди. Илёс жилмайди ва шу чоқ унинг юзи юзига тегиб кетганини ҳис қилди.

— Мен сендан ифтихор қиламан, — деяётгандай туюларди аёл. — Мана, кўриб турибман, Акбар аввалгидек жуда гўзал бўлишти.

Илёс кўзларига ёш тўлиб келаётганини ҳис қилди, лекин шу заҳоти болани эслади — у кўзларидан бир томчи ҳам ёш тўккани йўқ. Илёс ҳам ўзини тутди. Унинг хотирасидан энг гўзал лаҳзалар бирин-кетин лип-лип этиб ўтди, бева аёл билан шу шаҳар дарвозаси олдида биринчи марта учрашган дақиқасидан бошлаб аёлнинг сопол парчасига “севги” сўзини ёзғунига қадар ўтган ҳамма шукуҳли онлар хотирасида жонланди. У яна аёлнинг кўйлагини, сочларини, юзидаги нафис чизгиларни кўраётгандай бўлди.

— Менга айтган гапинг эсингдами? Мен — Акбарман деган эдинг. Шунинг учун ҳам мен сенинг гамингни едим, жароҳатларингни доволадим, мана, энди сени ҳаётга қайтаряпман. Мен сенинг бахтиёр бўлмоғингни истаймман. Бундан ташқари, сенга яна бир гапни айтмоқчи эдим — мен ҳам Акбарман. Фақат буни билмаган эканман.

Илёс аёлнинг жилмаяётганини ҳис қилди.

— Сахро шамолди бизнинг кўмдаги изларимизни аллақачон совуриб юборган. Аммо мен бутун умрим мобайнида бизнинг учрашувимизни ёдимда сақлайман. Сен аввалгидек, менинг хаёлимда ва тушларимда яшайсан. Менинг ҳаётимга кириб келганинг учун сенга минг марта раҳмат!

Илёс ўша ерда — ибодатхонада ухлаб қолди. Тушида аёл унинг сочларини эҳтиёт билан силаётганини ҳис қилди.

\* \* \*

Бир гуруҳ савдогарлар Акбар томон кетиб боришарди. Уларнинг раҳнамоси рўпараларидан кийилавериб титилиб кетган кийимларда одамлар келаётганини кўрди. Раҳнамо уларни қароқчилар деб ўйлади ва ҳамроҳларига қуролларини тайёрлашни буюрди.

— Сизлар кимсизлар? — деб сўради у.

— Биз Акбарнинг халқимиз, — деб жавоб берди серсоқол бир эркак. Унинг кўзлари чақнаб турарди. Гапларининг оҳангидан бу ерлик эмаслиги сезилиб турарди.

— Акбар яксон бўлган, Тир билан Сидоннинг ҳукмдорлари шаҳардаги қудуқни излаб топишни буюрди. Қудуқ бўлса, бу водий бўйлаб яна қарвонлар қатнай бошлайди. Бу савдо йўли беркилиб қолмаслиги керак.

— Акбар-ку яшаяпти, — деб давом этди эркак, — аммо ассирияликлар қани?

— Уларнинг қаерда экани бутун дунёга маълум, — деб кулиб юборди раҳнамо. — Улар бизнинг ерларимизни ўғитлаб ётишипти. Кўпдан бери қушларимиз ва ёввойи ҳайвонларимизнинг емишига айланишган.

— Бироқ улар бақувват кўшин эди-ку?

— Кўшиннинг бизга қачон ҳужум қилиши олдиндан маълум бўлса, бундай кўшин бақувват бўла олмайди. Акбар ассирияликлар яқинлашиб келаётгани тўғрисида огоҳлантириб, чопар юборди. Тир билан Сидон водийда уларга пистирма қўйишди. Жангда ўлмай қолганларини бизнинг денгизчилар кул қилиб сотиб юборишди.

Жулдур кийимдаги одамлар ҳам кулиб, ҳам кўзларида ёш билан бир-бирларини кучиб, қутлашга бошладилар.

— Ахир, гапирсаларинг-чи, ким бўласизлар? — деб яна такроран сўради савдогар. — Қани, айт, сен ким бўласан? — деб сўради у серсоқол одамга ишора қилиб.

— Биз Акбарнинг навқирон сарбозларимиз, — деб жавоб берди у.

\* \* \*

Учинчи ҳосилни йиғиб-териш олиш фасли келди. Акбарнинг ноиб ҳали ҳам Илёс эди. Дастлабки пайтларда бунга аввалги ноиб қаттиқ қарши бўлди. У Акбарга қайтиб келмоқчи ва одатта биноан ўзининг эски мансабини эгалламоқчи эди. Лекин шаҳар аҳли унинг ҳокимиятини тан олишдан бўйин товлади ва ҳатто қудуқдаги сувни заҳарлаб қўямиз, деб пўписа қилди. Ниҳоят, финикиялик ҳукмдорлар уларнинг талабларига ён беришга мажбур бўлишди. Охир-пировардида, шаҳарнинг ўзи унча муҳим эмас эди, балки сув муҳимроқ эди. Чунки қарвонлар ва сайёҳларни таъминлаш учун сув зарурроқ эди. Финикиялик ҳукмдорлар Исроилда уларнинг маликаси ҳукмдорлик қилаётганини эсларидан чиқарганлари йўқ эди. Ҳокимиятни исроилликка туҳфа этиб, шу орқали улар Исроил билан савдо иттифоқини мустаҳкамлашдан умидвор бўлардилар.

Илёснинг ноиб бўлгани тўғрисидаги хабарни савдо қарвонлари ҳар томонга тарқатдилар. Исроилда Илёсни сотқинларнинг сотқини деб ҳисоблайдиган одам жуда оз қолган эди. Вақти-соати келиб, Иезавел уларнинг тилини тийиб қўя олади ва иккала мамлакатда ҳам яна тинчлик қарор топади. Малика ўзининг ашаддий душманларидан бири унинг энг яхши иттифоқчисига айланиб қолганидан жуда хурсанд эди.

\* \* \*

Шаҳарда ассирияликларнинг янги истилолари ҳақидаги миш-мишлар ўрмалаб қолганида, Илёс истеҳком деворларини яна бошқатдан қуриш ҳақида фармойиш берди. Янги мудофаа тизими барпо этилди: Тир билан Акбар ўртасидаги йўлни энди ҳарбий дасталар ва қўриқчилар ҳимоя қила бошлашди. Шундай қилиб, бир шаҳар қамалга тушиб қолса, бошқа шаҳар қуруқликдаги йўлдан унга кўшин юбормоғи, денгиз орқали эса озиқ-овқат жўнатмоғи мумкин эди.

Акбар гуллаб-яшнамоқда эди. Исроиллик янги ноиб ёзувдан фойдаланиб,

Ўлпон йиғиш устидан жуда қаттиқ назорат ўрнатди. Оқсоқоллар шаҳарни бошқариш ишида жуда фаол иштирок этишарди. Улар ҳамма олди-бердиларни кузатиб боришар ва баҳслар чиқиб қолса, сабр-тоқат билан уларни бартараф қилишга ёрдам беришарди.

Аёллар деҳқончилик билан шуғулланар ва тўқувчилик соҳасида меҳнат қилишарди. Ундан олдинроқ — Акбар ташқи дунёдан ажралиб қолган пайтларда, улар бир мўъжиза билан шаҳарда сақланиб қолган газламалар учун янги кашталар ихтиро қилишга мажбур бўлишди. Ниҳоят, шаҳарда савдогарлар пайдо бўлганида, улар каштачиларнинг маҳоратига қойил қолишди ва дарҳол уларга буюртмалар ёғилиб кетди.

Болалар Библос ёзувини ўрганишарди. Вақти-соати келиб, бу ёзув болаларга асқотиб қолишига Илёснинг ишончи комил эди.

Уша куни у далага чиқди ва пайкал тепасида туриб, ҳаммаша ҳосилни йиғиб-териби олишга киришишдан олдин қиладиганлари каби кейинги йилларда саховатини аямай шаҳарга мугтасил мўл-қўл ҳосил юбориб тургани учун Худога шукроналар қилди. У қоллари буюдойга тўла одамларни кўрди. Уларнинг ёнида болалар ўйнаб юришарди. У қўлларини силкитиб, улар билан саломлашди. Болалар унга жавобан қий-чув кўтаришди.

У қалбида қувонч билан бир тошнинг ёнига йўналди. Бир вақтлар бева аёл шу тошнинг ёнида унга “севги” деган сўз ёзилган сопол парчасини совға қилган эди. Бу ерга ҳар куни келиб, ботаётган Қуёшни томоша қилар ва севикли аёли билан бирга ўтказган ҳар бир лаҳзасини хаёлида қайтадан тиклар эди.

\* \* \*

Ва учинчи йили Эгам Илёсга бир сўз айтди: Бориб, Ахавга бир кўриниш бер ва Мен ерга ёмғир юбораман.

\* \* \*

Илёс тош устида ўтирган жойида ҳамма ёқ титраб силкинганини ва ларзага тушганини кўрди. Осмонни қоронғилик босди, аммо бир лаҳзадан кейин яна Қуёш чарақлай бошлади.

У нурни кўрди. Унинг қаршисида Эгамнинг фариштаси турарди.

— Бу нима бўлди? — деб қўрқув ичида сўради Илёс. — Наҳотки, Худо Исроилнинг гуноҳидан ўтган бўлса?

— Йўқ, — деб жавоб берди фаришта. — У сенинг қайтиб бориб, ўз халқингни халос этмоғингни хоҳлайпти. У билан сенинг курашинг тугади ва шу дақиқанинг ўзида У сенга оқ фотиҳа берди. У сенга кетишни ва ўз меҳнатингни ўша ерда давом эттиришингни буюрди.

Илёс ҳангу-манг бўлиб қолган эди.

— Аммо нима учун айни шу топда шундай қилмоқ керак? Менинг кўнглим эндигина қайтадан хотиржамлик топганида-я?

— Сен олган сабоғингни эсла, — деди фаришта. — Эгам Мусога айтган гапларни эсингга ол:

“Парвардигоринг, сенинг Эганг сени тобеъ қилмоқ учун, сени синамоқ учун, кўнглингда нималар борлигини билмоқ учун сени қандай йўллардан олиб ўтгани эсингда турсин.

Овқат еб, қорнинг тўйгандан кейин, яхши уйлар қуриб, уларда ўзинг истиқомат қиладиган бўлганигда, ихтиёрингдаги йирик шохдор молларинг ва майда чорванг кўпайиб кетганида, ҳушёр бўл — кўнглингда кибру ҳаво тугилмасин, Парвардигорингни — ўз Худойингни эсингдан чиқарма”.

Илёс фариштага қаради.

— Акбар-чи? Акбар нима бўлади? — деб сўради у.

— Шаҳар сенсиз ҳам ҳаёт кечираверади, чунки сен меросхўрингни қолдирасан. Акбарнинг умри узоқ бўлади.

Шундай деб Эгамнинг фариштаси ғойиб бўлди.

\* \* \*

Илѐс билан бола Бешинчи Тоннинг этагига етиб боришди. Қурбонгоҳ тошлар орасида буталар ўсиб кетипти. Коҳин ўлгандан бери Бабалпа ва бошқа илоҳларга қурбонлик қилиш учун бу ерга ҳеч ким келмапти.

— Қани, юр, тоққа чиқайлик, — деди Илѐс.

— Бу тақиқланган-ку!

— Тўғри айтгансан. Бу — тақиқланган. Лекин буни хатарли деб ким айтган?

Илѐс боланинг қўлидан тутди ва улар тоққа кўтарила бошладилар. Ўқгин-ўқгин улар тўхтаб, қуйига — водийга қараб қўйишарди. Қурғоқчилик манзарани таниб бўлмайдиган даражада ўзгартириб юборган эди. Акбарнинг ёнидаги ишлов берилган ердан бошқа ҳамма жой Мисрнинг сўхтаси совуқ саҳросини эслагарди.

— Ўртоқларим менга ассирияликлар қайтиб келади дейишди, — деди бола.

— Бўлиш мумкин. Лекин бизнинг меҳнатимиз беҳуда кетгани йўқ. Худо бизга ўргатмоқ учун шу йўлни танлаб олган.

— Менимча, унинг биз билан иши йўқ, — деди бола. — Лекин нима учун у бизга шунчалар шафқатсизлик қилди?

— Эҳтимол, Худо бизнинг қалбларимизга кириб бормоқчи бўлгандир, бироқ кейин биз унинг гапларига қулоқ осмаётганимизни англагандир. Биз ўзимизнинг туриш-турмушимиз билан андармон бўлиб, унинг белгиларини ўқимай қўйгандирмиз, эҳтимол?

— Бу белгилар қаерга ёзиб қўйилган?

— Улар ҳамма жойда. Агар биз бошимиздан кечирган воқеаларга чуқурроқ эътибор берилса, Унинг сўзлари ва Унинг нияти қаерда пинҳон экани аён бўлади. У илгимос қилган нарсани бажо келтиришга ҳаракат қил — бу дунёдаги сенинг ҳаётингнинг маъноси ана шунда.

— Агар мен буни англаб етсам, уни сопол парчаларига ёзиб қўярдим.

— Шундай қилгин. Лекин энг муҳими — бу сўзларни ўз қалбинга ёзиб қўй. Унда ҳеч ким уларни маҳв этолмайди ёки ёқиб юбора олмайди. Сен у сўзларни ўзинг истаган жойга олиб кетаверасан.

Улар тоққа кўтарилишда давом этдилар. Энди улар булутларга жуда яқинлашиб қолишган эди.

— Менинг у ёққа боргим келмаяпти, — деди бола булутларни кўрсатиб.

— Улар сенга ҳеч қандай ёмонлик қилмайди. Улар бор-йўғи булутлар, холос. Мен билан юравер, қўрқма.

У боланинг қўлидан етаклаб олди ва улар яна юқорига ўрлаб кетдилар. Юқорига кўтарилган сари улар қадам-бақадам қуюқ туман ичига кириб боравердилар. Илѐс ўқгин-ўқгин болага нималардир деб гап қотар, лекин бола унинг пинжига суқилиб олиб, ҳеч нарса деб жавоб қайтармас эди. Улар яланғоч қоя тошлар устидан олимлаб боришарди. Шу тарзда чўққига ҳам етиб қолишди.

— Орқага қайта қолайлик, — деб ёлборди бола.

Илѐс болани мажбур қилмади. Бу бола ҳали ҳеч қанча умр кўрмаган бўлса-да, унинг бошига озмунча мусибат ва таҳликалар тушдимми? Илѐс боланинг айтганини қилди — улар қуюқ туман ичидан чиқиб, яна пастдаги водийни кўришди.

— Бир вақтлар келиб, Акбар кутубхонасида сенга атаб ёзган китобимга рўпара келасан. Бу китоб “Нур сарбозига насиҳатлар” деб аталади.

— Мен Нур сарбозиманми? — деб сўради бола.

— Менинг исмим нима эканини биласанми? — деб сўради Илѐс.

— Ҳалосбек...

— Қани, ёнимга ўтир-чи, — деб ўтирган тошидан жой кўрсатди Илѐс. — Мен ўз исмимни унутмаслигим керак. Гарчи мен ҳар нарсдан кўра кўпроқ сен билан қолишни истасам-да, мен ўз йўлимни давом эттирмогим керак. Акбарни айни шунинг учун қайта тикладик-да — йўлларимиз ҳар қанча машаққатли бўлмасин, Акбар бизга олга боришни ўргатмоғи керак эди.

— Сен кетасан.

— Буни қаёқдан биласан? — деб ҳайрон бўлди Илѐс.

— Мен буни сопол парчасига кеча кечаси ёзиб қўйганман. Нимадир менга шундай бўлишидан дарак берди. Эҳтимол, бу онам бўлгандир. Балки фаришпадир. Лекин мен ўзим ҳам кўнглимда шуниси сезиб турибман.

Илѐс унинг бошини силади.



— Сенга Худонинг иродаси аён бўлипти, — деди у хурсанд бўлиб. — Демак, сенга бирон нарса деб тушунтиришнинг ҳожати йўқ.

— Мен сенинг кўзларингда ҳазинлик кўрдим. Буни кўриш унчалик қийин эмас эди. Менинг дўстларим ҳам буни пайқашипти.

— Сизлар менинг кўзларимда пайқаган ҳазинлик — менинг ҳаётимнинг бир қисми, холос. Бироқ у атиги бир неча кунгина давом этади. Эртага мен Қуддуси шарифга йўл олганимдан кейин анча енгил тортаман ва ҳазинлик аста-секин ўтиб кетади. Биз орзумиз сари олға одимлар эканмиз, гуссалар мангу бўлмайди.

— Наҳотки, ҳамиша кетиш зарур бўлса?

— Энг муҳими — ҳаётингнинг бир БОҚИСИ ниҳоясига етганини ўз вақтида англашдир. Агар сен белгиланган муддатдан кўра ортиқроқ туриб қолишни истасанг, ҳаёт қувончларидан маҳрум бўласан, ҳаётингдан ҳам маъно йўқолади. Ана унда Худонинг қаҳрига учрашинг ҳам ҳеч гап бўлмай қолади.

— Эгамнинг қаҳри қаттиқ.

— Фақат айримларга нисбатангина шундай.

\* \* \*

Илёс юқоридан Акбарга қаради. Дарҳақиқат, Эгамнинг қаҳри баъзан жуда қаттиқ бўлади, лекин у ҳар қанча қаттиқ бўлмасин, одам бу қаҳрга чидаёлмайдиган даражада бўлмайди. Бола ҳозир улар ўтирган жойда Илёсга Эгамнинг фариштаси намоён бўлганини ва унга қандай қилиб болани ўликлар салтанатидан қайтариш кераклигини ўргатиб қўйганини билмас эди.

— Мен кетиб қоладиган бўлсам, хафа бўласанми? — деб сўради Илёс.

— Ўзинг менга айтдинг-ку — агар биз олға бораверсак, гам-гуссалар ўткинчи бўлиб қолар экан, — деб жавоб берди бола. — Акбар менинг онамга муносиб даражада гўзал бўлмоғи учун ҳали кўп ишларни қилиш керак. Онам шаҳар кўчаларида кезиб юрипти.

— Қачонки, менга эҳтиёж сезсанг, шу ерга келавер. Юзингни Қуддуси шариф сари ўгир. Билгинки, мен ҳаётимнинг маъносини оқламоқ учун ўша ерда бўламан. Менинг исмим Халосбек эканини унутма. Икковимизнинг қалбимиз бир-бири билан мангу туташиб кетган.

— Сен мени Бешинчи Тоғ чўққисига фақат шу мақсадда олиб келувдингми? Менга Исроилни кўрсатиб қўймоқчи эдинг-ку?

— Сени водийни, шаҳарни, бошқа тоғларни, қояларни ва булутларни кўргин дегандим. Шундай бўлиб қолдики, Эгам ўзининг набилари билан гаплашиб олмоқ учун уларга тоққа кўтарилишни буюрадиган бўлиб қолди. Мен ҳамиша “бу Худога нима учун керак?” деб ўз-ўзимга савол берардим. Эндиликда бу саволимга жавобни биламан: тоғ чўққисидан пастдаги нарсаларнинг ҳаммаси арзимас, аҳамиятсиз экани яхшироқ кўринар экан.

Бизнинг зафарларимиз ва бизнинг гуссаларимиз ортиқ унчалик муҳим эмас. Биз эришган ёки биз йўқотган нарсалар у ерда — пастда ётипти. Тоғ чўққисидан сен дунёнинг нақадар бепоён эканини ва уфқлар нақадар кенг эканини кўрасан.

Бола теварак-атрофига қаради. У Тир соҳилини ювиб турган денгиз бўйларини симириди. Миср саҳроларидан эсаётган шамол эпкинини ҳис қилди.

— Қачонлардир вақти-соати келиб, мен Акбарни бошқараман, — деди у Илёсга. — Биламан, дунё бепоён, аммо шаҳарнинг ҳар бир пучмоғи менга таниш. Мен Акбарда нималарни ўзгартириш кераклигини яхши биламан.

— Билсанг, уни ўзгартир. Ҳаммаси қандай бўлса, шундайлигича қолиб кетмасин.

— Наҳотки, Худо биз учун бошқа йўлни танлай олмади? Бир вақтлар мен Уни қаҳри қаттиқ деб ҳисоблаб юрардим.

Илёс сукутга чўмди. У кўп йиллар муқаддам Левит наби билан ораларида бўлиб ўтган суҳбатни эслади. Ушанда улар отхонада ўтириб, юраклари така-пука бўлиб Иезавелнинг сарбозлари ҳозир бостириб киришади-ю, икковимизни ҳам ўлдиради деб кутишарди.

— Ахир, Худо ёвуз бўла олмайди-ку! — деб бола ўзиникини маъқуллашни қўймасди.

— Худо Соҳиби Қудратдир, — деб жавоб берди Илёс. — У ҳамма нарсага қодир, унинг учун тақиқланган нарса йўқ. Билъакс, Унда қудратлироқ бир Кимса мавжуд бўларди-да, у Худонинг ҳокимиятини чеклаб қўярди. Унда мен

ана шу қудратлироқ Кимсага сифинишни ва унга эҳтиром кўрсатишни афзал кўрардим.

У гапларининг маъносини бола тузукроқ англаб олсин учун бир неча дақиқа кутиб турди. Кейин гапини давом эттирди.

— Аммо У чексиз қудратта эга бўлиб туриб, фақат яхши ишлар қилмоққа аҳд этди. Бизнинг ҳаётдаги тажрибаларимиз кўпая боргани сари, биз кўпинча Эзгулик Ёвузлик пардаси остига яшириниб олганини яхшироқ англай борамиз. Бу одамларга нисбатан Худонинг ниятининг бир қисми, холос.

Илès билан бола сукут ичида Акбарга қайтишди.

\* \* \*

Ўша куни кечаси бола Илèsнинг пинжига кириб ухлаб қолди. Тонг отиши ҳамона Илès болани уйғотиб юбормасликка ҳаракат қилиб, унинг кучоқларидан аста бўшалиб чиқди. Кейин у устига ўзининг яккаю ягона либосини ташлади-да, уйдан чиқди. Йўлда ерда ётган тасққа рўпара келди ва менга ҳасса бўлишга яраб қолар деган ўй билан энгашиб уни олди. У ҳеч қачон бу тасқни қўлидан қўймасликка аҳд қилди: ҳасса унга Худо билан олишганини, Акбар вайрон бўлиб, қайта тикланганини эслатиб туради.

Илès орқасига ўтирилмай, Исроил сари йўл олди.

\* \* \*

Орадан беш йил ўтгач, Ассирия Финикияга яна ҳужум қилди. Бу гал ассириялик сарбозлар ҳарб ҳадисини янада яхшироқ ўзлаштиришган, раҳнамоларининг ҳам тажрибалари каттароқ эди. Бугун Финикия ўзга юрлик фотиҳларнинг ҳукмронлиги остида қолди. Бундан фақат Тир билан аҳоли ўртасида Акбар деган ном чиқарган Сарепт шаҳарларигина мустасно эди.

Бола улғайди ва шаҳарни бошқара бошлади. Замондошлари уни донишманд деб аташарди. Унинг умри узоқ бўлди ва у яқин қариндош-уруғларининг қуршовида оламдан кўз юмди. Вафотидан олдин у тинимсиз битта гапни такрор-такрор айтди: шаҳарнинг гўзаллиги ва қудратини авайлаб асрамоқ керак. Негаки, унинг онаси ҳозиргача ҳам бу шаҳар кўчаларида кезиб юради. Тир билан Сарепт биргаликда ҳимояланиш тизимини ишлаб чиқишган эди. Шу туфайли Тир ҳам, Сарепт ҳам узоқ вақт мобайнида ёвлар хуружларини бартараф қилиб келишди. Фақат мелоддан аввалги 701-йилдагина, яъни бу китобда тасвирланган воқеалардан 160 йил ўтгач, Ассирия подшоҳи Сеннаххериб бу шаҳарларни фатҳ этди.

Ўшандан бери Финикия шаҳарлари ўзларининг аввалги довуғларига қайта эга бўла олмадилар. Улар бир қатор истилоларни бошдан кечиришга мажбур бўлдилар. Булар янги бобил истилоси, форс истилоси, мақдунийлар, селевкийлар ва ниҳоят, римликлар истилоси эди. Лекин шунга қарамай, бу шаҳарлар бизнинг кунларимизгача етиб келди, негаки қадимги эътиқодларга кўра, Худо бирон шаҳарда истиқомат қилмоқ учун одамларни жо қилиш мақсадида экан, ҳеч қачон шаҳар ўрнини тасодифан танламайди. Тир, Сидон ва Библос бугун ҳам Лубнонга қарайди ва Лубнон бугун ҳам жанг майдони бўлиб қолмоқда.

\* \* \*

Илès Исроилга қайтиб келди ва Кармил тоғига набиларни тўшлади. Бу йиғинда у набиларни Баъалга сифинадиганлар ва Эгамга сажда қиладиган гуруҳларга ажратди. Фаришганинг маслаҳатларига амал қилиб, Илès Баъалга сифинадиган набиларга бузоқча берди ва бу туҳфани қабул қилишини Худодан сўраб, самоларга тавалло қилишни буюрди. Бу тўғрида Инжилда шундай дейилади:

“Пешинда Илès уларнинг устидан кула бошлади ва шундай деди: овозларингни баланд кўтариб, қичқиринглар, негаки, у худо, эҳтимол, у ўйганиб қолгандир ёки бирор нарса билан банддир, балки йўлда кетаётгандир, эҳтимолки, у ухлаётгандир.

Ва улар овозларини баланд кўтариб қичқира кетдилар ва ўзларининг одатларига кўра, баданларига пичоғ-у найзалар санчиб, ўз-ўзларига шикаст

етказа бошладилар. Аммо уларнинг хитобларига на жавоб бўлди, на бирон овоз эшитилди, на бирон сас келди”.

Ва Илёс бузоқчани олди-да, Эгамнинг фариштаси ўргатганидек, уни қурбонликқа сўйди. Шу лаҳзада самодан Эгамнинг олови тушди ва ҳамма нарсага аланга тегиб, ўгинлар ҳам, тошлар ҳам ёнди. Бир неча муддатдан кейин тўрт йиллик қурғоқчиликка барҳам берган кучли жала қуя бошлади.

Шундан кейин кўп ўтмай, Исроилда фуқаролар уруши бошланиб кетди. Илёс Эгамга хиёнат қилган набиларни қатл этиш тўғрисида буйруқ берди. Шунда Иезавел Илёсни топиб, ўлдиришни буюрди. Илёс эса Бешинчи Тоғнинг Исроил томонга қараган ёнбағрида яшириниб юрган эди.

Сурияликлар мамлакатни босиб олиб, Тир маликасининг эри подшо Ахавни ўлдиришди. Тасодифан отилган камалак ўқи Ахавнинг совутини ёриб ўтиб, кўксини жароҳатлаган эди. Иезавел ўз қасрига яшириниб олди. Бир қатор халқ галаёнлари бўлиб ўтгандан кейин кўпгина ҳукмдорлар тахтга чиқиб, яна ундан қулаганларидан сўнг Иезавелни топишди. Уни асир қилиб олмоқчи бўлишганда, Иезавел буни хоҳламади ва ўзини деразадан пастга отишни маъқул кўрди.

Илёс умрининг охирига қадар тоғ тепасида қолди. Инжилда ҳикоя қилинишича, кунлардан бирида Илёс ўзига ворис қилиб танлаган наби Елисей билан гаплашиб турган чоғида осмондан оташ ароба тушади, унга қўшилган отлар ҳам оловли бўлади. Ароба уларни бир-бирларидан айиради ва Илёс олов қуянининг ўртасида кўкка учиб кетади”.

Орадан салкам саккиз юз йил ўтгач, Исо Масих Петрни, Ёқубни ва Юханнони Ўзи билан бирга баланд тоққа кўтарилишга таклиф қилади. Магто баён этган Хушхабарда зикр этилишича, Исо Масих уларнинг олдида бутунлай ўзгариб кетади: унинг чехраси бамисоли қуёшдек порлай бошлайди, либослари эса ошпоқ нурга ўхшаб қолади. Шунда унинг ҳузурига Мусо билан Илёс келишади ва У билан гаплашишади”.

Исо Масих азиз-авлиёлардан Инсон ўғлининг ўзи ўлган жойидан қайта тирилиб келмагунча бу тўғрида индамай туришни илтимос қилди. Аммо улар жавоб бериб айтишдики, бу — Илёс қайтгандагина рўй беради.

Бу воқеанинг охири кейинроқ баён этилган.

(Матто, 17. 10-13).

“ — Нега уламолар олдин Илёс пайғамбар келиши керак деб, айтадилар?

Исо жавоб бериб уларга деди:

— Бу тўғри, олдин Илёс пайғамбар келиб, ҳамма нарсани йўлга қўяди. Лекин мен сизларга шунга айтмаман: Илёс аллақачон келган. Аммо одамлар уни танимай, ўзлари истаган кўйга солиб юрибди...”

Шунда шоғирдлар Исо уларга Яхё пайғамбар ҳақида гапирганлигини англадилар.

\* \* \*

О, Муқаддас Бокира, ибодат қилганларингда биз учун ҳам Худодан илтижо қил — токи Сенга тавалло қилганимиз учун хижолатли бўлиб қолмайлик.

*Тамом.*

*Озод ШАРАФИДДИНОВ  
таржимаси.*



Фридрих НИТШЕ

# Зардўшт таваллоси

*Насрий достон*

## ТҶҮРТИНЧИ ВА ОХИРГИ ҚИСМ

Оҳ, дунёда дардкашлар ўртасида бўлгандан ҳам ортиқроқ телбалик учрайдиган бошқа ер бормикин? Дардкашларнинг телбалигидан ҳам ортиқ азоб ер юзида бўлганмикин?

Дардкашлардан ўзга баланд чўққиси бўлмаган барча севгувчиларнинг шўри курсин!

Бир куни менга иблис шундай деди: “Хатто Худонинг ҳам ўз дўзахи бор — бу унинг одамларга муҳаббати”.

Яқинда мен унинг яна шундай сўзларни айтиб турганлигини эшитдим: “Худо ўлди; одамларга дардкашлиги туфайли худо ўлди”.

*Зардўшт. Иккинчи қисм.*

## НАЗР АСАЛ

**Я**на Зардўшт боши устидан ойлар, йиллар ўтар, у кунлар қандай ўтганини пайқамасди; аммо унинг сочлари оқарди. Бир куни у ўз мағораси олдида харсанг тош устида ўтириб, олис-олисларга жимгина боқарди. Узоқларда пўртана отаётган денгиз кўриниб турар, махлуқлари Зардўшт ён-атрофида ўй суриб айланиб юришар ва ниҳоят улар Зардўшт рўпарасида тўхташди.

“О, Зардўшт, — дейишди улар, — ўз бахтингни кўрмоқчи бўляпсанми?” “Бахт билан нима ишим бор? — жавоб берди у. — Мен анчадан бери бахтга интилмаб қўйдим, мен ўз ишимга интиламан”. “О, Зардўшт, — дейишди яна махлуқлар, — сен яхшиликка тўйган одамнинг сўзини гапирясан. Ахир сен бахтнинг мовий кўлида ётганинг йўқми?” “Муғомбирлар-эй, — жавоб берди Зардўшт табассум қилиб, — ўхшатишни ҳў топасизлар-да! Лекин сиз шунга ҳам яхши биласизки, менинг бахтим оғир ва у югурик тўлқинларга ўхшамас; у менга бамисоли эриган мум каби ёпишиб олиб, сира қўйиб юбормайди ва доим эзгани эзган”.

Шунда махлуқлар яна унинг атрофида ўйга ботиб айланиб юришди, сўнг яна унинг қошига келиб тўхташди. “О, Зардўшт, — дейишди улар, — шунинг учун ҳам сен тобора сарғайиб, қорайиб бораётган экансан-да, гарчи сочларинг худди зиғир толаси каби оқариб кетмиш? Кўзингга қара, сен ўз мўминг устида ўлтирибсан!” “Асти нима деяпсиз ўзи, махлуқларим, — деди Зардўшт кулиб, — ростдан ҳам мен мўм ҳақида гапириб ўтирик қилибман. Менга бир нарса бўлаётир, пишаётган меваларда шундай бўлади. Томирларимдаги асал қонимни нечоғ қуоқ қилиб қўймиш ва кўнглим ҳам гуфтигўдан қолмиш”. “Эҳтимолки шундайдир, о, Зардўшт, — деб жавоб беришди махлуқлар унга яқинлашаркан, — лекин сен бу кун баланд тоққа кўтарилишни истамайсанми? Ҳаво мусаффо, бу кун дунё ҳар қачонгидан равшанроқ кўринур”. “Ҳа,

Охири. Боши ўтган сонларда.

шундай, махлуқларим, — жавоб берди у, — сиз ҳўб маслаҳат айтдингиз. У менга ёқди: мен бугун баланд тоққа чиқишни истаيمان! Лекин у ерда менга асалнинг ғамини еб қўйинг, қўлим етадиган ерда уясидан олинган, оқиш ва сариқ, худди ях каби тоза ва яхши, олтин ранг бол бўлсин. Зотан, билиб қўйингизки, мен у ерда тоғ чўққисид асални назрга келтирмоқчиман”.

Аммо Зардўшт тоғ тепасига чиққач, уни кузатиб келган махлуқларни уйга қайтариб юборди ва ниҳоят ўзининг ёлғиз қолганлигини сизди. Шунда у чин дилдан қаҳ-қаҳ уриб кулди, атрофга ўтирилиб назар солди-да, шундай деди:

Мен назру ниёз ва асал назри деб гапирдим; лекин аслида бу гапларимнинг даромади ва чиндан айтганда, фойдали телбалик эди! Мен бу ерда, тоғ тепасида дарвешларнинг мағоралари ва уларнинг уй ҳайвонлари олдида сўзлагандан кўра бемалол ва эркинроқ сўзлайман.

Назру ниёз борасида нелар дедим! Мен ўзимга тортиқ қилинган нарсаларни тарқатурман, мен минг қўлли тарқатувчиман; буни мен ахир назру ниёз демайми!

Мен асал деганимда, фақат ширин хўрак, қиём ва шинни бўлишини истаган эдим, булар аслида бўриллаган айиқлару ғалати, бадназар, бадфеъл қушларнинг смийшларидир:

— булар овчи, балиқчилар учун энг боп хўрак бўлади. Зотан, агар дунё ваҳшийлар макони қоронғи ўрмонга ёки барча ёввойи овчилар роҳат қиладиган боғу бўстонга ўхшаса-ўхшар, лекин у, менимча, тубсиз поёнсиз саховат — денгизга ҳаммасидан ҳам ўхшашроқдир;

— бу шундай денгиздирки, у ранго-ранг балиқлар ва қисқичбақаларга тўла, буларни кўрган илоҳларнинг ўзлари балиқчи бўлишни хоҳлаган ва тўрларини денгизга ёйган бўлур эдилар: дунё мана шундай катта-кичик ажойиботларга тўлиб-тошиб ётибди!

Айниқса инсон олами, инсон денгизи. Мен ўз олтин қармоғимни мана шу денгизга ташлайман ва яна шундай дейман: ёрил, эй инсон қаъри!

Ёрил ва менга ўз балиқларинг ва йилтираб турган қисқичбақаларингни улоқтир! Ўзимнинг энг яхши хўракларим билан мен бугун энг ғаройиб инсон балиқларни қармоққа илинтираман!

— Мен ўз бахтимни барча мамлакатларга, шарққа, жанубга ва ғарбга итқитгайман. Мен кўргим келади: бахтимнинг қармоқдай учида силпанадиган, питирлайдиган ва шуларни ўрганадиган одам балиқлар кўп бўлармикин?

Ҳозирча улар менинг яширин, ўткир қармоқларимни ютиб, юксаклигимга кўтарилиб чиқишга мажбур бўлурлар, денгиз теранликларининг энг ранг-баранг танга балиқлари инсон балиқларининг энг ёвуз овчиси ким эканлигини шуйтиб билурлар.

Зеро, мен ибтидодан охиригача худди мана шундайман, ўзимга тортаман, чорлайман, кўтараман ва юксалтираман, тарбиялайман ва назорат қиламан. Зеро, бир пайтлар ўз-ўзимга бекорга айтмаганман: “Қандай бўлсанг, шундай бўл!”

Майли, одамлар юқорига менинг олдимга чиқаверсинлар: зеро, мен башорат аломатларини кутаяман. Менинг тушиш вақтим келди. Ўзим ҳали ўлаётганим йўқ, мен ҳали одамлардан қарздорман.

Шунинг учун мен айёр ва қувноқ одам — бу ерда баланд тоғларда кутиб турибман, на сабр қилишман, на бесабрлик, тўғрироғи, сабр қилиб туришни ҳам эсдан чиқарганман. Зотан унинг ўзи бошқа “сабр” этмайди.

Зотан, қисматим менга вақт берапти: у мени унутиб қўймадимикин? Ёки у катта харсанг тош ортида, сояда ўтириб, папша кўрияпгимикин?

Ҳақиқатан ҳам, мен мангу қисматимдан миннатдорман, у мени қувмайди, эзмайди, менга қувноқ ҳазил-ҳузил ва ёмонлигим учун вақт беради: шу туфайли мен балиқ овлаш учун манави баланд тоққа чиқдим.

Одам баланд тоғларда ҳеч қачон балиқ тутганми? Майли, бу юксакда мен

истаган ва қилмоқчи бўлган нарса телбалик бўлиб кўринсин: бу ҳар қалай мен пастда тантанавор ва кугавериб кўк ва сариқ бўлиб кетганимдан афзалдир;

– кугавериб тобу тоқати тоқ бўлган каби, тоғлардан ёпирилиб тушаётган муқаддас бўроннинг наъраси каби, худди водийларга қараб қичқираётган сабрини йўқотган кимса каби: “Эшитинглар, ҳой, бўлмаса бошингизга худонинг қамчисини ёғдиргайман!” Мен бу норозиларнинг ғалваларидан жаҳлим чиқаётгани учун эмас, йўқ: улар шунчалар яхшики, мен устиларидан мазза қилиб қуламан! Мен тушунаман: бу каттакон шовқин-суронли дўмбиралар ғоятда тоқатсизлик қилурлар, бинобарин, “бугун” ва “ҳеч қачон” деган сўзлар уларга тегишлидир!

Лекин мен ва тақдирим — биз “бугун”га гапирмаймиз, шунингдек, биз “ҳеч қачон”га ҳам сўйламаймиз: сўйлаш учун бизнинг сабримиз етади, вақтимиз ҳам етарли, ҳатто ҳаддан ортиқ вақтимиз кўп. Бинобарин, бир куни у ахир келади, келмаслиги мумкин эмас.

Бир куни ким келади ва кимнинг келмаслиги мумкин эмас? У бизнинг буюк ҳодисамиз, бизнинг буюк ва олис инсон салтанатимиз, Зардўшт салтанати, у минг йил давом этгай.

Бу “олис” ҳали олисми? Нима ишим бор бу билан! Бундан бу олис гандираклар кетмагай. Мен икки оёғим билан заминда мустаҳкам турибман.

Турибман мангу заминда, метиндай мустаҳкам асрий тош устида. Ушбу энг баланд, энг қаттиқ ибтидоий тоғ устида, бунда барча шамоллар худди бўрон қирғоғига келган каби сўроғлайдилар: қачон? қардан? қайга?

Шу ерда сен кул, кулавер, менинг нурли, соғлом ғайирлигим! Баланд тоғлардан ўз порлоқ, ғаюр кулгингни пастга улоқтир! Ўз ялтирашинг билан менга инсон балиқларнинг энг гўзалларини тортиб кел!

Барча денгизларда менга тегишли бўлган, барча нарсаларда меники ва мен учун бўлган нарсаларни — ана шуларни қармоғимга тушир. Шуларни мен учун юқорига олиб чиқ: мен, балиқ тутувчиларнинг энг баттоли, шуни куятман.

Олис, олисларга туш, қармоғим! Бахтимнинг хўраги, сен чўнқир ерларга етиб бор! Лаззатли шабнамнинг қалбим болини зарра-зарра қилиб оқиз! Қармоғим, ҳар қандай қора қайғунинг қорнига санчил!

Кўзим, олисларга боқ! О, теграмда уммонлар қанчалар кўп! Ўт олаётган инсон умрлари қанчалар бисёр! Бошим узра қандай пушти ранг тинчлик! Қандай булутсиз жимжитлик!

## МАДАД СЎРАГАН ТОВУШ

Эртасига Зардўшт яна мағора олдидаги тош устида ўтирар, махлуқлари эса бу пайтда уйга янги озуқа, шу билан бирга янги асал келтириш учун ҳар томонни кезардилар: Зеро, Зардўшт эски асални охириги томчисига қадар ишлашиб бўлмиш эди. Аммо у шундай қўлида асо ушлаб, асрий ўйларга ботиб ерда ўз соясининг тархини чизиб ўтираркан, ва ҳақиқатан, унинг ўй-хаёллари на ўзи ва на сояси ҳақида эди! — у кутилмаганда бирдан чўчиб тушди. Зеро, у ўз сояси ёнида бошқа бир соя ҳам турганлигини кўрди. У дафъатан ўтирилиб қараб диқ этиб ўрнидан тургунча, ўз ёнида яна ўша авлиёни кўрди, бу авлиёни у бир сафар ўзи кўноқ қилган, едирган, ичирган, бу ўша буюк ҳорғинликнинг мубашшари: “Ҳаммаси ҳам бир хил, ҳеч нарса қилмаслик керак, дунёнинг маъноси йўқ, билим бўғади”, деб ўргатган зот эди. Лекин бу орада унинг туси ўзгарди; Зардўшт унинг кўзига қаради-ю, юрагига яна иккинчи марта ҳавл тушди: Зеро, ушбу башарадан шу қадар кўп ёмон аломатлар ва кул ранг бўз чақмоқлар чақилиб ўтди.

Авлиё Зардўштнинг юрагидан нималар ўтганини сезиб, худди ундаги нарсаларни ўчирмоқчи бўлгандай қўли билан юзини сидирди; Зардўшт ҳам шундай қилди. Икковлон индамай-нетмай шундай ўзларини ўнглаб, ҳушларини ростлаб олганларидан сўнг бир-бирларига қўл узатдилар. Шу билан бир-бирларини билишга майл билдирдилар.

“Мархабо, эй буюк ҳорғинлик валийси, — деди Зардўшт, — сен бир сафар

бекорга менинг меҳмоним бўлмагансан, Бу гал ҳам меникида қўноқ бўл, етил, ичтил ва магар қувноқ мўйсафид сен билан бирга ўтирса, уни кечиргил!” “Кувноқ мўйсафид? — жавоб берди авлиё бошини чайқаб. Аммо сен ким бўлма ёки ким бўлишни истамасан, о, Зардўшт, энди бу тоғ устида узоқ қололмайсан, — тезда сенинг кеманг қирғоқда ётмайдиган бўлур!” — “Ахир мен қирғоқда ётибманми?” — деб сўради Зардўшт кулиб. “Тўлқинлар сенинг тоғинг атрофида, — жавоб берди авлиё, — тобора юқорироқ кўтарилиб бормоқда, булар буюк қашшоқлик ва қайғу тўлқинларидир”. Улар тезда кемангни кўтариб, сени бу ердан олиб кетурлар”. Зардўшт жим ва лол турарди. — “Наҳот сен ҳамон ҳеч нарсани эшитмаётган бўлсанг? — сўзида давом этди авлиё. Тубсизликдан шовқин ва қалдироқ келмаяптими?” Зардўшт ҳамон жим қулоқ соларди: шунда у узун акс-садо берган ҳайқирикни илғади, бу товушни ўпқонлар биридан иккинчисига улоқтирар, зеро, ҳеч қайсиси уни ўзи билан олиб қолмоқни истамасди: шунчалар ҳалокатли янгради у.

“О, толе валийси, — деди ниҳоят Зардўшт, — бу кимдир ёрдамга чақиряпти, бу одамнинг товуши, у уммон қаъридан чиқяпти. Лекин менинг инсон қулфати билан нима ишим бор! Менга қолдирилган энг охирги гуноҳ, — сен биласанми, у нима деб аталар эди?”

— “Дарддошлик! — деб жавоб берди авлиё юраги тўлиқиб ва иккала қўлини юқори кўтарди. О, Зардўшт, мен сени охирги гуноҳингга етказиш учун келаётirman!”

Бу сўзлар унинг оғзидан чиқар-чиқмас яна ўша қичқирик аввалгисидан ҳам чўзилар, маҳзунроқ бўлиб эшитилди. Энди у янада яқинроқ ердан келарди. “Эшитяпсанми: Эшитяпсанми, о, Зардўшт? — дея бақирди валий. — Бу товуш сени излаяпти, сени чақиряпти: кел, кел, кел, вақт бўлди, бир зум ҳам хаяллаш мумкин эмас!”

Лекин Зардўшт ҳайрону лол турар, индамасди; ниҳоят у худди ўзини ўзи ўсмоқчилагандай сўради: “Ким у ерда мени чақираётган?”

“Лекин сен уни биласан-ку ахир, — жаҳли чиқиб жавоб берди валий, — сен нимага ўзингни яширяпсан? Бу ало одам сени чорлаяпти!”

“Ало одамми? — Нидо қилди Зардўшт ваҳимага тушиб. — Нимани истар у? Нимани истар у? Ало одам! Нима қилиб юрибди у бу ерда?” — у шундай деб бутун аъзойи бадани жикқа терга ботди.

Бироқ валий Зардўшт ваҳимасига эътибор бермай ўпқон қаъридан келаётган товушга қулоқ соларди. Ниҳоят у ёқда жимлик чўккач, у ўгирилиб қараб, Зардўшт ҳамон ўша алфозда турганлиги, дағ-дағ қалтираётганини кўрди.

“О, Зардўшт, — деб бошлади у қайғули овоз билан, — сенинг туришинг бахтидан айланиб-ўргилишга мажбур бўлган одамга ўхшамайди. Сен юзгубан йиқилмаслик учун ўйинга тушишинг керак.

Агар сен менинг олдимда ўйинга тушишни хоҳлаганингда ва ҳар томонга сакраб ҳакалак отганингда ҳам, барибир ҳеч ким менга: “Қара, ана охирги қувноқ одам ўйин тушяпти!” — деб айтолмаган бўларди.

Уни қидириб бу ерга, баландга чиққан одамнинг меҳнати зое кетарди: у фақат бунда фақат мағораларга ва у ерда яширинганларнинг хуфий жойларига дуч келарди, лекин бунда у на бахтнинг ўрлари ва хазиналарини, на буларнинг олгин ўзакларини топган бўларди.

Бахт-иқбол — ушбу тириклай қўмилганлар ва таркидунё қилганлардан бахт-иқбол топиш мумкинми, ахир! Наҳот мен охирги бахтни фароғат оролларида ва олислардаги унутилган денгизлардан излашим керак?

Аммо бари бир хил, ҳеч нарса қилишнинг кераги йўқ, барча ахтаришлар бекор, инчунин энди фароғат ороллари ҳам йўқ!”

Авлиё ана шундай оҳ-воҳ қиларди; лекин у сўнгги бир оҳ тортганда, Зардўштнинг яна чехраси очилди ва худди тубсиз қаърлардан ёруғликка чиқиб келаётган аллаким каби ўзига ишониб далил тортди. “Йўқ! Йўқ! Уч карра йўқ! — деб қичқирди у адл овози билан, сўнг соқолини силади. — Мен буни яхши биламан! Ҳали фароғат ороллари бор! Сен бу ҳақда сўйлама, эй қайғуларнинг оҳ-воҳлари тўлган қанори!”

Сен бу ҳақда чулдираб ўйирма, эй, сен пешин арафасидаги ёмғирли булут! Ахир мен сенинг ғам-қайғуларингдан худди сувга тушган ит каби бўкмадимми?

Энди мен бир силкинаман-да, бу ҳўл балодан қутулиш учун сендан нари қочаман: сен бунга ҳайрон қолмаслигинг керак! Сенга қўпол бўлиб кўринмайманми? Лекин бу ерлар менинг мулкларим.

Сенинг ало одаминга келсак — бўпти, майли! Мен уни бу ўрмонликда бир зумда топиб оламан: у ёқдан унинг овози келаётир. Балки уни аллақандай қонхўр ҳайвон таъқиб қилаётгандир?

Ало одам менинг маконимда — бунда унинг бошига кулфат тушмагай! Ҳақиқатан, менинг кўп ваҳший ҳайвонларим бор”.

Зардўшт шу сўзларни айтгач, туриб кетмоқчи бўлди. Шунда авлиё деди: “О, Зардўшт, сен муғомбирсан!

Биламан: мендан қутулмоқчисан! Сен жон-жон деб ўрмонликларга қочиб боринг ва ваҳший ҳайвонларни овлагинг келади!

Лекин бу сенга ёрдам берармикин? Оқшом мен барибир сенинг маконингда бўлурмен: сенинг мафорангда худди тўнкадек оғир чўкурман ва сабр-тоқат билан сени кутурман!”

“Майлига! — деб қичқирди Зардўшт кета туриб. — Билиб қўй: менинг горимда менга тегишли нимаики бор бўлса, у сенга, менинг азиз меҳмонимга ҳам тегишлидир!

Агар сен у ерда яна асал ҳам топиб олсанг, майли! — Эй, гўлдираган айиқ уни ялаб ўтир ва фароғат қил! Зотан, кечга бориб, биз иккимиз ҳам хуррам бўлурмиз.

— Хуррам ва мамнун бўлурмиз бу кун тугади деб! Шундан сўнг сен менинг олим айигим каби ўзинг қўшиқларимга жўр бўлиб ўйин тушурсен.

Сен бунга ишонмайсанми? Бошингни чайқаясанми? Майлига! Жўна! Қари айиқ! Аммо мен ҳам авлиёман!”

Зардўшт шундай зикр қилди.

## ҚИРОЛЛАР БИЛАН МУСОҲАБА

### 1

Зардўшт ўз тоғлари ва ўрмонларида ҳали бир соатча ҳам кезмаган эдики, бирдан кўзи галати одамларга тушди. Айни у тушиб борадиган йўлдан икки қирол юриб борар, уларнинг бошларида тож, белларига алвон белбоғлар чулганган, худди безанган қизил розга ўхшардилар. Улар олдиларида юк ортилган эшакни ҳайдаб боришарди. “Бу қироллар менинг мулкларимда нима қилиб юришибди?” — деб ўйлади ҳайрон қолиб кўнглида Зардўшт ва дарров ўзини бугалар панасига олди. Лекин қироллар унга яқинлашиб келишгач, у худди ўзи билан ўзи гаплашган одамдай шивирлаб деди: “Қизик! Қизик! Буниси қандоқ бўлди? Мен иккита қиролнию ва фақат битта эшакни кўриб турибман!”

Шунда ҳар икки қирол тўхтаб, жилмайишди-да, овоз келаётган томонга қараб, сўнг бир-бирлари билан кўз уриштиришди. “Кўплар биз томонда ҳам шундай ўйлашади, — деди ўнг томондаги қирол, — лекин буни овоз чиқариб айтишмайди”.

Сўл томонда турган қирол елкаларини қисди-да, жавоб берди: “Бу эчкибоқар бўлса керак. Ёки қоя тошлар ва чакалаклар ичида узоқ қолиб кетган дарвешдир. Зеро, жамиятдан ташқарида яшаш ҳар қандай одамнинг яхши хулқ-атворини бузади”.

“Яхши хулқ-атвормиш? — ғазаб ва алам билан эътироз билдирди иккинчи қирол. Биз кимдан четланамиз ўзи? “Яхши хулқ-атвор”лардан эмасми? Ўзимизнинг “яхши жамиятимиз”дан эмасми?”

Ҳақиқатан, ўзини “яхши жамият” деб атайдиган, тилла ҳалларга чулганган, каззоб, ясан-тусан қилган, упа-элик сурган қироллар ичида яшагандан кўра таркидунё қилганлар, эчкибоқарлар орасида яшаш маъқулроқ.

— Гарчи бу жамият ўзини “оқсуяклар” деб аташа ҳам. Лекин суяк сурган ёмон касаликлар ва ундан ҳам бешбаттарроқ бемаъни шифокорлар боис, унинг бугун борлиги, қондан тортиб ҳаммаси чириб риёкорликка айланиб кетган.



Мен бу бўялиб-бежалганлардан кўра ҳар жиҳатдан соғлом деҳқонни афзал деб биламан — дағал, муғомбир, қайсар ва чидамли деҳқон бугун энг олижаноб инсон.

Деҳқон бугун ҳаммадан кўра яхшироқ; деҳқон ҳаётнинг хўжасига айланиши керак! Бироқ ҳозир оломон ҳокимияти ҳукмрон, — бу борада мен ўзимни яна алданишга йўл қўймайман. Оломон деганингиз эса қаланғи-қасанғилар.

Оломон бу қаланғи-қасанғилар: унинг ичида ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетган: авлиё ҳам, аблаҳ ҳам, тўра ҳам, жуҳуд ҳам ва Нуҳ кemasига тушган турли-туман ҳайвонлар.

Яхши хулқ-атвор! Бизда бари чириган ва пастлашган. Ҳеч ким энди эъзоз-икром нималигини билмайди: ҳаммамиз айнан шундан қочамиз. Булар думини ликиллашиб турувчи хира итлар, улар палма япроқларини тилларанг қилиб бўяшади.

Мен нафратим кўзиб бўғилиб кетаман, ахир биз, қироллар ҳам ясама бўлиб қолдик, аждоқларнинг сарғайган кўҳна ялтир-юлтирига чулғаниб, безаниб олганмиз, бизни муттаҳамлар ва ранг-баранг тентакларга, бугун ҳокимият билан чайқовчиликни авж олдираётган барча кимсаларга кўргазмага қўйиб кўрсатишади.

Биз биринчилар эмасмиз — биз биринчилар бўлиб кўринишимиз даркор: биз ниҳоят чарчадик ва ушбу алдам-қалдамдан тўйиб кетдик.

Биз ўзимизни қаланғи-қасанғилардан четга олдик, мана шу барча бақироқлар ва ёзғувчи гўнг пашшалардан, чайқовчиларнинг қўланса ҳидларидан, шуҳратпарастларнинг қалтироқликлари ва бадбўй нафасларидан четландик. Қаланғи-қасанғилар ичида яшашга туф!

— Туф, ипринди-сиприндилар ўртасида биринчи бўлишга! Оҳ, жирканамаман! Жирканамаман! Жирканамаман! Нима аҳамиятимиз қолди энди биз қиролларнинг!”

“Сенинг эски касалинг кўзияпти, — деди шунда сўл ёнда турган қирол, — сенга жирканиш, нафрат қайтиб келяпти. Менинг шўрлик укам. Лекин сен сезиб турган бўлсанг керак, кимдир бизнинг гапимизга қулоқ солиб турибди”.

Шунда Зардўшт ўзи биқиниб, бу гап-сўзларни камоли диққат билан эшитиб турган панадан дарҳол чиқди, қиролларга рўпара бўлди ва шундай гап бошлади:

“Эй, қироллар, сизни жон қулоғи билан эшитиб турган мана менман ва мени Зардўшт деб атайдилар.

Мен — Зардўштман ва бир гал мен шундай гапни айтганман: “Қиролларда нима маъно қолди!” Мени маъзур кўрингиз, сиз бир-бирингизга: “Қироллар билан бизнинг нима парвойимиз бор!” — деб айтганингизда, бундан хурсанд бўлдим.

Лекин бу ерлар менинг салтанатим ва бунда мен ҳукмронман. Менинг мулкимда нималарни қидириб юрибсиз? Лекин, эҳтимол, сиз йўл-йўлакай мен қидириб юрган нарсани: ало одамни топгандирсиз?”

Қироллар бу сўзларни эшитгач, қўлларини кўкракларига урдилар-да, бир овоздан нидо солдилар: “Бизни билиб қолишди!”

Бу сўзингнинг қиличи билан қалбимизнинг зимистон қоронғулигини ёриб ташладинг. Сен бизнинг дардимизни билдинг. Зеро, биласанми, биз ало одамни топиш учун йўлга чиқдик.

— Гарчи биз қирол бўлсак ҳам, ало одам биздан юқорироқдир. Биз унга мана шу эшакни олиб боряпмиз. Зеро, ало одам ер юзида олий ҳукмрон бўлмағи даркор. Агар бу дунёнинг ҳукмронлари шу билан бирга биринчи одамлар бўлмаса, унда барча инсон тақдирларида бундан ортиқроқ оғир бахтсизлик йўқ. Унда ҳамма нарсалар ёлғон, қийшиқ ҳамда ваҳшиёна бўлиб қолур.

Агар улар энг тубан даражага тушиб, одамдан кўра кўпроқ ҳайвонга ўхшаб қолсалар — ана унда тўда, оломоннинг нархи, қадри ошади ва ниҳоят оломоннинг эзгулиги шундай сўзларни айтадиган бўлади: “қара, эзгулик фақат мендирман!”

“Ҳозиргина мен нимани эшитдим? — жавоб берди Зардўшт. — Қиролларнинг донолигига офарин! Мен қойил қолдим ва буларнинг барини сажда қофияли қилиб айтсам дейман:

— бу қофиялар балки кимнингдир қулоғига ёқмас. Мен узун қулоқларга эътибор бермай қўйганимга анча бўлди. Майлига! Олга!

(Лекин бу ерга келганда, эшак ҳам аччиги чиқди шекилли, чидаб туролмай ханграб юборди: И-А.)

Бир куни — Исо таваллудининг биринчи йили  
Сивилла маст бўлиб (майдан эмас) тилга кирди:  
“О, алам, алам, ҳаммаси тубан!  
Нақадар қашшоқ, барчаси юпун!  
Румо бўлди катта исловатхона,  
Цезар ҳайвон, жуҳуд — Худо ягона!”

## 2

Қироллар Зардўштнинг бу қофияларидан завқланишарди; аммо ўнг ёндаги қирол шундай деди: “О, Зардўшт, сени кўргани келганимиз қандай саз бўлди!

Зеро, сенинг ганимларинг сени бизга ўз қийшиқ ойналарига кўрсатишар, унда сен иблис каби аччиқ қулиб, қийшанглаб кўринар ва биз сенинг қиёфандан кўрқардик.

Лекин кошки бу ёрдам берса! Сен бизнинг қулоғимиз ва қалбимизга ўз ҳикматларинг билан кириб борардинг. Шунда ниҳоят биз бир қарорга келдик: унинг қиёфаси билан нима ишимиз бор!

Биз уни эшитишимиз керак, у шундай таълим берур: “Тинчликни янги урушларнинг воситаси каби севингиз, қисқа тинчлик узун тинчликдан каттароқдир!”

Ҳали ҳеч ким бундай жанговар сўзларни айтмаган: “Нима яхши? Жасур бўлиш яхши. Уруш неъматни ҳар қандай мақсадни оқлайди”.

О, Зардўшт, бу сўзларингни эшитдигу ажодлар қони томирларимизда жўш уриб кетди: бу баҳорнинг эски хумларга айтган сўзидай бўлди.

Қизил доғли илонлар каби бизнинг қиличларимиз қиличлар билан олишганда, боболаримиз чин ҳаёт билан яшаган эканлар, деймиз: тинчликнинг ҳар қандай қуёши уларга нурсиз ва совуқ кўринар, узоқ давом этган тинчлик шармисорлик келтирарди.

Бизнинг оталаримиз деворларда занг босмаган, тиғи тўмтоқ бўлиб кетган шамширларни кўрганларида қанчалар хўрсинар, оҳ тортардилар! Улар худди қиличлар каби урушга ташна эдилар. Зотан қилич қон билан ювилишни истар ва ташнаком ярақлар”.

Қироллар ажодларнинг саодатли онлари ҳақида орзу қилиб, алангали сўзлашар эканлар, Зардўшт уларнинг бу жўш уриб хуришлари устидан кулгиси келди. Зеро, у ўз рўпарасида кўриб турган қироллар гоёта сулҳпарвар, чеҳралари қора, юмшоқ ва нозик зотлар эди. Лекин у ўзини тийди. “Нима ҳам қилдик! — деди у. — Манов йўл Зардўштнинг ғорига олиб боради; майлига, бугунги куннинг оқшоми узун бўлсин! Вақтим бўлди, мен бундан боришим керак. Мени мададга чорламоқдалар. Кулбай ғорим сизнинг пойқадамингиз етса, сарфароз бўлур ва бошим осмонга етур, мени кутсангиз; лекин узоқ кутишингизга тўғри келур!

Нима ҳам қилдик! Энг яхши кутиш жойлари саройлар бўлмай қаер? Қиролларнинг қолган-қутган охириги эзуликлари нима? — У бугун кутиш маҳорати деб аталмайдими мабодо?”

Зардўшт шундай зикр қилди.

## ЗУЛУК

Шундай қилиб, Зардўшт ўйга ботганча тоғдан пастга эниб борар, ўрмонликлардан ва ботқоқликлардан ўтиб тобора қуйи тушарди; мушкул нарсаларни мулоҳаза қилаётган ҳар қандай киши каби у бирдан-бир одамни босиб кетаёзди. Бирваракай унинг юзига жони оғриган кимсанинг оҳ-воҳлари, бақирӣқ-чақирӣқлари, сўқиниб-лаънатлаганлари ёғилдики, Зардўшт кўрқиб кетиб дафъатан қўлидаги таёғини кўтарди-да, ўзи босиб олган кишини икки

бора урди. Лекин шу заҳоти унинг ҳуши ўзига келди; бировга тентак бўлиб калтак кўтаргани учун ўз ичида тоза кулди.

“Кечир, — деди у ҳалиги ўрнидан дик этиб туриб ўтирган, ўзи билмай босиб олган кимсага қараб, — кечир ва аввал бир қиёсим бор, шуни эшит.

Олис-олис нарсалар ҳақида ҳаёл суриб кетаётган йўлчи, қутилмаганда, бўм-бўш кўчада ўзини офтобга солиб мудраб ётган итга дуч келгандай ва ҳар иккиси қаттиқ қўрқиб кетиб сакраб туриб бир-бирига худди қаттол душман каби ташлангандай, — биз ҳам ҳозир шундай аҳволга тушдик.

Бироқ! Бироқ буни қаранг — ушбу ит ва ушбу ёлғиз йўловчи бир-бирларини эркалаб, илтифот қилиб қўйсалар ҳам бўларди, бунга озгинагина қолган эди!”

“Сен ким бўлмагил, — деб жавоб берди ҳамон дарғазаб ҳолда Зардўшт босиб олган одам. — Сен мени ёмон босиб олдинг ва энди оёғинг билангина эмас, ўхшатишинг билан ҳам менга азоб беряпсан!

Қара, ахир мен ит эмасман!” — ва ушбу сўзларни айтганча, ҳалиги ўтирган киши ботқоқдан ўзининг яланғоч қўлини чиқарди. Зотан, у худди ботқоқ қўлдаги ови ўлжасини пойлаган одамдай бекиниб, ўзини пана қилиб ер узра узала тушиб ётган эди.

“Э, сенга нима қилди ўзи! — деб бақирди чўчиб тушган Зардўшт, Зеро, у кимсанинг яланғоч қўлидан анча қон оқаётганини кўрган эди. — Нима бўлди сенга? Эй бадбахт, сени биронта ёмон махлуқ чақиб олмадими мабодо?”

Қўлидан қон оқаётган кимса ҳамон жаҳлдан тушмай кулиб юборди. “Сенинг нима ишинг бор! — деди-да, у ўз йўлига кетмоқчи бўлди. Мен бунда ўз уйимда ва ўз салтанатимдаман. Мендан ким сўраса сўрасин: лекин дуч келган тўнкага жавоб бериб ўтирмайман”.

“Сен адашяпсан, — деди Зардўшт унга раҳми келиб ва қўлидан ушлаб тўхтатди, — сен адашяпсан: бу ерда сен ўзингники эмас, менинг мулким ва салтанатимдасан, шунинг учун бу ерда ҳеч кимнинг бошига кулфат тушмаслиги керак.

Мени нима деб атасанг, ўз ихтиёринг. Мен ўз аслимдаги бир одамман. Мен ўз-ўзимни Зардўшт деб атаймаман.

Майлига! Хўв тепадаги йўл Зардўштнинг ғорига олиб боради, узоқ эмас, манави жароҳатларингни у ерда даволасак бўлади. Нима дейсан?

Эй, шўрлик, бу сен ёмон аҳволга тушибсан: олдин бир махлуқ чақибди сени, кейин, мана, одам босиб олибди!”

Лекин ҳалиги кимса Зардўштнинг номини эшитиб, бирдан ўзгариб кетди. “Менга нима бўлди ўзи! — қичқирди у. — Мени бу дунёда бирдан-бир шу одам, ягона Зардўштгина қизиқтиради, бошқа ким бўларди, ундан кейин манави қон сўриб кун кўрувчи махлуқлар — зулуклардан бошқа?”

Мен шу зулукни деб, худди балиқчидек бу балчиқ кўлнинг бўйида ётган эдим, кўлимни балчиққа солдим. Зулуклар уни ўн марта чақди, мана энди қаранг, менинг қонимни ундан ҳам чиройлироқ махлуқ — Зардўштнинг ўзи ичмоқда!

О, толе! О, мўъжиза! Мени бу балчиқ кўлга бошлаб келган кун қутлуг бўлсин! Ҳозирда яшовчи, қон сўрувчи идишларнинг энг яхшиси бўлган манов махлуқ омон бўлсин ва омон бўлсин диёнатнинг буюк зулуги Зардўшт!”

Зардўшт босиб олган кимса шундай сўзларни айтгарди; Зардўшт ҳам унинг сўзларидан ва илтифотли ҳурмат-эътиборидан хурсанд бўлди. “Сен ким бўласан? — деб сўради-да, унга қўлини узатди. — Ўртамизда ҳали аниқлаб оладиган бир қанча гаплар бор; аммо менимча, тоза, тиниқ кун бўладиганга ўхшайди”.

“Мен руҳий виждонман, — деб жавоб берди саволга кимса, — ва руҳ деганда мен ўзим ўқиб ўрганган нақ Зардўшздан бошқа мендан ўтқирроқ, мендан аччиқроқ ва ниҳоят мендан маҳкамроқ бирон-бир кимсани топиш мушкул.

Кўп нарсани чала-ярим билгандан кўра ҳеч нарсани билмаган яхши! Ўзгаларнинг фикрларига асосланиб донишманд бўлгандан кўра таваккал қилувчи аҳмоқ бўлган дуруст! Мен — асос қидираман.

— У каттами, кичикми, нима фарқи бор? У осмон ёки ботқоқ деб аталмайдими? Бир қарич асос бўлса менга етарли: агар у ҳақиқатан асос ва замин бўлса:

— бир қарич асос: унда тик туриш мумкин. Билимнинг чинакам ҳалоллигида ҳеч нарса йўқ, на катта ва на кичик”.

“Э-ҳа, балки сен зулукни билувчидирсан? — сўради Зардўшт. — Шу боис сен зулукни охирги бўғинигача текшираётгандирсан, ҳей, сен руҳи ҳалол?”

“О, Зардўшт, — деб жавоб берди ўша Зардўшт босиб олган кимса, — агар мен бунга журъат қилсам, жуда ҳам хунук бўларди!

Лекин мен аъло ва ҳар томонлама биладиган нарса, бу зулукнинг мияси — ана бу менга тегишти дунё!

Бу шунингдек дунё! Мен ифтихор қилаётган бўлсам, буни кечир, лекин бунда менга тенг келадигани йўқ. Шунинг учун мен боя: “бу ерда ўз уйимдаман”, деб айтдим”.

Мен ушбу якка-ягона нарсани, зулукнинг миясини ўрганаётганимга қанча замонлар бўлди, ахир сирғанчиқ ҳақиқат қўлимдан чиқиб кетмасин дейман-да! Бу ер — менинг салтанатим!

— Шунинг деб, бошқа ҳаммасидан воз кечдим, шунинг деб, бошқа ҳеч нарса билан ишим бўлмай қўйди; шу боис менинг билимим ёнида қора жаҳолатим чўзилиб ётади.

Руҳимнинг ҳалоллиги мендан қандайдир битта нарсани яхши билишимни ва бошқаларини билмаслигимни талаб қилади. Мен барча руҳи чала-ярим, барча мавҳум, пир-пир учган ва хаёлпараст нарсаларни ёмон кўраман.

Менинг ҳалоллигим тутаган ерда мен кўрман ва кўр бўлишни истайман. Бироқ билишни истаган жойда мен, шунингдек, ҳалол бўлишни, айнан жиддий, ўткир, аччиқ, қаттиқ ва метиндай мустаҳкам бўлишни истайман.

О, Зардўшт, сен бир кун айтгансан: “Руҳ бу ҳаётдир, бунда ҳаёт — ҳаётга ўқириб кириб боради”, бу сўз мени ўзига ром этди ва мени сенинг таълимотингга олиб кирди. Ва ҳақиқатан, мен ўз қоним билан ўз билимимни оширдим!”

— “Аён кўриниб турган нарса шунинг исботлайди”, — деб унинг сўзини бўлди Зардўшт; зотан қон ҳамон руҳи ҳалолнинг яланғоч қўлидан оқиб турарди. Зеро, унга ўнга зулук ёпишган эди.

“О ажойиб ошнам, мени аён кўриниб турган нарса кўп нарсага ўргатади, яна айнан сен ўзинг! Ва эҳтимол, сенинг ўткир қулоғингга ҳамма нарсани ҳам айтиб ўтиришим шарт эмас эди!

Майлига! Шу ерда айриламиз! Лекин сен билан яна учрашгим келади. Анави тепадаги йўл менинг ёримга олиб боради — бугун кечаси у ерда менинг тансиқ меҳмоним бўлгил!

Зардўштнинг оёғи босиб олган танангни ҳам даволаб қўйишни хоҳлардим. Мен буни ўйлаб кўраман. Энди эса вақт бўлди. Мени бу ердан ёрдам сўраб чақиришяпти”.

Зардўшт шундай зикр қилди.

## СЕҲҲҲҲҲ

### 1

Бироқ Зардўшт қояни айланиб ўтиб, ўзидан пича нарироқда, пастда, текис йўлнинг ўртасида худди қутургандай дағ-дағ титраётган кимсани кўриб қолди, ҳалиги одам бирдан ўзини қорни билан ерга отди. “Тўхта! — деди шунда Зардўшт ўз кўнгли ичида. — Бу ўша ало одам бўлса эҳтимол; ёрдам сўраб жони борича қичқираётган ҳам худди шунинг ўзи, — қарай-чи, унга нима ёрдам керак экан?” У ерда ётган одамнинг олдига югургилаб борди, бир қари чол кўзлари қотиб қолганча тупроқда ётарди. Зардўшт уни кўтариб оёққа бостириш учун қанча уринмасин, барча ҳаракатлари зое кетди. Шўрлик, афтидан, ёнида одам борлигини ҳам пайқамади. Аксинча, у худди ҳамма ташлаб кетган, якка-ёлғиз қолган одамга ўхшаб ҳар томонга ложарам сарак-сарак боқарди. Ниҳоят узоқ вақт титраб-қақшаб, тиришиб ётгач, у аччиқ алам билан нолишга тушди:

Ким мени севади, ким мени иситар?  
Қайноқ қўлингизни узатинг менга,  
Қалбимга бағишланг чўғли аланга.

Ўлим тўшагида ётгандай. Оёқлар совуқ,  
 Жон бўғзимга келмиш, қўрқинч сизловуқ.  
 Касалим оғир, нималиги номаълум,  
 Совуқ жонимдан ўтар, музлаб аъзо баданим,  
 Аёвсиз нишларин санчар.  
 Мени таъқиб этасан, ташаккур руҳи,  
 Бурканиб олгансан, номсиз бир бало,  
 Булутлар ортидан ўқлар узасан! —  
 Қоронғудан ғаддор боққан у кўзлар,  
 Мени худди яшин уриб қулатди!  
 Шундай ётадурман тўлганиб,  
 Сен юборган азобларни еб,  
 Етти қат букчайдим, буралдим,  
 Эзилдим ортиқ.  
 Эй, бераҳм овчи,  
 Менга нотаниш Худо!

Янада чуқур санч,  
 Яна ол мўлжалга қалбимни,  
 Парчала, ёриб ташла!  
 Лек нечун тўмтоқ ўқлар-ла  
 азоб берасан?  
 Лек нечун менга боқасан  
 Одамларнинг туганмас азоблари-ла?  
 Яшиндай, қақшаттич худо назари?  
 Йўқ, жон олишни истамайсан,  
 Фақат қийнаб, ёмон қийнайсан!  
 Нечун, нечун сенга керак менинг азобим,  
 Қаҳҳор, нотаниш худойим?  
 Эҳ, кўриб турибман!  
 Ярим тунда пушиб келдинг ёнимга.  
 Айт ўзинг, нима истайсан?  
 Сиқасан, тинмай эзасан мени  
 Вой, жуда ҳам яқин қолди!  
 Нафасимга қулоқ тутасан,  
 Санайсан юрак зарбларин —  
 Рашк қиласан!

Кимдан ахир бу рашкинг?  
 Қоч! Қоч! Қайга —  
 Олмоқчисан ўзингни?  
 Юракками кириб оласан,  
 Эзгу хаёлларни оралаб!  
 Сен уятсиз, бегона, ўғри!  
 Нимани ўғирлаб олмоқчисан ўзингга,  
 Нимани билиб олмоқчисан танангга?  
 Нимани билишни истайсан, эй, дилозор?  
 Илоҳий хунҳор!  
 Ёхуд мен худди ит каби  
 Ётайми юзгубан сенинг олдингда  
 Ликиллатиб дум?  
 Эҳтиросим жўшиб, сенга  
 бахш этайми муҳаббатим  
 эшилиб, буралиб, бир зум?

Бекор қиласан,  
 Ур қаттиқроқ!  
 Оҳ, нақадар оғир бу санчиш!  
 Йўқ, сенинг исковичинг эмасман,  
 Мен фақат — ўлжа.

Раҳмсиз сайёд,  
 Сенинг мағрур овингман, бўлмишман банди!  
 Булулар оргига беркинган қароқчи!  
 Айт, менга айт, нима истайсан?  
 Эй, сен талончи!  
 Нима? Товонми?  
 Қандайин ва қанча?  
 Кўп талаб қил — дейди гурури —  
 Кам сўйла — такрорлайди яна у.  
 Хўп, мана қандай? Шундайми? Меними?  
 Мени хоҳдайсанми сен?  
 Мени — бир бутун борлиғим ила?  
 Э! — унда ахир нега  
 Менга мунча азобинг, тентак?  
 Нега хўрлайсан мунча жонимни?..  
 — Севги бер менга, кимни иситай?  
 Қайноқ қўлларингни узатгил менга  
 Қалбимга бағишла чўғли аланга,  
 Мен ёлғизман ўз хилватимда  
 Ғанимларга ва етти қават  
 музларга  
 Ғаддор ёвларга  
 у ингилмоқни ўргатар.  
 Енгилмас ғаним —  
 Менга сен таслим бўл —  
 Таслим бўл менга!  
 Қоч! Учиб кетди! —  
 Қочди тирақай —  
 Менинг ёлғиз дўстим ва ёвим,  
 Улуғ душманам  
 ўша яна менга ёт  
 Илоҳий жаллод!  
 Йўқ!  
 Қийноқларинг-ла бирга  
 Қайтиб кел менга  
 Кўзёшларим ёғилар  
 Сенинг оргингдан,  
 Сен учун қалбимда яна  
 ёнди бирдан  
 Энг сўнгги олов.  
 Қайт, қайт менга, илоҳим,  
 — менинг азобим  
 ва энг сўнгги иқболим!..

## 2

Аммо Зардўшт шу ерга келганда, ўзини тутиб туrolмай, калтагини кўтариб бунчалар шикоят ёғдираётган кимсанинг бошига бир урди. “Бас қил, — деб қичқирди у ёмон кулиб, — бас қил, эй масхарабоз! Қаллоб, пул ясовчи! Бадбахт ёлғончи! Мен сени танидим!”

Оёқларингни синдираман сенинг, бадбахт сеҳргар! Сенга ўхшаганларни товада қандай қовуришни яхши биламан!”

— “Кўй, кўй, — деб ёлворди чол ва ўрнидан сакраб турди, — бўлди, бошқа урма мени, о, Зардўшт! Бари кўрганинг кулгили ўйин эди!”

Мен бу ҳунарни бошлайман; сени шундай васвасага солиб синамоқчи бўлдим! Сен қойилмақом сезиб қолдинг!”

Лекин сен ўзинг ҳам — менга ким эканлигинг борасида озмунча далолат бердинг: сен жуда қаттиқсан, эй доно Зардўшт! Сен ўз “ҳақиқат”ларинг билан оғир зарбалар берасан, сенинг таёғинг мендан ҳақиқатни зўрлаб олади!”

“Тилёғламалик қилма, — деб жавоб берди Зардўшт ҳамон ҳовурдан тушмасдан чолга хўмрайиб қараркан, — сен ашаддий лўттибоз! Сўзларинг ёлғон: ҳақиқат дейсану, билармисан нима ҳақиқат?”

Сен тустовуқдан ўтиб тушган тустовуқ, сен шуҳратпарастликнинг баҳри уммони, сен баттол жодугар, менга нима ўйин кўрсатдинг, бунчалар нолаю фиғон кўтардинг, мен кимга ишонишим керак?”

“Руҳан тавба қилаётганга, — деди қария, — мен шундай кимсани сенга ифодалаб кўрсатдим, бу сўзни бир замон сен ўзинг кашф қилгансан;

— ўз руҳини охири ўз-ўзига қарши қаратган, ўзгарган, илми чатоқлиги ва диёнати тубанлигидан доим музқотадиган шоир ва сеҳргар.

Тан олиб айт, о, Зардўшт, менинг ҳунарим ва алдам-қалдамимни фаҳмига етиб олгунингча қанча узоқ вақт ўтди-я! Бошимни икки қўллаб ушлаб турган чоғингда сен менинг ҳасратимга ишондинг.

— Аччиқ алам ила шундай шиква қилганингни эшитдим: “уни жуда ҳам оз суйганлар, жуда ҳам оз суйганлар!” Сени бошлаб алдадим ва бундан ич-ичимдан суюндим”.

“Сен мендан кўра муғомбирроқларни ҳам алдагансан шекилли, — деди Зардўшт қовоғини солиб. — Мен алдоқчилардан қочмайман, зеро, мен эҳтиётсиз бўлмоғим керак: толейим шуни талаб қилади.

Лекин сен — алдамоғинг керак: сени шунчалар яхши биламан! Сенинг сўзларинг ҳамини икки-уч-тўрт маъноли бўлмоғи даркор!

Ҳатто ҳозир сен ўзинг тан олиб айтган гапларинг бари мен учун на тўла ҳақиқат ва на тўла ёлғон!

Сен қабих қаллоб пул ясовчи, бундан бошқача иш қила олармидинг? Агар табибга яланғоч ҳолда кўринсайдинг, ҳатто ўз касалингни ҳам бўйаб кўрсатардинг.

Худди шундай сен: “Булар бари кулгили ўйин эди!” — деганингда менга ўз ёлғонингни бўйаб-бежаб кўрсатмоқчи бўлдинг. Бунда, албатта, бир жиддийлик ҳам йўқ эмас эди. Зеро, сенинг ўзинг ҳам қисман шундай руҳан тавба қилувчидирсан!

Мен сени яхши биламан: сен ҳамма учун сеҳргарсан, лекин ўзинг учун энди сенда на ёлғон ва на хийлакорлик қолган, — сен ўзинг учун энди сеҳргар бўлмай кўйгансан!

Сен нафратингни ўзингнинг бирдан-бир ҳақиқатинг каби қабул қилдинг. Сенинг битта ҳам ҳаққоний сўзинг йўқ, аммо лудоқларинг ҳали ҳақиқаттўй: сенинг лабларингга ёпишиб ётган нафрат ҳаққоний”.

“Лекин сен ўзи кимсан! — деб қичқирди шунда қари сеҳргар димоғдор товуш билан, — ҳозир тирик яшаётганлар ичида энг улуғ бўлган кимса билан ким бундай менсимай сўйлаша олади?” — шунда унинг кўзларидан Зардўштга томон мовий яшин чақнади. Лекин у шу заҳоти ўзгарди ва маънос бўлиб деди:

“О, Зардўшт, мен ҳоридим, ҳунарларим меъдамга тегди, мен буюк эмасман, мен не учун бозингарлик қилай! Лекин сен буни яхши биласан, — мен улуғликни изладим!

Мен ўзимни буюк одам қилиб кўрсатмоқчи бўлдим ва кўшларни бунга ишонтирдим, лекин бу ёлғонга мен дош беролмадим. Унга бориб урилиб синдим.

О, Зардўшт, менинг барим ёлғон, лекин синаётганим — бу асил менинг ҳақиқатим!”

“Инсофинг бор экан, — деди Зардўшт хафагезак ҳолда четга қараб, — инсофинг бор экан, буюклик қидирибсан, лекин бу сени фош ҳам қилади. Сен буюк эмассан.

Баттол, қари жодугар, бу сенинг энг яхши ва энг ҳалол томонинг, Сен: “Мен буюк эмасман”, деб айтдинг, сен ўзингдан ўзинг чарчагансан, шунинг учун мен сени ҳурмат қиламан.

Шунинг учун мен сени, руҳан тавба қилаётганинг учун ҳурмат қиламан: лоақал бир зумга бўлса ҳам, сен шу тобда тўғри сўзладинг.

Лекин айт-чи, бу ерда менинг қояларим ва ўрмонларимда сен нима қилиб юрибсан? Агар сен мен учун йўлда ағанаб ётган бўлсанг, унда мендан нима истайсан?

– Нега мени васвасага солмоқчи бўлдинг?

Зардўшт шундай сўзлар, унинг кўзлари чақнарди. Қари сеҳргар бир зум индамай турди-да, кейин шундай деди: “Наҳот сени васвасага солган бўлсам? Мен – фақат изляяпман.

О, Зардўшт, мен биронта ҳақгўй, содда, адолатли, тўғри, ҳар жиҳатдан инсофли, донишмандлик идиши, билим тақводори, буюк бир одамни қидириб юрибман!

Наҳот буни билмайсан, о, Зардўшт! Мен Зардўштни изляяпман”.

Шунда икковлон ўртасида узоқ жимлик чўкди; Зардўшт чуқур ўйга ботди, ҳатто кўзларини юмди. Лекин сўнг у яна мусоҳибини эслади ва сеҳргарнинг кўлидан туғиб, муғамбирона илтифот билан деди:

“Майлига! Тепада йўл бор, у Зардўштнинг ғорига олиб боради. Сен кимни қидирган бўлсанг, у ердан топишинг мумкин.

Ниҳоят, менинг махлуқларим, бургутим ва илонимдан маслаҳат сўра: сенга излашга ёрдам беришсин. Аммо мағорам буюк.

Рост, мен ўзим – мен ҳали буюк одамни кўрмадим. Буюк одам учун ҳали ҳозир ҳам ҳатто энг нозик одамларнинг кўз боқишлари кўпол, қаттиқ кўринмай. Ҳозир оломон салтанати.

Мен кўп тиришган, шишган, пишпанларни кўрганман, халқ эса: “Мана буюк одам!” – деб қичқирган. Лекин барча ҳаво тўлган мешлардан нима фойда! Охир-оқибат уларнинг ели чиқиб кетади.

Охир-оқибат кўп қаттиқ зўриқиб бурнини шиширган бақа паққа ёрилиб кетади: ели чиқади. Шишиниб кетган одамнинг қорнига бармоқ нуқшиши – буни мен соз ҳазил деб биламан. Эшитинг, болалар!

Бугун бу оломонга тегишли: ким биларкин нима каттаю, нима кичиклигини! Ким унда буюкликни қойил қилиб қидирдийкин? Фақат тентак: тентаклар ютуққа эришадилар.

Сен буюк одамларни излайсанми, эй, сен аъжуба тентак? Уларни излашни ким ўргатди сенга? Ахир ҳозир шунинг вақтими? О, баттол изловчи, сен нега – мени васвасага соласан?”

Зардўшт шундай зикр қилди, сўнг юраги таскин топиб, кула-кула ўз йўлига равона бўлди.

## ИСТЕЪФОДА

Зардўшт сеҳргарни қолдириб келгач, бироз вақт ўтмай ўзи бораётган йўл бўйида кимдир ўтирганини кўрди; бу қорадан келган, баланд бўйли, юзи ориқ ва оқарган одам бўлиб, Зардўштнинг таъбини қаттиқ тирриқ қилди. “Э, вой, — деди у кўнгли ичида, — мана бурканган ҳасрат ўтирибди, чамаси у руҳонийлар зотиданга ўхшайди; менинг салтанатимда улар нима қилиб юришибди?”

Э, воҳ! Бир жодугардан эндигина қутулганимда, йўлим устидан бошқа бир аҳли китоб тўсиб чиқиб турибди.

- қўлларини қовуштириб турган аллақандай афсунгар, дунёга туҳмат қилиш учун келган аллақандай солиҳ масиҳ, ишқилиб, жин чалиб кетсин уни!

Лекин шайтон асли бўлиши керак ерда ҳеч қачон бўлмайди: бу лаънати пакана ва қинғироёқ доим ҳаддан ташқари кечикиб юради!”

Зардўшт шундай юраги бетоқат бўлиб ичидан сўкинар ва қора одамга қарамай, қандай қилиб ёнидан ўтиб кетсам экан, деб ўйларди. Аммо ҳаммаси бошқача бўлиб чиқди. Зеро, худди мана шу аснода йўлда ўтирган кишининг кўзи унга тушди. Ва худди кутилмаган бахтга дуч келган кишидай ўрнидан сакраб туриб Зардўштга пешвоз юрди.

“Ким бўлсанг ҳам, эй сен йўловчи, — деди у, — адашган, излаётган қари одамга ёрдам қил, бу ерда одамнинг боши хатарда қолиши ҳеч гап эмас!

Бу атрофлар менга ёт ва узоқ, ҳатто ваҳший ҳайвонларнинг ириллашини эшитдим. Ҳолбуки, мени муҳофаза қилувчи эса энди йўқ.

Мен охирги порсо одам, авлиё ва таркидунё қилган кимсани излаб юрибман, у ёлғиз ўзи ўрмонда яшаб бугун бугун дунё биладиган нарсалардан мутлақо беҳабар бўлса керак”.



“Бутун дунё бутун нимани билади? – сўради Зардўшт. – Бир пайтлар бутун дунё ишонган кўҳна Худо энди тирик эмаслигиними?”

“Буни сен айтдинг, - жавоб берди хафа бўлиб чол. – Мен эса бу кўҳна Худога унинг сўнгги соатигача хизмат қилганман.

Эндиликда мен ўз хўжамдан истеъфога чиқдим, шундайку-я, лекин барибир мен эркин эмасман, менинг биронта қувноқ ўтган дамим йўқ. Мабодо хотираларни айтмасам агар.

Ўзим яна бир байрам қилай деб, бу тоғларга чиқдим, қари папа ва черков отасига муносиб бир иш бўлсин, дедим. Зеро, билиб қўй, мен охирги папа бўламан! Бу тақвога тўлиқ хотиралар ва худога хизмат қилиш байрами бўлмай.

Лекин Худони ҳамisha қўшиқ айтиб, дуо ўқиб шарафлаган ўша ўрмонда яшовчи авлиё, дунёдаги энг тақводор зот энди ўлмиш.

Унинг хўжрасини топдим, лекин ўзини топмадим. Унинг хўжрасида иккита бўри чолнинг ўлганига қайғуриб увиллашарди. Зеро, барча ҳайвонлар уни яхши кўришарди. Шундан сўнг мен у ердан қочдим.

Наҳот мен бу тоғлар ва ўрмонларга абас келган бўлсам? Шунда менинг юрагим Худога ишонмайдиганлар ичида энг тақводори бўлган бошқа зотни излашга тушди. Мен Зардўштни излаётиман!”

Қария шундай деб, ўз қаршисида турган зотга ўткир назар ташлади. Зардўшт эса кўҳна падарнинг кўлидан тутди-да, унга узоқ ҳайрат билан тикилди.

“Эй, мукаррам зот, ўзинг кўр, — деди у сўнг, — қандоқ кўркам ва узун қўл! Бу ҳар доим эзгу дуо улашган зотнинг қўли. Бу қўл энди сен излаб юрган кишини – Зардўштни тутиб турибди.

Бу – мен, худосиз Зардўштман ва мен шундай айтаман: мендан ҳам худосизроқ бормики, токи мен унинг насиҳатларига қулоқ тутиб шодлансам?”

Зардўшт шундай сўзлаб, шу тариқа қари падарнинг хаёллари ва туб фикрлари ичига ўз нигоҳи билан кириб борарди. Ниҳоят падар шундай сўз бошлади:

“Кимки худони севган ва уни ҳаммадан кўра кўпроқ билган бўлса, у энди ҳаммадан кўра кўпроқ уни йўқотди:

– ўзинг кўр, ҳар иккимиздан мен ўзим энди ҳаммадан ортиқроқ худосиз эмасманми? Лекин бундан хурсанд бўлувчи бирон кимса борми!”

“Сен унинг хизматини охиригача адо этдинг, — сен биласанми, у қандай ўлганини? – деб сўради Зардўшт, узоқ жим тургач. — Уни раҳм-шафқат бўғиб ташлагани ростми?”

– У одам хочда осилиб ётганини кўриб бунга чидолмадимми? Шунинг учун унинг одамга муҳаббати жаҳаннамга айланиб кетдимми? Ва алоҳа ул ўлдими?”

Лекин қари падар ҳеч нарса демади, ботинмайгина четга юзини ўгирди, унинг нигоҳи азоб-уқубатга тўлиқ ва хафаангиз эди.

– Қўй уни, — деди Зардўшт анча мулоҳаза қилиб тургач, мўйсафид падарнинг кўзларига тик қараганча.

Қўй уни, у ўлган. Гарчи сен олижаноб зот сифатида ўлган ҳақида фақат яхши нарсаларни айтаётган бўлсанг ҳам, сен худди мен сингари шуни ҳам жуда яхши биласанки, у ким эди; унинг жуда галати йўллари ҳам сенга маълум.

– Бир кўз ярим кўзга қараб туриб шуни айтиш мумкинки, — деди бирдан қувноқлиги тутиб кўҳна падар (Зеро, унинг бир кўзи кўрмас эди), — худо масала-масойилларида мен Зардўштнинг ўзидан кўра ҳам кўпроқ биламан ва бунга менинг ҳаққим бор.

Менинг муҳаббатим узоқ йиллар унга хизмат қилди, барча нарсаларда иродам унинг иродасига эргашди. Лекин яхши хизматкор ҳамма нарсани билади ва ҳатто хўжасининг ўзи ўзидан яширган нарсаларнинг кўлидан у хабардор.

Бу сир-саноатга тўла гизли Худо эди. Ҳақиқат шуки, у ҳатто ўз ўлигига томон ҳам яширин, гизли йўллар орқали борди. Унинг дини эшиклариди хиёнат туради.

Кимки уни муҳаббат Худоси деб шарафласа, демак, у муҳаббатнинг ўзи ҳақида унчалик юксак фикрда эмас. Ахир ушбу Худо яна ҳакам бўлишни

ҳам истамадими? Лекин севгувчи мукофот ва қасоснинг нариги томонида туриб севади.

Шарқдан чиққан бу Худо навқирон чоғида шафқатсиз ва қасоскор эди, у ўз эркатойларига эрмак учун жаҳаннамни курди.

Лекин охири у қариди, юмшоқ ва мушфиқ, отадан кўра бобога, ҳаттоки қалтираган қари кампирга ўхшаб қолди.

У энди сўлгин, ночор ҳолда печ устида, бурчақда ўгирар, оёқларида қувват қолмаганидан шикоят қилар, дунёдан чарчаган, иродаси ҳорган ҳолда алағ-охир ҳаддан ортиқ каттайиб кетган меҳру шафқатидан бўғилди қолди”.

– Эй қари падар, – деб унинг сўзини бўлди шунда Зардўшт, – сен буларни ўз кўзинг билан кўрдингми? Шундай бўлиши ҳам, бошқача бўлиши ҳам мумкин эди. Илоҳлар ўлганда, улар доимо турлича ўлим билан ўладилар.

Майлига! Қандай бўлмасин – у ўлди. У менинг кўзимга ҳам, қулоғимга ҳам ёқмасди, у ҳақда мен бундан ортиқроқ ёмон сўз айтишни истамасдим.

Мен барча равшан қарайдиган ва тўғри сўзлайдиган нарсаларни севаман. Лекин у – сен буни яхши биласан-ку, мўйсафид падар, бирозгина сизнинг уруғингизга, руҳонийлар уруғига ўхшарди – уни турлича тушуниш мумкин эди.

Аксаран уни мутлақо тушуниб бўлмасди. У булар яхши тушунмайди деб, доим бизга газабини сочарди! Нақадар қаҳрга минарди! Лекин нечук у аниқроқ қилиб сўйламасди!

Агарда айб бизнинг қулоғимизда бўлса, нега унда бизга уни ёмон эшитадиган қулоқ берди. Агарда бизнинг қулоғимиз кирланиб битган бўлса, ким кунни кир бостирди?

Ушбу кўзагар яхши ўқиб-ўрганмаганлиги учун кўп нарсаларнинг уддасидан чиқавермасди! У ўзининг кўзалари ва бошқа яратган нарсалари яхши чиқмаганлиги учун улардан ўч ва аламини оларди, бу эса энди етук дид-фаросатга қарши қилинган гуноҳ иш эди.

Порсоликда ҳам яхши дид-фаросат бор; ниҳоят у шундай деди: “Бундай Худодан қоч! Яхшиси, бугунлай Худо бўлмасин; яхшиси, жонинг халак бўлса-да, ўз толеингни ўзинг қур, яхшиси телба бўл, яхшиси, ўзинг Худо бўл!”

“Оҳ, бу қандай гап! – деди шунда қулоғини динг қилиб мўйсафид падар. – О, Зардўшт! Сенинг бу ишончсизлигинг ўзинг ўйлагандан кўра ҳам порсороқдир! Юрагингдаги аллақандай Худо сенинг бу Худосизлигингга еткизгандир.

Ахир сенинг худди мана шу порсолигинг энди Худога ишонмаслигингга олиб келмадими? Инчунин сенинг ҳаддан ортиқ ростўйлигинг сени янада нарироққа, яхшилиқ ва ёмонликнинг нариги ёғига бошлаб боражак!

Кўр, сенга не қолди? Сенинг кўзинг, қўлинг, оғзинг бор, улар азалдан дуо учун яратилганлар. Дуо ёлғиз қўл билангина қилинмайди.

Гарчи сен энг худосиз бўлишни истасанг-да, лекин сенинг яқинингда мен узун дуоларнинг гизли ифорларини аниқ сезаман; шунда қийноқлар ичида бўлса-да кўнглим тўлади.

О, Зардўшт, фақат бир кечага сенинг қўноғинг бўлгали ижозат бер! Сендан ортиқ ҳеч ерда, ер юзида энди яхши бўлмагай!

– Омин! Шундай бўлсин! – деди Зардўшт бағоят ҳайрон қолиб. – У ерда, тепага йўл олиб чиқади, Зардўштнинг гори ўша ерда.

Эй, муҳтарам зот, сени у ёққа ўзим олиб чиққан бўлардим, зеро, мен барча порсо, тақводор одамларни севаман. Лекин мени овоз ёрдам сўраб чорлаяпти.

Менинг салтанатимда ҳеч ким бахтсизликка йўлиқмаслиги керак. Менинг горим – осуда қўналға. Ким қайғу-ғамга гирифтор бўлган эса, мен ҳаммадан кўпроқ уни мустаҳкам замин ва мустаҳкам оёққа қўйишни истардим.

Лекин сенинг ҳасратингни елкангдан ким олади? Бунинг учун мен жуда ожизман. ҳақиқатан, кимдир келиб сенга яна худойингни тирилтириб бермагунча, узоқ кутишимиз керак бўлади.

Зеро, ушбу кўҳна Худо энди тирик эмас: у батамом ўлди.

Зардўшт шундай зикр қилди.

## ЭНГ БАДБАШАРА ОДАМ

Ва яна Зардўшт оёқлари тоғлару ўрмонлар аро югурарди, унинг кўзлари тиним билмай қидирарди, лекин қидирилган, мадад сўраб қичқирган, улуғ дардга чалинган кимса ҳеч қайда кўринмасди. Бироқ йўл босиб бораркан, юраги хурсандликдан тўлиқар ва ўз-ўзидан мамнун бўларди. “Бу кун ёмон бошланиб эди, — дерди у ўз-ўзига, — лекин эвазига менга не-не мукофотларни тортиқ қилди! Қандай ноёб мусоҳибларни топдим мен!

Уларнинг сўзларини мазали буғдой донаси каби узоқ чайнашга тўғри келади; тишларим билан уларни майда-майда талқон қиламан, кейин улар бўғзимдан худди сут каби оқиб ўтгай!”

Кейин йўл катта қояни айланиб ўтиб, атроф манзара дарҳол бутунлай ўзгарди, шуйтиб Зардўшт бирдан ўликлар салтанатига келиб қолди. Бунда қора ва қизил қояларнинг ўтқир қирралари чиқиб турарди; на ўт-ўлан, на дов-дарахт ўсган, на қушлар сайрарди. Зеро, бу барча махлуқлар, ҳатто ваҳший ҳайвонлар кирмай қочадиган водий эди; фақат бир тур хунук, йўғон, кўкарган илонларгина қариб, ҳолдан тойиб бу ерга ўлиш учун судралиб келардилар. Шунинг учун чўпонлар бу водийни: Илон ўлган деб атайдилар.

Аммо Зардўшт оғир хотираларга толди. Зеро, назарида у бир сафар бу водийда бўлгандай туюларди. У кўп оғир нарсаларни эслади: унинг қадамлари борган сари секинлашар ва ниҳоят бутунлай тўхтади. Бунда у кўзларини очиб ўз олдида йўл четида нимадир чўнқайиб ўтирганини илғади, унинг кўриниши одамни эслатар, қарийиб одамга ўхшар, лекин аллақандай ифода қилиб бўлмас эди. Шундай бир нарсага кўзи тушгани учун Зардўштни дарҳол улуғ бир уят қамраб олди: у оқарган сочларининг нақ тагигача қизариб кетди, у бошини ўтириб, бу ярамас ердан қочиб кетишни мўлжаллади. Шунда бирдан ўлик дашт хириллаган, шувиллаган овозларга тўлди, улар гўё ернинг қаъридан чиқар, худди тунда эскирган қувурдан сув отилиб, шарқираб, шалдираб, ҳирқираб бораётгандек эди; ниҳоят бу товушларнинг бари жам бўлиб, одам нутқига айланди ва унга кулоқ солган одам шу сўзларни уқарди:

“Зардўшт! Зардўшт! Менинг жумбогимни еч! Айт, айт! Нимадир у гувоҳга қасос?

Огоҳ бўл, огоҳ, бу сирғанчиқ муз! Қара, қара! Сенинг гуруринг тагин бу ерда оёгини синдириб қўямасин!

Сен ўзингни донишманд санайсан, эй сен мағрур Зардўшт! Сен олдин топишмоқни топ, сен эй ёпишқоқ ёнғоқларни чақиб егувчи, мана мен айтаман топишмоқни! Айт: мен кимман?”

Аммо Зардўшт бу сўзларни эшитгач, сиз нима деб ўйлайсиз: унинг юрагига нима бўлди? Уни дарддошлик чулғаб олди ва у худди кўп ўрмончиларга узоқ қаршилиқ кўрсатган улкан болуг дарахти каби бирдан оғир, юзгубан қуладики, бундан уни арраламоқчи бўлганларнинг ўзлари кўрқиб кетгайлар. Лекин мана у яна ердан қад ростлади ва унинг чеҳраси тундлашди.

“Мен сени яхши биламан, — деди у мисдай жаранглаган овоз билан, — сен Худонинг қотили! Кўйиб юбор мени.

Ўзингни кўриб турганга тоқатинг етмади, — у доим бутун ичу-ташингни кўриб турарди — сени — дунёдаги энг бадбашара одамни! Сен бу гувоҳдан ўчингни олдинг!”

Зардўшт шу сўзларни айтиб кетмоқчи бўлди, лекин ифодаси йўқ унинг этагидан маҳкам ушлаб олди ва яна қалдир-қулдир қилиб, айтиш учун сўз қидира бошлади.

“Қол, — деди у ниҳоят — Қол! Кетиб қолма! Оёғингга қандай болта текканини мен билдим: баракалла сенга, о, Зардўшт, сен яна ўрнингдан турдинг!

Сен топдинг, уни — Худони ўлдирганнинг ҳоли нима кечишини? Қол! Ёнимга ўтир, пушаймон бўлмассан.

Сенга бўлмаса, кимга интилдим мен? Қол, ўтир! Лек менга қарама! Бадбашаралигимнинг ҳурмати ни қил!

Улар мени таъқиб қиладилар — энди сен менинг охирги паноҳим. Йўқ, уларнинг нафратлари эмас, исковучлари эмас уларнинг; о, мен бундай таъқиб устидан кулган, ундан гурурланган ва хурсанд бўлурдим!

Ахир ютуқ шу пайтгача яхши таъқиб қилинганлар томонида эмасмиди? Ва кимки яхши таъқиб этса, у яхши эргашувчи бўлади, ҳамоноки, у ордда қолгач! Лекин мен уларнинг дардкашлигидан мен қочаман ва сени паноҳ тутаман. О, Зардўшт, мени ҳимоя қил, сен охири паноҳимсан, сен менинг жумбоғимни ечолган ягона зотсан.

– Уларнинг дардкашлигидан мен қочаман ва сени паноҳ тутаман. О, Зардўшт, мени ҳимоя қил, сен охири паноҳимсан, сен менинг жумбоғимни ечолган ягона зотсан.

Уни ўлдирганнинг ҳоли нима кечишини сен билдинг, қол! Сен бесабрсан, мен юрган йўлдан борма. Бу ёмон йўл.

Мен узоқ тутилиб, қоқилиб-суқилиб сўзлаяпман, жаҳлинг чиқмасин-а? Сенга маслаҳат бераётганим учун хафа бўлма. Лекин билиб қўй, мен дунёда энг бадбашара одамман.

– Менинг оёқларим жуда катта ва оғир. Мен қаердан ўтсам, йўл ўнқир-чўнқир бўлиб қолади. Мен барча йўлларни ўлим ва уятга айлантираман.

Лекин менинг ёнимдан индамай ўтиб кетмоқчи бўлганинг ва кизарганингни кўриб билдимки, бу сенсан – Зардўштсан, сени танидим.

Бошқа ҳар қандай кимса ўз шафқатини менга кўзи билан ҳам, сўзи билан ҳам мисоли садақа каби тортиқ қилган бўларди. Лекин мен бунинг учун у қадар қашшоқ ва тиланчи эмасман, сен буни фаҳмладинг.

Бунинг учун мен бениҳоя бойман, улуг, даҳшатли, жуда ҳам хунук, ҳамда ифода қилиб бўлмайдиган нарсаларга бойман: О, Зардўшт, сенинг уятинг менинг ҳурматимни жойига қўйди!

Раҳм-шафқатлилар оломонидан ўзимни базўр олиб қочдим, о, Зардўшт, ёлғиз сени қидирдим, сенинг эндиги таълимотингни эсладим: “Раҳм-шафқат – дардисарликдир”.

– У хоҳ илоҳий ва хоҳ инсоний раҳм-шафқат бўлсин, бари бир у – уятга зиддир. Ёрдам беришни истамаслик оёқ остида хира бўлиб ўралашаётган эзгуликка қараганда олижаноброқ бўлиши мумкин.

Лекин бүгун барча кичкина одамлар раҳм-шафқатни эзгулик деб тушунишади – улар улуг бахтсизлик, улуг хунуклик, улуг омадсизликни ҳурмат қилишни билмайдилар.

Мен буларнинг бари устидан худди чўпоннинг ити пода ичида гимирлаётган қўйлар устидан қарагандай сарасоф соламан. Булар кичкина, туқлари майин, кўнгилчан ва туссиз одамлар.

Худди лайлак бошини баланд кўтариб майда кўлмақлар устидан қарагандай, мен ҳам гимир-гимир қилаётган майда тўлқинлар, майда хоҳиш ва майда кўнгиллар оша шундай боқаман.

Бу кичкина одамларга ҳақ-ҳуқуқ берилганига анча бўлди, – инчунин уларга ҳокимият ҳам берилган, энди улар шундай деб ўргатадилар: “Фақат кичкина одамлар яхши деб айтган нарсалар яхшидир”.

Улар ичидан чиққан тарғиботчи айтган нарса бутун “ҳақиқат” деб аталади, бу ўша ажабтовур авлиё, кичкина одамларнинг ҳимоячиси, ўзи ҳақида шундай гувоҳлик берган: “Мен – ҳақиқатман”.

Ушбу нокамтарин кимса кичкина одамларни аллақачон такаббур қилиб бўлди – у ҳаммани жуда катта янглиш сари бошлади, “Мен – ҳақиқатман” деб барчани адаштирди.

Ушбу нокамтар кимсага биронта одам назокат билан жавоб бердими? – Аммо сен, о, Зардўшт, унинг ёнидан бемалол ўтиб кетдинг ва яққаш шундай дединг: “Йўқ! Йўқ! Уч қарра йўқ!”

Сен бу янглишдан огоҳлантирдинг, сен биринчи бўлиб раҳм-шафқатдан эҳтиёт бўлишни айтдинг – гарчи ҳаммага ва ҳар бир одамга бўлмаса-да, лекин ўзингни ва ўзингга ўхшаганларни эҳтиёт тутдинг.

Сен буюк азобларнинг уятдан уятлисан ва сен ҳақ айтмишсан: “Раҳм-шафқатдан оғир қора булут келяпти, одамлар, хушёр бўлингиз!”

О, Зардўшт, сен: “Барча бунёдкорлар мустаҳкамдирлар, ҳар қандай буюк муҳаббат уларнинг раҳм-шафқатидан баландроқдир”, деб таълим берганинда, сен менга момақалдиरोқ хусусиятларини яхши ўргангандек бўлиб кўринасан.

Лекин сен ўзинг ҳам – ўз раҳм-шафқатингдан эҳтиёт бўл! Зеро, жуда кўп инсонлар – аламдийдалар, иккиланганлар, умидсизликка тушганлар, чўқаётганлар, совуқда қотганлар сенга томон йўлга чиқдилар.

Сени менга қарши бўлмоқликдан ҳам огоҳлантираман. Сен менинг энг яхши ва энг ёмон топишмоғимни — мен ким эканлигимни, нима ишлар қилганимни тойдим. Мен сенга урилган болгани биламан.

Аммо у ўлмоғи керак эди: у ҳамма нарсани кўрадиган кўз билан кўрар эди — у инсоннинг теранликлари ва тубсизликларини, унинг бутун гизли уяти ва ярамаслигини кўрарди.

Унинг раҳм-шафқати уяг нималигини билмасди: у менинг энг ифлос жинкўчаларимга ҳам кириб чиқарди. Бу ўша ҳар нарсага қизиқувчи, ўша хира ва дардисар, ўта раҳмдил ва дардкашнинг ўлмаслигининг ҳеч иложи йўқ эди.

У доим мени кўрарди: мен бундай гувоҳдан қутулмасам бўлмас — акс ҳолда ўзим яшамаслигим керак эди.

Инсонни ҳам истисно қилмаганда ҳамма нарсани кўриб турадиган Худо — мана шу Худо ўлмасдан чораси йўқ эди! Одам бундай гувоҳ, шоҳид тирик юришини истамайди”.

Энг бадбашара одам шу сўзларни айтди. Зардўшт ўрнидан туриб кетишга чоғланди: Зеро, унинг суяклари зирқирарди.

“Эй, сен ифодаси йўқ, — деди у, — сен мени ўз йўлингдан қайтардинг ва огоҳ этдинг. Бунинг шукронаси учун мен сенга ўз йўлимни мақтайман. Қара, у ерда, юқорида Зардўштнинг гори жойлашган.

Менинг горим жуда кенг ва чуқур, жуда кўп айлана йўлаклари бор; энг гизли у ерда ўз муқаддас жойини топур.

Мағорам яқинида юзлаб ўр-жарлар, ёриқлар — учаётган, судралувчи, сакровчи жониворларнинг маконлари бор.

Эй, сен, қувилган, ўз-ўзини ҳайдаган, сен одамлар орасида, дарддошлар ўртасида туришни истамайсанми? Майлига, худди мендай қил! Шунда мендан ўрганасан; фақат ҳаракат қилганига, ўрганур.

Ҳаммадан бурун менинг махлуқларим билан сўйлаш! Энг мағрур жонивор ва энг оқил жонивор сенга ва менга — ҳар иккимизга вафодор маслаҳатчи бўлсинлар!”

Зардўшт шундай зикр қилди ва ўз йўлидан аввалгидан ҳам хаёлчанроқ, янада секинроқ равона бўлди: Зеро, у ўз-ўзига кўп саволлар берар ва уларга қийинчилик билан жавоблар топарди.

“Бироқ одам қанчалар қашшоқ! — деб ўрганарди ўз ичида. — Қанчалар хунук, қанчалар ҳирқирайди, қанчалар хуфия шармандалик билан тўла!

Менга инсон ўз-ўзини севади, деб айтишади — оҳ, бу ўзини севишнинг чек-чегараси йўқ! Бунинг қаршисида қанчалар нафрат турур!

Манами ҳам, ўзини қанча севган эса, ўзидан шунчалар нафрат қилган ҳам — менимча, у улуғ суювчи ва улуғ нафратланувчидир.

Ўзидан бунчалар нафратланган бошқа бирон кимсани мен учратмадим — балки бу мен қичқирганини эшитган ўша ало одамдир?

Мен буюк нафратланувчиларни севаман. Лекин одам алланимадирки, ундан ўзиб ўтмоқ даркор”.

## ИХТИЁРИЙ ФАҚИР

Зардўшт дунёдаги энг бадбашара одамнинг олдида кетгандан сўнг, унинг совқотиб эти увишди ва ўзини гоятда ёлғиз сизди. Зеро, унинг ҳиссиётлари аро кўп совуқ ва ёлғиз нарсалар ўтдики, бундан ҳатто аъзойи бадани музлаб кетди. Бироқ у тоғлару водийлар, кўм-кўк ўтлоқлару илгари шўх сой оққан, энди эса қуриб ётган ўзанлардан ўтиб, илгарилар боргани сари унинг вужудига ҳарорат югурди ва юраги таскин топди.

“Менга нима бўлди? — сўради у ўзидан. — Нимадир иссиқ ва жонли нарса менга мадад беришти, у менинг яқин атрофимда бўлса эҳтимол.

Мен энди унчалар ёлғиз эмасман, номаълум йўлдошлар ва оғайнилар атрофимда кезишар, уларнинг ҳароратли нафаси мени тўлқинлантирмоқда”.

У атрофга термулиб, ёлғизликда ўзига далда берувчиларни қидириб, у баландликда тўп бўлиб турган сигирларни кўрди; уларнинг яқинлиги ва анқиган ислари юрагига мадор бўлди. Афтидан, сигирлар уларга сўзлаб турган кимгадир берилиб қулоқ солишар, янги келган одамга эса эътибор беришмасди.

Зардўшт уларга анча яқин бориб, сигирлар тўдаси ичидан чиқётган одам овозини аниқ эшитди; сигирлар сўйлаётган кишига бошларини буриб турганликлари аниқ кўринарди.

Шунда Зардўшт шахд билан тепаликка кўтарилди-да, сигирларни ҳайлади, Зеро, у бунда кимнингдир фалокатга йўлиқишини истамас, боз устига, бахтсизликка йўлиққанга сигирларнинг раҳм-шафқати заррача ёрдам бермасди. Аммо у янглишган эди. Зеро, унинг рўпарасида бир одам ерда ўтирар ва чамаси, сигирларни мендан кўрқманлар, деб ишонтирмоқчи бўлиб уринарди. У солиҳ ҳамда кўҳакий тарғиботчи бир одамга ўхшар, кўзларидан ажиб бир оққўнгилик ёғилиб турарди. “Сен бу ерда нимани қидириб юрибсан?” – деб қичқирди Зардўшт ҳайратланиб.

“Нимани қидирардим? – жавоб берди у. – Сен қидирган нарсани мен ҳам қидиряпман, эй тинчликни бузган! Ер юзида бахтни қидиряпман.

Уни шу сигирлардан ўрганмоқчи бўлдим. Бинобарин, сен билармисан мен боя эргалабдан бери уларга гапирман, улар ҳам ниҳоят мана энди менга жавоб бермоқчи бўлиб турган эдилар. Сен нега уларга халал бердинг?”

Агар биз ортага қайтмасак ва худди сигирлардек бўлмасак, биз Само Салтанатига кирмаймиз. Зеро, биз улардан бир нарсани яхши ўрганишимиз керак: Бу кавш қайтариш.

Ҳақиқатан ҳам, агар одам бутун дунёни қўлга киритса, фақат бир нарсани – кавш қайтаришни билмаса, унда нима наф кўрарди! У ўз азоб-уқубатидан қутулолмас эди.

– Ҳа, ўзининг улуғ азобидан қутулолмасди; лекин бу эндиликда нафрат деб аталади. Ҳолбуки кимнинг бугун юраги, дудоғи ва кўзи нафрат билан тўлмаган? Сен ҳам шундай! Сен ҳам шундай! Аммо манави сигирларни кўр!”

Кўҳакий тарғиботчи шу сўзларни айтиб, Зардўштга назар ташлади: зеро, у шу пайтгача сигирлардан суюкли кўзини узмас ва бирдан у бошқача бўлиб қолди. “Ким бу, мен ким билан гаплашяпман? – деб қичқирди-да, кўрқиб кетганча ўрнидан сакраб турди.

Бу нафратдан холи одам, бу Зардўштнинг ўзи-ку, у буюк нафратни енгган, бу кўзлар, бу оғиз, бу юрак нақ Зардўштнинг ўзиники”.

Шуларни сўйланаркан, кўзлари тўла ёш ғийтилиб, ўзи гаплашаётган одамнинг қўлини ўтди, худди қутилмаганда осмондан унга бебаҳо ҳадя ёки хазина тушгандай ўзида йўқ қувонарди. Сигирлар эса буларнинг ҳаммасига қараб ҳайрон бўлиб туришарди.

“Менга бундай гапирма, эй ажойиб дилкаш одам! – деди Зардўшт унинг илтифотларидан ўзини сақлаб. – Аввал ўзингни айт! Сен эмасми бир пайтлар катта бойликдан воз кечиб фақирликни ихтиёр этган?”

Ўз бойлигидан ва бари бойлардан хижолат чеккан, бутун бойлиги ва қалбини фақирларга улашиб бериб, улар қаторига кирган? Лекин камбағаллар уни ўз қаторларига олмадилар”.

“Аммо улар мени қабул қилмадилар, – деди ихтиёрий фақир, – сен буни яхши биласан. Шунинг учун мен охири манави сигирлар ва ҳайвонларга келиб кўшилдим”.

“Сен бу ерда ўргандинг, – деб унинг сўзини кесди Зардўшт, – олишни билишдан кўра, беришни билиш қанчалар қийин эканлигини ўргандинг; яхши тортиқ қилиш бу ҳам санъат, шу билан бирга, у яхшиликнинг энг олий ва энг оқил санъати”.

“Айниқса, бизнинг кунларимизда, – жавоб берди ихтиёрий фақир, – айниқса, эндиликда барча тубан нарсалар тугёнга келиб, ҳеч нарсага ишонмайдиган ва қора авомга ўхшаб ўзига яраша манманликка берилиб кетганда.

Бинобарин, сен биласанки, қора халқ ва қўлларнинг исён кўтарадиган соати етди, бу исён ҳалокатли, узоқ, жуда суст кечур: у тобора ортиб, кучайиб боряпти.

Эндиликда тубанлар ҳар қандай хайру саховат ва садақадан дарғазаб бўлурлар, шу боис ким ҳаддан ортиқ бой бўлса, энди ўзига эҳтиёт бўлсин!

Ким худди қорни катта шишадай жуда тор бўғзидан сочилаётган бўлса, энди бундай шишаларнинг бўғизларини синдириб ташлашга ишқибоз бўлурлар.

Шаҳвоний очкўзлик, аламли ҳасад, аламини ололмаслик, қора халқнинг манманлиги — мен буларнинг ҳаммасини кўрдим. Фақирлар ҳалимдирлар деган гап энди тўғри эмас. Лекин Само Салтанати сигирларда”.

“Нега у бой-бадавлатларда эмас?” — синовчан сўради Зардўшт солиҳ тарғиботчининг тепасида дўстона пишқириб нафас олаётган сигирларни нари ҳайдаркан.

“Нима учун мени синайсан? — деб жавоб берди у. — Сен ўзинг буни мендан кўра яхши биласан. О, Зардўшт, мени қашшоқлар ичига нима қувиб борди? Бизнинг бойларимизга нафрат эмасми?”

— Кўзлари совуқ, хаёллари ҳирс билан тўла, туриш-турмушидан кўкка сассиз уфунат ўрлаётган бу қаланғи-қасанғилар — ҳар қандай ахлат тўдасидан ўзига манфаат чиқарувчи ушбу мол-давлат бандаларига нафрат эмасми?

— Аждодлари майда ўғри-киссавур ёки ўлаксаҳўр ёки ҳирсу шаҳватта муккасидан кетган, ҳеч нарса эсида турмайдиган хотинбоз лўттивозларга нафрат эмасми? Зеро, уларнинг бари бузуқ хотиндан узоққа тушган эмаслар.

Қаролар тепада, қаролар пастда! Бугунги кунда “камбағал” ва “бой” нима дегани! Мен бунинг фарқини унутдим ва қочиб боравердим. Қочиб бора-бора ниҳоят мана шу сигирлар тўдасига кирдим.”

Солиҳ тарғиботчи шундай сўйлар ва сўйларкан, оғир ҳансирар ва фарқ терга ботар — шунданми сигирлар яна ҳайрон бўлишарди. Аммо Зардўшт унинг бу оғир гап-сўзларига қулоқ туғиб, чехрасига табассум билан қарар ва индамай бошини чайқарди.

“Сен, эй кўҳакий тарғиботчи, бундай мушкулписанд сўзларни айтиб, ўз-ўзингни зўрламоқдасан. Бундай оғир сўзлар учун на сенинг оғзинг ва на кўзларинг ярайди.

Менимча, сенинг курсоғинг ҳам бунга ярамайди: ҳар қандай ғазаб ва ҳар қандай кўпирган қаҳр ҳам унга қарши. Сенинг курсоғинг юмшоқроқ озукқа муҳтож: сен эт ейишга иштиёқманд эмассан.

Сен менга кўпроқ кўкатлар ва мева-чевага ҳавасманд, ўт-ўлан ва илдииз томирларни йиғиб юрувчи киши бўлиб кўринасан. Балки сен дон-дун ҳам чайнаб юрарсан. Ҳар қалай эгта унчалар ҳушинг йўқ ва асални яхши кўрасан”.

“Топдинг, — деди ихтиёрий фақир юракдан енгил тортиб. — Мен асални яхши кўраман ва дон-дун чайнайман. Зеро, оғзимга ёқадиган ва нафасни тоза қиладиган нарсаларни қидираман.

Яна кўп вақт талаб қиладиган ва лакалов ялқовлару текинхўрларнинг оғзи кун бўйи тинмай чайнайдиган егуликларни қидираман.

Лекин бунда сигирлар ҳаммадан ўтиб кетишган: улар кавш қайтариш ва офлобда ётишни ўйлаб топишган. Шу билан бирга улар юракни дам қиладиган ҳар қандай оғир хаёллардан ўзларини сақлашади”.

“Хайр, майлига! — деди Зардўшт. — Сен менинг махлуқларимни, бургутим ва илонимни ҳам кўрмоғинг дуруст эди — дунёда уларнинг тенги йўқ.

Қара, ана у ердаги йўл менинг горимга элтади: бу кеча менинг меҳмоним бўл. Махлуқларим билан ҳайвонлар бахт-саодати ҳақида суҳбат туг — то мен қайтиб келгунимча. Мени эса бир товуш ёрдамга чорляпти. Янги асалари уяларидан йиғилган тоза каҳрабо асалим бор: уларни олиб е!

Энди эй, ажойиб дилкаш инсон! Тезроқ ўз сигирларинг билан хайрлаш ва буни ўзингга сира оғир олма. Зеро, улар сенинг энг яхши муаллимларинг ва дўстларингдир!”

“Биттасидан ташқари, лекин уни ҳам янада ортиқроқ яхши кўраман, — жавоб берди ихтиёрий фақир. — Сен ўзинг яхшисан ва ҳар қандай сигирдан ҳам яхшироқсан, о, Зардўшт!”

“Жўна бу ердан! Эй ярамас хушомадгўй! — деб қичқирди Зардўшт жаҳли чиқиб. — Сен нега мени бундай мақтов ва хушомад асали билан авраяпсан?”

“Жўна, жўна бу ердан!” — деб қичқирди у яна бир карра ва қўлидаги таёқни ихтиёрий фақирга ўқталди; лекин фақир жонҳолатда ундан қочиб борарди.

## КЎЛАНКА

Ихтиёрий фақир қочиб кетиб, Зардўшт ўз-ўзи билан яна ёлғиз қолган эди ҳамки, у орқасидан ўзини чақирган овозни эшитди: “Тўхта, Зардўшт! Мени кутиб тур! Бу ахир, менман, о, Зардўшт, сенинг соянгман!” Аммо Зардўшт тўхтамади, унинг тоғлари шунчалар тор бўлиб қолганидан бирдан ҳафсаласи пир бўлди. “Менинг хилватим қайларда қолди? — дерди у.

Ҳақиқатан ҳам, бу нарсалар менга жуда ортиқчалик қилипти; бу тоғларда одам кўпайди, менинг салтанатим бу дунёга тегишли бўлмай кўйди; менга янги тоғлар керак.

Мени соям чақиряптими? Соям билан нима ишим бор? Менинг орқамдан чошиб юраверсин! Мен ундан қочиб кетаман”.

Зардўшт юракдан шу сўзларни айтиб, йўлида чошиб бораверди; лекин орқасидаги соя ундан қолмай эргашарди; инчунин, энди учовлон югуришиб боришарди — олдинда ихтиёрий фақир, ундан кейин Зардўшт ва ҳаммадан кейинда соя чопарди. Лекин улар бу алфозда узоқ югурганлари йўқ. Зеро, Зардўшт тез орада ақлсизлик қилаётганлигини сезиб хуши ўзига келди-да, бир силкиниб, барча ранжишлар ва нафратлардан халос бўлди.

“Дариғо! — дерди у. — Ахир не-не замонлардан буён кулгили ва қизиқ нарсалар биз қари дарвешлар ва саргашталарнинг бошимиздан кечмасмиди?”

Ҳақиқатан, менинг тоғларда телбалигим ҳаддан ортибди! Мана энди эшитиб турибманки, олтига аҳмоқ оёқ бири кетидан бири тапир-тупур чошиб бораётир!

Лекин ахир Зардўшт қандайдир соядан кўрқиб ўтириши керакми? Ва ниҳоят наздимда соянинг оёқлари меникидан узунроққа ўхшайди”.

Зардўшт бутун кўзлари билан ичида кулиб шундай дерди. У тўхтаб, шитоб билан орқага ўтирилди. Сал бўлмаса ортидан эргашиб келаётган соясини ерга қулатиб, йиқитиб юборай деди: соя унинг жуда ҳам яқинида изма-из келар ва ниҳоятда заиф эди. Зеро, у кўзлари билан сояни чамалаган эди, худди кутилмаганда шарпани кўргандай бўлиб кўрқиб кетди: ушбу таъқибкор йўлдош шунчалар ориқ, қора, ҳорғин ва билинар-билинемас эди.

“Кимсан? — сўради Зардўшт кўпол тарзда. — Бу ерда нима қилисан? Нега ўзингни менинг соям деб атайсан? Сен менга ёқмаясан”.

“Кечир мени, — жавоб қилди соя, — бу мен; агар мен сенга ёқмасам, нима ҳам қилдик! О, Зардўшт, мен сени ва сенинг ўткир фаҳм-фаросатингни алқайман.

Мен — сен билан изма-из кўп юрган саргаштаман, доим йўлдаман, лекин на мақсад ва на ҳатто ватаним бор; шундай экан, мангу жуҳуд<sup>1</sup> учун озгинагина етмайди, фақат фарқимиз мен мангу эмас ва жуҳуд ҳам эмасман.

Қандай? Наҳотки мен доим йўлда бўлишим керак? Ҳар бир шамол мени етаклаб, ҳайдаб кетсинми? О, замин, сен мен учун ҳаддан зиёд думалоқ бўлиб қолдинг!

Мен ҳар бир нарсанинг устида бўлдим; мен ҳорғин губор бўлиб кўзгулар ва дераза ойналарида ётдим: ҳаммаси мендан олади, лекин ҳеч бири менга бермайди, мен ориқлаб боряпман — худди кўланкага ўхшаб қоляпман.

Лекин, о, Зардўшт, мен сенинг изингдан ҳаммадан кўпроқ эргашдим ва таъқиб этиб бордим; ва агар мен сендан беркинган бўлсам, ҳар қалай мен сенинг вафодор соянг бўлдим: сен қаерга ўтирмагил, мен ҳам ўша ерга ўтирдим.

Худди қишда томлар ва қорлар узра чопишни хуш кўрадиган шарпа каби мен сен билан энг узоқ, энг совуқ дунёларни айланиб чиқдим.

Сен билан бирга барча тақиқланган, энг бемаза ва олис нарсаларга интилдим: ва мабодо нимадир менда яхшилик деб аталадиган бўлса, у ҳам менинг ҳеч қандай ман қилинган нарсадан кўрқмаганимдир.

<sup>1</sup> М а н г у ж у ҳ у д — уни Агасфер ҳам дейишади. Ўрта аср ривоятларининг қаҳрамони. У Исони Голгофага олиб чиқишганда урган, шунинг учун Худо томонидан мангу сарсон-саргардонликка гирифтор этилган. Агасфер афсонасига Гёте каби кўп немис шоирлари мурожаат қилганлар.



Қачонлардир қалбим эъзозлаган барча нарсаларни, барча чегара устунлари ва барча санамларни мен сен билан бирга парчаладим ва тўнтардим, мен энг хатарли истақлар ортидан қувдим – бир куни барча жинойтлар устидан ўтиб бордим.

Сен билан бирга сўзларга, қимматли нарсаларга, буюк номларга бўлган ишончимдан айрилдим. Шайтон терисини ўзгартирганда, унинг номи ҳам ўз-ўзидан тушиб қолмайдими? Зотан, ном деганимиз фақат тери деганимиздир. Шайтоннинг ўзи ҳам, эҳтимол, фақат теридир.

“Ҳақиқат йўқ, ҳамма нарса мумкин”, – мен ўзимни шунга ишонтирдим. Мен қалбим ва бошим билан энг совуқ сувларга шўнғирдим. Оҳ, мен шунинг учун тез-тез худди қисқичбақа каби қип-қизил ва қип-яланғоч бўлиб турардим!

Оҳ, қайга йўқолди бутун яхшилик, қани уят ва қани барча яхшиликларга ишонч! Оҳ, бир маҳаллар мен соҳиби бўлмаган ва ёлғонлайвериб тили қавариб кетган бокиралик қани? Қайга йўқолди? Қани яхшиларнинг маъсумлиги ва уларнинг олижаноб ёлғонлари!

Ҳақиқатан ҳам, тез-тез ҳақиқат ортидан изма-из эргашардим ва у мени тепшани тепган эди. Мен кўп маҳал ёлғон гапиряшман, дея ўйлардим ва фақат шундагина мен – ҳақиқатга яқин борардим.

Ҳаддан ортиқ кўп нарсалар мен учун равшан тортди: энди унинг менга дахли йўқ. Мен севган бирон нарса ҳам энди тирик эмас, – мен ўз-ўзимни яна қандай сева олишим мумкин?

“Менга қандай ёқса, шундай яшасам, бўлмаса, умуман яшамасам” – мен шундай истаيمان, ҳатто авлиё ҳам шуни истайди. Аммо, э воҳ! Ҳали яна мен учун қувонч борми?

Ҳали менинг мақсадим борми? Елканим учиб бораётган соҳил-чи?

Йўловчи шамол? Оҳ, фақат кимки қаерга бораётганини билса, у шунингдек, қандай шамол унга йўловчи бўлишини ҳам билур.

Менга нима қолди ўзи? Ҳорғин, жасур юрак; нотинч ирода; учиб учун ярамайдиган қанотлар; синган ўрқач.

Манави ўз уйини излаш: о, Зардўшт, сен биласан-ку ахир бу излаш менинг интизорлигим бўлди, у мени ямлаб ютыпти.

“Қайда менинг уйим?” Мен уни сўроқлайман, қидирдим, қидираман ва ҳеч ердан топмадим. О, мангу ҳар ер, о, мангу ҳеч ер, о, мангу – беҳуда!”

Соя шундай сўйлар ва унинг сўзларини тинглаб Зардўштнинг юзи узаярди. “Ҳа, сен менинг соямсан, – деди у ниҳоят маъюс тортиб.

– Эй, сен эркин фикрли, саргашга, ҳали сенинг бошингда кўп хатарлар бор! Бугун оғир кун бўлди менга, боқ, энг оғир оқшом ҳам келмагай банагоҳ!

Сенга ўхшаш сарканларга ҳатто турма ҳам ниҳоят фароғатли ер бўлиб туюлиши мумкин. Сен ҳеч қачон қамалганлар қандай ётиб ухлашларини кўрганмисан? Улар осуда ухлайдилар, ўзларининг ниҳоят хавфеизликда эканликларидан роҳатланадилар.

Эҳтиёт бўл, сени тагин қандайдир тор бир дин ўз тўрига илинтирмасин. Қандайдир шафқатсиз, оғир адашув ўз домига тортмагай сени! Зеро, сени энди барча тор ва қаттиқ нарсалар йўлдан уриб, ўз тузоғига илинтирмоқчи бўлади.

Сен аъмолингни йўқотдинг; эвоҳ, бу йўқотишни сен не деб ҳазилга ва не деб таскинга айлантиргайсан? У билан бирга – сен йўлни ҳам йўқотдинг!

Шўрлик, адашган хаёлпараст, ҳорғин капалак! Бу оқшом сен бизга қўноқ бўлиб, ҳордиқ чиқаришни истамайсанми? Ундай эса тепага чиқ, менинг горимга бор!

Бу йўл менинг горимга олиб боргай. Энди мен жадал ўз йўлимга боргайман. Менга худди соя тушаётгандек бўлмоқда.

Мен бир ўзим югургилайман, яна менинг атрофим ёп-ёруғ бўлсин дейман. Боз устига мен яна кўп узоқ оёқда юришим ва қувноқ бўлишим керак. Оқшом бизникида – ўйин бўлгай!”

Зардўшт шундай зикр қилди.

## ҚОҚ ПЕШИН

Зардўшт чопа-чопа йўл қать этар, лекин энди ҳеч ким йўлиқмасди. У ёлғиз ўзи эди ва фақат ўз-ўзига пешвоз эди, у ўз ёлғизлигидан қувонар ва роҳатланар, соатлаб фақат хайрли нарсаларни ўйларди. Қоқ пешин чоғида, офтоб нақ Зардўштнинг боши узра тикка турганда, у сершоҳ, қийшайиб ўсган қари дарахт ёнидан ўтди, дарахтга ҳар томондан токнинг навдалари ўрлаб чирмашиб кетган, навдалар остида унинг ўзи кўринмас, шохлардан йўловчига қахрабоз умум бошлари бўлиқ осилиб турарди. Шунда Зардўшт андак ташналикни босишни истаб, бир бош узумга қўл чўзди; қўлини узатган аснода унинг кўнглидан бошқа, кучлироқ истак ўтди. У айнаи туш чоғи дарахт остига чўзилиб уйқуга толгиси келди.

Зардўшт шундай ҳам қилди; у рангин ўт-ўланларнинг сирли сукунатига чўмиб, ер узра чўзилиши ҳаманоқ ўз ташналигини унутиб, уйқуга гарқ бўлди. Зеро, Зардўштнинг бир ҳикматида айтилган: бир нарса бошқасидан зарурийроқ эрур. Фақат унинг кўзлари очик эди: у қари дарахтга қараб завқланиб тўймади, умум новдалари унга шу қадар қаттиқ муҳаббат билан чирмашган эди. Аммо кўзини уйқу элитаркан, Зардўшт ўз кўнглида шундай сўйларди:

“Жим! Жим! Дунё комил бўлиб қолмадими? Лекин менга нима бўляпти ўзи?

Худди майин шаббода денгизнинг текис сатҳида ўйин тушгандек, уқпардек юмшоқ уйқу кўзларимда шундай рақс ўйнайди.

Кўзларимни у юмишга қўймайди, кўнглим ҳам уйғоқ. Ел-енгил у, чиндан! Уқпар каби енгил.

У мени ишонтиради, мен билмайман, қандай? Ичимни эркаловчи қўллари билан силайди, у мени бўйсиндиради. Ҳа, у менинг кўнглимни керишмоққа бўйсундиради.

Менинг аломат кўнглим жуда ҳам узун ва ҳорғин бўлиб қолади! Наҳот еттинчи куннинг оқшоми унинг учун қоқ пешинга тўғри келган бўлса! У ҳалимдай бўлиб, яхши ва баркамол нарсалар орасида узоқ вақт адашиб юрмадимикин?

У узоқ керишади — борган сари кўпроқ ва яна кўпроқ керишади! Менинг аломат кўнглим жимгина ётади. Жуда кўп яхши нарсаларни тотиб кўрди у; бу олтин ҳасрат уни эзади, тилни лол қилади.

Кема ўзининг энг осуда манзилига киргани каби — энди у узоқ саргузаштлар ва номаълум денгизлардан сўнг ҳориб ерга суянади. Ахир суянишга ер ишончлироқ эмасми?

Бундай кема соҳилга етиб, таянч топгач, унда ўргимчак ердан туриб унга ўз тўрини узатиши кифоя қилади, бундан ортиқ арқоннинг энди кераги ҳам йўқ.

Сокин соҳилга қўнган мана шундай ҳорғин кема каби, мен ҳам ер яқинида ҳордиқ чиқараман, садоқатим, инончим, умидим ундан, унга жуда нозик ришталар билан боғланганман.

О, бахт! О, бахт! Кўшиқ айтгинг келмаяптими, о, кўнглим менинг? Ўт-ўлан устида ётибсан. Лекин ҳозир сирли, сурурли дам, бундай пайтда биронта ҳам чўпон сибизғасини чалмас!

Хушёр бўл! Чимганларда қайноқ туш ухлар. Тўхта, куйлама! Жим! Дунё баркамол.

Сен куйламай тур, дала қушчаси, кўнглим менинг! Пичир этма! Қара — атроф жим-жит! Қари туш ухлар, лаблари пичирлар: бир томчи бахтни ичмасми у ҳозир?

Олтин бахтнинг кўҳна, қорамгир томчиси, олтин шаробини ичмасми? Бахт югургилаб ўтар ундан, унинг бахти кулар. Шундай кулади — Худо. Жим!

“Бахт учун, бахт учун кўп нарса керакмас!” — бир пайтлар мен шундай деб ўзимни доно ҳисоблардим. Лекин бу қарғиш экан, мен буни энди ўргандим. Доно тентаклар яхшироқ айтадилар.

Зеро, энг ушоқ, энг сокин, энг енгил, самандар шитирлаши, ел эсиши, сония, он — ушоқ, энг яхши бахтнинг сифати мана шуларда. Жим!

— Менга нима бўлди? Эшит! Вақт учиб кетмадими? Мен учиб кетмаяпманми? Йиқилиб тушмадимми — эшит! — мангулик қудуғига?

– Менга нима бўляпти? Жим! Ана санчди – э воҳ! – юрагимми? Нақ юрагим! О, парчалан, парчалан, юрагим, бундай бахт, бундай санчишдан сўнг!

– Қандай? Дунё шу тобда камолга етмадими? Дум-думалоқ бўлиб етилмадими? О, думалоқ олтин қорачиқ – у қаерга учяпти? Наҳот мен унинг ортидан югурдим? Жим!

Жим (шунда Зардўшт чўзилиб керишди ва ухлаб қолаётганини сезди).

“Турсанг-чи, эй, уйқучи! – дерди у ўзига ўзи. – Сен, туш бўлганда ухловчи! Вақт бўлди, ўтиб кетди, ҳали яна анча йўл босмоғимиз керак.

Энди ухлаб турдингиз, узоқ ухлаб ётдингизми? Мангуликнинг нақ ярми эмасми? Қани, тур ўрнингдан, менинг қари юрагим! Бундай уйқудан сўнг сенга кўп вақт керакми – уйғониш учун?”

(Лекин шунда у яна ухлаб қолди, дили эса қаршилиқ кўрсатди, ҳимояланди ва яна ётди) – “Мени холи қўй! Жим! Дунё шу тобда комил бўлиб етилмадими? О, думалоқ олтин шар!”

“Тур, – дерди Зардўшт, – эй, сен, кичкина ўғри, дангаса! Қандай? Ҳали ҳам керишасанми, эснайсан, хўрсинасан ва чуқур қудуқларга ботасанми?

Сен ўзинг кимсан, о, кўнглим!” (Шунда у бирдан кўрқиб кетди, Зеро, қуёшнинг бир тола шубласи кўкдан унинг юзига тушди.)

“О, бошим узра осмон, – деди у хўрсиниб ва туриб ўғирди, – сен менга қараясанми? Сен менинг аломат қалбимни тинглаясанми?”

Ердаги барча нарсалар устига тўкилган мана шу бир томчи шудрингни ичганинда, – сен бу аломат кўнглини ичганинда,

– о, мангулик булоғи! Сен шодумон, муҳқиш туш чоғининг тубсиз қаъри! Қачон сен менинг кўнглимни яна ўзинга тортасан<sup>1</sup>.

Зардўшт шундай сўзларни зикр қилди, худди ғалати бир тарзда сархуш бўлган одамдай дарахт остидан турди; қуёш эса ҳамон тикка унинг боши узра порларди. Бундан Зардўшт бу гал қисқагина вақт пинакка кетганлигини пайқаш мумкин эди.

## ҚУТЛАШ

Кўп овора бўлиб излаганлари, адашиб-улоққанларидан сўнг Зардўшт кеч қоронғусида яна ўз ғориға қайтиб келди. Лекин мағорага етмай йиғирма қадам берида ҳеч кутмаган бир ҳодиса рўй бериб, у тўхтади: у яна мадад сўраган улуғ товушни эшитди. Яна ҳайрон қоласан! Бу сафар товуш унинг ўз мағорасидан чиқмоқда эди. Лекин бу жуда узун, мушқул, ғалати қичқириқ эди; Зардўшт унинг жуда кўп товушлардан иборат эканлигини аниқ фарқлади: фақат жуда олисдан эшитганда уни битта товуш деб қабул қилиш мумкин эди.

Шунда Зардўшт ўз мағораси сари отилди, шунча қичқириқлардан сўнг у мана бундай манзара устидан чиқди! У бугун йўлда дуч келганларнинг бари бунда жам бўлиб ўтиришарди: ўнг қўлдаги қирол ва чап қўлдаги қирол, қари сеҳргар, папа, ихтиёрий фақир, соя, виждонли руҳ, тунд башоратгўй ва эшак; энг бадбашара одам эса бошига тож кийиб, белига иккита алвон белбоғ ўраган эди – зеро, у бошқа бадбашаралар каби чиройли кийинишни яхши кўрарди. Мана шу мажруҳ жамоатнинг ўртасида Зардўштнинг ҳурпайиб, ташвишга ботган бургути қўққайиб турарди, Зеро, у бугун кўп нарсаларга жавоб бериши керак, ҳолбуки бу мағрур зотда жавобнинг ўзи йўқ эди; доно илон эса бургутнинг бўйнига ўралиб олган эди.

Зардўшт буларнинг барига буюк бир ажабсиниш билан боқди; кейин у ҳар бир меҳмонга алоҳида илтифот ва эътибор билан қаради, уларнинг қалбидан нима кечаётганлигини уқди ва яна ҳайратланди. Бу орада жамоат ўз ўринларидан туриб, Зардўштнинг қачон гапиришини эътибор билан кута бошлади. Зардўшт эса қуйидагиларни айтди:

“Эй, сиз чорасизлар! Эй, аломат одамлар! Ёрдам сўраб қичқирган сиз эдингизми? Бугун кўп овора бўлиб қидириб топилмаган зотни энди қайдан излашни биламан: мен олий одамни излайман;

<sup>1</sup> Н и т ш е – 1900 йилнинг 25 август куни айни туш чоғи жон таслим қилди.

– у, олий одам менинг ғоримда ўтирибди! Мен ҳайрон қоламан! Ахир мен уни асал назр қилиб, бахтимнинг ширин тузоқларини қуриб ўз томонимга тортиб, оғдирмадимми?

Бироқ, фаҳмимча, биргаликда жамоат қуриш учун сизлар ярамайсизлар, эй, ёрдам сўраб чақирганлар, сизлар бу ерда бирга ўтириб, бир-бирингизни хижолатга қўясиз, холос. Аввал аллаким келсин;

– аллаким бошлаб сизни қулдирсин, ўзи оққўнгил, шўҳ, ҳазилвон, раққос, елвагай, тирмизак, қандайдир эски тентаквой бўлсин – сизга шу керак эмасми, ахир?

Лекин сиз, эй чорасизлар, мен бундай ночор, сиз каби азиз қўноқларга арзимас сўз билан мурожаат қилаётганим учун маъзур кўринг! Лекин сиз фаҳмлайсизми, нима менинг қалбимни тетик қилади;

– бу сиз ва сизнинг бундоқ кўринишингиз, мени кечирингиз! Зеро, чорасизга қараган ҳар бир одам ўзини тетик, бардам сезади. Чорасизга тасалли бериш учун ҳар бир одам ўзини етарлича кучли ҳисоблайди.

Менга бу куч-қувватни сиз ато этдингиз – бу мен учун бебаҳо тортиқ, улуг қўноқларим! Қўноқларнинг чин совғаси! Хайр, майли, жаҳлингиз чиқмасин, мен сизга ўз совғамни таклиф этаман.

Бу ер – менинг салтанатим ва менинг мулку мулкларим: лекин бу оқшом ва бу кеча менинг барча нарсаларим сизники ҳам бўлмай. Менинг махлуқларим сизга хизмат қилгай; шояд бу ғор чарчоғингизни ёзиб, ҳордиғингизни чиқаргай!

Менинг қўналғамда, менинг ўчоғимда ҳеч кимса умидсиз бўлмагай, мулкларимда мен ҳар кимсани ваҳший ҳайвонлардан қўриқлагайман. Бу мағора сизга паноҳ бўлмай!

Ундан сўнг сизга жимжилоғимни таклиф этаман. Жимжилоғим билан бирга бутун қўлим ҳам сизга бўлсин, майлига! Юрагимни ҳам қўшиб ола қолинг! Хуш келибсиз, сизга таъзим қиламан, азиз меҳмонларим!”

Зардушт шундай сўзларни айтиб қулар, сўзлари муҳаббат ва шаҳду шиддат билан лиммо-лим эди. Бу қутловдан сўнг меҳмонлар бир оғиз сўз қўшмай яна бир бор таъзим бажо келтирдилар; ўнг қўл қирол қўноқлар номидан жавоб сўз айтди:

“Бизга қўлингни узатиб, алқаб турганингдан, о, Зардушт, сенинг Зардуштлигингни яна бир карра танидик. Бизнинг олдимизда ўзингни паст тутдинг, бизнинг сенга эҳтиромимизни қарийб ерга урдинг;

– лекин яна ким сенчалик ғурур билан ўзини паст тута оларди? Бу бизнинг кўнглимизни кўтаради, бу кўзларимиз ва қалбларимизга лаззат-фароғат ато этади.

Фақат шунинг ўзини кўриш учун биз жон-жон деб бу тоғдан кўра ҳам баландроқ тоғларга чиқишга тайёр эдик. Зеро, биз томоша талабгорлари бўлиб келдик, биз қайғули нигоҳни нима равшан қилишини кўришни истаймиз.

Мана, бизнинг ёрдамга чорлаб қичқирिशларимиз бари тугади. Фикрларимиз ва қалбларимиз энди очик, биз қойил қолдик. Яна бир лаҳзадан сўнг бизнинг матонатимиз бардам бўлади.

О, Зардушт, ер юзида юксак, кучли иродадан ортиқроқ қувончли нарса ўсмайди: у ернинг энг гўзал асарларидандир. Битта шундай дарахтдан бутун тумонат теварак жонланиб туради.

Кимки худди сен каби ўсиб-унган бўлса, о, Зардушт, мен уни юксак пиний қарагайга қиёс қиламан: у энг чайир оғочдан ишланган, бўйи баланд, сокин, мустаҳкам, яғона, ҳукмрон;

– ям-яшил, қурч шохларини ўз ҳукмидан ҳам кенгроқ худудларга ёйган, бўронлар ва шамоллар, асрлардан бери юксакликларга яқин барча нарсалар билан майдон сўраб қудратли тортишган;

– янада қудратлироқ жавоб бергувчи, ҳукм юргизувчи, зафар қозонувчи у; мана шундай дарахтларни кўриш учунгина, о, ким сарбаланд тоғларга кўтарилмасди дейсиз, ахир!

О, Зардушт, сенинг дарахтинг остида жон битгай ғамгинга ҳам, омадсизга ҳам, қалби ҳаловат ва рўшнолик кўрмаган сенинг ёнингда тинчланур ва юраги ором олура.

Ҳақиқатан ҳам, сенинг бу тоғинг ва бу дарахтингга кўп нигоҳлар қадалган; буюк бир соғинч туғилди ва энди кўшлар: Зардўшт ким? — деб сўрашни ўргандилар.

Сен кимнингки қулоқларига бир маҳаллар ўз қўшиғинг ва ўз асалингни қандай томчи-томчилаб қўйган бўлсанг, уларнинг бари; кимки қочган, яширинган, кимки ёлғиз яшаган ёки икковлашиб ёлғизлашган бўлсалар, улар бари сенинг қалбингга қараб таваллю қилдилар:

“Зардўшт ҳали тирик борми? Бошқа яшашнинг ҳожати йўқ, бари абас, бари беҳуда, — ёки биз фақат Зардўшт билан яшамоғимиз керак!”

“Нега келмайди ўша, ўзи ҳақида қачонлар дарак берган? — деб сўрашади кўшлар. — Уни ёлғизлик ютиб юбормадими? Ёки биз ўзимиз уни излаб бораёйликми?”

Энди шундоқ ҳам бўлмоқдаки, ёлғизликнинг ўзи чириди ва уводага айланди, мисоли ўпирилиб тушган ва ортиқ ўз маййитларини сақлолмаган гўр каби. Ҳар ёқда қайта тирилганлар кўзга ташланурлар.

Энди тўлқинлар сенинг тоғингни қуршаб тобора юқорига кўтарилиб борурлар, о, Зардўшт. Ва сенинг баландлигинг нечоғлик юксак бўлмасин, кўшлар сенга кўтарилишлари керак; сенинг кеманг қуруқликда узоқ қолиб кетмагай.

Биз чорасиз қолганлар сенинг маконингга келганимиз ва энди умидсизликдан халос бўлганимиз — энг яхши одамлар сен томон йўлга чиққанликларининг бир башоратидир, холос.

Зеро, одамлар ўртасида Худонинг охирги қолдигининг ўзи сен томон йўлга чиқди, яъники айнан мана шулар: барча улуғ соғинчга йўлиққанлар, барча улуғ нафратга мубтало бўлганлар ва барча улуғ жонидан тўйиб кетганлар,

— ва агар фақат яна умидга ўрганмасалар, фақат улуғ умидни агар сендан ўрганмасалар, яшашни истамайдиганларнинг бари йўлга чиқди, о, Зардўшт!”

Ўнг томондаги қирол шу сўзларни айтиб ўпиш учун Зардўштнинг қўлларини тутди; лекин Зардўшт унинг бу эъзоз-икромидан ўзини олиб қочиб, кўрқиб орқага чекинди ва худди жимгина, кутилмаганда кенг уфқларга учиб кетгандай бўлди. Лекин кўп ўтмай у яна меҳмонлари орасига қайтди-да, уларга равшан, синовчан кўз билан назар ташлаб, сўз бошлади:

“Қўноқларим, сиз, олий одамларсиз, мен сиз билан немис тилида равшан гаплашсам дейман. Мен сизни тоғларда учратаман деб ўйламаган эдим”.

“Немис тилида ва равшан? Худо сақласин! — деди шунда чап томондаги қирол четга қараб; бу шарқлик донишманд азиз немисларни яхши билмаслиги кўришиб турибди!

Лекин у бу билан “немис тилида ва дағал қилиб”, деб айтмоқчи — майлига! ҳозирги замонларга қараганда бу ҳали фаҳм-фаросатнинг батамом йўқолиб кетмаганлигидан дарак беради!”)

Майли, ҳақиқатан ҳам, ҳаммаларингиз бир бўлиб, олий одам бўлингизлар; лекин мен учун — сиз у қадар ҳам юксак ва у қадар ҳам кучли бўлиб туюлмайсиз.

Мен учун бу демак: менда жимгина ётган енгиб бўлмас кучга нисбатан бу шундай, лекин у ҳаммавақт ҳам жим ётавермайди. Мабодо агар сиз менга мансуб бўлсангиз ҳам, лекин ҳар қалай, мисол учун, ўнг қўлим каби эмас.

Зеро, сизга ўхшаб касал ва заиф оёқда юривчи, буни биладими ёки ўзидан яширадими: барибир аввало ўзини аяшларини истайди.

Лекин мен на оёқларим ва на қўлларимни аяйман, мен ўз жангчиларимни аямайман: менинг жангу жадалларим учун сиз қандай ярайсиз?

Сиз билан ҳар қандай галабани бой берган бўлардим. Менинг довулларимнинг баланд садоларини эшитиб, кўшларингиз йиқилиб тушган бўлардингиз.

Шунингдек, сизлар мен учун у қадар гўзал ва у қадар олижаноб ҳам эмассиз. Мен ўз таълимотим учун тоза ва силлиқ кўзгуларни қўллайман; сизнинг юзангизда эса ҳатто менинг ўз қиёфам бузилган ҳолда акс этгай.

Сизнинг елкангиздан жуда кўп оғир юклар, кўп хотиралар босиб туради; сизнинг жинкўчаларингизда кўп ёмон паканалар бужмайиб ўтиришади. Ҳатто сизнинг ўзингизда яширин қоралар бор.

Сиз юксак ва олий уруғдан бўлишингиз мумкин: сизнинг кўп нарсаларингиз қийшиқ ва хунук. Сизни тузатиб тўғрилайдиган темирчи уста дунёда йўқ. Сиз кўприксиз ҳолос: майли, олийлар сизлардан ўгиб боришсин! Сиз поғоналарсиз: сизнинг устингиздан ўз юксаклигига кўтарилиб бораётганлардан жаҳлингиз чиқмасин!

Эҳтимол, бир замонлар келиб сизнинг уруғингиздан ҳақиқий фарзанд ва менинг баркамол ворисим ўсиб-унар — лекин бунга ҳали узоқ. Сизлар ўзингиз менинг меросим ва номим тегадиган меросхўрлар эмасдирсиз.

Бу тоғларда мен сизни кутаётганим йўқ, охириги марта пастга тушсам, сиз билан тушмайман. Сиз фақат олий одамлар мен томон йўлга чиққанликларини башорат қилмоқдасиз.

Ва сиз улуг соғинч, улуг нафрат, улуг зерикиш одамлари эмас, сиз ўзингиз айтмоқчи Худонинг сўнгги қолдиқлари ҳам эмас.

— Йўқ! Йўқ! Уч қарра йўқ! Мен бу тоғларда бошқаларни кутяпман, уларсиз бу ердан кетишни ҳаёлимга ҳам келтирмайман.

Энг олий, яна қудратлироқ, музаффарроқ, янада қувноқроқ, қалби ва жисми тўғри қилиб қурилган кимсаларни кутаман: кулиб турган арслонлар келмоғи керак!

О, менинг азиз кўноқларим, эй сиз, аломат одамлар, — наҳот сиз менинг болаларим ҳақида ҳеч нарса эшитмагансиз? Улар мени кўриш учун йўлга чиққанликларини билмайсизми?

Менга боғу бўстонларим ҳақида, фароғатли ороларим ҳақида, янги гўзал наслим ҳақида гапирингиз. Нега менга улар тўғрисида сўзламайсиз?

Сизнинг муҳаббатингиздан мен шу тортиқни сўрайман, менга болаларим ҳақида сўйланг. Улар билан бой-бадавлатман, улар боис мен муфлис бўлдим, мен нималарни бермас эдим.

— Нималарни бермас эдим, мен магарам бир нарсага эга бўлсам: эга бўлсам мен шу болаларга, шу тирик ниҳолларга, менинг иродам ва олий умидимнинг шу ҳаёт чинорларига!”

Зардўшт шундай зикр қила туриб, бирдан сўзидан тўхтади: зеро, уни соғинч, интизорлик чирмади, у кўзлари ва оғзини юмди, юраги шунчалар кучли тўлқинланиб кетди. Унинг барча кўноқлари ҳам қимир этмас, ўсал бўлганча жим туришар, фақат кекса кароматгўйгина юзи ва қўллари билан нималарнидир ишора қиларди.

## МАХФИЙ ШОМ ЗИЁФАТИ

Шу ерга келганда кароматгўй Зардўшт ҳамда унинг кўноқларининг салом ва қутловларини бўлди, у вақти тигиз одамдек олдинга суқилиб ўтди-да, Зардўштнинг қўлидан тутиб хитоб қилди: “Валекин Зардўшт!

Ўзинг айтмоқчи, бир зарурат бошқасидан устунроқ, майлига, мен учун ҳозир бир нарса бошқа ҳаммасидан зарурроқ.

Айтгандай: сен мени зиёфатга таклиф қилмаганмидинг? Бу ерда жуда узоқ йўл босиб келганлар бор. Сен бизни қуруқ гап билан боқмасанг керак?

Бундан ташқари биз ҳаммамиз музлаб қолиш, чўкиб кетиш, бўғиб ташлаш сингари жисмоний кулфатлар тўғрисида кўп гап сотдик. Лекин ҳеч ким менинг дардимдан оғиз очмади, очдан ўлиш даҳшатини тилга олмади”.

(Кароматгўй шуларни айтди. Бироқ Зардўштнинг махлуқлари бу сўзларни эшитишгач, кўрқиб қочиб кетишди. Зеро, улар кун бўйи топиб келган озиқ-овқатлар ёлғиз кароматгўй чолнинг қорнини тўйдиришга ҳам етмаслигига ишонч ҳосил қилган эдилар.)

“Бунга яна ташналикдан ўлиш эҳтимолини ҳам қўшамиз, — давом этди кароматгўй. — Гарчи бу ерда сув сероб бўлиб, донишманд сўзларидай тинмай жилдираб оқаётганлиги қулоғимга чалинмоқда. Лекин мен май истайман!

Ҳар ким ҳам Зардўштдай умр бўйи фақат сув ичавермайди. Ҳориганлар ва сўлиганларга сув ярамайди. Бизга май ярашади. Фақат ундан дафъатан соғайиш ва ҳар доим саломат юриш мумкин!”

Кароматгўй чол май талаб қиларкан, сўл томондаги индамас қирол ҳам, қулай фурсатдан фойдаланиб, ўртага икки оғиз сўз қўшди. “Май тўғрисида

ғам еманг, — деди у, — биродарим ўнг ёқ қироли билан бирга бунинг ташвишини қилиб қўйганмиз. Май ҳаммага етади — уни кўплаб эшакка ортанмиз. Лекин фақат нон етмай турибди, холос”.

“Нон дейсизми? — деб эътироз билдирди Зардўшт кула-кула. — Дарвешларнинг ҳамиша нони йўқ. Лек нон ягона ризқ-рўз эмас, одам яхши кўзичоқларнинг эти билан ҳам тирик. Айтганча, менинг икки кўзим бор.

— Уларни тезроқ саранжом қилсинлар ва маврак солиб дамласинлар. Мен шуни яхши кўраман. Ичингизда ширинтомоқлар, лазиз овқат ишқибозлари бўлса, уларга атаб қанча шифобахш илдиэлару мева-чевалар ҳозирлаганмиз, ёнғоқлару яна чақиб ўтирадиган бошқа жумбоқ нарсалар ҳам тайёр.

Тезда зўр зиёфат ҳозирлаймиз. Лекин ким унда қатнашмоқчи бўлса, бу ишга қўмаклашмоқлари, ҳаттоки қироллар ҳам қарашмоқлари керак. Зеро, Зардўштнинг уйида қиролга ҳам ҳатто ошпазлик қилиш ярашади”.

Бу таклиф ҳаммага маъқул бўлди. Фақат ихтиёрий фақиргина эт, май, ширинликларга қарши чиқди.

“Бу нафс бандаси Зардўштга қулоқ тутинглар-а! — деди у ҳазиломуз. — Мағораларга ва баланд тоғларга шундай зиёфат ейиш учун чиқадиларми?”

Энди тушундим: у бир пайтлар бизга шундай деб ўргатган эди: “Камроқ камбағалликка мақтовлар бўлсин!” Шу боис у қашшоқликка барҳам бермоқчи”.

“Мендек қувноқ бўл, — жавоб берди Зардўшт. — Ўз одатларингни сира тарк этма, эй яхши одам! Донингни чайна, сувингни ич, ошхонангни мақта — ўз хурсандчилигингни қўйма!

Мен — ҳамма учун эмас, фақат ўз одамларим учун қонунман. Лекин менга тегишли бўлганларнинг суяклари бақувват ва қадамлари енгил бўлмоғи керак.

— Улар уруш ва базмларнинг ҳам кифтини келтирсинлар, олабўжи ёки Ханс орзупараст бўлиб юрмасинлар, ҳар қандай қийинчиликка худди байрамдай қарасинлар ва ҳамиша соғ-саломат, омон бўлсинлар.

Энг яхши нарсалар менга ва менинг одамларимга тегишли. Агар бизга тегишли нарсаларни бермасалар, биз уларни ўзимиз оламиз: яхши озиқ-овқатлар, энг тоза осмон, энг қудратли фикрлар, энг гўзал аёллар бизникидир!”

Зардўштнинг зикри шундай бўлди. Лекин ўнг томон қироли ўртага гап қўшди: “Ажабо! Донишманднинг оғзидан ҳеч қачон шундай ақлли гаплар чиққанми?”

Ҳақиқатан ҳам, бир пайтнинг ўзида ҳам ақлли ва бунинг устига эшак бўлмаган донишманд ғоятда камдан-кам учрайди”.

Ўнг томон қироли шундай дер экан, ўзи ҳайрон бўларди. Эшак эса баттоллик қилиб, унинг гапига: И-ҳо, И-ҳо — деб жўр бўлди. Тарихий китобларда “Махфий шом зиёфати” деб ном қозонган узундан узоқ мусобаҳанинг давоми ва бошланиши шундай эди. Лекин ундан кейин фақат олий одамдан бошқа ҳеч нарса устида сўз бормади.

## ОЛИЙ ОДАМ ЗИКРИ

### 1

Мен илк бора одамлар ичига кирганимда дарвешона бир тентаклик, катта тентаклик қилиб қўйдим: мен бозор майдонига кириб бордим. Мен ҳаммага қараб гапирганимда, ҳеч кимга гапирмадим. Лекин қош қорайганда дорбоз ўйинчилар ва маййитлар менга ошно бўлиб қолдилар, ўзим ҳам мурдага айландим ҳисоби.

Лекин янги тонг билан бирга менга янги ҳақиқат ҳам келди — мен ўшанда гапиришга ўргандим: “Бозор ва издиҳом, оломоннинг шовқин-сурони ва унинг узун қулоқлари билан менинг нима ишим бор!”

Сиз, олий одамлар, мендан буни ўрганасиз: бозорда ҳеч ким олий одамларга ишонмайди. Агар сиз у ерда сўз айтмоқчи бўлсангиз, майлига! Аммо издиҳом кўзини пир-пир қилади: “Биз ҳаммамиз тенгимиз”.

“Сиз, олий одамлар, — издиҳом шундай кўзини пирпиратади, — олий

одамлар йўқ, биз ҳаммамиз тенгмиз, инсон инсон демакдир, Худо қошида — биз ҳаммамиз тенгмиз!”

Худо қошида-я! — Лекин эндиликда бу Худо ўлди. Лекин издиҳом олдида биз тенг бўлишни истамаймиз. Эй, сиз, олий одамлар, бозордан чиқиб кетингиз!

## 2

Худо олдида-я! — лекин энди бу Худо ўлди! Эй, сиз олий одамлар, бу Худо сиз учун энг улуғ хатар эди.

У гўрига ётгандан бери, сиз илк бора қайта тирилдингиз. Мана энди буюк пешин кирапти, фақат энди олий одам — отабекка айланмоқда!

Сиз бу сўзни тушундингизми, о, оғайниларим? Кўрқиб кетдингизми? Юрагингиз безовга бўлдимиз? Нигоҳингизга тубсиз қаър очилдимиз? Жаҳаннам кўшпаги сизга ириллай бошладими?

Майлига! Олга! Олий одамлар! Фақат энди инсон келажигининг тоғи тўлғоқ азобларида ўрганмоқда. Худо ўлди: энди биз истаймизки, ало одам яшасин.

## 3

Энг жонкуярлар сўрашпти: “Одам қандай сақланади?” Зардўшт эса ягона ва яккаш сўрайди: “Одамдан қандай ўтиш керак?”

Кўнглим менинг ало одамга мойил, у мен учун ягона ва ёлғиз, — у оддий одамга ўхшамас: яқин ҳам эмас, қашшоқ ҳам эмас, абгор ҳам эмас, энг яхши ҳам эмас.

О, оғайниларим, одам бу ўтиш ва ҳалокат, мен одамда ниманидир севолам, фақат мана шунингизга севаман. Ҳатто сизда ҳам менинг муҳаббатим ва умидимни уйғотувчи кўп нарсалар бор.

Сизнинг нафратингиз, о, олий одамлар, менда умид уйғотади. Зеро, улуғ нафрат эгалари моҳиятан улуғ эҳтиромга эгаларидир.

Сизнинг умидсизлигингиз улуғ эҳтиромга лойиқ. Зеро, сиз бўйсунганини ўрганмадингиз, сиз кичкинагина оқилоналикка ўрганмадингиз.

Бинобарин, энди кичкина одамлар отабеклар бўлиб қолдилар: улар ҳаммалари итоат, камтарлик, мулоҳазакорлик, тиришқоқлик, эҳтиёткорлик ва тутанмас “ва ҳоказо” кичкина эзуликларни тарғиб қиладилар.

Барча аёлларга хос, барча қулларга хос ва айниқса барча қораларга хос нарсалар: бу энди бутун инсон тақдирининг хўжаси бўлмоқни истади — о, нафрат! Нафрат! Нафрат!

Улар тинимсиз сўрайдилар: “Одам қандай қилиб яхши, узоқ ва ёқимли сақланиши мумкин?” Шунинг учун улар ҳозирги куннинг отабекларидир.

О, оғайниларим, сиз менга мана шу ҳозирги замон отабекларидан — ушбу кичкина одамлардан ўзиб борингиз: улар ало одам учун энг буюк хатардир!

О, олий одамлар, сиз менга кичкина яхшилиқлар, кичкина ғамхўрликлар, хуркак хушёрликлар, чумоли ғужғонлари, ночор мамнунликлар, “кўпнинг баҳти” деган нарсалардан ўзиб берингиз!”

Майли, яхши ўртанинг, лекин таслим бўлманг. О, олий одамлар, сиз бутун яшашни билмайсиз, мен сизни ҳақиқатан ҳам мана шунинг учун севаман! Зеро, сиз шундай яшайсиз — ҳаммадан аъло!

## 4

Матонатингиз етарлими, о, оғайниларим? Юрак борми сизда? Гувоҳлар олдидаги матонат эмас, дарвеш ва бургут матонати, бунга энди ҳатто Худо ҳам қарамай қўйди-ку?

Совуқ юракларда, хачирларда, кўрларда ва маст-аластларда мен матонат деб атайдиган нарса йўқ. Кимки кўрқув нималигини билса, лекин уни енгса, кимки тубсиз жарни кўрса, аммо унга мағрур кўз ташласа, фақат мана шундай одамгагина матонат бор.

Кимки тубсиз қаърга бургут кўзи билан қараса, кимки тубсиз қаърга бургут чангали билан чанг урса — фақат шу кимсадагина матонат бор.



## 5

“Инсон баттол” – барча донишмандлар менга таскин бериб шундай дейишарди. Оҳ, агар бу ҳозир ҳам ҳақиқат бўлсайди! Зеро, ёвузлик инсоннинг энг яхши қудратидир.

“Инсон борган сайин яхши ва ёвузроқ бўлиб бориши керак” – мен шундай деб таълим берганман. Энг ёвуз нарса ало одамнинг бахти учун керак. Кичкина одамларнинг гуноҳларини кўтариб юргани ва азоб чеккани унга яхшилик бўлиб кўриниши мумкин. Лекин мен буюк гуноҳга ўзимга улуг тасалли деб қарайман ва хурсанд бўламан.

Лекин буларнинг бари узун қулоқлар учун айтилган гаплар эмас. Ҳар қандай сўз ҳар қандай башарага ҳам ярайвермайди. Булар нозик, узоққа борадиган нарсалар: кўйларнинг туёқлари уларни топтаб ташламагай!

## 6

О, олий одамлар, сиз мени бу ерда ишқал ишларингизни тўғрилаш учун юрибди деб ўйлайсизми?

Ёки сиз, азоб чекаётган бечораларни бундан кейин қулайроқ ётқизиб қўйишни хоҳлайди дейсизми? Ёки сиз тўзимсиз, йўлини йўқотган, тоғларда адашганларга янги, осонроқ сўқмоқларни кўрсатади деб кутасизми?

Йўқ! Йўқ! Уч карра йўқ! Сизнинг уруғингизнинг яхшилари кўпроқ ҳалок бўлсинлар – зеро, сизнинг кунларингиз борган сари ёмонроқ ва қаттикроқ бўлмай. Зотан, фақат шундай йўл билан;

– фақат шундай йўл билан инсон ўша бир чўққига кўтариладики, бунда чақмоқ уни туғдиргай ва ўлдиргай: чақмоқ учун етарлича юксак!

Менинг фикрим ва соғинчим ноёб, узун ва узоқ нарсаларга қаратилган:

– сизнинг майда, одми ва қисқа қашшоқлигингиз билан менинг нима ишим бор!

Менимча, сиз ҳали етарлича азоб чекмайсиз! Зеро, сиз ўзингиз билан азоб чекасиз, инсон билан азоб чекмайсиз. Агарда бошқача айтганингизда, ёлгон айтган бўлардингиз. Сиздан ҳеч ким мен азобини чекканинг азобини чекмайди.

## 7

Чақмоқнинг бошқа зиён етказмаслиги менга етарли эмас. Мен уни қайтармоқчи эмасман: у ишлашни ўрганиши керак – мен учун.

Менинг донолигим булут каби анчадан буён йиғилмоқда, у борган сари сокин ва қорайиб бормоқда. Бир кунмас бир кун чақмоқлар туғадиган ҳар қандай донолик шундай бўлади.

Бугунги куннинг одамлари учун мен нур бўлишни ва шундай деб аталишни истамайман. Уларни кўр қилиб қўяман! Донолигимнинг чақмоғи! Ўйиб ол уларнинг кўзларини!

## 8

Ўз кучингиз етмаган нарсаларни орзу қилманг: ўз кучидан ортиқ нарсаларни истайдиганларга бемаъни алдам-қалдамлар хос.

Айниқса, улар улуг нарсаларни хоҳлаганларида! Зотан, ушбу чаққон қалбаки пул ясовчилар, ушбу масхарабозлар улуг нарсаларга ишончсизлик уйғотадилар;

– ушбу қинғир кўзлар, усти бўяб-бежалган, ичини қуртлар кемирган, улуг сўзлар, хўжакўрсин яхшиликлар, йилтироқ ясама ишлар билан иҳоталанган бўлсалар ҳам, бир кунмас бир кун ёлгонларининг чуви чиқади.

Бунда айниқса эҳтиёт бўлингиз, о, олий одамлар! Зеро, бугун мен учун ҳақгўйликдан қимматроқ ва ноёброқ бошқа нарса йўқ.

“Бугун” деганимиз оломонга тегишли эмасмикин? Аммо оломон билмас нима улуг, нима кичик, нима тўғри ва нима ҳаққоний: оломон соддалиги боис кўнгли эгри, у доим ёлгон гапиради.

## 9

Эй, олий одамлар, сиз мардона ва самимийсиз, ҳамма нарсага осон ишонаверманг! Асосларингизни махфий сақланг! Зотан, “бугун” деганимиз оломонга тегишли.

Оломон асоссиз бир нарсага ишонган бўлса, ким буни – асослар келтириб инкор қила олади?

Бозорда қўл ҳаракатлари билан ишонтиришади. Аммо асос замин оломонни ишончсиз қилади.

Ва агар қачонлардир у ерда ҳақиқат тантана қилган бўлса, унда ўзингиздан ишончсизлик билан сўраб кўринг: “Қандай қудратли янглиш унинг учун курашди?”

Олимлардан ҳам эҳтиёт бўлинг! Улар сизни ёмон кўрадилар, зеро, улар бепуштдирлар! Уларнинг кўзлари совуқ ва қотиб қолган, уларнинг олдида ҳар қандай қушнинг паги юлиниб ётади.

Улар ёлгончи эмасликлари билан кериладилар: лекин алдай олмасликнинг ўзи ҳали ҳақиқатга муҳаббат дегани эмас. Огоҳ бўлинг!

Иситманинг йўқлиги бу ҳали билим эмас. Қотиб қолган ақлларга мен ишонмайман. Ёлгончилик қилолмайдиган киши ҳақиқат нима эканлигини билмайди.

## 10

Агар сиз юксакка кўтарилмоқчи бўлсангиз, ўз оёқларингиздан фойдаланинг! Сизни кўтариб юришларига йўл қўйманг, бировнинг бошига ва елкасига ўтирманг!

Лекин сен отга ўтирдингми? Сен энди юқорига ўз мақсадинг сари тез учиб борасанми? Хайр, майли, дўстим! Аммо сенинг оқсоқ оёғинг от устида сен билан бирга ўтирибди!

Сен ўз мақсадингга етганда ва отингдан сакраб тушганда, – баайни ўз юксаклигингда, о, олий одам, – сен албатта қоқилажаксан!

## 11

Эй, сиз бунёдкор, эй сиз олий одамлар! Ҳомиладорлик фақат ўз болангизга бўлади.

Сизни адаштиришга йўл қўйманг! Сизнинг яқинингиз ким? Агар сиз “яқинингиз учун” ҳаракат қилсангиз, сиз ҳар қалай унинг учун бунёд этмайсиз!

Эй, сиз бунёдкорлар, мана шу “учун”дан воз кечинг: зотан сизнинг эзгулигингиз мана шу “учун”, “кўзлаб”, “негаки”лар билан сира ишингиз бўлмаслигини талаб қилади. Бу ясама, майда сўзлардан қулоғингизни беркигинг.

“Яқиним учун” – бу фақат майда одамларнинг эзгулиги: улар шундай дейишади: “бири биридан баттар” ва “қўл қўлни ювади”; сизнинг худбинлигингиз учун уларнинг на ҳақи ва на кучи бор!

## 12

Эй, бунёдкорлар, сизнинг худбинлигингизда ҳомиладор хотиннинг эҳтиёткорлиги ва олдиндан тайёргарлик кўриб қўйиши бор! Ҳали ҳеч ким ўз кўзи билан кўрмаган ҳомила сизнинг бутун меҳру муҳаббатингизни кўриқлайди, эҳтиётлайди ва қувватлантиради.

Бутун муҳаббатингиз болангизда, бутун эзгулигингиз ҳам унда! Сизнинг ишингиз, сизнинг иродангиз – сизнинг “яқинингиз”; ясама қадриятларни сизга тиқиштиришларига йўл қўйманг!

Эй, сиз бунёдкор, сиз олий одамлар! Ким туғиши керак бўлса, у касал; лекин ким туққан бўлса, у тозамас.

Хотинлардан сўранг: ёққани учун туғмайдилар. Товуқлар ва шоирларни оғриқ қақағлатади.

Эй, бунёдкорлар, сизда нотоза нарсалар кўп. Бу шунинг учунки, сиз ҳали она бўласиз.

Янги туғилган чақалоқ! О, у билан бирга оламга қанчадан-қанча янги иллатлар келди! Четланинг! Ким туққан бўлса, кўнглини ювиб олсин!

### 13

Ўз кучингиздан ортиқ эзгулик қилманг! Ўзингиздан ҳеч бир фавқулодда нарсаларни талаб этманг!

Оталарингизнинг эзгулиги юрган йўллардан юрингиз! Агар оталарингизнинг иродаси сиз билан бирга кўтарилмаганда, бунчалар юксакликка чиқа олармидингиз?

Лекин ким тўнғич бўламан деса, қарасин, яна куйқага айланиб қолмасин! Оталарингизнинг иллатлари бор ерда, сиз авлиёлар билан ўйнашманг!

Оталари аёлларга юрган, ўтқир шароблар ичган, тўнғизларни тановул қилганлар ўзларидан масъуллик ва бокираликни талаб қилсалар нима бўларди?

Бу телбалик бўлур эди! Агар у битта, иккита ёки учта хотиннинг эри бўлса, бу ҳақиқатан ҳам, унга кўшлик қилурди.

Агар у роҳибхоналар қуриб, уларнинг эшигига: “авлиёга йўл” деб ёзиб қўйса, — унга бари бир шундай деган бўлардим: не бок! Бу ахир яна бир телбалик-ку!

У ўзи учун жиннихона ёки бўлак бошпана қурди дейлик, — омон бўлсин! Лекин мен бунга ишонмайман.

Хилватда унга ҳар бир кимса ва ҳатто ички қорамол олиб кирган нарса ўсади. Шунинг учун мен кўшларни ёлғизликдан қайтараман.

Саҳройилардан ҳам кўра муфлисроқ бошқа бир нарса ер юзида бўлганмикин? Уларнинг олдида иблисгина эмас, ҳатто тўнғиз ҳам ўз занжирини узган.

### 14

Ўлжасига сакраб қойил қилолмаган йўлбарс каби журъатини йўқотган, хижолатли, ўнғайсиз ҳолда сизни кўп кўрганман, о, олий одамлар, ўшанда сиз четлаб ўтишга ҳаракат қилгансиз. Сиз қиморни бой бердингиз.

Лекин, хўш, нима бўлибди, эй қимор хуморилари! Сиз ўйнаш ва кулишни ўрганмадингиз, қандай ўйнаб-кулишни билмадингиз! Биз доим катта стол атрофида ўйнайман деб, кулига қолаётганимиз йўқми?

Агар сиз улуг бир нарсани ўхшатолмаган бўлсангиз, бу сизнинг ўзингиз ҳам ўхшамадингиз дегани эмасми? Агар сиз ўзингиз ўхшамаган бўлсангиз, унда одамнинг ўзи ҳам — балки ўхшамагандир? Агар одамки ўхшамаган эса, унда — начора!

### 15

Нарса қанча баркамол бўлса, у шунча кам муваффақ бўлади. О, олий одамлар, ахир сиз ҳаммангиз — ўхшамадингизми?

Тетик бўлинг, нима қипти! Ҳали қанча иш қилиш мумкин! Ўз устингиздан кулишга, қандай кулишга ўрганинг!

Сиз ўхшамаган бўлсангиз ёки чала-ярим ўхшаган экансиз, не ажаб, эй, ярим парчаланганлар! Сизда уриниб, суриниб ётмаганмикин — инсоният келажаги?

Инсонда нимаики энг узоқ, энг чуқур нарса бўлса, унинг юлдузсимон юксаклиги, улкан куч-қудрати ҳаммаси жам бўлиб сизнинг қозонингизда қайнамаётганмикин?

Агар баъзи қозон ёрилиб кетса, не ажаб! Ўз устингиздан кулишга ўрганинг, қандай кулиш керак! О, олий одамлар, ҳали қанча ишлар қилиш мумкин!

Ҳақиқатан ҳам, қанча ишлар бўлиб кетди! Бу ер кичкина, яхши, мукаммал ишларга қанчалар бой, ўхшаган нарсаларга қанчалар бой!

Ўзингизни кичкина, соз, мукаммал нарсалар билан қуршангиз, о, олий одамлар! Уларнинг олтин балоғати қалбни даволар. Барча мукаммал нарсалар умидга ўргатади.

## 16

Бу ерда, заминда шу пайтгача энг оғир гуноҳ нима эди? “Бу ерда кулпанларнинг шўри курсин!” — деб айтган кишининг сўзлари энг оғир гуноҳ эмасмиди?

Наҳот у ер юзида кулиш учун ҳеч қандай асос тополмади?

Демак, у яхши қидирмаган. Бола бу ерда кулишга асос топади.

У — яхши севмаган, акс ҳолда у биз кулувчиларни ҳам севишга имкон топардимми? Аммо у бизни ёмон кўрар ва уятга қўярди, йиғи-сиғи-ю тиш гижирлаштишни у бизга раво кўрарди.

Севмасанг, дарров лаънатлаш керакмикин? Бу — менга дид- фаросатнинг йўқлигидан дарак беради. Лекин бу шартти йўқ шундай қиларди. У оломондан чиққан эди.

У ўзи ҳам яхши севмаган эди: акс ҳолда мени севмайдилар деб зорланмаган бўларди. Ҳар қандай улуг муҳаббат яхши кўришни истамайди: у каттароқ нарсани хоҳтайди.

Барча шартти йўқлардан четланинг! Бу ночор, касал уруғ, оломон уруғи — улар бу ҳаётга ёмон кўз билан қарайдилар, ерга ёмон кўз тикадилар.

Бу барча шартти йўқлардан четланинг! Уларнинг қадамлари оғир ва қалблари ҳам оғир — улар рақс туша билмайдилар. Шунда ер уларга қандай енгил бўлсин!

## 17

Барча яхши нарсалар ўз мақсадига қинғир-қийшиқ йўллар билан яқинлашадилар. Улар худди мушук каби эшиладилар, улар ўз тайин бахтларидан эриб мириллайдилар — барча яхши нарсалар куладилар.

Ким ўз йўлидан бораётган бўлса, юришидан маълум — қараб қўйинг-а, биз қандай боряпмиз! Лекин ким ўз мақсадига яқинлашаётган бўлса, у ўйнайди.

Ва ҳақиқатан ҳам, мен ҳайкалга айланганим йўқ, ҳали қаққайиб, тош қотиб, бақрайиб, қимирламай турмайман; мен тез югуришни яхши кўраман.

Ва гарчи ер юзида ҳали балчиқлар ва аламли қайғулар бордир — лекин кимнинг оёғи енгил бўлса ботқоқ узра худди ялтироқ кўк музда чопгандай югуриб ўйин тушади.

Оғайниларим, қалбларингизни юксакроқ кўклатинг, юксакроқ, яна юксакроқ! Ва оёқларингизни ҳам унутманг! Оёқларингизни ҳам баландроқ кўтаринг, сиз соз ўйинчиларсиз, ундан ҳам яхшиси — бошингизда тик туринг!

## 18

Бу кулаётган одамнинг гулчамбари, бу гулчамбар атиргуллардан ясалган — мен ўзим ўзимга қўйдим бу гулчамбарни, ўз кулгимни мен муқаддас деб тан олдим. Бошқа ҳеч кимни мен бунинг учун кучлироқ деб топмадим.

Зардўшт раққос, Зардўшт қушдай енгил, учмоқ учун қанотларини силкитар, барча қушларни ўзига эргаштирар, тайёр ва чаққон, масъуд — енгил — бахтиёр.

Зардўштнинг сўзи каромат, Зардўштнинг кулгиси каромат, собир ва қодир, сакрайди олға, сакрайди ёнга; мен ўзим қўйдим бу гулчамбарни ўзимга!

## 19

Юракларингизни юксалтинг, оғайниларим, юксакроқ! Яна юксакроқ! Унутманг оёқларни ҳам! Оёқларни ҳам баландроқ кўтаринг, эй сиз соз раққослар, ундан ҳам яхшиси — тик туринг бошингизда!

Бахтиёрликда оғирроқ махлуқлар ҳам бор, бордир туғилишдан бесўнақай тушганлар. Бошида тик турмоқчи бўлган фил каби улар кулгили ҳаракатлар қилурлар.

Аммо тентаквор бахтиёр бўлган яхши, тентаквор бадбахт бўлганча, бесўнақай ўйин тушган яхши, оқсоқ, маймоқ юрган. Менинг донолигимдан ўргана қолинг: ҳатто энг ёмон нарсанинг ҳам икки яхши орқа, астари бўлади;

– энг ёмон нарсанинг ҳам ўйин учун яхши оёқлари бор: эҳ, ўрганинг сиз ҳам, эй олий одамлар, ўз ҳақиқий оёгингизда туришни!

Қўйинг ғам-қайғуларни ва издиҳомнинг нола-ҳасратларини! О, қанчалар маҳзун кўринар мента халойиқнинг масхарабозлари. Лекин ушбу “бугун” издиҳомга дахлдор.

## 20

Тоғ ўнгирларидан отилиб чиққан шамолларга эргашингиз: у ўз сибизғаси куйларига рақс тушиси келади, уммонлар титрар ва унинг товонлари остида баланд сакрашар.

Ул қайсар оқил руҳга мақтовлар бўлсин, эшакларга қанотлар бахш этар, моча арслонларнинг сутини соғар, ҳар қандай “бугун” ва ҳар қандай оломонга худди довул каби ёпирилар:

– У барча қушқўнмас каби сертикан ва довдир-совдир қаллаларнинг, барча сўлган-тўзган варам япроқлар ва ёввойи ўт-ўланларнинг душмани; ваҳший, оқил ва эркин бўронлар руҳига мақтовлар бўлсин, ул ботқоқлар ва ғам-қайғулар узра худди яйлоқ-ўтлоқларда юргандай рақс тушар!

Ул оломоннинг дирвайган итлари ва ҳар қандай омадсиз, тунд, бадқавоқ қаланги-қасангилардан нафратланар; барча эркин ақлларнинг шул руҳига, хандон отиб кулган шул бўронга мақтовлар бўлсин: ул фақат қорани кўрувчи ва ўзи мараз яралар билан қошланган кимсаларнинг кўзларини кум, ғубор билан тўлдиар!

О, олий одамлар, сизнинг энг ёмон томонингиз шундаки, ҳаммангиз рақс тушмоқни ўрганмадингиз, ўз-ўзингиздан ошиб-тошиб рақс қилмоқни билмадингиз! Нима қилибди ахир сиз ўхшамаган бўлсангиз!

Ҳали ҳаммаси олдинда! Ўз-ўзингиздан ошиб-тошиб хандон отмоқни ўрганиб олурсиз! Юракларни юксалтиринг, эй сиз, раққослар, юксакроқ, янада юксакроқ! Ва яна ҳеч қачон хандон ташлаб кулмоқни ёддан чиқарманг!

Бул кулаётган одамнинг гулчамбари, бул атиргуллар гулчамбари – сизга, менинг оғайниларим, бул гулчамбарни итқитай! Кулгини мен муқаддас билдим; о, олий одамлар, мендан ўрганинг – хандон кулмакни!

## СОҒИНЧ ҚЎШИҒИ

### 1

Зардушт бу сўзларни айтаётган чоғда ўз мағорасининг кираверишига яқин жойда турган эди; у охириги сўзларини тугатиб, меҳмонларнинг кўзини шамғалат қилиб бир зумга тоза ҳавога чиқди.

“О, тоза бўй, – хитоб қилди у, – о, мени қуршаган фароғатли сукунат! Лекин махлуқларим қайда? Бу ёққа, бу ёққа келинлар, эй бургутим ва илоним!

Мента айтинлар-чи, жониворларим, жамоат жам бўлган бу олий одамлар ҳаммаси – балким улардан яхши бўй таралмас? О, жонимга роҳат тоза бўй! Энди билиб, ҳис қилиб турибманки, эй жониворларим, сизни қанчалар яхши кўраман”.

Шунда Зардушт яна бир карра деди: “Мен сизни севаман, жониворларим!” Бургут билан илон унинг бу сўзларини эшитиб, яқинроқ келишди ва бошларини кўтариб қараб туришди. Улар учовлон бўлиб шундай туришар ва тоза ҳаводан бахраманд бўлишарди. Зеро, бу ерда ташқарида ҳаво олий одамлар турган ичкаридан кўра сарин ва мусаффо эди.

### 2

Аммо Зардушт ташқарига чиқиб кетган заҳоти қари сеҳрар ўрнидан турди-да, кўзлари муғомбирона жайноқлаб, деди: “У чиқиб кетди!”

Мана энди, менга изн берингиз, о, олий одамлар, сизни у каби шу атовли ном билан атаб бир жиғингизга тегайин, — нега десангиз, менинг ёвуз руҳим, алдоқчи ва афсунгар, соғинчимнинг иблиси каминангизга ўз ҳукмини ўтказаяпти;

— менинг бу ёвуз руҳим юрак-юрақдан анов Зардўшт деганингизга қарши — бунинг учун уни кечиринг! Энди у сизга ўз сеҳр-афсунларини кўрсатмоқчи — бунга унинг вақт-соати етган. Мен бу ёвуз руҳ билан кураша-кураша бутун ҳаракатларим зое кетди.

Сиз ҳаммангиз ўзингизни сўзда нима деб эъзозламанг, ўзингизни мабодо “эркин фикрли” деб атайсизми, ёки “ҳаққўй”, ё “тавба қилувчи руҳ”, ёки “кишанлардан қутулган” ва ё “орзуманд ва ташнаком” дейсизми, сизлар учун;

— мен каби улуғ нафратнинг азобини чекаётган, кўҳна Худони ўлди деб ҳисоблаётган, янги Худо эса ҳали йўргакка ҳам кирмаган сизлар учун, ҳаммангиз учун — менинг бу руҳим ва афсунгар, жодугар иблисим ғоятда қадрлидир.

Мен сизни биламан, о, олий одамлар, уни ҳам биламан, — мен манов иблисни ҳам биламан, ўз ихтиёримга қарши уни севаман, яна севаман анов Зардўштни — менга у кўпинча авлиёнинг гўзал ниқоби бўлиб кўринади;

— бинобарин, у бениҳоя ажойиб маскарада ўхшаб кетадики, бундан менинг ёвуз руҳим, менинг соғинч демоним беҳад роҳатланади. Мен Зардўштни менинг ёвуз руҳим учун севаман, менга кўпинча шундай бўлиб туюлади.

Лекин бу ёвуз руҳ, ушбу қоронғу хуфтон соғинчларининг иблиси менинг устимдан ҳукрон бўлиб оляпти, мени эзяпти; чиндан ҳам, о, олий одамлар, у хоҳлайдики;

— кўзингизни катга очинг! — у яланғоч бўлиб келмоқчи, эркак бўлибми, аёл, мен ҳали буни билмайман; лекин у келяпти, у мени эзяпти, э воҳ! ҳиссиётларингизни кенгроқ очингиз!

Кун қариди, ҳамма нарсалар ва ҳатто энг яхши нарсалар учун кеч оқшом қиряпти; энди қаранг ва эшитинг, о, олий одамлар, бу демон ўзи қандай, эркакми ўзи, аёлми, бу кеч оқшом соғинчининг руҳи!”

Кекса сеҳргар шуларни айтди ва муғомбирона олазарақ қаради-да, қўлига чолғусини олди.

### 3

Ҳаво тиниқ тортиб, ернинг юзига  
 Сассиз, соясиз қадамлар ташлаб,  
 Гамлардан фориг фароғат каби  
 Мунис тасалли шудринг тушади.  
 Эй олов қалб, эслайсанми ҳеч  
 Самолардан тушган кўз ёшдай тиниқ  
 Шабнам томчиларин соғинардинг, сен.  
 Сарғайган сўқмоқдан шошилган куёш  
 Ўгли нигоҳларин жонингда туйиб,  
 Ҳолдан тойиб, ҳорғин, қурбим йўқотиб  
 Қорайган дарахтлар ичра турардим.  
 Сен ҳақлик куёви? Эрмак қилишар.  
 Йўқ, сен шоирсан, шу ўзи холос.  
 Сен ваҳший, алдамчи, судралган махлуқ  
 Ҳийлагар ниқобда, қурбонни пойлаб  
 Ёлғонлар дўндириб ифшо қилувчи.  
 Ўзинг ўзингга ниқоб,  
 Ўзинг ўзингга қурбон —  
 Шуми ҳақ куёви?

Йўқ, асло!

Қизиқчи, шоир фақат!

Жимжима ниқобда айёр валдираб,  
Даврада айланиб, ўмбалоқ оштиб,  
Ўрмалаб ўтасан сўз кўпригидан,  
Само рўёларин камалагидан,  
Фақат қизиқчисан, шоирсан, холос!

Шуми – ҳақ куёви? Йўқ, асло!  
Сен жим турмассан совуқ, барқарор  
Илоҳ сиймосидай осуда, пурвиқор,  
Гўё ибодатгоҳ олдида ҳайкал  
Оллоҳ дарвозасин ноziри мисол...  
Қайда тинчлик бўлса, сен унга душман  
Эҳромларда турмайсан, чангалзор уйинг  
Қайсар мушук каби ғаразга тўлиб  
Ойнадан ўзингни отишга тайёр.  
Ўтиб бўлмас ўрмонларни саломлаб  
Тўқайлардан суриб бординг ҳақкалаб.  
Ажаб ваҳший, жундор ҳайвонлар ичра  
Гуноҳ гўзалликнинг соғломлик тўла  
Шаҳват лаззатидан бурнинг керилиб  
Кулли фароғат, қонларга ташна  
Ваҳший кун кўрардинг, пусиб яшардинг.  
Гоҳо бургут мисол юксаклардан сен  
Ўқдай назар ташлаб терадлиқларга  
Тубсиз мулкларингга қарайсан узоқ  
Ҳадсиз қаърлар куйилаб борар,  
Илондай буралиб куйилиб борар.  
Ва бирдан  
Ундан сўнг  
Тик учиб,  
Қиличдай кўчиб,  
Кўзиларни урдинг сен,  
Қулондай отилиб, ваҳший завқ ила  
Булгалаб ташладинг  
Кўзичоқларни.  
Барча кўймижозлар учраб қаҳрингга  
Кўй мучал, кўйқараш, жингалак тери,  
Маъносиз қараган кўзичоқ бари –  
Сенинг шиддатингдан топмади омон.  
Шундай  
Қоплон келбатли, бургут сиёқли  
Шоир сезимлари тўлгиндир жуда.  
Улар сенинг минг бир қиёфанг  
Сенинг, эй шоир, қизиқчи!

Сен эмасми инсон саҳтида  
Худо ва кўйни кўрган беписанд,  
Инсон зумрасида илоҳни қийнаб,  
Кўйни ҳам қийнадинг кўймайин унда.  
Қийнадинг қувониб.  
Сенинг фароғатинг худди шундадир  
Қоплон, бургут шундай қилади роҳат.  
Майнавоз ва шоир фароғати шу.

Ҳаво тиниқ тортиб, ой  
Булуглар аро ўроғини ўрганда.  
Алвон йўллар солиб, бирдан мўралаб,  
Худди душман каби ўғринча қараб,  
Кундуз нурын ғаним каби кўрганда.

Борган сари яқин-яқинлаб келар  
 Гизли тарзда майда-майдалаб.  
 Гуллардан гиламлар тўқиб, гулчамбар  
 Каби гуллар кейин дарров сўлади  
 Ва бошларин отар тун зулматига.

Бир пайт мен шундай юксакдан йиқилдим  
 Тушда ҳақ ичра юрган жойимдан.  
 Кун ва нур сезимларига тўлиб мен,  
 Оқшом кўланкаси ичра қуладим.  
 Бир ҳақиқат истагида кул бўлдим,  
 Ёлғиз ҳақиқат деб ташнаком турдим.  
 Ёдинглами ахир, оловли қалбим,  
 Ташналикдан қаттиқ ўртанганимиз,  
 Ўртандик, Зеро, сен қувгинда мангу  
 Ҳар қандай ҳақдан узоқ  
 Қизиқчи, шоир бироқ.

### ИРФОН ЗИКРИ

Сеҳргар шундай куйлади ва барча йиғилганлар худди қушлар каби ўзлари билмаган ҳолда унинг доғули, ҳасратангиз лаззатпарастлигининг тўрига илиниб қолдилар. У фақат руҳан виждонлини ўз домига илингирилмади: у сеҳргарнинг қўлидан чолғусини шитоб билан тортиб олди-да, қичқирди: “Ҳаво берингиз! Тоза ҳаво берингиз! Зардўштни чақирингиз! Сен бу мафоранинг ҳавосини бўғиб заҳарга айлантиряпсан, эй қари, баттол афсунчи!

Сен инжа доғули, бизни номаълум эҳтирослар ва номаълум чўл-биёбонларга чорляяпсан. Агар сенга ўхшаганлар ҳақиқат ҳақида бонг уриб, унга аҳамият бера бошласалар, вой, шўримиз қурсин!

Бундай сеҳргарлардан эҳтиёт бўлиб турмайдиган эркин ақлларнинг ҳолига вой! Улар ўз эрклари билан хайр-маъзур қилишлари керак: сен қамоқларга қайтиш ва яна зиндонларга тушишни ўргатасан;

– сен қари, бадқовоқ иблис, сенинг шиква-нолишларинг авроқ сибизғани эслатади, сен бокираликни мақтаб туриб – хуфия бузуқликка чақирадиганларга ўхшайсан!”

Руҳан виждонли шу сўзларни айтди; қари сеҳргар ўз ғалабасидан лаззатланиб, атрофга ўгирилиб қарар, виждонлининг бу гапларига парво қилмасди. “Бас қил! – деди у камтарона оҳангда. – Яхши кўшиқ қалбларда яхши акс садо бериши керак. Яхши кўшиқларни эшитандан сўнг узоқ сукутга чўмган маъқул.

Барча манави олий одамлар шундай қилишади. Лекин сен менинг кўшигимни унча яхши тушунмаганга ўхшайсан? Сенда сеҳргар руҳи кўринмайди”.

“Сен мени ўзингдан ажратиб мақтамоқчи бўласан, – деб эътироз билдирди виждонли. – Майлига! Лекин бошқалар-чи? Кўриб турибман-ку, ҳаммаларингизнинг кўзларингизда ҳирс ўйноқлаяпти!

О, эркин кўнгиллар, қайга кетди сизнинг эркинги! Сиз менга яланғоч рақс тушаётган бузуқ хотинларга узоқ қараб турган кишиларни эслатасиз: кўнгиларингиз ҳам шундай ўйинга тушяпти! Сеҳргар

авроқ ва афсунларнинг ёвуз руҳи деб атаган нарсдаги кўп хусусиятлар сизда ҳам бор, о, олий одамлар, – лекин биз, албатта турли-туман одамлармиз.

Чиндан ҳам, Зардўшт ўз ғорига қайтиб киргунча биз биргаликда анча суҳбат қурдик ва ўйлашиб олдик, энди биз бир-биримиздан фарқ қилишимизни биламиз.

Сиз ҳам, мен ҳам бу фарқни шу юқорида туриб ҳам қидиряпмиз. Мен зеро, кўпроқ барқарорлик излайман ва шунинг учун ҳам бу ерга, Зардўшт хузурига келдим. Зеро, у энг мустаҳкам кўргон ва иродадир:

– айниқса, ҳозир ҳамма нарса лиқирлаб турганда, бутун ер ларзага



тушаётганда. Лекин мен шу тобда сизларнинг кўзларингизга қараб туриб, улардаги ифодаларни ўқий туриб, комил ишонч билан айтаманки, сиз кўпроқ беқарорликни излаяпсиз;

– кўпроқ ҳаяжонлар, кўпроқ хавф-хатарлар, кўпроқ зилзилаларни қидиряпсиз, менга шундай туюладики, сиз менинг тусмолимни кечиринг-ку, о, олий одамлар;

– сиз энг мушкул, энг хатарли ҳаётни излаяпсиз, бу мени ҳаддан ортиқ қўрқитади, сиз ваҳший ҳайвонлар ҳаётини хоҳлайсиз, ўрмонлар, мағоралар, тоғ шаршаралари ва ўгиб бўлмас ўнгирилари истайсиз.

Сизни хавф-хатарлардан қутқарувчилар эмас, балки барча йўллардан четга адаштириб-улоқтириб кетувчи, йўлдан урувчи, айнитувчиларни сиз ҳаммадан кўпроқ ёқтирасиз. Лекин агар бу истак сизда ҳаққоний бўлса, барибир у менга мумкин бўлмаган нарса каби кўринади.

Зеро, қўрқув – инсоннинг ирсий, асосий ҳиссиёти; қўрқув билан ҳамма нарсани тушунтириш мумкин, ҳатто ирсий гуноҳ ва ирсий эзгуликларни ҳам. Қўрқувдан менинг эзгулигим ҳам туғилган, унинг оти: илм-ирфон.

Зеро, ваҳший ҳайвонлардан қўрқиш – одамда ҳаммасидан кўра узоқроқ тарбияланади, бунга одам боласи ўз-ўзида ва ўз ичида яшириб, қўрқиб сақлайдиган ҳайвондан қўрқув ҳам киради. – Зардўшт бунни “ички ҳайвон” деб атайдди.

Мана шу узун, кўҳна қўрқув кейинчалик бориб ниҳоят нозиклашиб, илҳомёр бўлиб, мана эндиликда келиб, фан деган ном олди”.

Виждонли шу сўзларни айтди. Аммо эндигина гор ичига қайтиб кирган ва унинг сўзларини қулоғининг бир чети билан эшитган, маъносини уққан Зардўшт виждонлига бир даста атиргул отди ва унинг “ҳақиқатлари” устидан қотиб-қотиб кулди. “Ростданми! – хитоб қилди у. – Нима-нималар деяпсан асти? Ҳақиқатан, ё сен тентаксан ва ё мен ўзим, – шунинг учун сенинг “ҳақиқат”ингни бир пастда оёғини осмондан келтириб қўяман.

Зеро, қўрқув – биз учун истисноли нарса. Аммо мардлик, саргузаштлар ишқи, номаълум нарсаларга қизиқиш, ҳеч кимнинг юраги бетламаган нарсалар ортидан қувиш – буларнинг бари мардлик ва инсоннинг шу бугунгача бўлган ўтмиш тарихи мардликдан иборат.

Инсон энг ваҳший, энг ботир ҳайвонларга ҳавас қилиб қаради ва ўзига уларнинг барча яхшиликларини тортиб олди: фақат шу йўл билан у инсонга айланди.

Бу мардлик ниҳоят руҳониятлилик касб этди, руҳоний бўлди, бу бургут қанотли, илондай донишманд инсон мардлигидир, назаримда, бу мардлик энди шундай аталади...”

“Зардўшт!” – деб аталади деб қичқиришди барча гор аҳли бир овоздан ва қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборишди; лекин улардан худди оғир булут кўтарилгандай бўлди. Сеҳргар ҳам кулди ва мўғомбирона бир алфозда деди: “Майлига! У кетди, менинг ёвуз руҳим кетди!

Мен ахир сизни огоҳлантирмаган эдимми, уни ёлгончи, алдовчилик ва фириб руҳи демабмидим?

Айниқса, у яланғоч бўлиб кўринганда. Унинг найранглари учун наҳот мен айбдор бўлсам! Ахир мен яратдимми уни ва бу дунёни?

Бўпти! Яна яхши ва қувноқ бўлаамиз! Ие, уни қаранг, Зардўштнинг жаҳли чиқяпти – қаранглар-а, унга! Мендан жаҳли чиқяпти!

– Лекин ҳали то қоронғу тушгунча у мени яна яхши кўради ва мақтайди, у бу тентакликларни қилмай узоқ туролмайди.

У – душманларини севади; – мен кўрган одамлар ичида у бу ҳунарни ҳаммадан яхши эгаллаган. Лекин бунинг учун у ўч ҳам олади – ўз дўстларидан!”

Қари сеҳргар шу сўзларни айтди, олий одамлар унинг гапларига қўшилишди; шу асно Зардўшт жаҳд ва муҳаббат билан ўз дўстларининг қўлларини бирма-бир қисиб чиқди – худди ҳар кимга нималаргадир узр-маъзур қилиш ва нималарнидир текислаш зарурати туғилган одамдай. Аммо у мағорасининг яқинига келгач, яна тоза ҳавога, ўз жониворлари қошига чиққиси келди – лип этиб ўзини ташқарига олмоқчи бўлди.

## САҲРО ҚИЗЛАРИ ЎРТАСИДА

## 1

“Кетма! — деди шунда ўзини Зардўштнинг сояси деб атаган саргашта. — Биз билан қол, — бўлмаса бизни яна аввалгидек ғам-соғинч эгаллаб олади.

Манави кекса сеҳргар ўзида бор барча ёмон нарсалар билан бизни хўп бошлаб меҳмон қилди, қара, оққўнгил тақводор падарнинг кўзларида ёш гилтилламоқда ва чамаси у яна ғам уммониға шўнгимоқчи.

Қироллар эса, менимча, бизнинг олдимизда ўзларини яхши тутиб ўтиришибди: зеро, улар бугун ҳаммамиздан буни яхшилаб ўрганиб олдишди! Лекин қасам ичаманки, агар шоҳидлар бўлмаса, уларнинг яна ўша ярамас ўйинлари бошланарди.

— Бу судралган булутлар, пурнам қайғу, бурканган осмон, ўғирланган кўёшлар, увиллаган куз шамолларининг ярамас ўйини;

— бизнинг йиғлашларимиз ва ёрдам сўраб чақиритиларимизнинг ярамас ўйини: биз билан қолгил, Зардўшт! Бу сўйлайман деб турган жуда кўп хуфия қашшоқлик, кўп хуфтон қоронғуси, кўп булутлар, кўп бузилган бўғувчи ҳаво!

Сен бизни эркакларнинг кучли овқати ва жон озиғи ҳикматларинг билан тўйдинг — овқатдан сўнг ширинлик чоғи бизни хотинларнинг инжа руҳлари эгаллаб олишиға энди асло йўл қўйма!

Сен ёлғиз ўзинг атрофингни қуршаган ҳавони ўткир ва тоза қилурсан. Сенинг мафورانгдаги каби тоза ҳавони ҳеч қачон ер юзида бошқа тошанманми?

Бироқ мен кўп ўлкаларни кўрдим, бурним турли ҳаволарнинг фарқиға етадиган ва ажратадиган бўлди — лекин фақат сенинг ҳузурингда димоғим улғ масарратта ноил бўлди!

Билъакс, — билъакс, — о, кечир мени бу эски хотира учун! Кечир бу кўҳна кўшиқни, уни мен бир маҳаллар саҳро қизлари ўртасида тўқиган эдим.

Уларнинг ҳам ҳавоси тоза, яхши шарқ ҳавоси эди; булутларға бурканган, нам, зах, ғамгин Европадан узоқларға бош олиб кетган эдим ўшанда!

Ўшанда севиб қолганман мен бу Шарқ қизларини ва бошқа осмони кўк мовий салтанатларни, бунда на тунд булутлар ва на хаёллар осилиб ётарди.

Сиз кўрмагунча ишонмайсиз, уларнинг ўйин тушмаган чоғларда қанчалар одоб билан маъсумона ўтиришларини, гарчи фикрчан эмаслар, лекин мисоли мўъжаз сир, мисоли зарлар билан ўралган топишмоқ, мисли тотли ёнғоқ жуда теран эди улар,

— ранго-ранг ва бегона эди улар ҳақиқатан! Лекин улар бадқовоқ эмас эди: улар осон ечиладиган жумбоққа ўхшардилар. Ўшанда мана шу қизлар шаъниға мен ўз мадҳия қўшиғимни тўқиган эдим”.

Ўзини Зардўштнинг сояси деб атаган саргашта шу сўзларни айтди. Сўнг кимдир унга жавоб беришини ҳам кутиб ўтирмай, кекса сеҳргарнинг чолғусини тортиб олди-да, тиззалаб ўтирганча атрофға осуда ва доно назар югуртирди; кейин худди янги ўлкаларға қадам ранжида қилиб унинг ҳавосини синаб кўраётган одамдай, димоғи билан оҳиста, синовчан нафас олди. Кейин аллақандай увли ун солиб куйлай бошлади.

## 2

*Саҳро кенгаяр ўзи ўзидан, алмо шўрлидир, ким ўз саҳросин ўзида ташир.*

Ўҳ! Тантанавор!  
 Ва қойил бошланди!  
 Африкаға муносиб тантана!  
 Ҳатто шерға муносиб  
 Ё маймунға — ахлоқ восвоси;  
 Лекин булар бари сизға ҳечдир  
 Эй, менинг дилрабо дугоналарим,  
 Сизнинг оёғингизда ўтирмоқ  
 Палмалар тағида мен европаликка  
 Муяссар бўлди. Бахтли жонман. Салом.

Ҳайрон қолмай бўлмас: саҳронинг ўзида  
 Ўтирибман, бироқ шунга қарамай,  
 Ҳамон ундан жуда узоқ ердаман  
 Саҳрога дўндим мен, дўндим ҳеч бўлдим.  
 Равшанроқ айтайин: мени ютди-қўйди  
 Кичкина бир водий,  
 У бирдан эснади  
 Ва гунчадай оғзини рўпара қилди  
 Муаттар дудоқлар мени ўзига тортиб  
 Ютиб юборди-да, йўқолдим қолдим  
 Огилиб чиқдим, мана чаман ичра  
 Ўртангизда ўтирибман, дугоналарим. Салом.  
 Шарафлар, шарафлар, ўша куйимизга  
 Унда қўноқ шундай маза қилган ўхшар.  
 Ахир сизга равшан-ку менинг мажозим,  
 Олимона ишорам?  
 Китнинг қорни мангуга омон бўлсин-ей,  
 Шунчалар жонбахш бўлгандиру бир пайт.  
 Воҳача-қоринча, худ менинг кулбамдай,  
 Мен бунга сира ҳам ишонмадим албат.  
 Ахир мен келдим бунда нақ Европадан,  
 Европа шубҳачи хотинлар каби жуда  
 Уни Раббимиз ўзи тузатсин ишқилиб!  
 Омин.

Шириндан-ширин бўб, мисли хурмо лазиз  
 Олтиндай истаклар зориқтириб мени  
 Бағрингизга келдим, оҳвоҳача-мўъжиза.  
 Хурмодай зориқдим қизнинг бўйига,  
 Унинг тишларига садафдай опшоқ,  
 Сарин баданлари, жонбахш лаъллари,  
 Уларни соғинар юраклар ўртаниб,  
 Хурмолар ўртанар, ишқида куйиб. Салом.

Жанубнинг мевасига шу тобда  
 Жуда ҳам ўхшаб кетдим шекилли.  
 Ётибман бунда мен, тетрамада-чи,  
 Бойқўнғизлар учарлар тинмасдан.  
 Шўх ўйинга тушиб, атрофимда  
 Пир-пир учар мўъжизаларингиз  
 Қуршаб мени аёвсиз, заҳарли  
 Нозларингиз бирла майлларингиз...

Мени ўраб олдингиз батамом,  
 Ненидир истайсизу индамайсиз,  
 Мушукми бу қизлар  
 Зулайҳо бирла Дуду?  
 Сфинксга менгадингиз мени  
 (Ҳисларни бир сўзга сизга деб  
 Тилга гуноҳ қилдим, кечир, Худойим!)  
 Ўтирибман мунда, ҳаво тоза  
 Жаннатнинг ҳавоси бўлар шундай  
 Шаффоф, енгил, олтин ҳаллар ўйнар,  
 Қачон ойдан ерга мисли шундай  
 Яхши ҳаво тушган, ҳеч ким билмас.  
 На тасодиф бор бунда, на инжиқлик  
 Кўҳна шоирлар хабар берганлар,  
 Лекин бунга шубҳам бор андак,  
 Европадан келдим қошингизга,  
 Европа шубҳачи ҳар хотиндай  
 Раббимиз ўзи уни тузатсин!

Омин.  
 Тоза ҳаводан кўксим тўлдириб,  
 Тўйиб-тўйиб енгил нафас олиб,  
 Қелажаксиз ва хотираларсиз  
 Ўтирдим сиз-ла, дилраболарим.  
 Палмага қараб-қараб тўймайман  
 Раққос мисоли тинмас у сира  
 Эшилиб-буралиб, эрка чайқалар...  
 Беихтиёр ўйинга кирасан  
 Раққоса мисоли, узоқ-узоқ  
 Бир оёқда турасан лиқирлаб,  
 Бутунлай унутиб —  
 Иккинчи оёқ борлигин фақат.  
 Ҳар қалай кўп бекор уриндим —  
 Яширин зебосин бир кўрай деб...  
 Тиширлаган ул эгизакларни.  
 Хиромон учган этаклар аро  
 Иккинчи оёқ латофати шоён  
 Ишонинг, зебо дилраболарим,  
 Ўша оёқ латофати  
 Нечундир бир зумда йўқолди.  
 Йўқ бўлди! Йўқолган ул оёқ  
 Мангу йўқолди, ачиндим жуда!  
 Қайга кетди! Қайда қайғулар?  
 Йўқолиб, қайда оҳ урар?  
 Балки арслон ёлли махлуқ унинг  
 Юрагига қўрқинч солгандир?  
 Ҳам суяги ғажилиб, батамом  
 Емиш бўлиб кетгандир! Салом.

О, мунис юраклар!  
 Йиғламанг, йиғламанг, сиз асло!  
 Сутдай опшоқ кўксингизда  
 Хурмодай қалб тиширлар,  
 Бағоят лаззатли!  
 Зулайҳо, мард бўл, етар, бас!  
 Қўзғал, қўзғал, сафоли Дуду,  
 Йиғлама энди!  
 — Балки, эҳтимол,  
 Бунда бошқа бир чора керакдир,  
 Юракларга мадор бўлгулик?  
 Керакдир балки ҳикмат ва мақол?  
 Ё танганавор, ўгли чақириқ?

Сени, сени, чорлай  
 Инсон шаъни, саҳнага  
 Европа шаъни!  
 Сен эзгулик тўла меш  
 Вишилла, ҳуштак чал, нафас ур,  
 Эҳ!  
 Яна бир бўкир,  
 Бўкиртир ахлоқингни,  
 Сахро қизларига  
 Арслондай ирилла,  
 Бўл ахлоқ арслони!  
 Ахир, сиз, азизларим,  
 Европанинг эзгулиги увиллар,  
 Ўчирар ҳар қандай ҳарорат,  
 Юрак ёлқинларин.

Бўридай очилди ишгаҳаси  
 Европаликнинг.  
 Мана, мен, европалик  
 Турибман қошингизда.  
 Ё раббим, не қилай ахир  
 Қўлимдан ўзга иш келмас.  
 Илоҳо, шундай бўлгай,  
 Омин.

Сахро ўз-ўзидан кенгайиб борар,  
 Шўри курсин, ўз сахросин юрагида  
 олиб юрганнинг!

## УЙҒОНИШ

### 1

Саргашта ва соянинг қўшиғидан сўнг мағора бирдан шовқин-сурон ва кулги товушларига тўлди; бу ерда тўшланган жамоат бари баравар гапирар, ҳатто эшак ҳам ўзини эркин тутиб, уларга жўр бўлар, буни кўриб, Зардўшт ўз кўноқларидан аллақандай ижирғаниб, кинояли, табассум қилиб кўйдди — меҳмонларнинг хурсандчиликлари унга ажабговур эрмакка ўхшаб кўринарди. Унинг назарида бу соғайишнинг бир белгиси эди. У киши билмас гордан ташқарига тоза ҳавога чиқди-да, ўз жониворлари билан сўзлаша бошлади.

“Энди уларнинг бахтсизликлари қайга ғойиб бўлди? — деб сўради у ва андак энсаси қотганидан енгил хўрсиниб кўйдди. — Менга меҳмон бўлишиб, улар назаримда, ёрдам сўраб қичқаришни унутишди!

Лекин афеуски умуман қичқаришни сира тўхтатишмади”. Шунда Зардўшт ўз қулоқларини беркитди, зотан бу пайт эшакнинг баланд хантраши олий одамлар хурсандчилигининг шовқин-суронларига ажиб бир тарзда омухта бўлиб кетди.

“Улар жуда хурсанд, — давом этди у, — яна ким билсин? Балки бу мезбоннинг ҳисобидандир; улар мендан кулишни ўрганиб олган бўлсалар-да, менинг кулгимни ўрганишгани йўқ.

Ҳай, майлига! Улар кекса одамлар, улар ўзига хос соғайишади, ўзига хос кулишади; менинг қулоқларим бундан ҳам баттароқларини эшитган ва тешилиб қолган эмас.

Бу кун — ғалаба: оғирлик руҳи кетяпти, қочиб боряпти, у менинг эски қаттол душманам! Бу кун жуда ишқал ва оғир бошланган эди, жуда хайрли бўлиб охирляпти.

У туғашни истайди! Кеч кияпти: у яхши чавандоз денгиз узра от соляпти. У қирмиз эгарларида қанчалар солланияпти, у қулғу қадам уйга қайтяпти!

Осмон тиниқ, мусаффо, дунёга теран осудалик чўкяпти; о, сиз ҳаммангиз, аломат одамлар, менинг кўноқларим, ростдан меникида яшаб қолинглар!”

Зардўшт шундай зикр қилди. Яна гордан олий одамларнинг бақирӣқ-чақирӣқ, кулги, қаҳқаҳалари эшитилди. Шунда Зардўшт давом этди:

“Улар қармоққа илинишди, хўрагим яхши иш берди, уларнинг душмани — оғирлик руҳи чекиниб боряпти. Энди улар ўз устларидан кулишни ҳам ўрганишяпти — қулоғимга тўғри чалиняптимикин?”

Менинг эранларга хос озугим иш беряпти, менинг ҳикматларим мазали ва кучли — ҳақиқатан, мен уларни юракни дам қиладиган сабзавотлар билан боққанам йўқ! Аммо жангчилар озиғи, забткорлар озиғи билан мен уларда янги истак-майларни уйғотдим.

Уларнинг оёқ-қўлларида янги умидлар кучланди, юракларига қувват кирди. Улар янги сўзлар топмоқдалар, тезда руҳлари янги жасоратта отланур.

Бундай озук, албатта, болалар ва ҳумор кўзли аёлларга тўғри келмайди. Уларни ичдан ишонтириш учун бошқа воситалар керак; мен уларнинг табиби ва муаллими эмасман.

Нафрат бу олий одамлардан чекиняпти: майлига! Бу — менинг ғалабам.

Менинг салтанатимда улар ўзларини эмин ҳис қиладилар, ҳар қандай аҳоқона уялиш улардан қочяпти, улар очилиптилар.

Улар ўз юракларини очишяпти, ўроз вақлари уларга қайташпти, улар байрам қилишяпти ва ҳазм этишяпти, улар миннатдор бўлишни ўрганишяпти.

Мен буни энг яхши аломат деб биламан: улар миннатдор бўляптилар. Кўп ўтмай улар ўзларига байрамлар ўйлаб топишади ва ўзларининг эски шодликларига ҳайкаллар ўрнатишади.

Улар – соғаяувчилардир!” Зардушт юраги қувончга тўлиб шундай сўйлар ва олисларга боқарди; махлуқлари эса унга яқинроқ тиқилишиб келишар, унинг бахтини, унинг индамай сукут сақлаб туришини эъозлашарди.

## 2

Лекин бирдан Зардуштнинг қулоғига кўркув ботди: зеро, шу тобгача ўйин-кулгига тўлган мағорада бирдан ўлик сукунат чўкди, худди кедр ёнғоқлари ёнаётгандай унинг димоғига хушбўй мум иси урилди.

“Бу ерда нима бўляпти ўзи? Улар нима қилишяпти? – деб сўради у ўзидан ва шарпа чиқармасдан гор оғзига яқинлашиб, билинтирмай кўноқларига қарамоқчи бўлди. О, ажойиботлар ажойиботи! У ўз кўзлари билан нималарни кўрди денг!

“Ҳаммалари яна художўй бўлиб қолишибди, ибодат қилишяпти, вой тентаклар-ей!” – дерди у ғоятда таъсирланиб. Ростдан ҳам! Шу олий одамларнинг барчалари икки қирол, истеъфодаги папа, баттол сеҳргар, ихтиёрий фақир, саргашта ва соя, қари башоратгўй, руҳан виждонли ва энг бадбашара одам – ҳаммалари худди болалар ёки қари хотинларга ўхшаб тиз чўкиб туришар ва эшакка сифинишарди. Мана ниҳоят энг бадбашара одам ҳарсиллаб, гўлдираб, худди ичидан аллақандай ифода қилиб бўлмайдиган бир нима чиқадигандай бўла бошлади; ниҳоят у ичидаги сўзларни талаффуз қила бошлагач, қутилмаганда улар ўзлари иқтидо қилаётган, қутли мум тутатаётган эшакка билдириляётган эъоз-икром, салламно ва ғаройиб ҳамду сано бўлиб чиқди. Бу малҳия қуйидагича жарангларди.

Омин! Ҳамду санолар, шон-шуҳрат, донишмандлик, шукронаю шарафлар, қудрат ва салтанат абадулабад бизнинг Худойимизга хосдир!

Эшак эса бўкиради: ҳанг-ҳанг!

Ул бизнинг огиримизни ўз устига олди, ул ўз қули қиёфасига кирди, унинг қалби салим ва ҳеч вақт йўқ демас, ким ўз Худосини севса, уни фош айлар.

Эшак эса бўкиради: ҳанг-ҳанг!

Ул сўйламас; фақат ўзи яратган дунёга ул мангу айтур ҳа деб: ўз оламини ул шундай шарафлар. Макри уни сўйлашга қўймас; шунинг учун камдан-кам ҳолларда ноҳак чиқар.

Эшак эса бўкиради: ҳанг-ҳанг!

Оламдан кўринмай ўтиб боради. Ул эзгулигини ўзининг бўз рангига яширур. Агар унда руҳ бўлса, уни яширар; лекин ҳар ким унинг қулоғи узунлигига ишонади.

Эшак эса бўкиради: ҳанг-ҳанг!

Унинг қулоқлари узун бўлса, ҳар доим ҳа деса ва ҳеч қачон йўқ демаса, бунда қандай донолик яширинган экан? Ахир у оламини ўзига ўхшатиб яратмадимиз? Иложи борича уни аҳоқона қилиб қўймадимиз?

Эшак эса бўкиради: ҳанг-ҳанг!

Сен тўғри ва эгри йўллардан борасан, бизга эгри ва тўғри бўлиб кўринадиган нарсалардан ташвишинг йўқ. Сенинг салтанатинг эзгулик ва ёмонликнинг нариги томонида. Сенинг маъсумлигинг – маъсумлик нималигини билмаслигингда.

Эшак эса бўкиради: ҳанг-ҳанг.

Сен ҳеч кимнинг кўкрагидан итармайсан: на шоҳнинг, на гадонинг. Болаларнинг бошини силайсан, агар ёмон болалар сени йўлдан урсалар, сен фақат: ҳанг-ҳанг деб қўясан.

Эшак эса бўкиради: ҳанг-ҳанг.

Сен мочахарларни ва янги пишган анжирларни севасан, овқат танлаб ўгирмайсан. Оч қолганда, қушқўнмаста ҳам розисан. Худонинг донишмандлиги шу.

Эшак эса бўкиради: ҳанг-ҳанг.

## ЭШАК БАЙРАМИ

### 1

Ибодатнинг шу ерига келганда, Зардўшт ўзини ушлаб туролмади-да, эшакдан ҳам ўтказиб ҳанграб, ўзини телбасаро қўноқлари ичига урди. “Сиз, сиз инсон болалари, бу ерда нима балолар қилиясиз? — деб қичқирди у ибодат қилиб ерда думалаб ётганларни ўринларидан турғизаркан. — Вой-ей, сизни Зардўшт эмас, бошқа одам бу аҳволда кўрса, нима бўларди?”

Ҳар ким сизнинг бу аҳволда сизинишингизни кўриб шаккок ва кофирга чиқарар, бу эсини йўқотган қартайган кампирлар қай гўрдан келиб қолди, дерди.

Сен-чи, сен, эй, қари падар, сен ўзингта қандай раво кўрасан эшакка Худо деб ибодат қилишни?”

“О, Зардўшт, — жавоб берди падар, — мени кечир, лекин Худо масалаларида мен сендан кўра билимдонроқман! Жуда соз!”

Шу тимсолда Худога сизиниш, умуман ҳеч қандай тимсолсиз сизинишдан афзалроқ. Бу ҳикматнинг мағзини чақиб кўр, олий шон дўстим — сен тезда унда донолик яшириниб ётганлигига ишонч ҳосил қиласан.

“Худо руҳдир” деб айтган кимса шу пайтгача ер юзида динсизликка катта-катта қадамлар ташлаб келди, ер юзида бундай хатоларни тузатиш осон эмас!

Ер юзида ҳали сизиниш мумкин бўлган нарсалар борлигидан менинг кекса юрагим тўлқинланади ва ҳаяжонга тушади. О, Зардўшт, қари падарнинг тақводор юрагини ўзинг маъзур тут!”

“Сен ҳам, — деди Зардўшт саргашта ва сояга қараб, — сен ўзингни эркин руҳ деб атайсанми ва тасаввур қиласанми? Ва бу ерда санамларга топиниш, алдам-қалдамларга йўл қўясанми?”

Сен, янгича диндор ва муғомбир, ўзингнинг ишқал, қорамағиз қизларингта қараганда ҳам, бу ерда бемазароқ иш билан шуғулланяпсан, ҳақиқатан ҳам!”

“Ростдан ҳам бемазароқ иш, — деб жавоб беришди саргашта ва соя, — сен ҳақсан: лекин нима қилиш керак? Сен нима дема, о, Зардўшт, эски Худо ҳали тирик.

Ҳаммасига энг балбашара одам айбдор: у уни яна тирилтирди. Гарчи у: бир маҳаллар уни ўлдирганман деса ҳам, худолар ҳузурида ўлим ҳамиша фақат хурофотдир”.

“Сен-чи, — деди Зардўшт, — сен, баттол қари сеҳргар, сен нима қилиб қўйдинг! Агар сен шунга ўхшаган эшакларга эътиқод қўйсанг, ким унда бу ҳуррият асрида сенга бундан кейин ишонади?”

Сенинг бу қилган ишинг аҳмоқлик; сен, шундай муғомбир бўла туриб, қандай бу аҳмоқликка йўл қўйдинг?”

“О, Зардўшт, — жавоб берди айёр сеҳргар, — сен ҳақсан, бу аҳмоқлик — у менга анча-мунча қимматга тушди”.

“Хаттоки, сен ҳам, — деди Зардўшт руҳан виждонлига, — ўйлаб кўр ва бармоғингни бурнингта қўй! Ахир бунда сенинг виждонингта қарши нарса йўқми? Бу топиниш ва авлиёнамоларга бундай сизиниш учун сенинг руҳинг бениҳоя тоза эмасми?”

“Нимадир бор, — деб жавоб берди руҳан виждонли ва бармоғини бурни устига қўйди, — бу томошада нимадир бор ва у менинг виждонимга ёқади.

Балки менинг Худога ишонишга ҳақим йўқдир; лекин ҳеч шубҳасизки, бу тимсолдаги Худо менинг назаримда эътиқод қўйиш учун янада лойикроқ.

Энг тақводор одамларнинг айтишларича, Худо абадийдир: кимнинг вақти кўп бўлса, у ҳеч қачонга шонмайди. Иложи борича шунчалар узоқ ва шунчалар аҳмоқона; бироқ бу билан жуда узоққа бориш мумкин.

Кимнинг руҳи ҳаддан ортиқ кўп бўлса, унинг ўзи аҳмоқлик ва тентакликка гирифтор бўлиши мумкин. Сен ўзинг ҳақингда ўйла, о, Зардўшт!

Сен ўзинг — ҳақиқатан! — ҳатто сен ўзинг донолигинг бошингдан ошиб-тошиб кетиб, эшакка айланиб қолишинг мумкин.

Энг комил донишманд энг эгри йўллардан бажонидил ўтиб бормайдими? Аён кўриниб турибдики, о, Зардўшт, аёнлик сенда!”

“Ниҳоят сен ўзинг, — деди Зардўшт энг бадбашара одамга қарата, у ерда думалаб ётганча ҳадеб кўлини эшакка узатарди (унга шароб ичирарди). — Сен ўзинг нима қилиб кўйдинг, айт, эй оти йўқ!

Бугун афти башаранг ўзгариб кетибди, кўзинг ёняпги, бадрафторлигинг устига эҳтироснинг камзули тортилган, — сен ўзинг нима қилдинг?

Сен уни тирилтирган эмишсан, шу тўғрими? Нима кераги бор эди? Ахир у тўла асос билан ўлдирилган эди-ку?

Сен ўзинг менинг кўзимга қайта тирилиб келганга ўхшайсан? — нима қилдинг? Нимани инкор этдинг? Ўзингни нимага ишонтирддинг? Гапир, эй оти йўқ!”

“О, Зардўшт, — жавоб берди энг бадбашара одам, — сен — маккор!

У тирикми ҳали, ё қайта тирилдими ёки буткул ўлдими, — иккимиздан қай биримизга бу яхши аёнроқ? Мен сендан сўрайман.

Фақат бир нарса биламан, бир сафар буни сенинг ўзингдан ўрганган эдим, о, Зардўшт: ким узил-кесил ўлдирмоқчи бўлса, у кулади.

“Ғазаб билан эмас, кулги билан ўлдирадилар” — бир гал шундай деган эдинг. О, Зардўшт, сен, гизли, яширинган, сен, ғазаб қилмай яксон қилувчи, сен хатарли авлиё, сен — маккор!”

## 2

Лекин шундай рўй бердики, Зардўшт ушбу доғули жавоблардан лол бўлиб, бирдан ўзини горнинг эшиги томонга отди ва, барча қўноқларига қараб, баланд овоз билан қичқирди:

— Эй, сиз олғир майнавозлар! Нега менинг олдимда ўзингизни бошқача қилиб кўрсатасиз, қобиғингизга беркинасиз!

Сиз ниҳоят болалардай тоза ва порсо бўлиб қолдингиз, бундан роса суюндингиз, қалбингиз ғаюр ҳаяжонларга тўлди;

— ниҳоят, яна худди болалардай иш қилдингиз, кўлингизни қовуштириб тошиндингиз ва “Раҳмдил Раҳмон!” деб айтдингиз.

Лекин энди менинг бу болалар турадиган маконим, менинг горимни ўзимга қолдиринг, бугун бунда қанча болаларча ишлар рўй берди. Очиқ ҳавога чиқиб кўзларингизда чақнаган ўтни бироз совутинг, ҳаяжон билан тепкан юракларингизни босинг!

Албатта: сиз агар худди болалар каби бўлмасангиз, унда сиз ушбу Осмон шоҳлигига кирмагaysиз”. (Ва Зардўшт шундай деб қўли билан осмонни кўрсатди.)

“Аmmo биз Осмон шоҳлигига ҳечам кирмоқчи эмасмиз: биз эр бўлиб этилдик — шунинг учун биз ернинг шоҳлигини иштаймиз”.

Зардўшт яна гап бошлади:

“О, менинг янги дўстларим, — деди у, — сиз, аломат, сиз, олий одамларсиз, сиз менга энди жуда ёқасиз;

— Сиз жуда қувноқ бўлиб қолдингиз! Ҳаммангиз гул-гул очилдингиз, назаримда, бундай гулларга энди янги байрамлар керак;

— балки у ҳеч қутилмаган арзимас бир нарса бўлар, балки қандайдир диний маросим ёки эшак байрами<sup>1</sup> бўлар, балки у қандайдир қари кўҳна тентак Зардўшт бўлар, — у худди қуюн каби қалбларингизни сарин ҳаво билан уфуриб тозалар.

<sup>1</sup> Э ш а к б а й р а м и — Европа кулги маданияти анъаналаридан. Трагедияларда сатирлар ўйинларига ўхшап. У жуда қадим илдизларга эга. У маълум бир даврларда христиан диний байрамларига ҳам кириб келган. Каббалада эшак донишмандлик тимсоли каби талқин этилади. Сабр-тоқат, одмиллик, қайсарлик, соғломлик, чидамлик рамзи деб тушунилан. Қадим юнонлар ярим от — ярим эшак (хачир) ҳайвонни сатир деб қараганлар. Кейинроқ сатир эчки (така) монанд суратда чизилган ва тасаввур қилинган. Нитшеннинг “Эшак байрами” ўша қадим эзотерик тарихий маданий анъаналарга уйқашиб боради. Файласуф куллили, шўх талқинга алоҳида эътибор беради.



Мана шу кечани ва унда бўлиб ўтган эшак байрамини сира унутмангиз, эй, сиз, олий одамлар! Сиз буни мен орқали кашф қилдингиз, буни мен хайрли башорат деб биламан, — соғажувчилар шунга ўхшаш алланималарни ихтиро қиладилар!

Агар сиз яна эшак байрамини ўтказсангиз, буни ўзингизга ҳурматан қилингиз, шу билан бирга менга ҳурматан ҳам адо этингиз: мени эслаб турингиз!”

Зардўшт шундай зикр қилди.

## МАСТОНА ҚЎШИҚ

### 1

Бу орада улар бирин-сирин тоза ҳавога, сарин, ўйчан тун бағрига чиқдилар; Зардўшт эса энг бадбашара одамни етаклаб олган, унга ўзининг тунги дунёсини, ойнанинг тўлган баркашини, мағора олдидаги кумуш шаршараларини кўрсатмоқчи бўларди. Мана ниҳоят улар ҳаммалари жам бўлиб, жимгина туришарди; булар кекса одамлар эди, лекин юраклари таскин топган, бир қарорда қойим бўлган, ер юзида ўзларини шунчалар яхши ҳис қилганликларидан ажабланардилар; кечанинг сирини эса қалбларига тобора чуқурроқ кириб борарди. Зардўшт яна ўз-ўзича ўйларди: “О, қанчалар менга ёқади бу олий одамлар!” — лекин у бу сўзларни тилига чиқармади, зотан, уларнинг бахти-ўрозини ва сукут сақлаб туришларини бағоят қадрларди.

Шунда узоқ давом этган бу ажиб кунда яна бир бағоят ажиб ҳодиса рўй берди: энг бадбашара одам иккинчи ва охириги марта хирқираб, гўлдирай бошлади, ниҳоят сўзга етиб келиб, унинг оғзидан аниқ, равшан, теран, яхши бир савол отилиб чиқди, бу саволни эшитганларнинг ҳаммасининг ҳам кўкси бир кўтарилиб тушди.

“Сиз ҳаммангиз, дўстларимиз, шу тобда юрагингиз нима деяпти? — деб сўради энг бадбашара одам. — Шу куннинг миннатдорчилиги учун айтай: мен биринчи марта бир умр яшаётганимдан рози бўлдим.

Буни тан олиб айтсам-да, лекин мен учун ҳали бу етарли эмас, ер юзида яшасанг арзийди: Зардўшт билан ўтказилган бир кун, битта байрам мени ерни севишга ўргатди.

“Мана шунинг ўзи — ҳаётми? — дейман мен ўлимга. — Майлига! Яна бир марта!”

Дўстларим, юрагингиз сизга нима деяпти? Сиз ҳам менга ўхшаб ўлимнинг юзига айтмайсизми: мана шунинг ўзи — ҳаётми? Майлига — Зардўшт учун — яна бир марта!”

Энг бадбашара одам шуларни айтарди; лекин тун яримлаб қолганди. Сиз нима дейсиз, шунда нима рўй берди? Олий одамлар унинг бу саволини эшитишлари биланоқ улар ўзларининг ўзгарганликлари ва соғайганликларини ва бунинг учун кимдан қарздорликларни бирдан англаб етишди — шунда улар миннатдорлик, ҳурмат-эътибор, муҳаббатга тўлган ҳолда ўзларини Зардўшт томон отишди, унинг қўлларини ўпишди, ҳар ким ўз аҳвол руҳиясига қараб, ким кулар, ким эса йиғларди. Кекса башоратгўй эса азбаройи роҳатланиб ўйин тушарди; ва агар кўп ёзувчилар айтмоқчи, у лазиз майдан мастона эса, ҳеч шубҳасиз, ҳаёт лаззатидан ундан ҳам ортиқроқ масту аласт эди; у ҳар қандай ҳорғинлиқни улоқтириб ташлади. Баъзиларнинг ҳикоя қилишларича, ўшанда эшак ҳам ўйинга тушган: энг бадбашара одам уни бекорга ичирмаган эди. Бу балки шундай бўлгандир, балки бошқачароқдир; ва мабодо ўша кеча эшак ўйин тушмаган тақдирда ҳам, эшакнинг рақсидан ҳам ўтиб тушадиган, ундан ҳам қизиқроқ, улуғворроқ, фаройиброқ воқеалар бўлиб ўтгани тайин. Бир сўз билан айтганда, Зардўшт, таъбирича ҳам “хўш, нима бўпти!”

## 2

Бу воқеалар энг бадбашара одам устида бўлиб ўтаркан, Зардўшт худди маст бўлиб қолган одамдай турарди: унинг кўзларидаги ўт сўнди, тили гапга айланмас, оёқлари дир-дир қалтирарди. Ким топа олади, ўшанда Зардўшт кўнглидан нима хаёллар ўтганини? Руҳи ундан чекиниб олдинда чопиб бораётгани, қайдадир кенг уфқларда адашиб, битикда айтилгандай “баланд қоя узра, икки денгиз ўртасида ўтмиш ва келажак аро мисоли оғир булут” кезаётгани кўриниб турарди.

Лекин олий одамлар суяб, қўлтиқлашиб, у аста-секин ўзига келди ва қўли билан ташвишли кўноқларини ўздан четга сурди; бироқ у миқ этмасди. Аммо у бирдан бошини тез ўгирди, зеро, у худди ниманидир эшитгандай эди; шунда у бармоғини лабига босди-да, деди: “Кетдик!”

Шу заҳот унинг атрофида жимлик ва сир чўкди; қайдандир ер қаъридан жом садоси келарди. Зардўшт ва шунингдек, олий одамлар ҳам унга қулоқ солиб туришарди; кейин у яна иккинчи маротаба бармоғини лабига босди-да, деди: “Кетдик! Кетдик! Тун яримга яқинлашяпти!” – унинг овози ўзгарди. Лекин у ҳамон ўрнидан кўзгалмасди – шунда янада кучлироқ сукунат ва янада каттароқ сир қўши ва бутун борлиқ олам тинглаб қулоқ тутарди, ҳатто эшак ва Зардўштнинг ҳурматли жониворлари, бургут ва илон, шунингдек, Зардўштнинг мағораси, ойнинг тўлган баркаши ва ҳатто туннинг ўзи қулоқ тутарди. Зардўшт эса, учинчи бора бармоғини лабига босиб, деди:

– Кетдик! Кетдик! Кетдик! Энди саргашта бўлгаймиз! Вақт бўлди! Тунда саргашта юргаймиз!

## 3

Тун яримлаб қолди, о, олий одамлар, мана, сизнинг қулоғингизга бир гап айтгим бор, манави эски жом менинг қулоғимга шундай сўйлаб туради ҳар замон;

– бу ярим тун чаладиган жом одамдан кўра кўпроқ нарсаларни бошидан кечирган, у менга шундай сирли, шундай ваҳимали ва шундай самимий қилиб сўйлаб беради;

– оталарингизнинг дардли юракларининг зарбаларини у аллақачон санаб бўлган, – оҳ! оҳ! Унинг хўрсинишига қулоқ солинг! Уйқуда ётиб кулади! кўҳна, теран, теран ярим тун!

Жим! Жим! Кундузи сўзланмайдиган кўп нарсалар эшигилади; лекин ҳаво, қаранг, мусаффо, юракларингизнинг шовқинлари ҳам пасаймоқда.

Энди у сўзланур, энди у тунда уйғоқ қалбларга оҳиста кириб борур, энди у эшитилур: оҳ! оҳ! У қандай хўрсиняпти! Уйқусида куляпти!

– Сен ахир эшитмаяпсанми қандай сирли, қандай ваҳимали, қандай самимий сўйляпти сенга, қари, теран ярим тун?

*О, тингла, дўстим!*

## 4

Оҳ, шўрим! Қайга кетди вақт? Мен теран булоқларга тушиб кетмадимми? Олам уйқуда.

Оҳ! Оҳ! Ит улир, ой тўлир. Ярим тунда юрагим ўйлаётган нарсаларни сизга айтгунча ўлган афзал, ўлган афзал деб биламан.

Мана мен ўлдим. Етар жойимга етиб келдим. Ўргимчак, нега менинг устимда тўр тўқимоқдасан? Қон сўришни хоҳлайсанми? Оҳ! Оҳ! Шабнам тушар, вақт етар.

– Ушбу соат эгим увишар ва совқотаман, ушбу соат сўрайди, тўхтовсиз сўрайди: “Кимнинг бунга матонати етади?”

– Ким ернинг эгаси бўлур? Ким айтур: сиз шундай оқишингиз керак эй, катга ва кичик дарёлар!”

– Соат етур: о, одам, о, олий одам, тингла! Бу сўз жуда нозик қулоқлар учун, сенинг қулоқларинг учун – *не дер аста ярим тун?*

## 5

Мен учиб кетяшман, кўнглим ўйин тушади. Ҳар кунги меҳнат! Ҳар кунги меҳнат! Ким ернинг эгаси бўлар?

Ой совуқ, ел жимжит. Оҳ! Оҳ! Сиз анча баланд учганмисиз? Сиз ўйинга тушдингиз, лекин оёқлар қанот эмас.

О, яхши ўйинчилар, шодликнинг вақти ўтди: май ачиди, барча жомлар синдилар, қабрлар тилга кирди:

Сиз унча баланд учмадингиз – энди қабрлар тилга кирди: “Ўлганларни қутқаринг! Нега тун бунча узоқ? Маст қилмасми бизни ой?”

О, олий одамлар, қабрларни қутқаринг, ўликларни тирилтиринг! Оҳ, нега яна қурт кемиради? Вақт етяпти, вақт келяпти.

– Жом гумбурлар, юрак яна хириллар, қурт кемирар, юракнинг қурти. Оҳ! Оҳ! *Олам – нақадар теран!*

## 6

Ширин забон чолғу! Ширин забон чолғу! Торларинг сасини севаман, ўша мастона қуриллаган овозлар! – Сенинг товушинг менга қанчалар секин, қанчалар олислардан, севги ҳавзаларидан эшитилади!

Сен, қари жом, сен, ширин забон чолғу! Барча қайғу-аламлар сенинг юрагингни вайрон қилди, ота қайғуси, бобо қайғуси, аждод қайғуси; сенинг сўзинг камолга етди;

– мисоли олтин қуз ва пешин чоғи, менинг дарвеш қалбим каби камолга етди, – энди дейсан сен: олам ўзи етилди, ток навдаси қизарди;

– энди у ўлишни истар, бахтдан ўлишни истар. О, олий одамлар, сиз ҳидни сезаяпсизми? Гизли ҳид таралар,

– муаттар ҳид, мангулик иси, қари бахтидан қорайган, ибо билан қизарган олтин ранг майнинг ҳиди;

– ўлимнинг мастона бахти, ярим туннинг бахти, у қўшиқ айтади:

*Олам – нақадар теран, ўй-ўйлаб етмас ёрон!*

## 7

Қўй мени! Қўй мени! Сен учун мен жуда тозаман. Тегма менга! Ахир менинг олашим ҳозир камолга етмадимми?

Сенинг қўлларинг учун менинг баданим ҳаддан ортиқ тоза. Қўй мени, эй сен, тентак, бефаҳм, дим кун! Ахир ярим тун ёруғроқ эмасми?

Энг тозалар ернинг эгалари бўлсинлар, энг бокиралар, энг кучлилар, ҳар қандай кундан ёруғроқ ва теранроқ ярим тун жонлари.

О, кун, сен изимдан пайпасланиб келяпсанми? Сен менинг бахтимга қўл чўзаяпсанми? Сен учун мен бойманми, ёлғизманми, сен учун дафина ва хазинаманими?

О, дунё, сен мени дейсанми? Сен учун мен дунёликманми? Мен художўйманми? Аммо кун ва дунё, сиз гоят дағалсиз,

– қўлингизни чаққонроқ қилинг, уларни бошқа теранроқ бахтга чўзинг, бошқа теранроқ бахтсизликка узатинг, аллақандай Худога узатинг уни, лекин ҳеч менга узата кўрманг,

– эй, мўъжиз кун, менинг бахтим ва бахтсизлигим терандир, аммо ҳар қалай мен Худо эмас ва Худонинг Жаҳаннами ҳам эмасман: *Дунё – қайғуга ботган.*

## 8

О, мўъжиз дунё, Худо қайғуси теранроқ! қўлларингни менгамас, Худонинг қайғусига чўз! Мен ким бўлибман! Мастона ширин забон чолғу!

Ярим тун чолғуси, жом саси, уни ҳеч ким тушунмайди, лекин у карлар қошида сўз айтмоғи даркор, о олий одамлар! Зеро, сиз мени тушунмайсиз!

Бўлди! Бўлди! О, ёшлик! О, пешин! О, чошгоҳ! Энди оқшом тушди, тун ҳам, ярим тун ҳам, – ит увлар, шамол, –

– ел ит эмасми? У чийиллар, акиллар, увиллар. Оҳ! Оҳ! Қанчалар у хўрсинади, қанчалар кулади, қанчалар хирқирайди ва оҳ уради, бу ярим тун!

Ҳозир у қанчалар ҳушёр сўзляпти, бу мастона хаёлкаш! У ўзининг мастоналигини ҳам ичиб қўйганга ўхшайди? У жуда ҳам тетик бўлиб қолибдими? У яна ямляптими?

У ўз қайғусини уйкуда ҳазм қиляпти, қари, теран ярим тун, ва ундан ҳам ортиқроқ ўз шодлигини ҳазм қиляпти. Зеро, қайғунинг чуқур бўлгани бу шодликдир: *Шодон булоқ ҳам оққан.*

## 9

Эй, сен узум навдаси! Не боис мени мақтайсан? Мен ахир сени кесиб ташладим-ку! Мен раҳмсиз, сендан қон оқяпти: — не боис сен менинг мастона раҳмсизлигимга ҳамду сано ўқийсан?

“Қамолига етган ҳар нарса, барча комиллик — ўлишни истайди!” — сен шундай дейсан. Хайрли, ҳа, хайрли бўлсин, боғбон қайчиси! Лекин барча гўр нарсалар яшашни истайди: вовайло!

Қайғу шишшир: “Йўқол! Кўзимдан нари, сен, қайғу!” Аммо барча азоб чекувчи яшашни истайди, етук, шодумон ва тўлғин бўлишни истар.

– Узоқроқ, бундан-да юсакроқ, бундан-да ёруғроқ нарсаларга тўлғин бўлишни истар. “Мен ворислар истаيمان, — дейди азоб чекувчи ҳар нарса, — мен бола кўришни истаيمان, мен ўзимни истамайман”.

Хуррам эса на ворис ва на фарзанд истайди, хуррам эса ўз-ўзини истайди, мангуликни истайди, қайтишни истайди, ҳамма нарса мангу бўлишини истайди.

Қайғу дейди: “Вайрон бўл, қонинг оқсин, юрак! Юринг, оёқлар! Учинг, қанотлар! Узоққа! Юксакка! Қайғу!” Майлига! Шундан бўлсин! О, менинг қари юрагим! Қайғу шишшир: тур, йўқол!

## 10

О, олий одамлар! Энди сизнинг дилингизда не бор? Башоратгўйманми мен? Хулиёгўй? Ё мастона? Ё таъбир айтувчи? Ё ярим тунда урилган жом?

Шабнам қатраси? Мангулик парлари ва ё муаттар ислари? Наҳот сиз эшитмайсиз? Наҳот сиз сезмайсиз? Менга тегишли олам шу тобда камолга етди, ярим тун — худди қоқ кундузги тушдек.

Қайғу қувончдек, қарғиш алқашдек, тун худди кундек, — кетингиз! Ё сиз-да ўрганурсиз: доно худди ўша телбаи зордек.

Сиз ҳеч қачон шодиёнанани кўрганмисиз? О, ёронларим, унда сиз ҳар қандай қайғуни ҳам кўргайсиз. Ҳаммаси чатишган, ҳаммаси чалкашган, ҳаммаси бири иккинчисига ошику беқарор:

– ҳеч қачон лаҳзани икки карра бошдан кечиришни истаганмисиз, сиз ҳеч қачон: “Сен менга ёқасан, иқбол! Сония! Лаҳза!” — деб айтганмисиз! Унда сиз ҳаммаси яна қайтиб келишини истагансиз!

– Ҳаммаси яна янгидан, ҳаммаси мангу, ҳаммаси чатишган, ҳаммаси чалкашган, ҳаммаси бири иккинчисига ошику беқарор, о, сиз, оламни шундай севгансиз;

– сиз, мангулар, уни мангуга ва ҳамма замонларга севингиз; ва шунингдек, қайғуга ҳам айтингиз: даф бўл, лекин яна қайтиб кел! Шодлик, *ота юртга чопа қол.*

## 11

Ҳар қандай шодлик барча нарсаларнинг мангу бўлишини истайди, асал истайди, хамиртуруш истайди, ярим тунлар мастоналигини истайди, қабрларни истайди, мозорларда кўзёшларга тасалли истайди, оқшомнинг олтин шафақларини истайди.

– Нималарни истамас шодлик! У ҳар қандай қайғуга қараганда ташнароқ,

самимийроқ, хоҳловчироқ, чатоқроқ, сирлироқдир, у ўзини истайди: у ўзига ёпишади, унда ирода ҳалқаси курашади;

– у яхши кўришни истайди, нафратланишни истайди, у бениҳоя бой, у тортиқ қилади, инкор этади, сўрайди, уни кимдир худди назр-ниёздай олишини хоҳлайди, олганга раҳмат айтади, у ўзини ёмон кўришларини ҳам истайди;

– шодлик шунчалар бойки, у қайғуга, нафратга, шармисорликка, бадрафторликка, дунёга ташна. Зеро, сиз бу дунёни биласиз, албатта!

О, олий одамлар, тийиқсиз, ҳалим шодлик сизни соғинар, сизнинг қайғунгизни соғинар, эй, омадсизлар! Ҳар қандай ўхшамаган нарсани соғинар ҳар қандай мангу шодлик.

Зотан, ҳар қандай шодлик ўз-ўзини истайди, мана шунинг учун ҳам, у қалб қийноқларини хоҳлайди! О, бахт, о, қайғу! О, юрак, вайрон бўл! Олий одамлар, ўрганинг, шодлик мангулик истайди.

Шодлик барча нарсаларнинг мангулигини истайди, ўзининг мангу уйига шошилади: *туққан юртда бўл хушҳол!*

## 12

Энди менинг кўшиғимни ўрганиб олдингизми? Унинг нима истагини англадингизми? Майлига! Шундай бўлсин! О, олий одамлар, келинг, ҳаммангиз жам бўлиб менинг кўшиғимни куйлаб берингиз!

Менга ўша номи “Яна бир марта” бўлган кўшиқни куйлаб берингиз, унинг маъноси — “абадулабад!” дир, ҳаммангиз жам бўлиб, о, олий одамлар, Зардўштнинг кўшиғини айтингиз!

О, тингла, дўстим!  
 Не дер аста ярим тун?  
 “Қаттиқ уйқу элитди —  
 Кўз очдим: менга нетти?”  
 Олам нақадар теран —  
 Ўй-ўйлаб етмас ёрон.  
 Дунё қайғуга ботган —  
 Шодон булоқ ҳам оққан.  
 Қайғу шишпир: тур, йўқол!  
 Ота юртга чопа қол —  
 Туққан юртда бўл хушҳол!

## КАРОМАТ

Тун ўтиб, тонг отди, Зардўшт ўрнидан сакраб турди, белини маҳкам боғлади ва ўз мағорасидан яшнаб-очилиб, худди қорамгир тоғлар ортидан кўтарилиб келаётган тонг куёшидек қувватга тўлиб чиқди.

“Улуғ куёш, — деди у худди бир пайтдагидай, — сен бахтнинг тубсиз кўзисан, нур сочишингга мунтазирлар бўлмаса эди, сенинг бахтинг нимага ҳам арзирди!

Сен уйқудан бош кўтариб, ҳадялар ато этмоқ ва улушлар бермоқ учун йўлга чиққанингда, улар ҳамон ўз уйларида турмаганларида эди, бундан сенинг мағрур номусинг қанчалар норози бўлурди!

Майлига! Улар, олий одамлар ҳали ҳамон уйқудалар, мен эса уйғоқман: улар менинг чин ҳамроҳларим эмас! Мен бу тоғларимда уларни кутганим йўқ.

Мен ўз ишимга тутганиш ва янги кунни бошлашни истаيمان — лекин улар менинг тонгим кароматлари қандайлигини тушунмайдилар, менинг қадамларим товушини эшитиб, улар уйғонмайдилар.

Улар ҳали маконимда ухлаб ётурлар, уйқуларида менинг мастона

қўшиқларимдан мириқурлар. Мени эшитгувчи қулоқлар — итоаткор қулоқ уларга етишмайди”.

Зардўшт шуларни кўнглидан ўтказаркан, қуёш тобора баланд кўтариларди. Шунда у илкис осмонга қаради, Зеро, ўз бургутининг ўктам қийқириғини эшитди: “Майлига! — деб қичқирди у кўкка боқиб. — Бу менга маъқул, бу худди бизбоп. Махлуқларим уйғонишди, зеро, мен уйғондим.

Бургутим уйғонди ва менга ўхшаб қуёшни эъозлар. Янги нурларни бургут панжалари била тутур. Сиз ҳақиқий жониворларимиз; мен сизни яхши кўраман.

Лекин менга ҳақиқий одамларим етишмайди!”

Зардўшт шундай зикр қилди. Лекин бу орада шундай бўлиб қолдики, Зардўшт бирдан ўзини жуда кўп қушлар ўраб олгандай ҳис қилди. Сон-саноқсиз қушларнинг қанотлари шувиллар, боши узра улар шунчалар патирлашар эдиларки, у беихтиёр кўзини юмди. Ҳақиқатан, унга неча юзлаб пат ўқлар худди янги душман бошига ёғилгандай бўлди. Лекин ҳозир бу янги ҳабиб устига ёпирилган муҳаббат булути эди.

“Менга нима бўляпти ўзи?” — деб ўйлади Зардўшт лолу ҳайрон қолиб ва мағорага кираверишда ётган катта харсанг тошга оҳиста ўтирди. Лекин у қушларнинг изҳори ошиқоналаридан ҳимоя қилиб, қўлларини ҳар томонга силкитаркан, яна бир ҳайратомуз воқеа рўй берди: ўзи билмаган ҳолда унинг қўллари қуюқ, қайноқ, тўзгиган ёлларни тутди; шу заҳоти унинг олдида ўкирган овоз эшитилди — бу арслоннинг беозор, чўзиқ ўкириғи эди.

“Каромат яқин”, — деди Зардўшт ва унинг юраги бошқача бўлди. Ҳақиқатан атроф ёришпач, у оёғи остида улкан сариқ махлуқ бошини одам тиззаларига қўйганча ётганлигини кўрди; у одамни севгани учун уни тарк этишни истамаган, бамисоли ўзининг эски хўжасини ахтариб топган итга ўхшарди. Лекин кабутарлар ҳам ўз муҳаббатлари изҳориди арслондан асло қолишмасдилар; ва ҳар гал кабутар арслоннинг боши олдидан патирлаб учганда, арслон ажабланиб бошини сарак-сарак қилар ва куларди.

Буни кўриб Зардўшт ёлғиз бир калима сўз айтди: “Менинг болаларим яқин, менинг болаларим” — кейин у мум тишлагандай жим бўлиб қолди. Аммо қалби тасалли топган, кўзларидан ёш қуйилар ва қўлига оқиб тушарди. У эса энди бошқа ҳеч нарсага эътибор бермас, қимир этмай ўтирар, махлуқларга индамасди. Кабутарлар эса, учиб кетишар, келишар, унинг елкаларига қўнишар, оқарган сочларини эрка тўзгитишар, изҳори меҳр кўрғазиб, ҳеч чарчамасдилар. Қудратли арслон эса Зардўштнинг қўлларига оқиб тушаётган кўзёш томчиларини тинмасдан ялар ва орада ботинмай ириллаб кўярди. Бу жониворлар ўзларини шундай тутишарди.

Буларнинг бари узоқ давом этдими, қисқами, билиб бўлмасди: зеро, ҳақиқатан ер юзиди бундай нарсалар учун вақт деган тушунчанинг ўзи йўқ. Бу орада Зардўшт мағорасидаги олий одамлар уйғонишди, Зардўшт билан кўришиш, саломлашиш учун ҳозирлана бошладилар: зеро, уйқудан кўз очиб, улар ўртада Зардўшт йўқлигини сезган эдилар. Лекин улар мағора эшигига ташир-тупур қадам товушлари яқинлашган чоғларида, арслон дарҳол қулоқларини кўрқинчли тик қилди-да, бошини шитоб билан Зардўшздан ўгириб ёр томон сакради: олий одамлар эса, унинг овозини эшитиб, ҳаммалари баравар қичқириб юбордилар-да, орқага чекиндилар ва бир зумда кўздан гойиб бўлдилар.

Бироқ Зардўштнинг ўзи қулоғи битган ва лолу ҳайрон ҳолда ўрнидан турди, қалбини сўроқлаганча, теваракка ҳайратланиб қаради, ўйланиб бир ўзи туриб қолди. “Нимани эшитдим? — деди у ниҳоят оҳиста. — Ҳозир менга нима бўлди?”

Шунда бирдан ҳаммаси эсига тушди ва дарҳол кеча ва бугун ўртасида бўлиб ўтган нарсаларни тушунди. “Мана, харсангтош, — деди у соқолини сийпалаб, — унда кеча эрталаб ўтирган эдим; шу ерда олдимга башоратгўй

чол келган эди, шу ерда биринчи марта ҳозиргина янтраган буюк ёрдамга чақриқ овозини эшитган эдим.

О, олий одамлар, башоратгўй чол кеча эрталаб сизга ёрдам беришни гапирган эди.

Сизга ёрдам билан мени йўлдан урмоқчи, васвасага солмоқчи бўлди: о, Зардўшт, – деди у менга, – сен охирги гуноҳингни адо этмоғинг учун ҳузуринга келаётirman.

– Қайси охирги гуноҳим? – хитоб қилди Зардўшт ўз сўзларидан зардали кулиб. – Менга нима охирги гуноҳ каби қолдирилган экан?

Шунда Зардўшт яна ўз ўйларига гарқ бўлди, яна харсанг тош устига ўтирди-да, фикрга толди. Бирдан у сакраб турди.

“Ҳамдардлик! Олий одамга ҳамдардлик! – деб хитоб қилди у ва унинг юзи худди мис каби яллиғланди. – Майлига! Бунинг вақти етган эди!

Менинг дардим ва ҳамдардлим – майлига! Мен ахир бахт қидиряпманми? Мен ўз ишимни изляяпман!

Ана! Арслон келди, болаларим яқин, Зардўшт етилди, менинг вақтим бўлди.

Бу менинг тонгим, куним туғди: тур энди, тур ўрнингдан, эй буюк пешин!”

Зардўшт шундай зикр қилди ва қорамтир тоғлар ортидан чиқиб келаётган қуёш каби яйраб-яшнаган, қудратга тўлган ҳолда ўз мағорасини тарк этди.

*Тамом.*

*Иброҳим ҒАҒУРОВ таржимаси.*



## Орол муаммосининг ечими борми?

**Р**еспубликамизда экологик муҳитни яхшилашнинг асосий йўли Орол муаммосининг ечими билан чамбарчас боғлиқдир. Орол денгизининг қуриши ўзининг кўлами ва оқибатлари жиҳатидан шу даражада оғир ва мураккабки, унинг ечими хусусида бирон-бир аниқ фикрни топиш мушкул.

Бинобарин, ҳозирги кунда энг оғир дардга чалинган, аҳён-аҳёнда зўрга нафас олаётган “хаста” денгиз “муолажаси” хусусида шу қадар кўп ва хилма-хил фикрлар баён этилмоқдаки, уларни эшитган ҳар қандай энг иқтидорли мутахассис ҳам гангиб қолиши ҳеч гап эмас. Чунки кўплаб таклиф ва фикрларни ўқиб ёки эшитиб ҳайратга тушасиз.

Орол тўғрисида билдирилаётган таклифларнинг сон-санови йўқ. Аслида, бу борада баҳслар бўлиб тургани ҳам яхши, булар Оролнинг касалига тўғри таъхис қўйишда асқотади.

*Хурматли Президентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50-сессиясида ҳамда Дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакат раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган учрашув ҳамда ўтган йилги Душанба шаҳрида Орол муаммосининг ечимига бағишланган йиғилишида сўзлаган маърузасининг асосий қисми Орол денгизи сувининг қуриши оқибатида юз бераётган дахшатли воқеалар, бу нафақат Ўзбекистон, ер юзидаги халқлар учун катта фожиа эканлигини қайта-қайта гапириб, бутун Дунё халқига мурожаат қилишлари, бу фожияни энг нуфузли давлатлар ва ташкилотлар биргалишиб ҳал қилиши зарурлигини таъкидлаган эдилар.*

*Ҳўш, Орол муаммоси жуда катта фожиа экан, бунинг олдини олиш учун қандай амалий ишлар қилинмоқда.*

Оролни қутқаришга бағишланган юзлаб нуфузли кенгашлар бўлмоқда, юзлаб лойиҳалар ишлаб чиқилди, Оролни қутқаришга мўлжалланган бир нечта ташкилотлар тузилди, оқибатда миллион-миллионлаб маблағлар сарфланмоқда. Сон-саноксиз мулоҳазалар, таклифлар бўлмоқда, аммо Оролнинг дарди кундан-кунга оғирлашиб, денгиз суви қуриган майдонларда қум саҳролар ҳажми соат сайин кўпаймоқда.

*Ҳа, Орол фожияси ҳақиқатан энг оғир муамمودир.*

Ярим асрдан кўпроқ даврда республикамизнинг бутун суғориладиган ерларига ишлатиладиган кимёвий ўғитлар, гербицидлар, айниқса пахтага самолётларда сепилган заҳарли дефолиантларнинг ҳаммаси ероти сизот сувлари билан Амударё ва Сирдарё орқали Орол денгизига бориб чўкма сифатида ўрнашиб қолди. Ҳозирги кунда Орол сувининг қуриши натижасида бу чўкма қумлар кучли шамоллар таъсирида ҳавога кўтарилиб, атроф муҳитни заҳарламоқда, ерларга ёғилиб, тушроқларни шўрлатиб юбормоқда, сувларни яроқсиз ҳолга келтирмоқда. Инсонларга, айниқса ёш болаларга, она қорнидаги ҳали туғилиб улгурмаган болаларга нафас орқали бўлаётган таъсири туфайли ҳар хил кутилмаган оғир хасталикларни келтириб чиқараётганлиги ҳозирги кунда ҳеч кимга сир эмас.

Ҳўш, Оролнинг оғир таъсири, фожияси шу билан чегараланиб қоладими ёки бошқа оқибатларга ҳам олиб келадими? Ҳа, худди шундай. Орол денгизининг қуриши натижасида янада дахшатлироқ воқеалар содир бўлиши табиийдир.

*Бу яна қандай офат бўлиши мумкин?*

Бизнинг республикамиз ҳудудида жойлашган 25 млн.гектарга яқин бўлган Қизилқум воҳасининг асосий қисми қумликлардан иборат бўлиб, шундан 5 млн. гектардан ошиғи хавфли, 1 млн. гектари эса ўта хавфли кўчма қум барханларидан иборат. 1940 йилларгача ушбу воҳада кучли шамоллар, бўронлар тез-тез кўтарилиб турган ва 30-40 метр баландликда кўчма қумлар шамол йўналишига қараб доим ҳаракатда бўлган, ўша пайтлари аҳолининг бу воҳада аниқ бир жойда макон қилиб яшаши ёки деҳқончилик қилиши, қишлоқ ҳўжалик экинлари экиш имкони бўлмаган, чунки кутилмаган пайтда миллионлаб тонна қум



барханлари остида қолиб кетмасликка ҳеч ким кафолат бера олмаган. Ҳатто Амударё, Сирдарёлар қум босиш оқибатида бир неча мартаба ўз ўзанини ўзгартирган. Варахша, Варданзе каби ёдгорликка бой шаҳарлар қум остида қолиб кетган. Бу воҳа республикамизнинг 70 фоизига яқин майдонини эгаллайди. 1924 йиллардан бошлаб Қизилқум воҳасидаги бу даҳшатли талафотларнинг олдини олиш мақсадида қум барханларининг ҳаракатини тўхтатувчи тadbирлар ишлаб чиқилиб, уни бажарувчи ўрмончи гуруҳлар ташкил қилинган, аста-секин бу гуруҳлар Қорақўл, Тўртқўл ва Шофиркон ўрмон хўжаликларига айлантирилиб, буларнинг асосий вазифаси кўчиб юрвчи қум барханларини тўхтатиб қолишдан иборат бўлган. У пайтда минглаб туя, от, эшакларда қўллар атрофларида ўсувчи юлғун ва қамишларни юзлаб километрларга ташиб бориб, қум барханлари атрофларида тўсиқлар қуриб, улар атрофига чўл ўсимликлари ҳисобланган саксовул, черкез, кандим кабиларнинг табиий ўстанларини топиб, уруғидан ва қаламчасидан экиб, жуда катта қийинчилик билан аста-секин чўл ўрмонзорлари пайдо қила бошлаганлар.

Ота-бобо ўрмончиларимизнинг бу машаққатли ва тинимсиз меҳнатлари 1960 йилларга келиб ўзининг ижобий самарасини бера бошлаган.

Кўчма қум барханлари аста-секин ям-яшил ўрмонзорлар орасида қолиб кета бошлаган ва қумлар ўз-ўзидан теп-текис ерга айланиб қолган.

Ҳозирги кунга келиб бир пайтлари ҳар қандай нарсани бир зумда домига тортиб кетган Қизилқум воҳасида 6 млн. гектардан ошиқ майдонда саксовул, черкез, кандимзор ўрмонлари барпо қилиниб, ям-яшил воҳага айланиб қолган.

Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятлари ҳамда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг бир қисми асосан қумли ҳудудлардан иборат бўлиб, республикамизнинг қишлоқ хўжалиги экинлари, галла, пахтачилик ва чорвачиликнинг ҳам асосий қисми шу ҳудудларда етиштирилиши ҳаммага маълум.

Демак, бу вилоятлар ҳудудларидаги бир пайтлар катта офат ҳисобланган қум барханларини ўрмончиларимиз саъй-ҳаракати билан барпо этилган; чўл ўрмонлари туфайли ҳозирги кунда бу катта офат — кўчма қумлар ҳаракати тўхтаган.

Аммо, минг афсуски, ҳозирги кунда Орол денгизининг қуриши Қизилқум воҳасидаги қум барханларини тинч-осойишта ушлаб турган ям-яшил ўрмонзорларга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Агар ястаниб ётган 5-6 млн. гектардаги қум барханлари қайта ҳаракатга келса, буни ҳеч бир куч тўхтата олмаслиги ва республикамиз иқтисодиётига катта зарар етказилиши мумкин.

*Бу даҳшатли офат қандай содир бўлиши мумкин ва унинг сабаблари нимада?*

Орол денгизи суви қуриган майдонлардан ҳозирги кунларда юз миллионлаб заҳар-заққум чанг, тузлар кўтарилиб, атроф-муҳитни заҳарламоқда, ерларни пўрлатмоқда.

Бу, биринчи навбатда, Қизилқум воҳасига, ундаги ўсимлик дунёсига ўзининг катта таъсирини ўтказмоқда.

Аслини олганда ер юзида ўсимлик дунёсининг асосий қисми табиий ҳолда кўпаяди, қолган қисми инсонлар қўли билан яратилади.

Ородан кўтарилётган тузлар Қизилқум воҳасидаги ўсимликлар айна гуллаган пайтида улар устига ёғилмоқда, натижада гуллаган новдалар уруғламасдан қуриб-қовжирмоқда. Осмондан ёғилётган зарарли тузлар таъсирида катта-катта майдонларда қум барханларини тўсиб турган чўл ўрмонлари йўқолиб бормоқда.

Агар аҳвол шу йўсинда давом этаверса, чўл ўрмонлари қуриб қолиши натижасида тинч ётган қум барханлари қайта уйғониши ва яна ҳаракатга келиши, пахтачиликка, қишлоқ хўжалиги экинзорларига, аҳоли яшайдиган ҳудудларга, катта-катта иншоотларга қутилмаганда талафотлар етказилиши мумкин.

Биз фақат Қизилқум воҳаси билан боғлиқ бўлган мисолни келтирдик, аммо бошқа ҳудудларда ҳам бўлаётган бу таъсирлар турли хил салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

*Орол фожиясининг олдини олиш мумкинми?*

*Бутун ер юзида ўсимлик дунёсини кўпайтирмасдан, борини асраб қолмасдан туриб ҳеч вақт экологик муаммо ҳал бўлмайди. Чунки ўсимлик, ўрмонзорлар, бу тоза кислород ва тоза сув демак, бу ҳаёт дегани, шундай экан, биринчи навбатда ўрмончиликка катта аҳамият берилмоғи ва бу соҳани қўллаб-қувватламоқ зарурдир.*

Мамлакатимиз кам ўрмонли ҳудудлардан ҳисобланади, аммо тоғ ва чўл ўрмонларининг аҳамияти шу қадар каттаки, дангал қилиб айтганда бу ўлкамиз тақдирини ҳал қилувчи асосий манбалардан бири ҳисобланади.

*Биз, ўрмончилар, Орол денгизи суви қуриган майдонларда 1990-2000 йиллар мобайнида олиб борган изланишлар натижасида шунини аниқ исботладикки, Орол денгизи фожиясининг олдини олишнинг фақат икки йўли бор.*

*Биринчи йўли — Оролни сувга тўлгазиш, лекин бунинг иложи йўқ.*

*Иккинчи йўли — аниқ сигналган йўл, денгиз суви қуриган майдонларни тезлик билан яшил ўрмонзорларга айлантириш.*

*Ушбу иккинчи йўл аниқ, бизнингча энг ишончли ва Оролнинг асосан атроф-муҳитга кўрсатаётган таъсирини бутунлай тўхтата оладиган йўлдир.*

*Биз, ўрмончилар, бунн ўн йил мобайнида тўлиқ ўз синовимиздан ўтказдик ва амалда исботладик, ҳозирги кунда бундан бошқа ҳеч қандай ечим йўқ.*

1990-2003 йиллар ичида бир пайтлар суви қалқиб ётган Орол тубида ҳозирги кунга келиб 180 минг гектардан ошдиқ ерда ям-яшил, бўйи 4-5 метр келадиган саксовулзорлар барпо қилинди. Мана шу ўрмонзорлар барпо қилинган ерга борган кишининг у ердан кетгиси келмайди. Тўлиқ экотизим тиклана бошланди, ўрмонлар ичида ҳар хил ўт-ўланлар кўпайди ва кўплаб ёввойи ҳайвонлар пайдо бўла бошлади, ўрмонзорлар майдони қанчалик кўпайса, ер ости сувларининг кўтарилиши тўхтади, иккинчидан шўрланишнинг ҳам олди олинади. Энг асосийси, ҳавога кўтариладиган заҳарли чанг-тузлар бутунлай тўхтаб, пайдо бўлган кум барханлар теп-текис ерга айланади қолади. *Утмишда Қизилқум воҳасида ота-боболаримиз қилган ишларни биз ҳозирги кунда Орол тубида такрор амалга оширдикки, бу қилинган ишлар ўзининг катта ижобий таъсирини яна бир бор исботлади.*

Орол тубида ҳар бир гектар ердан ҳавога кўтарилаётган заҳарли чанг-тузлар кўплаб кишиларни, ёш болаларни, ўсимлик ва ҳайвонот оламини заҳарлаётганини ҳисобга олсак, бутунги кунда ўрмончилар сабй-ҳаракати билан 180 минг гектар ерда барпо қилинган ўрмонзорлар туфайли бу ердан миллионлаб тонна заҳарли чанг тузларнинг ҳавога кўтарилиши батамом тўхтатилиши, бу биз сезмаган ҳолда минглаб, юз минглаб кишиларнинг, минглаб гектар унумдор ерларнинг заҳарланиб, шўрланиб кетишини сақлаб қолингалигини яққол исботланиб турибди.

Бу ишлар, албатта, ўз-ўзидан бўлмапти, чунки чўлда ўсадиган — саксовул, черкез, кандимлар сувсиз 50-60 даража иссиқликда ҳам ям-яшил бўлиб турадиган мўъжизавий ўсимликлардир. Асосан чўл ҳудудларида ўрмон барпо этиш учун миллионлаб кўчат етиштирилади, юз тонналаб чўл ўсимликлари уруғлари тайёрланади ва минг-минглаб куб метр қамиш ўрилиб, ҳар бир кўчатни шамол учуриб кетмаслиги учун ёнига жайлари тўсиқ қилиб қўйилади. *Бу ишлар асосан айни изғирин совуқ — ноябр, декабр, январ, феврал, март ойларида ертўлаларда яшаб туриб бажарилмоқда.*

Қуриган Орол таъсирида инсонлар азият чекапти, оғир дардларга чалинапти. Бундай салбий таъсирларнинг олдини олиш учун мамлакатимизда жуда катта ишлар қилинмоқда, чет эл инвестициялари ва ўз маблағларимиз сарфланмоқда. Орол ҳудудида яшовчи халқлар саломатлиги учун вагонлаб дори-дармонлар етказиб берилмоқда. Янги-янги шифохона ва амбулаториялар қурилмоқда, ичимлик сувларини кўпайтириш, тозалаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

*Аммо бир савол туғилади: салбий оқибатларни келтириб чиқараётган, инсонлар соғлиғига катта таъсир қилаётган, ерларга туз бўлиб ёғилаётган, инсонларда кутилмаган хасталикларни келтириб чиқараётган асосий манба—Орол денгизи суви қуриган майдонлардан кўтарилаётган заҳарли чанг-тузлар эмасми? Ҳўш, асосий заҳарли тарқатаётган манбани тўхтатмасдан туриб, у ердан кўтарилиб, устимизга ёғилаётган ажал заррачаларини бартараф этмасдан туриб, ҳар хил мулоҳазалар қилиш, вагонлаб дори-дармонлар ташиш, беқиёс маблағлар сарфлашдан қанчалик фойда келиши мумкинлигини ўйлаб кўриш вақти келмадимикан?*

*Биз, ўрмончиларнинг, таклифларимиз қўйидагилардан иборат:*

Бизнингча, чангиб ётган майдонларни тезлик билан яшил ўрмонзорларга айлантиришда ўрмончиларга барча шароитларни яратиб, уларга ҳар томонлама кўмаклашиб, техника, маблағ масаласини етарли миқдорда ҳал қилиб, бу ишга Давлат миқёсидаги асосий масала сифатида ёндашиб, у ерда барпо қилинаётган ўрмонзорлар ҳажмини бир неча баробарга кўпайтириш ва қумлоқларни яшил майдонга айлантиришни тезлатиш учун барча чораларни кўришдир.

Чунки Оролнинг суви қуриган майдонининг 1 млн. 300 минг гектарга яқини мамлакатимиз ҳудудига тўғри келади, шу майдоннинг ичида асосан 600 минг гектарга яқин майдонидан заҳарли чанг-тузлар ҳавога кўтарилиб, атроф-муҳитни заҳарлаётгани аниқ. Биз, ўрмончилар, ҳозирги кундаги бор имкониятларимизни ишга солиб, маблағимиз ва техникамизнинг кучи етганича, оғир шароитларда ҳар йили 18 минг гектардан янги ўрмонзорлар барпо қилмоқдамиз. Агар ҳар йили 18 минг гектардан ўрмон барпо қилинса, демак 600 минг гектарни 30-35 йилда тугатиш мумкин, шунча йил мобайнида Оролнинг қандай салбий таъсир бўлишини юқорида таъкидлаб ўтдик. Шу сабабли — биринчидан, ҳар йили суви қуриган Орол денгизи тубида ишлаш учун барча шароитларни яратиб, маблағ ва кучли техникалар муаммосини ҳал қилиб, йилига 50-60 минг ва ундан ҳам кўпроқ майдонда иш бажарилишини таъминлаш — ҳозирги куннинг энг муҳим ва долзарб вазибаларидан бири бўлиши лозим.

*Орол денгизининг суви қуриган майдонидан кўтарилиб, ҳавони заҳарлаётган зарарли таъсирлари камайтирилса ёки бутунлай тўхтатилса, биринчи навбатда шу минтақада яшаётган халқлар учун кўрсатилаётган тиббий ва бошқа ёрдамлар натижаси ҳам ижобий томонга ўзгаради, унумдор ерларга, ўсимлик дўнёси устига*

*ёғилаётган заҳарли тузларга барҳам берилади*, бу ўз республикамиз иқтисодиётига катта ижобий таъсири кўрсатади.

Иккинчидан, ҳозирги кунда Орол денгизи томонидан бўлаётган салбий оқибатларнинг олдини олиш учун кўшимча энг зарур тадбирий чоралардан бири — барча суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдонлари атрофларини камида ҳар 300-400 метр ораликда 4-6 қатордан ихота дарахтзорларини барпо этмоқлик ҳам муҳимдир. Чунки бу тадбир, агар аниқ режа, лойиҳа асосида кўнгилдагидай амалга оширилса, бунинг эвазига ҳосилдорлик кўтарилади.

Маълумки, баландлиги 1 метр келадиган ихота дарахтлар ўзидан орқада экилган 10 метр ердаги экинни ҳар қандай табиий офат, иссиқ гармсел шамоллардан асрайди, агар ихота дарахтларининг баландлиги 15-20 метр бўлса, улар 150-200 метр ва ундан ошيق майдондаги қишлоқ хўжалиги экинлари, галлазор ва пахтазорларни ҳар хил офатлардан, ҳаттоки занг касалинини ҳавода бир даладан иккинчисига ўтиб, тарқалиб кетишининг олдини олади. Ерости зах сувларининг кўтарилиши камаяди, ернинг нами сақланади, ҳаво ҳароратининг ошишига, гармсел шамоллар кўчйишига йўл қўйилмайди.

Ҳозирги кунда иқлимнинг йилдан-йилга салбий томонга ўзгариши ҳамда жуда кўп вилоятларда июл, август ойларида бўладиган кучли иссиқ гермсел шамоллар натижасида катта миқдорда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги кескин камаймоқда. Шунинг учун ҳам ихота дарахтларини кўпайтиришга бир кун бўлса ҳам олдинроқ киришилса, бу тадбир келажакда муҳим самарасини беради.

Бу тадбирни тез ва қисқа муддатда сифатли қилиб амалга ошириш учун нима қилиш керак? — деган савол туғилиши табиий.

Бунинг учун ҳозирги кунда суғориладиган ва лалми экинлар экиладиган ерлар асосан деҳқон фермерлар қўлига ўтмоқда, мана шу фермерлар авваламбор дала ихота ўрмонларининг аҳамиятини тўлиқ тушуниб етишлари лозим, чунки ихотазорлар, юқорида таъкидланганидек, ҳар қандай қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини 6-8 центер ва ундан ҳам кўпроққа оширади. Айрим кишилар ихота ўрмонлари экинларга соя солади, 3-4 метр жойда ҳосил бўлмайди, деган фикрга боради, бу мутлақо нотўғри, аксинча, ҳосилдорлик ошади. Шунинг учун ҳар бир фермер ўз ери атрофини мутахассислар кўрсатмаси асосида ихотазорлаштириши керак бўлади. Агар фермер келажакни, ўз иқтисодини тубдан яхшилашни ўйласа, бу тадбирни, албатта, амалга ошириши лозим.

Ўйлаймизки, ҳар бир тадбиркор фермер ўз фойдасини ўйлаган ҳолда бу ишга тезлик билан киришади, керак бўлса зарур кўчатларни сотиб олмасдан ўзида етиштириши ҳам мумкин.

Бу ишларни давлат ўзи қилиб беради, деган эски ўйларни миядан чиқариш вақти келди, чунки бу тадбир, агар давлат томонидан амалга оширилса, ўнлаб йиллар керак, фермерлар учун эса атиги 1 йил кифоя қилади, холос, ортиқча харажат ҳам талаб этилмайди.

Учинчидан: Қизилқум воҳасида 200 минг гектарга яқин майдонда Бухоро “яшил қалқони”ни барпо қилиш ҳамда Орол денгизи тубида ўрмонзорлар яратиш бўйича олиб борилаётган тадбирларни катта миқёсда амалга ошириш учун давлат инвестиция дастурига бу масалани ҳам киритиш зарур. Бу борада Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинса, мақсадга мувофиқ иш бўлур эди.

*Қачонки инсонлар тоза ҳаводан нафас олиб, тоза сув ичмас экан, уни ҳар қанча дори-дармон билан даволаш беҳудадир, буни ҳаммамиз ҳам яхши тушунаимиз.*

Хулоса қилиб айтганда, Орол фожиасининг бартараф қилиниши мамлакатимиз иқтисодиётининг янада юксалишига, халқимиз саломатлигининг тубдан яхшиланишига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг сақлаб қолинишига, энг асосийси, келажак авлодимиз учун она табиатимизни бутунлигича асраб қолиб, хайрли ва савоб иш қилишимизга олиб келар эди.

*Шермуҳаммад ЮСУПОВ,  
Республика Ўрмон хўжалиги  
Бош бошқармаси бошлигининг  
биринчи ўринбосари.*



## Башарият маданиятининг кўхна ўчоғи

Э.Аҳмедова ва Р.Габидуллиннинг  
“Культурология. Мировая культура”  
китоби ҳақида баъзи мулоҳазалар

**Х**озирги кунда Ўзбекистонда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш жараёни қизғин кечмоқда. Ижтимоий-маърифий таълим ислоҳотининг муҳим йўналишларидан бири уни инсонпарварлаштиришга бўлган ҳаракат ҳисобланади. Бу эса таълим-тарбия жараёнининг мақсад ва вазифаларини қайта белгилашни талаб қиладики, бу жараёнда маданиятшунослик фанининг аҳамияти бениҳоя ортади.

Кўлимиздаги китобнинг мазмун-моҳияти талабаларнигина эмас, балки маданият масалалари билан қизиқувчи кенг ўқувчилар эътиборини тортиши шубҳасиз.

Мазкур рисола уч қисмдан иборат бўлиб, уларда маданият назарияси, жаҳон маданияти тарихи ва юртимиз халқларининг маданий жиҳатдан босиб ўтган мураккаб йўллари кенг ёритиб берилган.

Китобнинг биринчи қисми маданиятшунослик ва маданият тушунчалари тавсифига бағишланган боб билан очилади. Унда муаллифлар маданиятшунослик фанини мажбурий ўқув предмети даражасига кўтариш масаласининг муҳимлигини асослашга ҳаракат қиладилар. Бу ҳаракат, юқорида таъкидланганидек, жамиятда гуманистик гоёлар ва қадриятларни тарғибу ташвиқ қилган ҳолда, маориф тизимини, умуман, жамиятни янада инсонпарварлаштириш, уни инсон орзу-умидларига кўпроқ яқинлаштириш истаги билан изоҳланади.

Э.Аҳмедова ва Р.Габидуллин маданиятшуносликнинг ижтимоий билимлар тизимидаги роли унинг эстетик характеридан келиб чиқадиган ўзига хосликлар билан изоҳланишига эътиборни жалб қиладилар. Зеро, жаҳон маданияти тарихи ва назарияси ўтмиш ва бугуннинг жонли манзарасини кўз олдимизда яққол гавдалантириб, маданий тараққиётидаги ҳар бир босқич, аввало, инсон тўғрисида

маълумот беради, унинг инсонийлашиш жараёни, онги, фикри ва қарашларидаги ўзгаришларни бевосита акс эттиради.

Муаллифлар “маданият” ва “тамаддун (цивилизация)” терминларининг моҳияти ҳамда аҳамиятини очиб берганлар. Улар асосли қайд этганларидек, юксак цивилизация шароитидагина маданий ўсишнинг юқори кўрсаткичлари қайд этилади, моддий ва маънавий маданиятнинг ўлмас обидалари дунёга келади.

Мазкур китобнинг иккинчи қисмида ибтидоий даврлардан бошлаб XX асрни ҳам қамраб олган жаҳон маданияти тарихи ва тараққиёти таҳлил этилади. Бунда, айниқса, умуминсоний қадриятларнинг дастлабки унсурларини яратиш орқали дунёвий цивилизация пойдеворига асос солган қадимги маданият ўчоқларига алоҳида тўхталади. Муаллифлар, ҳар бир давр маданий ҳаётидаги ўзига хосликлар, эътиборли жиҳатлар, тараққиёт босқичларидаги муҳим омилларни очиб берар эканлар, вақт ўтиши билан улар эришган ютуқлар жаҳон маданиятига қандай таъсир кўрсатганини ҳам теран кузатадилар.

Бу ўринда китоб муаллифлари яна бир бор исботлашган тарихий фактга — адолатли хулосага алоҳида диққат қилиш лозим бўлади. У ҳам бўлса, худди Миср, Месопотамия, Эрон, Ҳинд, Хитой сингари энг қадимий тамаддунлар қатори Марказий Осиёнинг ҳам башарият маданиятининг кўхна ўчоғи эканлиги тўғрисидаги хулосадир.

Китобда турли маданиятлар ўртасидаги ўзаро алоқалар ва таъсирлар мавзуси қизиқарли тарзда ёритиб берилган. Олимлар тўғри таъкидлаганларидек, маданиятлараро муштаракликнинг юзага келишида улар ўртасида кечган ўзаро мулоқот ҳал қилувчи ролни ўйнаган. Зеро, инсоният жамиятининг тараққиёти жараё-

нида турли халқлар ўртасидаги маданий алоқалар кенгайиб ва кучайиб боради. Бу алоқаларнинг муайян босқичида эса маданиятларнинг синтезлашув ҳодисаси рўй беради. Э.Аҳмедова ва Р.Ғабидуллин маданий синтезлашув ҳодисасини турли маданиятлар ўртасидаги ўзаро алоқа, бир маданий макон томонидан эришилган ютуқларни бошқалари томонидан ижодий ўзлаштириш ҳосиласи, дея талқин этадилар. Муаллифлар бундай синтез намунаси сифатида Ғарб ва Шарқ маданий маконларини мисол келтирадилар. Маданий тарихидаги дастлабки ва энг кўзга кўринган Ғарб-Шарқ маданий синтези намунаси сифатида, масалан, эллинизм ҳодисаси эсланади.

Шу ўринда муаллифларнинг айрим баҳсли фикрларига алоҳида тўхталиш ҳам фойдадан холи бўлмасди, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, уларнинг “Александр Македонскийнинг тарихий миссияси улкан ҳудудларни босиб олиш, кўплаб халқларни истило қилиш ва маҳобатли, бироқ, моҳияти жиҳатидан қамровга сифмас империяни ташкил этиши билан эмас, балки кейинчалик юзага келган эллинизиш ҳодисасининг асосчиси экани билан белгиланади” деган хулосаларига мутлақо қўшилиб бўлмайди. Зеро, Шарққа қараб юришга отланар экан, А.Македонский биринчи навбатда сиёсий мақсадни — Форс давлатини янчиб ташлашни кўзлаган эди. Кейинчалик эса унда бутун Шарқни бўйсундириш ва улкан давлат қуриш режаси пайдо бўлган. Эллинизм эса шу сиёсий жараённинг ҳосиласи сифатида — А.Македонский ўлимидан кейин унинг ҳарбий лашкарбошилари томонидан Шарқда ташкил этилган давлатлар ҳудудида майдонга келган. Бу давлатларнинг оёққа туришида дастлаб грек-македон кўшинининг қудрати асосий омил бўлиб хизмат қилган бўлса, фақат кейинчаликки сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий-мафкуравий синтезлашув ҳодисаси юзага келган.

Учинчи қисм Марказий Осиё халқларининг маданий-тарихий мероси таҳлилига бағишланади. Муаллифлар бу қисм бошланишида мустақилликнинг дастлабки йилларида “муштарак тарихни, анъаналарни, маданиятни, маънавий меросни ажратиш”га уришни ҳоллари ҳам юз берганини таъкидлайдилар. Улар тўғри уқтирганларидек, бу меросни алоҳида халқлар “тарихи”дан иборат қилиб кўрсатиш

ҳам, уни бугунги кунда мавжуд бўлган муайян ягона халқнинг ўтмиши сифатида талқин этиш ҳам асло мумкин эмас. Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбеклар ҳам, ўз аجدодлари сингари, асрлар оша умумий тарих ва умумий маданиятга эга бўлганларки, бугунга келиб у айна халқларнинг умумий меросига айлангандир.

Бизнингча, муаллифларнинг Марказий Осиёни “тарихий-этнографик” ёки “тарихий-маданий” област деб белгилашлари мунозарали ҳолдир (228-бет). Гап шундаки, Марказий Осиё ҳудудий-жуғрофий ва этно-маданий жиҳатдан “област” тушунчасидан кўра анчагина кенгроқ ҳодиса ҳисобланади.

Шу ўринда “Марказий Осиё цивилизацияси” ва “Ўзбекистон цивилизацияси” тушунчаларини кенгроқ очиб берилганда, мақсадга мувофиқ иш бўлур эди. Зеро, бу терминлар ҳозирги илмий адабиётларда кенг қўлланилмоқда.

“Ўзбекистон маданияти” деб номланган 18-боб шўро даври ва мустақилликнинг дастлабки йилларида кечган маданий ҳаётнинг қисқача тавсифига бағишланади. Бизнингча, боб сарлавҳасида даврлараро чегаралар аниқ кўрсатилганда тўғрироқ бўларди. Қолаверса, бу бобда маданият ҳақида негадир жуда кам гапирилади. Аниқ номи ва йўналиши сарлавҳада белгилаб қўйилган боб, асосан, бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидаги ислохотлар, мустақил республика тараққиётининг асосий тамойиллари, унинг ташқи сиёсати, халқро муносабатлари ва давлатлараро ҳамкорлик масалалари тавсифига бағишлангани кишида таажжуб уйғотади.

Шу нуқтаи назардан, бизнингча, китобнинг 3-қисми жиддий қайта ишлашга муҳтождир. Бу вазифани рисоланинг иккинчи нашрига тайёргарлик кўриш жараёнида ҳал қилиш мумкин, деб ўйлаймиз.

Тақриз қилинаётган мазкур китоб ўқувчилар оммасига тушунарли тилда битилган. У давлатимизнинг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни талабларига жавоб беради, шунингдек, “Маданиятшунослик” ва “Маданият тарихи” сингари предметлар бўйича тасдиқланган умумтаълим давлат стандартларига мос келади. Юқорида билдирилган айрим танқидий мулоҳазалар китобнинг умумижобий жиҳатларига таъсир қилмай, таълимий ва маърифий жиҳатлари билан кўпчиликка фойда келтиради, деб ҳисоблаймиз.

Фатхулла ЭРГАШЕВ,  
тарих фанлари номзоди.

Жадсон ФИЛИПС

## Қинғир йўлдан

Роман

### ИККИНЧИ ҚИСМ

#### Учинчи боб

**П**итер эшик қўнғироғи тугмасини босганида, Максвил энди нонушта қилиб бўлган эди. Питер “Ягуар” ини Бронсдаги гаражда қолдирди (машина жуда кўзга яқин) ва таксида келди. Гарчи унинг гангстерлар кўзидан ғойиб бўлиб, подпольега ўтиш режаси телефонига микрофон қўйилгани сабабли, барбод бўлган бўлса ҳам, бари бир, озгина бўлса-да таъқибдан қочиб қутулгиси келарди.

Максвил Питерга қаҳва қуйиб берди-да, қандай янгилик билан келдйкин, деб унинг оғзини пойлай бошлади. Кейин унинг Корал билан бўлган тунги саргузашти тинглаб:

– Бу нима беради сенга? – деб қизиқсинди.

– Ҳозирча Корал хавфдан холи. Улар уни, албатта, қидиришга тушадилар, – деди Питер. – Бу қидирувлар уларнинг кучини қисман қирқиб алаҳситади.

– Сенга эса, улар Элли Уилсоннинг ўнг кулоғини кесиб юборишади ва бу билан, ҳамма кузрлар бизнинг қўлимизда, деб эслатиб қўйишади.

– Агар шундай ҳол юз бергудай бўлса, менинг бу ёруғ жаҳонда тамаддун шахс сифатида куним битади, – деди Питер қатъий оҳангда. – Мен “қонга-қон, жонга-жон” удуми бўйича иш кўрмоқчиман.

– Жинни бўлибсан, – деди Максвил.

– Клауд-у, Клингер-у Баннерманлар, умуман, уларнинг барча ҳамтовоқлари ҳашаматли хоналарда ўтириб олиб фақат буйруқ беришади – жиноятни бошқалар амалга оширишади. Бизлар эса қонун-қоида бўйича иш кўрамыз, уларни қонун асосида айблашга уринамыз – имкониятларимизнинг бир-биридан фарқи ана шунда. Фақат битта йўл қолди, Грэг, – уларнинг услубини қўллаш керак.

– Лекин қўл остингда гангстерлар армияси йўқ-да.

– Ҳамонки шунга жазм қилган эканман, ўзим гангстер бўламан. Қўнғироқ қилсам майлими?

– Бемалол.

Питер ўз телефони уланган маълумот хизматига қўнғироқ қилди. Кейинги соатларда бир неча марта қўнғироқ қилишган – нуқул Лестер Стронг. Ҳаммаси равшан: Стронгта хотини ғойиб бўлганини айтишган. Яна унга, Корал дарҳол жойига қайтсин, йўқса ўлади деб таҳдид ҳам қилишган. Коралнинг қочиб кетишида Питернинг қўли бор, деб ё “агентлик”, ё Стронгнинг ўзи гумон қилган бўлиши керак.

– Стронгта менинг кўринмаганимни, қўнғироқ ҳам қилмаганимни айтинг, – деди Питер маълумот хизматига. – Бошқа сўраганларга ҳам шундай жавоб қилинг. – У гўшакни қўйиб, қаҳва ичишга тутинди.

– Ҳеч аямаяпсан Стронгни.

---

Охири. Боши ўтган сонда.

– У салга дили вайрон бўладиган одам, Корал учун ҳамма нарсага тайёр. Хотинининг қаердалигини билса, уни айтишга мажбур қилишади.

– Энди нима бўлади? – қизиқсинди Максвил.

– Қандай бемаънилик: эски бир болалар шеъри миямга ўтириб қолган: “Дерларки, бир гилай бор экан, юрар йўли қинғир, тор экан”. Бу шеър Клинггер ҳақида. Ҳамма воқеа-ҳодисалар унинг атрофида содир бўляпти. У ана шу қинғир йўлдан борапти, боратуриб унинг бир ерида қандайдир дўнгликка қоқилиб кетган, энди улар ана шу дўнгликни яшириш учун ҳаммани шафқатсиз равишда маҳв қилишга шай бўлиб турибдилар. Мен, Грэг, ана шу йўлни текшириб кўрмоқчиман.

Максвил стол олдига бориб, унинг галадонидан калит олди.

– Сен шу ерда яшаб тур, то улар қорангни кўрмагунча. Сенинг уйингни назорат қилишяпти, албатта. Кийимларимдан хоҳлаганингни, умуман, нима керак бўлса ҳаммасини олавер.

– Раҳмат, Грэг.

– Шунақа тентакманки, сенга шерик бўлиб ўтирибман. – Максвилнинг чехраси жиддийлашди. – Лекин мен ҳам худди сен каби улар инининг тигинини ўйнатсам дейман. – У эрталабки газетага ишора қилди. – Уилсоннинг ўлдирилгани ҳақида босиб чиқаришибди. Ўз жонига қасд қилган эмас, ўлдирилган. Бизга ҳалитдан устма-уст кўнғироқ қилиб ётишибди. Газеталардан, радиодан телефон қилишяпти. Ҳамма журналистлар бунинг ечимини билишни истайди.

– Лекин ечимни аниқлаш маҳол. “Агентлик” ҳеч қандай шубҳа уйғотмаслигига қатъий ишонмаганида, бундай ошқора ҳаракат қилмаган бўларди.

– Билмадим, Питер, билмадим, – деди Максвил бош чайқаб. – Уларнинг ишида ҳам камчилик топилади.

– Қизиқ, қандай камчилик экан?

– Бу шундоқ ҳам тушунарли. Уларнинг иши соф қотиллик учун юз фоиз мос тушади. Аммо мазкур ҳолатда уларни бошқача ўйин қилишга – кўрқитишга юборганлар. Ўлдириш ҳақида гап бўлмаган. Бироқ агар ёлланма қотилларнинг гапни келтирсанг, улар шу заҳоти беихтиёр ҳаракатга тушадилар. Ўлдирадилар. Уилсон уларни бирон-бир йўл билан деворга сиқиб қўйган бўлса керак. Шу лаҳзадаёқ қотиллик содир бўлган; ҳамма манфаатдор шахслар – Клинггер, судья, Баннерман, эҳтимол Уинстон Грейвз ҳамдир – қотилларнинг шеригига айланишлари мумкин. Уларнинг “қотиллик агентлиги” билан алоқаси борлигини исботлай олсанг, ҳаммалари қўлимизда деявер. Мана шу сенинг вазифанг, Питер. Менинг вазифам қонун бўйича жиноятчиларни, ижрочиларни қидириш. Сенинг мақсадинг – уларнинг шерикларини топиш. Бўпти, бориб уларни тут, агар удаласанг.

Эшикдаги лавҳада “Эрик Траск” деб ёзилган. Питер кўнғироқ тутмасини босди. Икки дақиқалардан кейин эшикни қотма гавдали чиройли бир йигит очди. У яланғоч баданига йўл-йўл шоҳи халат кийган, яланг оёқ эди.

– Мен Питер Стайлзман. Кирсам бўладими?

– “Ньюсвью” журналистими?

– Ўзгинаси. – Питер эшикни астагина итариб ичкарига кирди. Бу хонадон эмас, замонавий санъат музейи эди. Ҳаммаёқда энг модали мебеллар, шарқ мамлакатларига хос аллақандай кўгирчоқлар коллекцияси. Деворларда япон гравюралари.

– Менга қаранг, Питер, – деб қаршилиқ билдира бошлади Траск, – мен шундоқ ҳам ишга кечикяпман.

– Агар сенга, қотилликнинг олдини олишинг мумкин, десам-чи? Кечикишдан кўрқмайсанми?

– Вой, азизим-е!

Питер ҳеч қандай бидъат, ирим-сиримни тан олмасди, лекин у Траск билан суҳбатлашиш усулини шу заҳоти ўзгартирди. Чунки у бульдог кучук нухасидаги кўрс бир соқчи билан учрашаман, деб ўйлаган эди.

– Қаҳвага қалайсиз?

– Раҳмат. Яқинда олти финжон ичдим. Мен сен билан гаплашгани келдим, Эрик.

– Қани, ўтиринг, – Эрик унга роҳат курсини кўрсатди, ўзи қирмизи ранг атлас чойшаб тўшалган диванга оёғини чалиштириб ўтирди. – Барибир, Питер, сен бу ерга адашиб келибсан. Қанақа қотиллик? Менга унинг нима дахли бор?

– Сенга-ку дахли йўқдир ҳам, – деб маъқуллади Питер. – Лекин сен менга керакли одамлар ҳақида гапириб беришинг мумкин. Эрталабки газеталарни ўқигандирсан?

– Шунчаки, молия саҳифасига кўз ташлаб чиқдим. Кеча Доу Жоннинг акциялари ўрта ҳисобда уч бандга тушиб кетибди. Ҳозирги пайтда биржа жумбоқ бўлиб қолган. Мистика дейиш мумкин. Шукрки, мен ўз ҳалол пулимнимас: бировнинг пулини ишлатаман.

– Биринчи саҳифада қотиллик ҳақида хабар босилган. Жорж Уилсонни ўлдиришган. Менинг хонадонимда. – У қора кўзойнагини ечиб артди.

– Қандай аянчли ҳол! – деди Эрик. – Лекин, яна айтаман, менинг бунга нима алоқам бор? Мен ҳеч қанақа Жорж Уилсонни билмайман. Тўғри, сенга қийин бўпти. Қандай ўлдиришибди?

– Бўғиб ўлдиришган. Кейин ошхонадан ўтган марказий иситиш қувурига ошишган. Сен, балки, билмассан – ахир сен газетанинг фақат молия саҳифасини ўқийсан-ку – лекин “Ньюсвью” ҳафтаномаси Томпсон Клингер устидан бўладиган суд ҳақида мунтазам равишда хабарлар босиб турарди. Бизнинг репортёримиз Жорж бу ҳақда ёзиб турарди. Тахминимизча, у Клингерга хавф туемирадиган бирон далилни учратган бўлиши керак.

Унинг бу гапида қиттаккина ҳақиқат бор эди.

Эриkning нозик, чиройли юзида шубҳа аломати намён бўлди.

– Яъни, дўстингни Томмининг буйруғи билан ўлдиришган, демоқчимисан?

– Ҳарҳолда, Клингернинг ўзи бўлмаса ҳам, Клингер ишининг пировардида хавотирда бўлган кимдир Уилсонни гумдон қилишни буюрган.

– О, Питер, менга нима боелиқлиги бор бунинг?

– Мэри Льюис, – деб юборди Питер.

– Йўқ, Питер, мен Мэри ҳақида чақимчилик қилмайман.

– Майли, Эрик, кел, бошқача йўл билан гаплашайлик. Биз ҳамма вазиятлардан хабардормиз. Сен ўзингни Мэрининг хушғори қилиб кўрсатасан Клингернинг хотинига. Биламиз, бу хизматинг учун Клингер сенга яхши ҳақ тўлайди. Унинг ҳаётидаги қайсиям бир махфий гўшада бизга керакли маълумотлар бўлиши керак. Уларни ими-жимиди қўлга киритиш мумкин. Шу билан бирга ҳамма сир-асрорларни гумбурлатиб овоза қилиш ҳам мумкин: Мэри Льюис – Клингернинг ўйнаши! Траскпулга хушғорлик қилувчи одам! У Клингер учун бир ниқоб! Сенга нима маъқул: шантажми ё пулми? Биз бир галва кўтарсак, ютиб чиқамиз.

– Унда мени орқамга тешиб, парвардигор ҳузурига, жаннатга равона қилишади, – деди маъюс тортиб Эрик.

– Топдинг, нақ мовий осмоннинг қир учиди, – ҳазил қилди Питер. – Лекин биз келишишимиз ҳам мумкин, агар баъзи нарсаларни айтиб берсанг. Олинган маълумот сир сақланади.

Мушкул аҳволга тушган Эрик бош чайқади.

– Бундай топшириқни бажаришга – Клингер учун ниқоб вазифасини ўташга сени қандай кўндиришди?

Эрик қаҳва столчасида ётган сигаретага қўл чўзди, олатуриб ерга тушириб юборди, бошқасини олди, уни бир амаллаб тутатди – қўллари қалтирарди.

– Мен Стритдаги даллоллар фирмаси “Носрап ва Фенимор”да хизмат қиламан, – деди у тугила-тугила. – Томми Клингер – мижозимиз. Айтарли ҳеч қандай йирик иши йўқ унинг. Атиги бир неча минг кўйиб, биржада ўйнаб туради. Эрмакка. Ўзининг ишбилармон одамлигини пеш қилгани-қилган. Мақтанчоқ. Ҳаваскор. Лекин, умуман олганда, ёқимтой одам. Доим кулгани-кулган, ҳазилкаш. Мен... мен... фирмада унинг ишини олиб борар эдим, бир куни у мени ресторанга таклиф қилди. Бунинг ажабланидиган ери йўқ. Ўз мижозимиз. Уша куни у билан бирга Мэри ҳам келди.



– Сени зиёфатга таклиф қилиб, ўз ўйнаши билан таништирдими? – деди Питер кўзларини қисганича. – Ийманмадиямми?

– Йўқ. Ҳамманинг ҳам кўнгилхушлик қилгиси келади, деб тушунтирди. Яна бир неча кундан кейин, у хотини билан иккови имлама зиёфат бераётганини айтиб, сиз ҳам Мэри билан бирга бормайсизми, деб таклиф қилди. Бу антиқа тантиқлик эди, албатта. Лекин, ҳарҳолда, мижозимиз-ку.

– Бирпас тўхта, Эрик. Вақтни бекорга ўтказмайлик. Очигини айтавер, нима таклиф қилди у бу хизматинг учун? Нақд пулми?

– Йўқ, нега энди?! Ахир у мижозимиз, мен...

– Қўйсанг-чи, Эрик, бу хизматинг қачондан бери чўзилиб келяпти. Мижоз хурмати учун атиги бир-икки марта хизмат кўрсатиш мумкин. Лекин сен деярли икки йилдан бери унинг амрини бажариб келяпсан – наҳотки хушомад бўлса ҳаммаси?

– Йў... у ҳам менга яхшилик қилиб туради.

– Масалан?

– Қайси акцияларга пул тикишни шишиб туради.

– Ахир ўзинг бу ишнинг пирисан-ку. Боя уни ҳаваскор деб айтдинг.

– Аммо у жуда сезгир одам.

– Ишонаман. У ўзининг сезгирлигини сенга намоиш қилиб, “Мовий осмон” компьютерларида сен тўғрингда маълумотлар борлигини айтган.

Эрикнинг сигаретаси қўлидан тушиб кетди ва уни олгани энгашар экан, халатига тушган чўғни қоқиб юборди.

– Ҳозирча, Эрик, мен сендан аниқ ҳеч нима суриштирамайман. Лекин нимадир бор. Тўғрими?

– Ҳа, – деди у оҳиста пичирлаб.

– Демак, сен икки йилдан бери хизмат ҳақи олиб Мэрига ҳамроҳлик қиляпсан?

– Ҳа.

– Мени ўша қиз қизиқтиради, Эрик. У ҳақда сўзлаб бер.

Эрик сигаретасини кулдонга эзди.

– Мэри жуда дилбар аёл. Малла соч – бўялмаган, ўзининг сочи. Қадди-қомати – мўъжиза.

– У билан муносабатинг қандай?

– У мени ёнига яқин йўлатмайди. Мен уники эмасман, – Эрик кулиб қўйди. – Бошқача бўлганида, мен билан қовушган бўларди. Томми унинг эҳтиёжларини қондирмас экан.

– Сен билан у очиқ гаплашадими?

– Гап десанг қоп-қоп. Бир гапга тушиб кетса, ҳеч тўхтатолмайсан.

– Қаерда танишган экан у Клингер билан?

– Мэри спюардесса бўлиб ишларкан. Томми сафарда кўп бўлади. Ана шундай сафарлардан бирида қизни илантирган. Мэри ҳашаматли хонадон, латта-пугталар, бриллиантлар, пулларга маҳлиё бўлган-қолган.

– Лекин у уйдан деярли ҳеч қаёққа чиқмайди. Нима, шунчалик севармиди Клингерни?

– Тавба қилдим! – Эрик кўзларини шифта тикди. – Севармиш-а! Эшитсанг эди, уни лойга қориб қарғашларини! Нукул мазах қилади, масхаралайди. Клингер гапини бир марта эшитса борми, эси оғиб қоларди. У шўрлик бошига қўйиб юришга ҳам рози Мэрини.

– Билишимча, Клингернинг кун тартиби пухта тузилган, – деди Питер.

– Тўғри.

– Шундан фойдаланиб, у қиз ўзига хуш ёқадиган бошқа жазман қидириб топмадимикин?

– Топган бўлса ҳам бу ҳақда оғиз очмайди. Шама ҳам қилмайди. Менга ишонмайди. Мени, оғзидан гуллаб кўяди, деб кўрқса керак.

– Ҳамонки, Мэри сен таърифлагандек соҳибжамол экан, нега бошқа пул тўла қопни қидирмайди ўзи учун? Нимага Томмига ёпишиб олган? Сен нима деб ўйлайсан?

Эрик ўйчанлик билан янги сигаретани тутатди.

– Бир хил эркаклар аёлларни ўзининг хуш хулқи, эркаклик фазилатлари

билан мафтун қилишади, бошқа бир хиллари эса, уларни пулга сотиб олади. Лекин шундай эркаклар ҳам борки, улар аёлларни уларнинг сиридан воқиф бўлгани туфайли ушлаб турадилар.

– Бу ерда қанақа сир бўлиши мумкин? – сўради Питер.

– У сир энг қуюқ туман орасида.

Питер Эрикнинг ҳаяжонли чехрасига разм солди. Йигитнинг бугунлай руҳи тушиб кетган эди. Агар у ҳозир Питерга Клингер кўлида ўзига қарши қаратилган қандай илмоқли сир борлигини айтса, шу заҳоти унинг ҳам пайига тушадилар.

– Ўзинг Клингер билан қандай муносабатдасан? – қизиқсиниб сўради Питер. – У ўзини қандай тутади сен билан? Яқин дўстдекми? Ё, аҳён-аҳёнда, вазият соҳиби ким эканлигини эслатиб турадимми?

– Албатта шама қилиб туради вақти-вақти билан. Лекин одамлар орасида чаккimas, илтифот кўрсатади. Хотинининг гижинишлари уни қувонтиради.

– Эрининг ўйнаши гашига тегса керак?

– Бўлмаса, Томмига нима кераги бор ўйнашнинг?

– Эштишимизча, унинг ўйнаши бўлгани хотинига қулайроқмиш.

– Бу сир Флоренсининг ҳамма танишларига аён.

– Унда нима ҳожати бор бу найрангларнинг? Ниқоб-у, парда-ю, ҳамроҳликнинг?

– Нима, мен ўйламабманми бу жумбоқ устида? Жуда кўп бош қотирдим.

– Демак ечандирсан ўша жумбоқни?

– Томми – “Мовий осмон” деган жуда нуфузли компаниянинг президенти. “Мовий осмон” акцияларини ўз кўлида ушлаб турган асосий шахс – Бракстон Клауд эканлигини ҳамма билади. Фақат бир нарса: бу ишда Томмининг мавқеи қандайлиги мавҳум. У муҳим мансабдорми, асосий ўзакми, ёки бор-йўғи Клауд учун бир витринами? Томми ўзини енгилтак ишратпараст қилиб кўрсатади доим. Машҳур ва бадавлат одамлар даврасига кириш учун у хотинининг таниш-билишларидан фойдаланади. Кўринишидан иш билан унча банд эмас, кўп вақти ишрат ва маишатда ўтади. Баъзида мен, унинг Мэри билан алоқаси – такасалганг зодагоннинг юзидаги ниқоб бўлса керак, деб ўйлаб қоламан. Чунки Мэри отнинг қашқасидай ҳаммага маълум, шунингдек, мен бажараётган вазифа ҳам ҳеч кимга сир эмас. Балки мен биронта жиддийроқ нарса учун ниқобдирман? Мен кўндан бери, булар ҳаммаси сохта ўйин эмасмикин, хотини ҳамма гапдан хабардор эмасмикин, унинг қандайдир кўзлаган режаси йўқмикин? – деб шубҳаланиб келаман. Эрик сигаретасини аста эзиб ўчирди. – Нега улар Клингерни ҳимоя қилиш учун энг қатъий чораларни қўллашга ўтмоқдалар? Дўстингни ўлдирилиши, Питер – арзимаган иш эмас. Агар у эътиборсиз, нотавон шахс бўлганида, уни деб қотилликка қўл урармидилар? Унинг ҳазил-мутойибалари, қулишлари, маишатбозликлари, биржада пул тикиб ўйнашлари – булар ҳаммаси эҳтимол жуда нуфузли ва қудратли жанобни пардалаш учун қилинган ҳаракатлардир? Кўпинча мен шундай шубҳага бораман. Ахир у мени ипсиз боғлаб олган-ку. Айб қўймаётган прокурорни ол. Уни ҳам тузоқларига илингиришмаганмикин?

Питер сукутда эди.

– Бирон нима биласанми Клингер ҳақида? – деб сўради у кейин. – У қаердан пайдо бўлган? Фаолиятини нимадан бошлаган? Қандай қилиб “Мовий осмон”га президент бўлиб олган?

– Фақат миш-миш гаплар, гийбатлар, – деди Эрик елкасини учириб. – У Янги Англияда туғилган экан, лекин қаердалигини аниқ билмайман. Анча бообрў ўрта мактабда ўқиган. Отаси – бухгалтер, унинг на жамоа даврасида мавқе, на пули бўлган, шунга қарамай, у амал-тақал қилиб пул йиғиб, Томмини Ҳарвардга, бизнесменлар коллежига ўқишга юборган. Томми Ҳарвардда Флоренс Тейлор билан танишган. Унга уйланган. Келин беҳисоб пул соҳибаси бўлган. Клингер Флоренсга уйланганидан кейин мавқеи тез кўтарила бошлаган. Кўп эътиборли лавозимларни эгаллаган: банк, йирик саноат комбинати. Биржа...

– Бундан чиқди, у биржада оддий ҳаваскор эмас, – деб луқма ташлади Питер.

– Ҳаваскорлиги – у қайси акциялар кўтарилиб, қайсилари тупишини гўё билолмайди. Лекин бу ҳам, менимча, ниқоб бўлса керак.

– Қизиқарли манзара, – деди Питер кўзларини қисганча. – У сени шантаж йўли билан ишга ёллаган. Сен Мэрини ҳам “илинган” деб ҳисоблайсан. Охир-оқибатда, “Мовий осмон” компьютерлари айнан шундай вазифани бажаради – юксак даражада шантаж қилиш билан шуғулланади. Сен Клингерга қўйилган айблов ҳақида бирон нима биласанми?

– Фақат газеталарда ўқиганларим, – деб жавоб қилди Эрик. – Томми бу тўғрида очиқ гапирмайди. Трестга қарши қонунлар бузилганмиш, қандайдир йирик шартномани сир сақлаш мақсадида ўзаро тил бириктирилганмиш. Бу шартнома миллий хавфсизлик манфаатига таъсир қилиши мумкинмиш (Никсоннинг севимли ибораси бу). Ҳаммаси чаплашиб кетган, ноаниқ гаплар.

– Клингернинг суд томонидан безовта қилингани ҳеч сезилдими унда?

Эрик бош чайқади.

– Суд ҳақида у фақат бир марта эслади ўзи берган зиёфатда (у ерга мен Мэрини олиб борган эдим). Жиддий ҳеч қандай гап йўқ, прокурор донг таратиб, ўзини кўрсатишга уринаяпти, деганди ҳеч уялмай.

– Лестер Стронгми?

– Ҳа. Унинг айтишича, Стронг бўлгуси сайловда республикачилар тарафидан Нью-Йорк губернатори лавозимига сайланиш ишгиёқидамиш. Стронг кўзгаган айблов шу қадар хоммишки, судда кўрилишга арзимас ҳам эмиш.

– Судья Элсворт ҳақида ҳеч нима демадими?

– Фақат айтгани шу бўлдики, Стронгнинг айблови билан судья судда иш кўзгамайди. Жуда нари борса, Томмига жарима солиши мумкин – у ҳам рамзий тарзда, деди.

– Ҳолбуки, улар ҳатто қотиллик қилишдан ҳам қайтмаяптилар.

– Бу энди менинг ишиммас. Ишқилиб, Томмининг чангалидан тирик қутулиб чиқсам бўлгани.

– Эрик, – Питер ўрнидан турди. – Мен сендан нафратланмайман, ёмонлик ҳам тиламайман сенга, лекин, зарурат туғилса, аяб ўгирмайман.

Эрикнинг оғзи қийшайиб кетди.

– Ахир... сенга ҳамма гапни айтиб бердим-ку.

– Олдинга келганим ҳақида Мэрига ёки Клингерга, умуман, ҳеч кимга гинг деб оғиз очмайсан, – буюрди Питер. – Агар улар келганимни билишса – сен айтган бўласан. Ана унда Клингер сақлаб қўйган сен ҳақингдаги маълумотни топмай қўймайман ва уни ошкор қиламан.

Эрикнинг пешонасида тер томчилари пайдо бўлди.

– Менга кераги йўқ... ортиқча кўнгилсизликнинг.

– Демак, мен бу ерда бўлмадим, тушундинг-а? Йўқса, эҳтиёт бўл, бошинг ташвишдан чиқмайди, – деб пўписа қилди Питер.

Питер Траскникидан чиқиб, ҳовлима-ҳовли ўтган “гадой топмас” йўллардан адашиб юриб, ахири икки квартал наридаги Лексингтон-авенюга чиқиб олди. То Траскнинг хонадонига боргунича уни ҳеч ким кузатмаганига у қатъий ишонарди. Лекин ишга дахлдор бўлган ҳар бир шахснинг “агентлик” томонидан таъқиб қилиниши эҳтимолдан холи эмас эди. Агар шундай бўлса, уни Эрикникига кираётганида нишонга олган бўлишлари ҳам мумкин.

Питер ёзув қоғозлари магазинига кириб, автомат-телефондан Деверига кўнғироқ қилди ва ундан магазинга кўнғироқ қилишни сўради.

– Сенга ҳамма гапни айтиш учун менда тангалар етмайди, Фрэнк.

Девери шу заҳоти кўнғироқ қилди ва Питер унга Корални олиб қочганини сўзлаб берди.

– У ерда бежавотир бўлади деб ўйлайсанми уни? – сўради Девери.

– Ҳа, то компьютерлар Бен Мартин номини топмагунча, – деди Питер.

– Ёрдам керакми? – сўради Девери, у Питер фаолиятини муҳокама қилишга вақт сарфлашни истамаётган эди.

– “Атлетик” клубига кириш учун меҳмонлик таклифномаси керак. Клингер у ерга ҳар куни борар экан. Бадминтон ўйнагани. Сен ҳам ўша клуб аъзосисан шекилли?

- Ўн дақиқадан кейин таклифнома эшикоғасида бўлади, – деб ваъда қилди Девери. – Яна нима?
- Мэри Льюис – Клингернинг ўйнаши. Бундан икки йилча бурун стюардесса бўлиб хизмат қилган. Қайси йўналишларда учган? Унинг ишдан кетишига қандайдир асосли сабаблар борми? Стюардессалар касаба уюшмаси аъзолари бўлишади-ку. Шундан бошлаш мумкин текширувни.
- Бажарамиз. Стронг сенга, тахририятга устма-уст қўнғироқ қилиб ётибди.
- Тасаввур қиялман. Уйимга ҳам ўн мартача қўнғироқ қилибди. Анавилар Коралнинг ғойиб бўлганини айтишган бўлса керак унга. Пўписа қилишаётгандир. Роса хуноби чиқаётгандир.
- Балки, сал шипшиб қўярсан?
- Таваккал қилолмайман. Ундан суғуриб олишади бу маълумотни.
- Ҳали “агентлик” сени тузоққа илинтирса, ўзинг ҳам айтишга мажбур бўласан, – маъюс оҳангда деди Девери.
- Олдин илинтиришсин!
- Таклифномани кимнинг номига қилай?
- Яхшиси, ўзимнинг номимга – шахсий гувоҳнома сўраб қолишлари мумкин. Жейкка айт, бутун унга қўнғироқ қилишга уриниб кўраман.
- Питер!
- Ҳа?
- Худо ҳаққи, эҳтиёт бўл!
- Тинчлан, қария. Яшаш ҳали жонимга теккани йўқ, Корал айтгандай. Льюис масаласида яна қўнғироқ қиламан сенга. Қилолмасам, демак – вақт тополмаган бўламан.
- Питер магазиндан чиқди ва Лексингтон-авеню бўйлаб, йўл-йўлакай витриналарга кўз қирини ташлаб юра бошлади. Назарида, ҳеч ким изига тушмаган, демак ҳали уни “илинтиришмаган” эди. У такси тўхтатиб “Атлетик” клубига жўнади.
- Питер “дум” йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, кўзларини юмди. У машинада ҳеч кулайроқ жойлашиб ўтиролмади: уни шу қадар ваҳшийларча дўшослашган эдики, қандоқ ўтирса ҳам аъзойи бадани зирқираб оғрирди. Унинг кўз олдида яна мудҳиш манзара намоён бўлди – сиртмоққа осилган Жорж; Эллининг ҳайратга тушган, ҳайиққан чеҳраси. Бу иккита мутлақо беғуноҳ одам фақат “Ньюсвью” ходимлари ва Питер билан алоқада бўлганлари учун қаттиқ азобга мубтало бўлдилар. Айбдорлар жазога тортилиши керак. Ҳозир у қидириб кетаётган одам – ўша жавобгарлардан биттаси. Ҳеч бўлмаганда, у тутунни ечишда иш учи вазифасини ўташи мумкин.
- Девери сўзининг устидан чиқибди. Клуб вестибюлида унга меҳмонлик таклифномасини тутқазди. Питер жадвални тўлғизди: сузиш, сауна ва массаж. Шундан кейин уни юқори қаватларга ўтказиб юборишди. Ечиниш хонасида унга бўш шкафча кўрсатишди, қалта иштон ва сочиқ беришди. У ҳеч шоншмасдан ечинди, сўнг залга чиқди. Клуб ходимлари ва миждозлар унинг алломин товонига ҳайрон бўлиб қарашса ҳам, ўзларини сипо тутишга уринишди.
- Питер спорт тошларини ўйнарган апрофни сезирлик билан кузатди. Ниҳоят, у кутган одам келди. Эгнига свитер, шорт, оёғига резина тагчармли шипшак кийиб, ракетка билан қуролланган Томпсон Клингер корт бўйлаб бораркан, йўл-йўлакай танишлар билан бош эгиб саломлашарди. Унга бутун бадани чайир бўлиб кетган ўрта бўйли йигит ҳамроҳлик қиларди. Клуб тренери, деб тахмин қилди Питер. Улар юриб бориб бир йўлакка бурилишди. Питер бир оз кутиб туриб, сўнг улар орқасидан эргашди. У йўл-йўлакай дарчалар, эшикларга мўралаб, ниҳоят Клингерни топди ва Корт теласидаги болахонага чиқди.
- Клингер, гарчи хийлагина қорин қўйган бўлса ҳам, дурустгина ўйнардди. Лекин рақибига бас келиши амримаҳол эди. Копткок марказда туриб олган тренер зарбидан кортнинг ҳамма томонига учар ва терлаб қизариб кетган Клингер тили осилиб майдоннинг ҳар томонига зир югурарди. Аҳён-аҳёнда тренер, гўё Клингернинг ўйинга қизиқишини ошироқчи бўлгандай, ғалаба қилишга имкон яратарди. Шунда Клингер рақибини ютганидан завқланиб қийқариб юборар, хандон ташлаб куларди. Табиатан бахтиёр, қувноқ одам! Шундай ёқимтой кишининг қўлидан қотиллик қилиш келишига ишониб бўлмасди.

Нихоят Клингернинг кўзи болохонада турган Питерга тушди. Бош кўтариб, жилмайиб қўйди.

– Ҳар куни, – деб чинқирди у, – мана шу тарзда мени зир югуртириб ётибди бу итдан тарқаган!

Ўн беш дақиқадан кейин Клингер жонҳолатда ҳансираганча корт арқонига шилқ этиб осилди, терлаб кетганидан оч-жигарранг сочлари бир-бирига ёпишиб кетган эди, у мағлублигини тан олиб қўлларини кўтарди. Тренер эшикни очди ва икковлари чақчақлашганча кортдан чиқиб кетишди.

Питер ечиниш хонасига айна вақтида келди: Клингер саунанинг буғхонасига кириб кетган эди. Питер кийимини ечиб сочиқни олди-да, у ҳам ўша ёққа кирди. Аввалига саунадаги буғ унинг нафасини қайтарди. Клингер ёғоч ўриндиқда чалқанча чўзилиб ётарди. Сауна ҳавосига эвкалип дарахтининг иси омухта бўлган эди. Клингер Питерни кўриб, бошини кўтарди ва болохонада турган бу томошабинни таниб жилмайиб қўйди:

– Ҳа, сизмисиз? Бунақа югуриб-елишда гўё бутун салобатингдан айирилгандай бўласан, – деб у қорнига шапатилаб қўйди. – Лекин бу, гўё ҳеч нима бўлмагандай, дўмпайиб ётибди.

– Тренер жуда зўр экан. Унга тишингиз ўтмайди.

– Ҳа, шунақароқ. Унинг разряди ё тўртинчи, ё бешинчи. Роса югуртиради. Негадир исмингизни эслолмаяпман...

– Сизнинг исмингизни биламан, Клингер. Менинг исмим Стайлз. Питер Стайлз.

– Ана холос! – Клингер ёнбошига кўтарилди.

– Сиз билан шу ерда, ҳеч қандай гувоҳларсиз, эшитувчи микрофонларсиз учрашмоқчи бўлдим.

Клингер ўрнидан туриб ўтирди ва нам сочиқ билан артинди.

– Бу тушунарли, ишингиз шунақа ўзи. Лекин адвокатим қатъиян тақиқлаб қўйган суд ҳақида гапиришимни. Айниқса матбуот вакили билан гаплашишимни.

– Йўқ, мен сизнинг ишингиз ҳақидамас, ўз ишларим тўғрисида гапирмоқчиман. Аминманки, менинг ишларим сизга жуда яхши маълум. Лекин агар...

– Стайлз, азизим, ахир мен мутлақо беҳабарман-ку сизнинг ишларингиздан!

– Агар газета ўқишга улгурган бўлсангиз, баъзи нарсаларни биласиз.

– Газета, дейсизми?.. Ҳа-а, сизнинг хонадонингизда бир одамни осийганмиди?

– Ҳа. Репортёрни. У сизнинг фаолиятингизни кузатаётган эди, Клингер. Ана, кўрдингизми, Уилсон тўғрисида биларкансиз. “Ньюсвью”нинг бир нечта репортёри сизнинг ишингиз билан шуғулланяпти, – деб тушунтирди Питер. – Биласизми, Клингер, қандайдир одамлар доим бизга таҳдид қилишгани-қилишган. Икки кун бурун Уилсоннинг хотинини зўрлаб номусига тегишган ва сизнинг ишингизга тумшук тикмасликни бошлиғига, яъни “Ньюсвью” муҳарририга бориб айтишни буюришган. Энди уни ўғирлаб кетишди.

– Оббо! – деб хўрсиниб қўйди Клингер.

– Прокурорнинг хотинини ўғирлаб кетишган ва гаров тариқасида тутқунликда ушлаб туришибди, бўлмаса прокурор Стронг сизни айблашга астойдил киришган эди. Энди бўлса, адвокатингиз судда сизнинг ишингизни кўришни осонгина кейинга суришга муваффақ бўляпти.

– Йўқ, мен кулоқларимга ишонмайман! – деди титроқ овоз билан Клингер.

– Буларнинг ҳаммаси далиллар билан тасдиқланади. “Мовий осмон” томонидан қандайдир бир ташкилот, – биз уни “қотиллик агентлиги” деб атадик – судда сизга айб қўйишни кейинга суриш учун зарур бўлган барча мараз ишларни бажаришга ёлланганлигига бизда барча далиллар бор. Лекин улар, Клингер, беҳуда уринишяпти. Бир кун эмас, бир кун сизларнинг ҳаммангизга: шахсан сизга ҳам, Баннерменга ҳам, адвокатингизга ҳам, ҳатто судьяга ҳам жиноий иш иштирокчилари сифатида айб қўйилади. Биламан, ҳозир сиз ваҳимага тушиб, менинг ҳамма нарсдан боҳабар эканлигим ҳақида қўнғироқ қила бошлайсиз. Менга аҳамияти йўқ. Улар ҳатто, етар, тутатиш керак бу машмашани деган қарорга келиб, сиздан воз кечишлари ҳам мумкин,

зеро, жанг жуда шиддатли бўляпти. Мен имконият яратгани келдим сизга. Агар рад этсангиз – ўзим сизни гумдон қиламан.

– Ахир, ишонинг, гапларингиз худди эртақдек туюляпти менга! – деди Клингер. – Қандайдир агентликми-е! Ҳеч қачон эшитмаганман.

– Бўлса бордир. Биз ўйлаб топанмиз бу номни. Унинг ҳақиқий номи сизга маълумдир?

Клингер титроқ кўллари билан кўзларини ёпди. Буғхонанинг иссигига чидаб бўлмасди.

– Мен яна, Элли Уилсонни қаерда сақлашаётганини ҳам билишни истайман, – деб талаб қўйди Питер. – Имкон борича тезроқ билишим шарт. Агар сирни очмасангиз, Клингер, жамоатчилик олдида бутун авра-астарингизни ағдариб ташлайман. Даставвал сизнинг Мэри Льюис билан ишқий алоқангиздан бошлайман, у билан хотинингиз кўзи олдида ошқора учрашувларингиз борми, Эрик Траскни шантаж қилганингиз борми – ҳаммасини. Сизни мен шарманда қиламан. Ана унда сизга сичқоннинг ини минг танга бўлади – ҳаттоки бу кунингиздан турмада ётиб, бизнеснинг муқаддас қонунларини бузганлигингиз учун жазога тортилишга ҳам рози бўласиз. Ишқилиб одамларга майна бўлмасангиз бўлгани: ўз шаҳвоний истакларини фақат шантаж қилиш ва пора бериш билан амалга оширган эркак эркакми? Хуллас, менинг маслаҳатим – сиз дўстларингиз олдида боринг, ҳеч бўлмаса, ўша Баннерменга учранг-да, айтинг: исковуч иглари чақириб олсин ва бизга Эллини соғ-омон қайтариб берсин, акс ҳолда, улар яна битта қотилликка кўл уришлари мумкин. Мени бошқа йўл билан жиловлаб бўлмайди. Мен уларнинг қилмишларига яраша шундай хунар кўрсатайки, сиз Уилсонлар бошига тушган азоблардан беш бадтарига дучор бўласиз. Ана унда турма жазоси ҳолва бўлиб туюлади сизга. Ҳа, ҳалиям кеч эмас айбингизга иқроор бўлишингизга. Унда сизни ҳимоя қилишга ҳам ҳожат қолмайди.

Клингер, кўринишидан, ўлгудек қўрқиб кетди. Питер унинг “Мовий осмон”да чиндан ҳам салмоғи борлигига шубҳалана бошлади. Ундан парда сифатида фойдаланишгандир, лекин Клингер буйруқ беришга қодирмикин?

– Ахир нега менга ишонмаясиз? – деди ҳиқиллаб Клингер. – Билмайман мен ўша Элли Уилсонингиз қаердалигини. Ҳатто у ҳақда эшитмаганман ҳам. Онг ичаман. Жорж Уилсон тўғрисида ҳам эшитмаганман. Бутун фақат газетадан ўқиб билдим.

Шундай бўлишиям мумкин, деб ўйлади Питер. Фараз қилайлик, амалий тафсилотлардан Клингерни воқиф қилмасликлари ҳам мумкин. Чамаси, унга сир-асрорларни ишонишмаса керак – сир сақлашни билмагани учун. Улар энг яхши адвокатни ёллашиб, хавф-хатарнинг олдини олиш учун кўшимча талбирлар кўриб қўйишган, ҳолбуки Клингер – пуч шахс улар учун. У фақат хушчақчақ, улфати одам. Қимматбаҳо костюм илинадиган илгак фақат. У “Мовий осмон”нинг бообрў мижозлари билан чақчақлашади, улар билан қарга ё гольф ўйнайди, уларга тумтароқ зиёфатлар беради, мижозлар билан муסיқа садолари янграган, май-у маҳбубалар маскани бўлган ишратхоналарда тентираб юриб, жарақ-жарақ пул сарфлайди. Наҳотки улар учун у фақат парда бўлса? Ё энг истеъдодли актёрмикин?.. Нима бўлганда ҳам, Клингер унинг тошширигини ўша спектаклни уюштирганларга айтиб қўйиши мумкин ва шарт.

– Нега энди шахсий ҳаётимни бунга аралаштирасиз, Стайлз? Ҳаётимнинг судга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Оиламни бузишдан сиз нима манфаат кўрасиз? Ҳа, тўғри, менинг четда бир аёлим бор! Аммо сизнинг “Льюсвью”ингиз гоёси паст, тутуруқсиз газета эмас-ку исқирт ички кийимларни титқилайдиган! Гапимга ишонинг, Уилсонларга ҳам, миссис Стронгга ҳам менинг ҳеч қандай алоқам йўқ! Қолаверса, менинг “Мовий осмон”даги хизматимнинг бу ишга ҳеч бир тааллуқли томони йўқ.

– Хўш, сизнинг тақдирингиз кимни безовта қиляпти, Клингер? Ким жонини жабборга бериб сизни судланишдан асраб қолишга уриняпти?

– Бракстон Клауд ҳам, Карл Баннермен ҳам суд бўлишини истащяпти. Улар менинг номимни ва “Мовий осмон”ни оқдаш ниятидалар. Суд ишини пайсалга солишдан уларга фойда йўқ.

– Бўлмаса ким?

– Худо ҳаққи, Стайлз, мен қаёқдан билай? Хизматимиз, ўзингиз биласиз, гоятда қалтис ва нозик. Компьютерларимизда ўз мамлакатимиз ва хориждаги минг-минглаб эътиборли арбоблар ҳақида маълумотлар сақланади. Айтиш мумкин, эҳтимол кимдир судда нимадир фош бўлишидан қўрқар. Лекин энг қизиқ томони шундаки, ҳеч қандай маълумот йўқ менинг миямда! Менинг “Мовий осмон” президенти сифатидаги вазифам асосан – олий мансаб намоёндаларига вакиллик қилиш. Мен орқали қанақаям маълумот сизиб ўтиши мумкин? Менда йўқ у нарса!

– Баннерманда-чи?

Клингер худди жавабаси туггандай қиқирлаб кулди.

– Мана, Карлни тирик компьютер деса бўлади. У судда ҳимоя қилувчи гувоҳ сифатида қатнашади. Мени қийнашингиздан фойда йўқ, Стайлз. Сизга ва дўстларингизга таҳдид қилаётганлар менинг тушимга ҳам кирмаган.

– Қотиллик юз берган, буни унутманг. Бу энди куруқ пўписа эмас.

– Э худо! Мен нима дейишим мумкин? Мэри ҳақида шов-шув кўзгаганингиздан сизга нима фойда?

– Мен хоҳлаган пайтимда бу маълумотни овоза қилишим мумкин. Бинобарин, айтганимни қилинг, – деди Питер. – Сиз, аминманки, бу ердан чиқиб кетишга улгурмасимдан Баннерман билан боғланасиз. Унга айтинг: Эллини соғ ва бешикаст қайтарсин. Шу бугун кечгача, акс ҳолда сиз тўғрингизда, Баннермен ҳақида, Клауд ва Элсворд тўғрисида бизга аён бўлган ҳамма гапларни босиб чиқарамиз. Кейин у мақолани мамлакатдаги барча газеталар кўчириб босади. Билингки, репортёрнинг ўлдирилишини матбуот аҳли ҳазм қилолмайди.

– Биз тўғримизда нимани ҳам билардингиз? Менинг ишқий алоқамни – холосми?

– Ўйлаб топинг. Ўзим ҳам қолишмайман компьютердан. Биз кўпдан бери сизларнинг барчангиз ҳақида маълумотлар йиғиб келяпмиз.

Баннерман-ку қўрқмаса керак, чунки улар ҳақида нималарни ковлаб топиш мумкинлиги ва бу нарсалар уларни қанчалик обрўсизлантириши унга аён эди. Лекин Клингердан эҳтимол бирон нимани зўрлаб бўлса ҳам билиб олиш мумкинми? Унинг тиззалари қалтираяпти қўрқанидан. Ё Томми жуда моҳир муғамбир артистмикин-а?

Питер душга тушиб, кийиниб, “Атлетик” клубидан қўчага чиққанида соат иккидан ошган эди. У ҳали бир чақирим жойни босиб ўтмасидан, изига “дум” тушганини пайқаб қолди. Клингер у ҳақда Баннерманга хабар қилган бўлса керак. Питер орқасидан эрганиб келаётган йигитдан узоқлашмасликка уриниб, йўлида кетаверди; икки марта тўхтади: бир марта, шундоқ ҳам маҳкам боғланган ботинкаси ипини боғлаш учун, иккинчи марта – дорихона ойнаванд кўрғазмасига назар ташлаш учун. У ҳар тўхтаганида, йигит ҳам қадамни секинлатди – аввалига сигарета тутатди, кейинги гал, ерда ётган қоғоз парчасини олиб ахлатдонга ташлади.

Шундан кейин Питер то “Плаз” отелига боргунча ҳеч ерда тўхтамади. У меҳмонхона даҳлизига кириб, автомат-телефонни топди. Йигит шу заҳоти дўконча олдида пайдо бўлиб, газета сотиб ола бошлади. Питер Девери рақамларини терди.

– Фойдали бирон нарса борми? – деб сўради у.

– Озгина, – деди Девери. – Мэри Льюис халқаро авиайўналишларда хизмат қилган. Охирги пайтларда Нью-Йорк – Лондон йўналишида учган.

– Шахсий иши қандай?

– Аввалига чиннидай топ-тоза, кейин қора доғлар пайдо бўла бошлаган.

– Йўғ-е?

– Ишдан кетиши олдида (у ўзи кетган, уни бўшатишмаган) уни наркотик моддалар контрабандасида деб шубҳаланишган. Компания унинг можаро кўтарилмай бўшаб кетганидан хурсанд бўлган. Льюисга наркотик моддалар Федерал бюросидаги йигитлар қизиқиб қолишган. Лекин Мэри, уни ҳибсга олиш учун далиллар тўпланмасдан олдин ишдан бўшаб кетган. Шундан бери у муҳташам кошонада ҳузур-ҳаловатда яшаб келяпти. Ҳамма харажат Томми

Клингердан. Чамаси, бу ерда у хоним героин контрабандасидан кўра кўпроқ даромад топса керак.

– Эҳтимол, унинг шундан бошқа иложи қолмагандир.

– У нима деганинг?

– Мен бу ерда Клингер билан бир оз гурунглашдим. У молия даҳосига ўхшамайди. Қандайдир шаҳватпараст. У ё ўта иродасиз одам, ёки энг истеъдодли актёр. Ўзини мулақо ҳуқуқсиз одам қилиб кўрсатаётти, Траскнинг айгишича, оилавий ҳаётда ҳам у шундаймиш. Клингер билан учрашганимдан кейин, Траскнинг гапи тўғрига ўхшаб кўринди менга: Мэрининг Томми билан қолишига сабаб уни севгани ҳам, унинг пуллари ҳам эмас. Клингер уни нозик еридан илинтириб олган.

– Наркотиклармикин?

– Шунақага ўхшайди, – деб қўшилишди Питер. – Ёш умрини федерал турмада ўтказгандан кўра ёқимсиз ўйнаш билан ўтказган яхши-да.

– Мэридан бирон нарса билиб олишингга кўзим етмаяпти, – деди Девери.

– Ҳамонки, Клингер кўлида шундай сиртмоқ бор экан, у қиз чурқ этиб ҳам оғиз очмайди.

– Бўлса бордир. Лекин, Фрэнк, эшит, биз учун бир имконият туғилияпти: агар наркотик моддалар бюроси Мэрини унутса, унда бу қиз бўрон кўтаришга журъат этиши мумкин.

– О, бюрода уни унутиб юборишган. Ўзларича, Мэри қорасини кўрсатса, шу заҳоти устидан яна иш очилади.

– Бундан чиқди, Клингернинг кўлида бюро билмаган маълумот бор. Агар мен Мэрини, сенга қарши ҳеч қандай айблов қўйилмайди, деб ишонтирсам...

– Майли, уриниб кўраман, – деб ваъда берди Девери. – Лекин жуда оғир масала. Биз ахир билмаймиз-да Клингерда нима борлигини. Бордию Стронгдан сўрасак-чи? Балки у Льюисни судда гувоҳ сифатида сўзлашга кўндирар?

– Буни ўйламаям. Корал нишонга олинган экан, Стронг уларга кўр-кўрона итоат этаверади.

– Ҳолбуки, унинг хотинини тоабат нишонга олиб туришлари мумкин, – деб хулоса қилди Девери. – Наркотик моддалар бюроси билан гаплашиб кўраман.

– Бўпти. Қачон қайтишимни билмайман. Мени яна кузатишяпти. Клубдан чиқишга улурмасимдан, Клингер уларга сим қоққан бўлса керак. Ҳм... Умримда биринчи марта яланғоч ҳолатда интервью олдим.

– Ишонишим қийин, – деб қўйди Девери.

– “Дум”ни узишга шоншилмайман, кўп вақт керак бўлади бунга. – У гўшакни илди ва Жейкнинг хабарларидан Мэрининг манзилини қидириб, бир оз вақт кабинада туриб қолди. Ниҳоят, у кабинадан чиқиб, тўғри йўл-йўл костюм кийган йигит пойлоқчилик қилиб турган дўконча олдига борди. Питер унга кўз ташлаб чиқиб ҳайрон қолди. Ҳали жуда ёш бўлишига қарамай, йигитнинг кўзлари жудаям совуқ ва бешафқат эди – Питер умри бино бўлиб, ҳеч ҳам бунақа одамни учратмаган эди. Йигит қадди-басти келишган, мушакдор, сочлари оч сариқ рангда эди. Питер йигитга мурожаат қилганида, у ажабланган бўлса ҳам, бу ҳолатни сездирмади.

– Менга қара, бас қил мушук-сичқон ўйинини, – деди унга Питер. – Мең Мэри Льюисникига меҳмонга кетяпман. Хоҳласанг, бирга борамиз.

Йигит ошпоқ тишларини кўрсатиб, бир зумгагина таралдудли жилва қилди.

– Сиз нима десангиз шу, – деб жавоб қилди йигит. У ё немисча, ё шведча талаффузда гапирди – Питер аниқтай олмади.

– Исминг нима?

– Смит. Хоҳласангиз – Жонс ҳам, Браун ҳам, – деди йигит. – Танлайверинг.

– Жонс маъқул, – деди Питер. – Ўзим ҳам Смитман, кези келганда. Кетдикми, Жонс?

Бунақа беўхшовлик бўлган эмас. Улар “Плаз” отелидан икки қадрдон дўстдек чиқишди ва такси тўхтатишди. Йўл-йўл костюм кийган йигит Питердан кўра анча бамайлихотир кайфиятда эди. Унинг совуқ кўк кўзларида истеҳзо учкунлари намоён эди.

– Гапимга ишонмаслигингиз ҳам мумкин, мен бир неча йилдан бери сизнинг доимий мухлисингизман, – деди у.



- Бу нима, хушомадми?
- Ҳа. Сизнинг мақолаларингизни мен “Ньюсвью”нинг немисча нашрида ўқиганман.
- Немисмисиз?
- Сизга бўлсангиз керак, деб ўйловдим. Инглизчада талаффузсиз гапиришга ҳеч ўрганолмадим.
- Сизни ёллаган одам ҳам немисми?
- Эшпитинг: менинг ёлловчим қўлида немислар хизмат қилади. Шунингдек, финлар ҳам, греклар ҳам, руслар ҳам, италянлар ҳам, японлар ҳам. У дунёнинг ҳамма бурчагидан ўзига ходимлар ёллайди.
- Лекин сиз “дум” бўлиб менга эргашганингизни яширмадингиз ҳам.
- “Дум” – таъқиб қилувчимиз? Менга ошқора таъқиб қилиш буюрилган.
- Унинг совуқ кўк кўзлари Питерга бошдан-оёқ разм солиб чиқди. – Қилган танбеҳимизни тушунарсиз, деб умид қилгандик, мистер Стайлз. Вақт тез ўтиб борапти ахир.
- Тушунмадим.
- Айтмоқчиманки, Қинғир иши ўз тартиби билан бораверсин. Етар тумшук тиқиш. Сиз бизни мажбур қиляпсиз. Ўзимиз ҳам бунчалик кескин ҳаракат қилишни хоҳламагандик. Ана, ўша Уилсонингизни олинг. Қотиллик ҳам, номусга тегиш ҳам бўлмасди, аммо сиз бировларнинг ишига тумшук тикяпсиз.
- Жиноят ҳақида ҳақиқатни аниқлаш – менинг ишим, – эътироз билдирди Стайлз.
- Бу кимга керак? Эргалабки қаҳва пайтида ўқиш учунми? Озод мамлакатнинг дабдабали удуми бу. Сиз полиция эмассиз, мистер Стайлз. Ундан кўра, ўша қимматбаҳо ҳақиқатингизни ёзаверинг-да, журналхонларнинг кўнглини овлаш учун. Улар сизнинг ёзганларингизни ўқиб, ўзларини дунёда рўй бераётган ҳамма воқеалардан хабардор деб ҳисоблайдилар. Аслида эса, ҳеч вақони билишмайди, чунки сизнинг ўзингиз ҳам ишнинг махфий замири ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмассиз. Айтмоқчиманки, бу моҳиятни искаб топишга уринишингиз жуда қимматга тушди сиз учун.
- Нима, мени гоёвий жиҳатдан тарбиялаш буюрилганми сизга? – қизиқсиниб сўради Питер.
- Менга фақат битта буйруқ берилган: орқангиздан кузатиш, – деб йигит елкасини учуриб қўйди. – Лекин ўзингиз хоҳладингиз бунди. Сизга айтсам, мени ҳокимият учун кураш қизиқтиради. Агар жонингизга теккан бўлсам, кечиринг. Лекин қандай хулосага келганимни айтиб берайми сизга?
- Агар хоҳласангиз.
- Натижа, мистер Стайлз, шубҳа туғдирмайди. Ҳамиша энг қудратлилар голиб чиқади. Бу футбол ўйини эмас; унда қандайдир бемаъни тасодиф туфайли заиф ўйинчилар ютиши мумкин. Кимдир беҳосдан тўпни бериб қўяди, ёки тренернинг гашига парво қилмайди, ё бўлмаса, кўнглига келган фикрдан илҳомланиб кетади-ю, ўйинни бой бериб қўяди. Ҳокимият учун курашда кучли команда бир эмас, ўнлаб хатога йўл қўйганда ҳам, барибир, ютиб чиқади. Енгиб бўлмас кучга қарши жанг қилувчилар – қаҳрамонлардир. Лекин бу қаҳрамонлар доимо мағлубдирлар. Сиз жуда лаёқатли одамсиз, мистер Стайлз. Халқаро воқеаларни жуда оқилона шарҳлайсиз. Миллионлаб кишилар ҳаётини сермазмун ва қизиқарли қилаоласиз. Лекин ҳозир сиз куюнга қарши курашмоқчисиз. У сизни тилка-пора қилиб юборади.
- Сиз, Жонс, ғайриоддий гангстерсиз, – деди Питер.
- Йигит жилмайиб қўйди ва камзури тугмаларини ечди:
- Менинг ҳатто куролим ҳам йўқ. Биласизми, гирт бемаънилик бўларди агар полициячи олдига бориб, сизни таъқиб қилаётганимни айтсангиз; қарашсаки, менда курол ҳам йўқ. Сизда-ку пистолет олиб юришга рухсатнома бўлса керак. – У яна жилмайиб қўйди. – Менга сизни кузатиш топширилган, зарурат туғилганда сизни топиш осон бўлсин учун. Вассалом. Сизга бу ерда қилган ваъзларим эса – истеъдодингизга қойил қолганим белгисидир. Охир-оқибатда бари бир мағлубиятга учрашингиз муқаррар бўлган бу ўйинда қатнашингиз сиз ва сизнинг дўстларингизга жуда қимматга тушаётганидан афсусдаман. Мен сизни гапимга ишонтирмакчи эдим. Бу курашингиздан фойда йўқ, умид ҳам қилманг.

– Бошлигингизга бориб айтгинки, – Питер лабини чўччайтирди, – сизлар астойдил тер тўкиб ҳаракат қилдингиз.

Такси қайта таъмирланган муҳташам бир бино олдида тўхтади.

– Агар хоним уйда бўлса, бир оз ушланиб қолишим мумкин, – деб огоҳлантирди Питер такси ҳайдовчиси билан ҳисоблашаркан.

– У уйда, сизни кутяпти, – дейди йигит. – Клинтгер менинг хўжайинимдан ташқари, унга ҳам, албатта, қўнғироқ қилган. Сиз Клинтгернинг ўтакасини ёраёзбисиз. Лекин суюнишга шошилманг, мистер Стайлз. Ким билсин, Клинтгер унчалик заиф одам эмасдир балки, гарчи шундай кўринса ҳам.

Питер машинадан чиқиб, йўл-йўл костюм кийган йигитга ўгирилиб қаради.  
– Кўришгунча!

Стайлз уйга кираверишда хонадон соҳибасининг номи ёзилган мис лавҳани топди: “М.Льюис”. У ҳамон йўл-йўл костюм кийган ўктам немис йигити билан бўлган жуда антиқа суҳбатдан таъсирланганча бир дақиқа туриб қолди. Ҳа, у ғайриоддий гангстер. Питернинг ишончи комил эди: бундай суҳбат ҳар қандай вазиятда ҳам юз берган бўларди. Ҳаттоки тентаклик қилиб йигитни ўзи билан бирга таксига тушишга таклиф қилмаганда ҳам! Бу мистер “Жонс”ни улар Питерни ғайрирасмий тарзда қўрқитиб қўйиш учун юборишган.

Питер қўнғироқ тутмасини босди. Шу заҳоти эшик қулфи “шиқ” этди. Мисс Льюис гаплашиш ускунаси орқали келган меҳмоннинг кимлигини сўрамади ҳам. Питер эшикни очиб, нимқороғи йўлакка кирди. Бу ер чиннидай тоза, ерга қалин гилам тўшалган, мўъжазгина столча устидаги гулдонда янги узилган гуллар турарди.

– Кириг, кираверинг, – деб таклиф қилди хиёл бўғиқ аёл овози.

Йўлак охиридаги эшик очиқ бўлиб, у ерда эгнига серзийнат қора халат кийган, малла сочлари ўт мисол лов-лов этувчи ниҳоятда хушрўй қиз турарди. Унинг тирноқлари бўялган бармоқлари орасида сигарета бор эди.

– Кириг, мистер Стайлз! – деб таклиф қилди у ва ўзини четга олди.

– Мени кугаётганмидингиз? – деб сўради Питер қора кўзойнагини счаркан.

– Томми қўнғироқ қилиб, сизнинг келишингиз мумкинлигини айтди. – Қиз жилмайди, унинг бу жилмайишида истехзо акс этиб турарди. – Мен жуда синчковман, бўлмаса эшикни очмасдим.

Эрик бу қизни унча аниқ таърифламаган экан. Малла сочининг табиийлиги, сарвқомат эканлиги – ҳаммаси тўғри, лекин у қизнинг юракларга гулгула солувчи латофати, жозибадорлиги ҳақида лом-лим демаган эди. Унинг катта-катта очилган оҳу кўзлари чақнаб турарди. У мудом хушбахт саргузаштлар оғушида бўлгандек ҳис қиларди ўзини.

– Нега керак бўлиб қолди сизга сочингизни бўяш? – сўради қиз ажабланиб.

– Маскарадга боргандим.

– Ўз сочингиз кўпроқ ярашарди сизга. Мен сизни кўрганман. Менга сизни кўрсатишган гоҳ у, гоҳ бу ерда. Мен машҳур одамлардан коллекция тузаман. Лекин сизнинг уйимга тўғридан-тўғри кириб келишингизни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим.

Питер таклиф қилинган меҳмонхона тумтароқ услубга амал қилинмай, яхши дид билан жуда қулай ва жўяли жиҳозланган эди. Деворларда кино юлдузлари, спортчилар, сиёсат ва давлат арбобларининг дастхатли фотосуратлари тизилишиб турарди; улар орасида нотаниш шахслар ҳам бор эди; афтидан, бой одамлар шекилли. Мэри ишлаган авиайўналишда учишган бўлса керак, деган хулосага келди Питер. Яна у бу маълум ва машҳур кишилар сафида аёллар йўқлигига эътибор берди.

– Сиз менга бир нечта савол билан мурожаат қилгани келгансиз, – ҳамон истехзоли жилва билан деди Мэри. – Баъзи саволларингизга мен нима деб жавоб қилишни билмайман, бошқаларига эса хоҳламайман жавоб беришни. Хўш, қандай вақтичоғлик қиламиз? Ичасизми? – у меҳмоннинг жавобини кутмай, ичида шишалар қалашиб турган кичик бар олдида борди, соф жин арагини куйиб ичига муз солди. – Шуми сиз ичадиган оғу? – деб у Питерга елкаси оша юзланди.

– Ҳозирча шу.

Қиз жиндаги музни аралашгирганча қайтиб келди ва диваннинг бир бурчагига жойлашиб ўтириб, чиройли оёқларини чалишгирди.

– Сиз биринчи эмассиз, биласизми? – сўради қиз.

– Биринчимас, қай маънода?

– Мен билан Томми Клингер тўғрисида суҳбатлашиш иштиёқида бўлган биринчи киши эмассиз. – У жиндан ҳўплади. – Биринчи киши – бундан бир ой бурун келган ёш йигитча, прокуратура ходими эди. Кейин прокурорнинг ўзи ҳам келди. Бинойидек одам экан. Фақат сал мижғовроқ кўринди. Яна сизларнинг тахририятингиздан Жейк деган қандайдир йигит ҳам келиб кетди. Аломат йигит экан. Ҳали яна бир кун келиб қолса ажабмас: иш юзасидан эмас, шунчаки ўзи.

– Кўрсам айтиб қўяман.

– Албатта, айтинг. – Унинг ясама табассуми мафтункор эди. – Наҳотки, сиз дурустроқ бир фикр таклиф қилмоқчи бўлсангиз?

– Уйлаб кўраман.

– Илтимос. – Мэри қовоғини уйди. – Мен ҳақимда унча яхши фикрда эмассиз, а, Стайлз? Олинг, ана, хонадонимга ҳақ тўлаб, мени таъминлаб турган эркак ҳақида сизга очиқ гапириб бердим, дейлик. Буни мен яширмайман, уни ўзингиз ҳам биласиз.

– Баъзида вазият тақозоси билан ҳатто садоқатнинг ҳам баҳридан ўтадилар.

– Қўйсангиз-чи, – деди Мэри муздек жиндан симираркан.

– Сизга бир воқеани сўзлаб берай, хоҳлайсизми? Буни ўзингиз ҳам эшитган бўлсангиз керак, – деб гап бошлади Питер. – Бундан икки кун бурун кеч соат ўн бирларда бир жуда хушфёъл, ёқимтой аёл уйига қайтаётган бўлган. У аёл бизнинг тахририятимизда ишлайди, репортёримизга турмушга чиққан. Турмуш қурганларига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Иккита бандит у аёлни тутиб олиб, хилват тор кўчага судраб кирган-да, номусига тажовуз қилган, кейин уни ўласи қилиб қалтаклаб, буйруқларини “Ньюсвью”га айтиб қўйишни тайинлашган. Тахририят тумшук тикмасинмиш, бўлмаса бу ҳали ҳолвамиш. Нимага тумшук тикмаслигимиз тушунарли. Клингер ишига. Мен ўша ходимамизни арзимас бир топшириқ билан Филадельфияга жўнатдим: аёл бу машъум аҳволда эрининг кўзига кўринишни хоҳламас, эри эса хотинининг бошига тушган мусибатдан гофил қолиши керак эди. Унинг нега бундай қилганини балки сиз, аёл сифатида яхши тушунарсиз. Лекин эри бундан хабар топади. Қандайдир бир аблаҳ кўнгироқ қилиб, унга ҳамма гапни очиқ айтиб беради ва буйруқни такрорлайди.

– Бадбахт воқеа. – Мэри шаҳло кўзларини Питердан узмасди.

– Бу ҳали бошланиши, – давом этди Питер. – Ходимамиз уни таъқиб қилишаётганини пайқаб қолади ва изқуварлардан ҳеч ўзини олиб қоча олмайди. Шунда биз Филадельфиядаги репортёримиз билан гаплашдик; у ходимамизни Нью-Йоркка олиб келишга сўз берди. Лекин аёл гойиб бўлади. Репортёр отелга бориб, уни топмайди. Энди биз унинг қаердалигини билмаймиз.

– Бу энди полициянинг иши, тўғрими? Йўқолган одамни қидириш. Мен сизга ҳеч қандай ёрдам беролмайман ахир.

– Ҳали гапимни тугатмадим, – Питернинг овози совуқ эди. – Ходимамизнинг эри ҳам уни қидириб топгани Филадельфияга жўнайди. У ҳеч ердан ҳеч кимга кўнгироқ қилмади. Биз ҳатто унинг Филадельфияга етиб борган-бормаганини ҳам билмаймиз. Лекин унга нима бўлганини биламиз.

– Бугунги газетада бор! – деди пичирлаб Мэри.

– Тўғри. Жорж Уилсонни ўлдиришган, кейин уни менинг ошхонамга осиб кетишган. Мана сизга уларнинг ўйини, Мэри. Бошқаларгаям таҳдид қилишяпти. Кеча кечқурун ниқоб кийган уч киши мени ўласи қилиб дўппослашди. Мени ҳам таъқиб қилишяпти. Ҳар бир босган қадамимни.

– Бу ёққа ҳам келишганми?.. – деб чинқариб юборди қиз.

– Муғлақо ошқора тарзда. Биз ҳатто таксида бирга келдик.

– Ундай бўлса, қорангизни ўчириш! – деб чийиллади Мэри. – Тез кетинг!

– Йўқ, олдин сиз саволларимга жавоб берасиз. Ҳеч бўлмаса гапларимни эшитасиз.

– Ёмон таъбирингизни беришибди, шекилли?

– Ихси, бу жароҳатлар, моматалоқлар ҳали-бери битмайди. – Питер қизнинг жамолидан кўз узмай ўтираркан, унинг айтадиган гапини кутарди.

– Нима, бу ерга Томми Клингернинг аёлини томоша қилгани келанмисиз? – деди Мэри ахири чидолмай. – Ҳали мендан биронта муҳим гап эшитиш ниятидадирсиз? Ҳарҳолда, ўша миссис Уилсонга ҳужум қилган гангстерларнинг номини ёки эрининг қотиллари кимлигини мендан сўраб билмоқчи эмасдирсиз?

– Йўқ-е, нега энди?

– Бўлмаса нима истайсиз? – У Питернинг гапларини эшитишдан воз кечмади – шунисигаям шукур.

– Нима учун алақимлар Клингерни одил суд чангалидан тортиб олиш учун, ёки агар иши судга тушган тақдирда, уни оқлаш учун жон-жаҳд билан, терлаб-пишиб ҳаракат қилиб ётишибди?

– Бўлмаган гап. – Мэрининг пешонасида нозик ажинлар пайдо бўлди.

– Йўқ, Мэри бу ерда муайян ҳаракат тизими намён бўляпти. Ўша сизнинг Томмингизда Эрикни илинтирган қандайдир далил бор, шу туфайли у Эрикни сизнинг жазманингиз ролини ўйнашга мажбур қилган.

– Бечора сохта жазман.

– Клингерда сизга қарши ҳам бир нима бор, Мэри. Мендаги маълумотларга қараганда, Томми билан ўртангизда ҳеч қандай романтик муҳаббат йўқ. Тахминимча, унинг қўлида сиз тўғрингизда маълумот бор, агар у ўша маълумотни наркотик моддалар бюросига юборса, сизни узоқ муддатга панжара ортига жўнатишлари аниқ.

– Ахир ўзингиз айтдингиз-ку, тахмин деб! – қизнинг пешонасидаги ажинлар йириклашди.

– Шантаж – Томмингизнинг энг хуш кўрган услуби шу, у доим шу билан шуғуллианади. Томмини зўр бериб ҳимоя қилишга уринишларига сабаб шу эмасмикин? Унинг қўлида баъзи бир раҳбарлар тўғрисида ҳам – масалан, Клауд ё Баннерман тўғрисида – салмоқли маълумотлар бўлиши керак. Уларнинг бутун хўжалиги катта хавф остида. Ана шу хўжаликни, шунингдек, ўзларини ҳам омон сақлаб қолиш учун улар одамларни ўлдириб ётибдилар.

– Бу мулоҳазаларингизда, Стайлз, заррача ҳам мантиқ йўқ! Ҳаммаси тахминлар, гумонлар. Бекорга вақтингизни сарфлаяпсиз. Қандай ҳақдингиз сиғди, бу ерга келиб, менга икки йилдан бери ҳамтўшагим бўлган одамга хиёнат қилишни таклиф этишга?

– Мабодо наркотик моддалар бюроси сизнинг дахлсиз эканлигингизга кафолат берса-чи?

– Мени зўрламанг! – чинқирди қиз. – Ҳали мен сизга ўзим билган сирларни айтганманми, жин урсин? Анойингиз йўқ! Кейин нима бўлади? Қерда энди ўша Уилсонингиз? А? Ана шунақа! Нима туфайли мен бунга журъат этишим керак экан? Нима, мени скаутларнинг олтин юлдузи билан мукофотлашармиди? Мен билан ичишни хоҳлайсизми? Марҳамат! Мен билан ҳамтўшак бўлмоқчимисиз? Бемалол! Сизнинг касрингизга мени гумдон қилишсинми? Буниси кетмайди! Аҳмоғингиз йўқ!

## УЧИНЧИ ҚИСМ

### *Биринчи боб*

На чора, Мэри вазиятга жиддий ёндошди. Агар, масалан, Жоржнинг нимани аниқлагани унга маълум бўлса-ю, бу ҳақда чурқ этиб оғиз очса, бошига Жоржнинг куни тушиши аниқ эди.

Питер унинг бар олдига қандай бориб, ўзига яна жин қуйганини кузатиб турди. Кейин Мэри алам билан гапира бошлади:

– Бир пайтлар мен ҳам андишали қиз эдим. Бир дўстимга ёрдам қиламан деб, мана, тузоққа илиниб ўтирибман. Энди бўлса сиз келиб мендан ёрдам сўраяпсиз, лекин ёрдам қилсам – ўламан. Ҳа, сизнинг аҳволингизниям тушуниб турибман. Дўстингизни ўлдиришди, ўзингиз билан ўртоқларингиз жар ёқасида турибсизлар. Лекин нега энди мен ўз жонимни таҳликага қўйишим керак? Бу

ердалигингиз уларга маълум. Агар бирон нима десам, шу заҳоти мен айтганлигимни билиб олишади – сизнинг хатти-ҳаракатингиздан. Кетинг, Стайлз. Тинч кўйинг мени!

– Нима ёрдам қилган эдингиз дўстингизга? Нима учун тузоққа тушгансиз?

– У ўтирган еридан жилмади. – Наркотик моддалар масаласидами?

– Нега менга канадай ёпишиб олдингиз? – деб чийиллади қиз.

– Мен қуруқ қайтиб кетолмайман, Мэри. Бирон нима билишим шарт. Чунки бошқа келолмайман – йўл кўйишмайди. Маълумот манбаи кимлигини билиб олишади.

– Кетинг бу ердан тезроқ!

– Мен Клинтгернинг дилида нима борлигини, унда қандай мурват ишлаётганини билишим керак. Рақибим асерорини салгина бўлса ҳам очишга ярайдиган биронта калитини топсам дейман. Сизнинг Томмига ўз ихтиёрингиз билан боғланмаганингиз менга аён.

– Шунисигаям раҳмат, – қиз яна диванга қайтиб келиб ўтирди. У анчагача Питерга тикилиб ўтирди – қайси гапни айтиш хавфли эканлигини ўйлаб кўрди, шекилли. Бир дақиқагина бўялган қовоқларини кафти билан қошлади. – Демак, сиз Томмининг сирларини билмоқчисиз. – Яна қизнинг истеҳзоли кулгиси янгради. – Майли, биттасини очаман. Унинг истагини қондириш учун нималар қилишимни айтайми? Қип-яланғоч ечиниби, унинг олдида у ёқдан-бу ёққа юраман. Қалай, қимматли тафсилотми, Стайлз?

– Нега энди бунга чидайсиз, икки йилдан бери? Сабаби нима? Келинг, бошидан бошлайлик. Сиз у билан қаерда танишгансиз ва қандай қилиб унинг чангалига илингансиз?

– Вой, худойим-е! Бир вақтлар мен бир йигитни севиб қолган эдим. Анча бўлди, – унинг лаблари пирпиради. – У армия хизматида эди. Лейтенант эди. Уни Вьетнамга, ўша ваҳшиёна, бадбўй урушга жўнатишди. У билан танишган пайтимда, мен жуда бахтли, хушчақчақ қиз эдим. Унга турмушга чиқмоқчи эдим. Лекин у иккиланарди, мажруҳ, ногирон бўлиб қайтаман, деб кўрқарди. Мени ўзига боғлаб қўйишни хоҳламасди. Шунинг учун, биз бир-биримизни севиб беникоҳ яшайвердик то унинг жўнаб кетгунича. Ушанда энди ўн тўққизга кирган эдим, унинг ҳамиша ёнимда бўлишини жуда-жуда хоҳлардим. – У жим қолди, кўзларида намоен бўлган ҳасрат нишонаси Питернинг раҳмини келтирди. Унинг кўзига қиз бирдан боягидан анча ёш бўлиб кўринди. – Кейин мен самолётларда ишлай бошладим, – деб яна гапга тушиб кетди у. – Йигитимни айни Вьетнамга жўнатишган пайтда мени Нью-Йорк – Лондон йўналишига ишга олишган эди. Бу мен учун қизиқарли иш эди. Самолётимизда жуда кўп машхур кишилар учинарди, бу хизматим мени гамдан фориг қиларди. Аммо сал вақтдан кейин йўловчилар гашимга тега бошлади. Якка ҳолда саёҳатга чиққан бизнесменлар борми, кинога тушиш учун Европага таклиф қилинган актёрлар борми – булар ҳам сўққа бош ҳолда. Агар битта қатнов пайтида мени ўнтадан кам одам учрашувга таклиф қилса, наҳотки афтим бужмайиб қолган бўлса, деб безовталана бошлардим. Лекин бу учрашувларга бормасдим: ўз йигитимнинг шайдоси эдим, ҳолбуки уни Вьетнамда ҳар дақиқада жароҳатлашлари мумкин эди. Лекин бора-бора мен баъзи нарсаларни ўргандим, Стайлз. Масалан, агар бирон эркак хилват жойда мени ўшудек бўлса, ичимда нимадир нимирлаб кетарди унга жавобан. Йўқ, бу руҳий эмас, жисмоний туртки эди, мен сизга айтсам. – У чуқур бир тин олиб жиндан хўшлади. – Кунларнинг бирида, Нью-Йоркка қайтиб келганимда, менга хат келган экан. Ҳукумат хати. Менинг лейтенантим, агар ҳалок бўлсам маълум қилинлар, деб менинг адресимни берган экан. – У Питерга кўзини чақчайтириб қаради. – Ана шундан бошлаб, Стайлз, муҳаббатимнинг умри тугади. Бутунлай. Бунақа... бунақа воқеаларни минглаб аёллар бошидан кечиришган, биламан. Фақат ўша аёллар бундай бемаъни жудоликка қандай чидашаркин, билмайман. Лекин мен кейинги сафар Лондонга учганимда битта ёқимтойгина актёрни танлаб, уни сийладим. Орқага қайтишда бир ёш инглиз дипломати билан ётишга рози бўлдим. Шундан кейин, ярим йил ичида мен кам деганда элликта эркак билан бўлдим, бу ишим менга ёқиб қолди. Мен кўнглимга сиққанча мириқиб вақтчоғлик қилардим. Аммо агар биронта эркак ийиб кетиб сал ортиқроқ талтая бошласа, ё келажак ҳақида режалар тузишга киришса, шу заҳоти унинг думини тугардим.

– Хўш, Клингер-чи? – деб эслатди Питер.

– Бир марта у Лондонга учиб кетаётганида менга жиддий тарзда хушомад қила бошлади. Менга бу бақалоқ киши кўнгли очиқ одамдай туюлди. Тўғри, у мenden йигирма ёшча катта эди. Лекин мен бу дўзахмакон ҳаётда анчамунча тажриба орттирган эдим. Баъзида ёши катта эркеклар ёшлардан яхшироқ бўлишарди. Ўша биринчи учрашган кунимиз мен Томми билан бормадим. Бошқа ким биландир кетдим. Лекин бир ҳафтадан кейин у уйига қайтаётганида яна қаттикроқ ёпишиб олди менга ва мен, жин урсин, борсам нима бўпти, осмон узлиб ерга тушармиди, дедим-у рози бўлдим. У мени мана шу хонадонга бошлаб келди. – У орқасига ўтирилди. – Сиз хобхонани кириб кўринг, шунда Томмининг қандай одамлиги ҳақида оз бўлса ҳам маълумотга эга бўласиз. Ошпоқ мўйна гилам устида доира каравот. Шифтга ҳам, ҳамма деворларга ҳам кўзгулар ўрнатилган. Мен, жуда алламбало ишқ савдоси бўлади, деб ўйловдим. – Мэри қиқирлаб кулиб қўйди. – Қаёқда? У ҳатто гап отиб ҳам кўрмади. Фақат бир марта ўпиб қўйди, холос. Мен тезроқ қочиб кетдим бу ердан. Бир ойдан кейин у яна Лондонга учди. Етиб борганимизда мени таклиф қилди. Мен рад этдим: унинг бу зайлда кўнгулхушлик қилиши менга тўғри келмасди. Ана шунда у ўз мақсадини рўй-рост тўкиб солди. У менга қарши материаллар тўплаганмиш, мени, йўқ деганда ўн йилга қаматиб юбориши мумкинмиш.

– Наркотик моддалар сабабми?

Мэри бош ирғади.

– Бир марта мен ўша байталмонни Нью-Йоркка олиб келган эдим. Лондонлик бир дўстим илтимос қилганди. У менга ёқарди. Ишонасизми, бу хизматим учун менга сариқ чақа ҳам тўлашмади. Бу хизматим фақат ўша яхши кўрган йигитимга илтифотим бўлди. Олиб келганим ўша пакетчаларни Нью-Йоркда унинг дўстига топширдим. Уларнинг наркотик модда эканлиги хаёлимга ҳам келмаганди. Қандайдир арзимас бирон матоҳ бўлса керак, деб ўйлагандим. Лекин Клингер кўзимни очиб қўйди. У ўша ўзининг “Мовий осмон” идаги детективлардан бирини орқамдан айғоқчи қилиб қўйган экан. Фотосуратлар кўрсатди: биттасида лондонлик йигитдан пакетлар олаётганим, яна биттасида уларни бошқа одамга топшираётганим тасвирланган эди. Бир кўз олдингизга келтиринг! Мана менинг баҳоим. Шу тариқа мен унинг мулкига айланиб қолдим. Шу-шу мен бу гурбатхонадан ҳеч ерга кета олмайман, у буюрган ишни қиламан, қачон ва қаерга боришим ҳам унинг измида. Ўшанда Нью-Йоркка қайтиб келганимдан кейин, стюардессалиқдан бўшашимга тўғри келди. Мен фақат унгагина тегишли мулк бўлишим керак эди – бошдан-оёқ, тўла-тўқис... Мен... жуда кўрқиб кетдим, Стайлз. У нафақат мени, инглиз йигитимни ҳам, унинг дўстини ҳам илтириган эди. Ҳаммамиз қопқонга тушган эдик. Ундан қутулиб чиқишнинг ҳеч иложи қолмаган эди. – У қадаҳидаги жинни ичиб бўлиб, яна бар томон йўналди. – Менинг ягона истагим: бу қопқонни тарк этиш. Далилларни қаерда сақлаётганини билиш! Мен уни ўлдиришдан ҳам қайтмасдим, фақат ўша далилларни қўлга киритсам бўлгани! – У қадаҳидаги муз парчаларини шақирлатиб қўйди. – Агар унинг совуқ қилиқларига дош беролмай қолсам, унда уйқу дори ичибми, ё бўлмаса, деразадан ўзимни отибми, жонимга қасд қиламан-қўяман. Нима, сиз мени кўрқоқ деб ўйлайсизми? Журъат этолмайманми? Мен, зора-мора қоронғи тунда уни биронга машина босиб кетса, деган умид билан яшайман.

– Буларнинг ҳаммаси икки йил бурун бошланганмиди?

– Назаримда, бунга минг йил бўлгандек.

– Сизни суд озод қилиши мумкин. Агар Клингер устидан ҳукм чиқарилса...

– Бу ҳеч нимани енгиллаштирмайди, – деб сўзимни бўлди Мэри. – Томмини қай гўрга тикишмасин, барибир, ҳужжатлар унинг қўлида қолаверади. Мени у яна бошқа кимгадир сотади.

– Клингерни илтиришга ёрдам берсангиз, – деди эҳтиёткорлик билан Питер, – унда эҳтимол сиздан наркотик моддалар масаласидаги айбни олиб ташлашга муваффақ бўларман... нафақат сиздан, дўстларингиздан ҳам. Менга Клингер керак – кечи билан эртага эрталабгача, фақат шундагина мен

дўстларимни қутқара оламан. Мен унинг бутун сир-асрорини билишим керак. У қай бир ерда бирон-бир эътиборсизлик, ожизлик қилган, бошига бало ортирувчи катта ҳагога йўл қўйган бўлиши мумкин. Лекин бунда сиздан бошқа ҳеч кимдан билиб бўлмайди.

– Сизга нафи тегадиган ҳеч нарса билмайман, Стайлз, – ночорлигини ифодалаб қўлларини ёзди Мэри, – ўтинаман, мени қутқаринг! Агар у бирон нимани ихтиёр қилса – мана, масалан, мен унга керак бўлиб қолдим, – қаллоблик ёки шантаж қилиш йўли билан истагини амалга оширади. У доим ўзини оққўнгил, қувноқ одам қилиб кўрсатади. Бордию, ҳа, бу безиён, кўнгли пок одам экан, деб сал бепарво бўлсанг борми, шу заҳоти пулаг қопқон “шиқ” этиб ёпилади-қолади. У ва унинг мараз компанияси нафақат ҳукумат фаолиятини ва корпорацияларни назорат қилади. Зарур бўлса, улар сиз тамадди қиладиган қаҳвахонадаги энг камсукум официант аёлнинг ҳам ёки сиз кўп қатнайдиган авиайўналишда хизмат қилувчи стюардессанинг ҳам ҳаётини назорат остига оладилар. Томми мен билан сирлашмайди; ахир у сир сақлаш лаёқатига эга бўлгани учун ҳам жон сақлаб келяпти. Гарчи камчиликлари бўлса ҳам, кўп эзмалик қилса ҳам, уни айблаб бўлмайди.

– Унинг хотини-чи?

Мэри яна ҳиринглаб кулди.

– Дилбар аёл. Ҳақиқий сарғиш соч. Оқсуяқлардан. Ёши, тахминан, Томми билан тенг. Қирқ беш ёшлар атрофида, лекин анча ёш кўринади. Табиати сал галатироқ.

– Клинернинг сиз билан муносабати тўғрисида биладими?

– Баъзан, назаримда, биладигандек, баъзида эса – йўқ. Билса ҳам, билмаса ҳам парво қилмайди. Эркаклар қизиқтирмайди уни.

– Нега бўлмаса бирга яшашади?

– Улар бир-бирларига керак. Хотинининг пули бир дунё. Унинг пули ва жамиятда тутган мавқеи Томмига асқотади. Унинг компьютери эса хотинига ёрдам кўрсатади.

– Қандай мальўнлар-а!

– Ҳўшатмай учратмас!

– Сиз, ўзингизга қарши қаратилган далиллар қаерда сақланишини билсам эди, деяпсиз, – деди Питер қовоқларини уйиб. – Нима, ҳали улар “Мовий осмон”нинг компьютерлари сақланадиган жойда эмасми? Ё яна бошқа сир сақланадиган алоҳида жой борми?

– “Мовий осмон” компьютерлари уларга фойда келтиради. Лекин онт ичиб айтишим мумкинки, Томми бунинг “эҳтиёт”ини қилиб қўйган. Уларнинг ҳаммаси ҳам бир-бирларининг қандайдир сирини хуфийна билишади. Шунинг учун ҳам улар Томмини жон-жаҳдлари билан ҳимоя қилиб ётишибди. Лекин Клаудга ёки анави Баннерманга керакли одам бўлгани учун эмас. Йўқ, Томми уларнинг сирини очувчи ҳужжатларни яшириб қўйган. Менга қарши далилларни ҳам. Кошқийди билсам қаерга яширганини!

– Унинг адвокати борми? Бирон киши бошқарадимиз унинг ишларини? Фирмага алоқаси бўлмаган ишларини...

– Бор. Жорж Браунли. Бир-икки марта бизлар билан ичишди. У мени йўлдан оздирмоқчи ҳам бўлди, Томмининг ўз васиятномасида менга ажратган маблағига тенг келувчи бойлик ваъда қилди.

– Сиз унга кўнгансизу, у сизни лақиллатиб кетган-а?

– Мен унга кўнганим ҳам, у мени лақиллатгани ҳам йўқ, – деб эътироз билдирди қиз. – Менинг четдан бирон жазман орттиришим мумкин эмас. Унинг адвокати билан яқин мулоқотда бўлиш-ку мутлақо ҳатарли – Томми бир зумда ис билиб олади.

Ҳа, Клинер махфий сирлар олами бандаси. Ўлса ҳам у сирларини очмайди. Ажаб эмаски, бу қизга ҳам, шунингдек, ўз шерикларига ҳам иснод келтирувчи ҳужжатлар ўзининг шахсий темир сандиғида сақланса. Эҳгимоли, Клинер, мабодо бевақт ўлиб-нетиб қолгудек бўлса, адвокати Браунлига темир сандиқни очиб, ундаги ҳужжатларни овоза қилиш учун йўл-йўриқ бергандир ҳам.

– Карл Баннерманни биласизми?

– Бир неча марта Флоренсининг зиёфатларида кўзга ташланган эди. У ерга мени Эрик олиб борарди.

– Нима, у зиёфатлар Клингер учун ниқоб вазифасини ўтармиди?

– Йўқ, ундай бўлмаса керак, – бош чайқади Мэри. – Баннерман биринчи марта келганида, у ерда Вашингтондан келган лоббист<sup>1</sup> бор эди – у қайсиям бир йирик кимёвий комбинатнинг вакили экан. Менимча, Баннерман зиёфатга айнан ана шу нусха билан учрашгани келганди. Иккинчи марта бўлган зиёфатда Жанубий Америкадан – Венесуэладан, шекилли, – келган нуфузли бир мансабдор бор эди. Назаримда, бу иккала зиёфат ҳам Баннерманнинг ўша катта шахслар билан баҳузур учрашуви учун ташкил этилган эди.

– Хўш, Баннерманнинг ўзи ҳақида қандай фикрдасиз?

– Кўринишидан мактаб ўқитувчисига ўхшайди. Қишлоқи бир ландовур, дейсиз, – деди Мэри. – Эғнида алмисокдан қолган смокинг, лазмол кўрмаган, гижимланган, назаримда у кийимини ечмай ухласа керак. Жуда тортинчоқ, бесўнақай, кўпол қилиб кўрсатади ўзини. Лекин менинг фикримча, у жуда бағритош, бешафқат одам. Гарчи жилмайиши ёқимтой, дўстона кўринса ҳам, кўзлари вужудингни тешиб юборгудек чақчайган.

– Бракстон Клауд-чи?

– Уни бир марта ҳам кўрмаганман. Кейинги икки йил мобайнида у нуқул сафарда бўлди – Томми билан бўлганимдан бери. У ҳақда фақат газеталарда ўқиганман, холос. Ёзишларича, у жудаям боймиш, бутун-бутун мамлакатларни сотиб олишга ва сотиб юборишга қодирмиш.

Эшик кўнғироғи жиринглади. Мэри донг қотиб қолди. Питер соатига қаради: чорак кам тўрт. Жейкнинг гапига ишонса, бу Клингер бўлиши ҳам мумкин. Қиз Питернинг кўнглидан ўтган гапни гўё уққандек бўлди.

– Йўқ, бу Томмимас, – пичирлади у. – Бугун у келмоқчи эмасди, адвокати билан учрашмоқчи эди. Келса, ўзида уйнинг калити бор.

– Кўшни хотинми? Қарзга озгина қанд сўрамоқчидир балки?

– Кўш... кўшнилари йўқ менда. – Қиз иккинчи марта кўнғироқ жиринглаганида ўрнидан турди. – Сиз хобхонага кириб турунг, қараб кўрайчи, ким экан, хўпми? – У хонанинг нариги бошидаги эшикка ишора қилди.

Хобхона, худди Мэри тасвирлаганидек, жуда аломат эди. Хона ўртасига тўшалган ошпоқ мўйна гилам устида жуда маҳобатли доира каравот турарди. Қолган ҳаммаёқ кўзгулардан иборат эди. Питер ўнлаб кўзгуларда кўрди ўзини, у хиёл очиқ қолган эшик олдида турарди. Мэрининг пошналари паркет полда “тўқ-тўқ” товуш чиқарди – у эшик олдида бораётган эди.

– Ким у? – сўради қиз.

Ташқаридан эркак кишининг овози келди, лекин сўзлари аниқ эшитилмади – масофа узоқ эди. Кўча эшик очилди. Кейин Мэрининг қатъий ва ҳаяжонли овози эшитилди:

– Лекин мен сизни танимайман!

– Мени мистер Клингер юборди, – энди эркак овози аниқ эшитилди. – У сизни Грейвз маҳкамасига таклиф қияпти.

– Сиз кимсиз? – астойдил қизиқсиниб сўради Мэри.

– Мен мистер Клингер кўлида ишлайман.

– Нега ўзи кўнғироқ қилмади? – ҳайрон бўлди қиз.

– Билмадим, мисс Льюис. Менга сизни Грейвз маҳкамасига олиб бориш буюрилган.

– Ишонмайман! Яна қанақа инжиқлик бу?

– Мен буйруқни бажаряпман, холос, – деб гўлдиради эркак. – Илтимос, отланақолинг – кетамиз.

– Бўлмасам-чи, мана ҳозир! Сиз мистер Клингерга бориб айтинг: боришим керак экан, ўзи кўнғироқ қилсин.

– Нима кераги бор бу оворагарчиликнинг, мисс Льюис?

– Бўлмаса ўзим телефон қиламан, – Мэрининг пошналари яна паркет полда “тўқ-тўқ” юра бошлади.

<sup>1</sup> Л о б б и с т – АҚШда катта ҳақ эвазига иш кўрувчи корчолон; бу одамлар йирик банклар ва монополияларнинг вакили сифатида, конгресс (парламент) аъзоларига, қонунларни жорий қилиш, ҳукумат буюртмаларини тасдиқлаш, “ўз кишилари”ни наф келтирувчи лавозимларга тайинлаш ва ҳоказо ишларда таъсир ўтказадилар ҳамда пора бериш йўли билан уларнинг хатти-ҳаракатини монополистлар кўрсатган йўлга йўналтирадилар.



– Бекорга овора бўляпсиз. Ҳозир у мажлис ўтказаяпти, барибир, чақириб беришмайди.

– Ёлгон ҳамма гашинг! – деб чинқирди Мэри. – Мистер Клингер менга одам юборишни хаёлига ҳам келтирмаган!

– Нима деб ўйласангиз ўйлайверинг, лекин ҳозир мен билан борасиз.

Питер Мэрининг нафаси қайтиб, ичига тушиб кетганини эшитди. Шунда у эшикни очиб меҳмонхонага чиқди. Мэри телефон олдида турар, лекин гўшакни кўтармаган эди. Қорачадан келган паст бўйли одам Мэрига пистолет ўқталиб турарди. У Питерни кўриб ҳайрон бўлмади.

– Кўлингни ишлат, Стайлз! – деб буюрди у.

“Агентлик” одами бу, деб ўйлади Питер. Унинг шу ердалигини йўл-йўл костюм кийган йигитдан билган. Питер қўлларини ёнига туширганча хонага аста-аста кириб келди. Агар унинг ташқаридаги йигит билан гаплашгани рост бўлса, бу Питерда қурол борлигини билади.

– Нега тараддулдасиз? – сўради Питер. – Ахир Клингер юбормаган-ку сизни, тўғрими?

– Фарқи йўқ, – деди гангстер. У бежо кўзларини гоҳ Мэрига, гоҳ Питерга қаратарди. – Менга Мэри Льюисни олиб бориш буюрилган.

– Хавотирланманг, Мэри менга ҳеч нима айтмади.

– Бу менинг ишиммас, – деди гангстер. – Мен фақат буйруқни бажараман.

Мэри Питерга қаради, юз-кўзидан қўрқатгани кўришиб турарди.

– У билан борайми, Стайлз?

– Пистолет “боргин” деяпти, – деди қорачадан келган гангстер.

Питер қигит этмасди. Унг қўлининг бармоқлари дам букилиб, дам ёйиларди.

– Атомат диллема, – деди у қорамангиз гангстерга совуққина жилмайиб. – Ташқаридаги йўл-йўл костюм кийган ошнангиз қуролим борлигини айтгандир сизга? Нима деб ўйлайсиз, мен қуролимни қанчалик тез бошқара оларкинман?

– Бу борада менга етолмайсиз.

– Демак, салгина қимирласам, мени отиб ташлайсиз. Унда бу хонимни ҳам гумдон қилишингизга тўғри келади – у гувоҳ-ку ахир. Нима, ҳаммани бир чеккадан қириб ташлаш билан Клингерни суд бўлишдан қутқариб қоламиз деб ўйлайсизми? Энг аввало сиз ўз бошлигингиз – босс билан маслаҳатлашиб олсангиз ва шундан кейингина ўликларни саржин-саржин қилиб тахлашга киришсангиз тўғри бўлмасмикин?..

– Стайлз, мен бораман! – деди Мэри чинқириб.

– Доно қарор, – деб маъқуллади уни гангстер.

– Фақат кийиниб чиқаман.

– Тез бўлинг, – деб буюрди гангстер.

Мэри орқасига ўтирилиб, хобхонага ўқдай отилиб кирди. Энди пистолет тўғри Питернинг кўкрагига қаратилган эди.

– Сизларнинг боссингиз Карл Баннерманми? – қизиқсиниб сўради Питер.

Гангстерларнинг эҳтироссиз чеҳрасида ҳеч қандай ўзгариш юз бермади.

– Сиз ютқаздингиз, Стайлз, энди дов тикиш бемаънилик.

Питернинг чакка томирлари қонга тўлишди: ким билсин, эҳтимол бу йигит уни дўшослаган уч гангстернинг биридир? Ёки Жоржни бўғиб ўлдириб, сиртмоққа осланлардандир? Гангстер ундан фақат икки қадам нарида турипти, лекин Питер ўқдай учқурлик билан ҳамла қилганида ҳам кечикиши мумкинлигини биларди: пистолет ўқталган қўл тошдек қаттиқ эди.

Питернинг қон томирлари, унинг назарида, қулоқни батанг қилгудек қаттиқ гурсиллаб урарди. Орадан уч дақиқа, тўрт, беш дақиқа ўтди...

– Олиб чиқ уни бу ёққа! – буюрди гангстер.

Питер ўтирилиб, хобхона эшиги томон аста-аста юра бошлади. Эшикни тақиллатди.

– Меҳмонингизнинг сабри чидамаяпти.

Сукунат. Питер гангстернинг пистолети шундоққина орқасига келиб қадалганини ҳис қилди.

– Кириб олиб чиқ у қизни!

Питер кўзули хонага кирди. Мэрининг қораси кўринмади. Фақат у ва унинг орқасида пистолет ўқталиб турган гангстер кўзгуларда жуда-жуда кўпайиб кўринарди.

— Кўзгулардан биронтаси — эшикдир балки, — дея тахмин қилди Питер, — ваннахона ё кийимхонага ўтадиган.

— Мисс Льюис! — деб ўқирди гангстер.

Кўзгуларда Питер гангстернинг ўз орқасида турганини кўрди. Гангстернинг қорачадан келган юзида ёвузлик ва ҳаяжон акс этарди. Ҳаммаёқда ўнлаб юз-кўзлар. Ўнлаб эшик тутқичлари. Ўнлаб пистолет ушлаган қўллар. Шу чоқ бу қўллар бир лаҳзага бўшашиб, пистолетлар ерга қаради. Питер шахт бурилиб, ганимини бор кучи билан урди. Кафтининг қирраси гангстернинг томоғига бориб урилганда, Питер чинқириб юбораёзди. Уқ овози гумбурлади. Чил-чил синган кўзгу бўлаклари дув ерга сочилди. Питер эсанкираб қолган бандитнинг устига миниб олиб, унинг қонга бўялган башарасига устма-уст мушт тушираверди. Гангстер ҳушидан кетди. Питер ўрнидан турди.

— Мэри! — деб чақирди у, лекин жавоб бўлмади. Гангстерни туртиб кўрди. У тамоман ҳушини йўқотган эди. Питер хонани гир айланиб, ҳар битга эшик бандини тортиб, ҳақиқий эшикни қидира бошлади. Ниҳоят, мана у. Питер эшикни очди. — Бу ғоят муҳташам ваннахона эди. Ўртада катталиги худди ҳовуздек келадиган мармар ванна. Ванна ёнида, парда ортида кийим ечадиган жой. Питер қизни яна бир марта чақириб пардани четга сурди. Ҳеч зог йўқ. Лекин бу ерда яна бир эшик бор эди. Питер уни итариб очди — бу ерда ҳуфия орқа йўлга тушадиган зина бор экан.

Мэри қочиб кетган эди.

Питер ҳам ўзининг, ҳам гангстернинг пистолети билан қуролланганча кўзгулар хонасига қайтиб кирди, жасадни меҳмонхонага судраб чиқди-да, телефон олдига борди. У Максвилнинг телефон рақамларини тераркан, оёғи билан гангстернинг бўйинини босиб турди. Уни патрул машинаси билан улашди.

— Қотилни топдим сенга, Грэг, — деди Питер детективнинг овозини эшитгач. — Тезроқ келсанг яхши бўларди, чунки атрофда пистирма борга ўхшайди.

Стайлз гўшакни қўйди. Гангстер энди сал-пал қимирлаб инграй бошлаган эди. Питер хонага бостириб киришга жазм қилган ҳар қандай одамнинг суробини тўғрилашга шай эди. Эҳтимол, йўл-йўл костюмли йигит, нега ошнам бу қизнинг олдида анча узоқ қолиб кетдйкин, дея қизиқсиниб, эшикдан мўралаб қолар.

### *Иккинчи боб*

Питер гангстердан кўз узмасди: у сал гимирлай бошлади — ҳушига келаётган эди. Бу маразларга аёллар билан жанг қилиш бўлса! Олдин Элли, кейин Корал, энди, мана, Мэри. Қизиқ қаёққа қочиб кетдйкин у? Қаерни бежавотир жой деб биларкин? У махфий орқа йўлдан қочиб кетган. Демак, анави “йўл-йўл костюм” бу ерда ишқаллик юз берганини ҳали сезмаган бўлиши керак. У қачон хавотирга тушаркин?

Яна бир неча дақиқадан кейин Максвил етиб келади.

Ерда ётган гангстернинг юзи уча бошлади. Шу кейинги икки кун ичида Питер, душман усули бўйича ўйин қиламан, деб ўзига ўзи юз марта сўз берган эди-ёв. Агар телкини босиш лозим бўлса, у тарадудланармиди? Йўқ. Бир зум ҳам.

Гангстернинг кўзлари очилди ва у Питерга кўзини тикиб қимир этмай ётаркан, ўзича мулоҳаза қиларди: бу аҳволи шундоқ ҳам танг бўлиб турган ўртамиёна одамнинг қўлидан нима келиши мумкин?

— Ижозатинг билан, сени қизиқтирган саволга жавоб бераман, — деди Питер бамайлихотир ва лоқайдлик билан. — Бундан бир неча йил бурун, ошна, мен денгиз старшинаси бўлиб хизмат қилганман ва бу солқонни қандай ишлатишни яхши биламан. Мен сени ўлдирмаган ҳолда чиройлик қилиб нимталашим мумкин — оёғингни, қўлингни пайдар-пай ишдан чиқариб. Йўқ, сени ўлдирмай тураман... ҳозирча! Сени ким юборганини бизга айтиб берасан ҳали. Ҳозир бу ерга полиция етиб келади, биргаликда сени гапиртирамиз.

Гангстер кўзини пистолетдан узмаганча, қийнала-қийнала туриб ўтирди.

– Жойингдан жилма! – деб буюрди Питер.

Гангстер қўлини кўтариб, эҳтиётлик билан томоғини ушлади: кекирдаги жудаям қаттиқ оғриётган бўлса керак. У ўрнидан туришга уринмади ҳам, лекин:

– Барибир, сен ютқаздинг! – деб хириллади.

Буни, ноилож, Питер ҳам тан олди, бу ҳақиқат эди. Элли йўқолган, Жорж ўлди, мана, энди Мэри ҳам қочиб кетди. Корал қачонгача беҳавотир яшаркин? Ўзи-чи? Остона ҳатлаб бир қадам ташқарига чиқиши билан пистирмада пойлаб турган гангстер уни отиб ташлайди. Посонгини тўғрилашга илож йўқ. Қотиллар номаълум бўлиб қоляпти. Мавҳум армиянинг номаълум аскарлари улар. Бу одамни гапиртириш амримаҳол эканлигини Питер сезиб турарди, сирасини олганда, гапиргани билан нимани ҳам фош қила оларди? У ўзини ёллаган одам томонидан (исмини ҳам билмайди унинг) Нью-Йоркда буйруқ олганини айтадимиз? Ўша ёллаган одам балки Париждадир ё Қоҳирададир?

Шу ўринда бошқа бир савол туғилади. Агар Клингер уларнинг суҳбатлашишига монелик қиладиган бўлса, нега тўғридан-тўғри Мэрининг ўзига қўнғироқ қилиб қўя қолмади? Оғзингни юм, деб буюрса бўлдийди-ку. Қизни олиб кетгани қуролланган гангстерни юборишнинг ҳам, Мэрига хўжайин кимлигини эслатишнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Қолаверса, Томми тўқнашув юз беришини биларди ва ҳеч кимни юбормаган бўларди. Чунки Питер қуролланган, хавфли эди. Балки бу гангстер Питерга рўпара келишини билмагандир? Лекин уни кўрган заҳоти таниб, исмини айтди-ку. Шу пайт бирдан Питернинг миясига, бу қорачадан келган гангстер билан “йўл-йўл костюм” бирга ишлашмаса керак, деган фикр келди. Ёки улар бир-бири билан боғлана олмаганлар.

Эшик қўнғироғи қаттиқ талабчанлик билан жиринглай бошлади. Питер ерда ўтирган асирга пистолетини ўқталганча, унинг орқасидан аста айланиб ўтди.

– Ким у?

– Питер, мен Грэгман.

Эшик олдида Максвил иккита полициячи билан турарди. Улар хонага киришганда, гангстер ҳамон кекирдагини уқалаганча ўрнидан турди. Иккала полициячи унинг олдида борди. Бири уни тингиб кўрди. Бу аснода Питер юз берган воқеани Максвилга баён қила бошлади.

Максвил хона ичида айланиб юриб, бандит қаршисида тўхтади ва уни ўргана бошлади.

– Ҳа, бўлти, исмини, касбини, пистолети рақамини аниқлаш керак. Бошқа тафсилотларни ҳам, – деди у.

Бандит чурқ этмасди. Питер унинг пистолетини Максвилга узатди.

– Ёнида ҳамёни, шахсини билдирувчи гувоҳномаси бор эканми? – деб сўради Максвил полициячидан.

– Ҳеч нима йўқ.

Унинг ёнидан етти доллар қоғоз пул билан озгина танга пул, ярми бўшаган “Кэмел” сигарети пачкаси ва бир кути гугурт чиқди.

– Шу ерда гапирасизми ё участкадами?

Гангстер индамай тураверди.

– Маҳбусни олиб кетинг, – буюрди Максвил. Унинг овози ҳорғин эди. – Ҳуқуқларини эслатиш эсингиздан чиқмасин. – Полициячи бандитга унинг ҳақ-ҳуқуқларини қоғоздан ўқий бошлади. – Адвокатингиз борми? – деб сўради Максвил расмий тушунтириш тутагач.

Бандит яна сукутда.

– Яна бигтаси бор, – деди Питер. – Кўчанинг нариги бетида пойлоқчилик қилиб турибди. Йўл-йўл костюм кийган оч-сарик сочли йигит.

– Дайди сифатида қўлга олинганлар, – деб буюрди Максвил полициячиларга.

Питер дўсти билан ёлғиз қолгач, ҳамма воқеани унга муфассал сўзлаб берди, кўзгули хобхонани ва Мэри қочиб кетган йўлни кўрсатди.

– Бу қиз қулоғигача шантаж ботқоғига ботган, – деди Питер. – Клингер уни ўз чангалида ушлаб турибди ва бу қиз яна кимнидир қизиқтираётганга ўхшайди. – У ўз фикрини баён қилди: Клингер ҳеч қачон Мэрини олиб кетгани гангстерни юбормаган бўларди. – Гангстерни бош одам, Клингерга билдирмай, юборган.

– Эҳгимол – шундайдир, эҳгимол – йўқ. Лекин суриштириб кўрса бўлади, – деди Максвил. – Мэри Клингерни ҳозир адвокат олдида деб айтувдимми? Энг осон йўл – Грейвзга қўнғироқ қилиш! Клингернинг ўша ердами: ё йўқлигини билиб оламиз.

Питер телефон дафтаридан адвокатнинг рақамини топиб, қўнғироқ қилди ва ўзини танигиб, телефонга Клингерни чақириб беришни сўради.

Бир дақиқадан кейин гўшакда хирқироқ овоз эшитилди.

– Уинстон Грейвз эшитади, – деди гижирловчи овоз. – Менинг мижозимга матбуот аҳли билан суд масаласида муҳокама юритиш ман этилган. У менга айтди: бугун эрталаб сиз, Стайлз, ундан унинг иши юзасидан маълумот олишга уринибсиз. Бас қилинг бунди.

– Мен у билан суд масалаларини асло муҳокама қилмоқчи эмасман. Унинг қизи ноҳуш аҳволда. Ўйнашини айтгяман.

– Ўша қизни тинч қўймаслигингизни Клингер олдиндан билган. Лекин у қиз суд ҳақида ҳеч нима билмайди. Бинобарин, сизга ҳеч нимани айтиб беролмайди.

– Шунга қарамай, мижозингиз, барибир, мен билан гаплашса яхши бўларди, – деб талаб қила бошлади Питер. – Ҳозир мен мисс Льюиснинг хонадонидаман. Полиция ҳам шу ерда. Мэрининг иши чатоқ.

– Нима бўлди унга?

– Клингерга айтаман. Гўшакни унга беринг, агар ёнингизда бўлса. Бордию мен билан гаплашмаса, полиция уни ҳибсга олади.

– Барибир, мен суҳбатингизни эшитиб тураман, – дея огоҳлангирди Грейвз.

– Билганингизни қилинг.

Яна бир дақиқадан кейин гўшак Клингернинг қўлида эди.

– Ҳа, нима бўлди, Стайлз?

– Сиз юборган одам бу ерда мен борлигимни билмаган. Уни ҳибсга олиб, полиция участкасига олиб кетишди.

– Тушунмадим, нималар деяпсиз ўзи? – ҳайрон бўлди Клингер. – Ҳамонки, сиз Мэрининг уйида экансиз, айтинг, гўшакни олсин.

– У бу ерда йўқ. Қочиб кетди. Сиз кимни юборувдингиз уни олиб кетгани?

– Ҳеч кимни юборганим йўқ. Нега одам юборарканман унга? Агар уни кўргим келса... ўзим илтимос қилардим. Ким экан ўша одам? Нима керак экан унга?

– Гангстер. Қуролланган гангстер. У Мэрини қаёққадир судраб олиб кетмоқчи бўлди.

– Яна ёлғон тўқияпсизми? Эрталабкидай?

– Ишонинг, ҳаммаси менинг кўз олдимда содир бўлди. Ўзим унинг суробини тўғриладим!

– Мэри қаёққа кетди? – Клингернинг овозидан ваҳимага тушгани сезилиб турарди.

Гўшакни Максвил олди.

– Ўша келган одам, сизнинг буйруғингизни бажараётганини айтиб, Мэри билан Стайлзга пистолет ўқалган, Клингер. Энди биз унга ҳужум қилганлик ва ўғирлик қилмоқчи бўлганликда айблов қўйса керак. Сизга ҳам, унинг шериги сифатида.

– Мен ҳеч кимни юборганим йўқ ахир! – деди Клингер ёлборувчи оҳангда. – Мэрини қидирасизларми?

– Шаҳар катта. Сизнингча, у кимнинг олдига қочиб бориши мумкин? Қасрни у ўзи учун бежавотирроқ деб ҳисоблайди? Дугонасиникига борадими?

– Мен ҳеч кимни билмайман. Бизнинг... унинг дўстлари йўқ.

Гўшакни яна Питер олди.

– Яна менман, Стайлзман. Хилватхоналарингизнинг аллақайси бурчагида Мэри наркотик модда олиб келиб берган йигитнинг номи яшириб қўйилган. Қизингиз балки ўшанинг олдига қочиб кетгандир? Сизда у йигитнинг ҳатто фотосурати ҳам бор-ку. Лейтенант Максвил ўша йигитнинг исмини билгани ва фотосуратини олгани олдингизга одам юборади.

– Нима ҳақда гапирётганингизни мутлақо тушунмаяпман, – деб ожизона қаршилиқ билдирди Клингер.

– Лейтенант сизга яна бир айблов қўйса ажаб эмас – шантаж қилишда.

Лекин шу чоқ Грейвз дағдағали, ҳоқимона овози билан гапга аралашди:

– Бас қилинг бемаъни пўписаларни, Стайлз. Агар сизда бирон-бир айбловчи маълумот бўлса – намоийиш қилинг. Ҳозир сиз айтган бу таҳқирловчи гаплар сизга қарши қаратилган жиноий ҳаракатларни оқлаш учун хизмат қилади.

– Сиз, яхшиси, мижозингиздан илтимос қилинг, Мэри билан қандай муносабатда эканлигини очиқ гапириб берсин, муҳтарам адвокат. Унинг қилмишидан ҳозир бадбўй ҳид тарқала бошлаган. Эҳтиёт бўлинг, салдан кейин сиз ҳам бу қўланса ҳиддан нафасингиз қайтиб расво бўласиз.

Полиция участкасининг сўроқхонасида деразалар йўқ эди, электр шуъласи шафқатсиз равишда чарақлаб турарди. Алмисоқдан қолган вентилятор бир оҳангда гувилларди. Гангстер стол ёнида ўтирарди. Стенографиячи полицай хонанинг нариги чеккасидан жой олган. Питер эшик олдида турар, Максвил эса безовталаниб хона ичида у ёқдан-бу ёққа юрарди. Яна бир детектив – сержант Бак Брейг гангстернинг чап томонида иягини кафтига тираб ўтирарди.

Гангстер ҳибсага олинганидан буён, бир оғиз ҳам сўз айтмади. У Питер билан олишгандан кейин ҳушига келганида фақатгина: “Барибир, мени ютқаздинг”, деган эди. Шундан кейин тамоман гунг бўлди-қолди. Исмини сўрашганда ҳам, сизга адвокат керакми, деб айтишганда ҳам чурқ этмади. Ҳатто қаҳва ичишни ёки сигарета чекишни таклиф қилишганда ҳам у гунг бўлиб ўтираверди. Мутлақо қабристон сукунати!

– Бу бандитнинг соқов эмаслигига ишончинг комилми? – деди Максвил тоқати тоқ бўлиб.

– О, мушглашмасимиздан олдин булбулигўё эди. Ҳушига келгандан кейин ҳам гапирувди. Менга ўйинда ютқазганимни айтганди.

– Ундай бўлса, буни бирон ерга тикиб ташла, Бак, – деди Максвил. – Кўрамиз, ким ютиб чиқаркин бу соқов ўйинида.

Сержант Брейг маҳбусни олиб кетди. Сабри чидамаётган Питер Максвилга кутиб туриш учун вақт қолмаётганини айтди. Уларнинг бу сусткашлиги балки Эллини нобуд қилгандир ҳали. Корал билан Мэрининг ҳаёти ҳам жуда нозик қил устида турибди.

– Бу итдан тарқагани гапиртиришнинг бирон усули йўқмикин-а?

– Қонуний йўл биланми? – деди гижиниб Максвил. – Усуллар бор: мамлакатимиз қўллаб-қувватлаб турган анави чилилик газанданинг усуллари. Маҳбус баданига сигарета чўғини босишади, кислота билан куйдиришади, то қон томирлари узилиб, ички аъзолари тилка-пора бўлгунча шўрликнинг оёғидан осиб қўйишади. Ҳа, гапиртирадиган усуллар бор! Лекин минг афсуски, бундай усулларни қўллаш учун бизда на президентнинг, на министрликнинг, на ЦРУнинг розилиги бор. Кечир, Питер, сенга нутқ сўзламоқчи эмас эдим. Биз бу малъунга унинг ҳуқуқларини ўқиб бердик, у фақат биттасини – гапирмаслик ҳуқуқини танлади.

Улар Максвилнинг хонасига кўтарилишди; бу хона навбатчилар хонаси билан ёнма-ён эди. Шу ерда хизмат қилувчи рассомни чақиритишди ва Питер унга Мэрининг қиёфасини муфассал таърифлаб бера бошлади. У блокнотда қизнинг хомаки тасвири пайдо бўлишини кузатаркан, унга тузатишлар киритиб турди ва ниҳоят блокнот саҳифасида Мэрига жудаям ўхшаб кетувчи чеҳра пайдо бўлди. Энди бу расмнинг нуسخасини кўпайтириб, варақа билан бирга тарқатишади.

– Бакни Клингер олдига юбормоқчиман, – деди Максвил. – Лекин бундан унчалик наф чиқмас-ов. Клингер кимнингдир исмини билишини ёки фотосуратини яшириб қўйганини тан олмаса керак. Ҳарҳолда, уни сиқувга олганимизда, нега мендан сўрамадинглар, деб аччиқланмайди-ку.

– Ҳўш, менинг йўл-йўл костюмли ошнам қалай?

– У булбулигўё бўлиб сайраб ётибди, хоҳласанг, мана, кўр, – Максвил протоколга ишора қилди. – Исми Вальтер Шварц. “Мовий осмон” да хизмат қиларкан. Бевосята сен билан биз боя тилга олган женльменга итоат эртмакан. Яъни Карл Баннерманга. Ҳа, у сени “Атлетик” клубидан то “Плаза” отелига боргунингча кузатибди. Сен нуқул Клингернинг ишига халақит қилиб ётибсан,

шунинг учун ҳам Баннерман сенинг асл ниятинг нималигини билмоқчи бўлган. Шварцда сен билан қандайдир мулоқотда бўлиш буюрилмаган, фақат сенинг қаерларга борганингни хабар қилиб туриш тайинланган. Сен бўлсанг уни ўзинг билан таксида боришни таклиф қилибсан, худди қалин дўстдек. Сен унга, бир оз ушланиб қолишим мумкин, дебсан, у сени кутибди. У ўз адвокати билан боғланиш ҳуқуқига эга. У Баннерманга кўнғироқ қилди. Мана, ҳали замон уни озод қилгани “Мовий осмон”дан адвокат ўпкасини кўлтиқлаб келиб қолади. Балки етиб келгандир ҳам. Шварцда қурол йўқ, буни ўзинг ҳам биласан. Ҳали унинг сенга ҳеч қандай зиён етказмаганлигига гувоҳлик беришингни сўрашлари ҳам мумкин.

– Шварц гангстерни танирканми? Ё рад эътишми?

– Муғлақо. Биз унга боламизни тешиқдан кўрсатдик. Уни ҳеч қачон кўрмаганмиш. Унинг Льюис хонадонига кираётганини ҳам кўрмабди.

– Ахир у кўчада турганди-ку! Кузатаётганди!

– Нима бўпти? – деди Максвил. – У сенинг чиқишингни кутган. Бошқаларга эътибор бермаган. Уйга кимлар кирмайди, дейсан. Эҳтимол бандитлар ҳам киргандир. Лекин улар немисни қизиқтирмаган. Унга фақат сен керак бўлгансан.

Максвил хонасининг эшиги худди оёқ билан тепилгандек тарақлаб очилди ва бу ерга Лестер Стронг ўқдай отилиб кирди. Унинг сўшайиб қолган юзи докадай оқарган ва дарғазаб эди. Максвилга у қайрилиб ҳам қарамади.

– Эрта тонгдан бери сизни қидираман, Стайлз!

– Кечирасиз, банд эдим. Бу киши лейтенант Максвил, жиноий қидирувдан.

– Лейтенант менга таниш. Стайлз билан юзма-юз гаплашиб олишимга рухсат берарсиз?

– Агар Питер хоҳласа... – деди Максвил. Унинг кўзлари порлар ва қаҳрли эди. – Бирон кўнғилсизлик юз бердим, прокурор?

– Муғлақо шахсий гап.

– Қаёқдан билдингиз менинг бу ердалигимни? – деб суриштирди Питер.

– Бу ерда бир юристимизни учратдим, маҳбус билан суҳбатлашаётган экан. У сизни кўрибди. Бутун шаҳарни ағдар-тўнтар қилиб, сизни ахтараётганимни биларди.

– Хоҳласанг, шу ерда гаплаша қолинглар, – деб Максвил Питерга ўтирилди.

– Раҳмат. Лекин узоққа кетиб қолма, Грег. Ҳали ўйлашадиган гапларимиз бор.

Максвил бош ирғади ва навбатчилар хонасига чиқиб, эшикни юзига ёпди. Стронг шу заҳоти отилиб келиб, Питернинг камзури ёқасидан маҳкам чангаллаб олди.

– Қаерда у? – талаб қилди Стронг хириллаб. Унинг қаҳрли кўзларига қон қуйилган эди. Питер унинг билакларидан ушлаб, ўзидан тез ва шахт итариб юборди.

– Мен ёқтирмайман бунақа муомалани.

– Қаерда, Корал? – Стронг худди узоқ югуриб силласи қуриган одамдай хансираб гапирарди.

– Дарьенда бўлса керак, менимча.

– Ўзингиз жуда яхши биласиз унинг Дарьенда эмаслигини! Уни қаёққа олиб кетдингиз?

– Нега энди мен Корални бирон ерга олиб кетишим керак экан?

– Менга қаранг, Стайлз, сиз билан бекинмачоқ ўйнайдиган ҳолим йўқ. Мен жуда чарчадим; эрта тонгда кўнғироқ қилишди менга, шундан бери сизни қидираман.

– Ким кўнғироқ қилди?

– Ўтинаман сиздан, телбалик қилманг. Ким бўларди – Корални гаровга ушлаб турганлар. Улар ҳақида сиз билан гаплашганмиз. Кимдир эрта тонгда – соат тўртларда – соқчини беҳуш қилиб Корални олиб кетибди. Ҳеч қандай олишув бўлмаган. Коралнинг қаршилик кўрсатганини билдирувчи ҳеч қандай из йўқ. У ўз ихтиёри билан кетган. Демак, уни сиз олиб кетгансиз, Стайлз!

Стронг ҳаяжонлангани ва ваҳимага тушганидан дағ-дағ қалтирарди, Питер

буни кўриб, бир лаҳзагина унга ачинди. Ўз хотини Грейснинг бошига тушган кулфат эсига тушиб кетди – бундан сал вақт бурун хотинини бандитлар ушлаб олган эди. Шунга эслаб, Питернинг Стронгга раҳми келиб кетди. Йўқ, у Грейсни унутиши керак. У ҳозир Ҳиндистонга оч одамлар муаммосини ҳал қилиш учун жўнаб кетган. Бундан бир неча ой олдин Питер уни сафарга жўнатаркан, гарчи иккови бир-бирини севса ҳам, бирга турмуш қуролмагани сабабини тушунган эди. Грейснинг машғулотга бошқа, Питерники бошқа. Лекин шунга қарамай, агар Грейс хавф остида қолгудек бўлса, Питер дунёнинг нариги чеккасига учиб боришдан ҳам қайтмайди. Стронг ҳам шундай ваҳимага тушган эди. Лекин у бошини қаёққа уришни билмасди. Унга айтсинмикин? Юпатсинмикин? Питер иккилана бошлади.

– Буларнинг ҳаммасини сиз қаёқдан билдингиз?

– Улар мента кўнғироқ қилишди эрталаб соат еттиларда, – деб изоҳлади Стронг. – Навбатчи келиб қараса, ўртоғи оёқ-қўли боғлиқ, оғзига латта текилган ҳолда ётганмиш. Агар Корал бутун кечгача коттежга қайтмаса...

– Улар хотинингизнинг қочиб кетишида сизнинг ҳам қўлингиз бор, деб ҳисоблашяптими?

– Йўқ, улар бу ишга сизнинг аралашганлигингизга шубҳа қилишмаяпти! – деди шартта Стронг. – Улар... бу ишда иккаламизнинг қўлимиз бор деб ҳисоблашяпти. Агар Корал қайтмаса, ўлдирамиз, деб дўқ қилишди. Сиз биласиз, Стайлз, улар қуруқ гап қилмайдилар.

– Лекин сиз Клингерга айб қўймайсиз-ку. Ахир улар шуни хоҳлашмаяптими?

– Нима, сиз у ташкилотнинг қандай ҳаракат қилишини билмайсизми? Эр-хотин Уилсонлар қисмати қундай равшан сизга. Азбаройи худо, етар шунча чўзганингиз, айтинг, қаерда Корал?

Питер жигибийрон бўлаётган бу эрга хотинининг қаердалигини айтди, Корални яна жойига қайтаришди деб фараз қилайлик. Эҳтимол унда Корални ҳеч топиб бўлмайдиган ерга яшириб қўйишар ҳам. Стронг ўз вазифасини бажаради – Клингернинг оқланишини таъминлайди. Аммо, барибир, хотинини йўқотади. Питер шундай фараз қилди. У чуқур хўрсиниб қўйди.

– Лестер, мен билмайман Коралнинг қаердалигини. Унинг қочиб кетишига менинг мутлақо даҳлим йўқ.

– Мен учун энг азиз бўлган нарса билан ўйнашишга ҳаққингиз йўқ! – деб бақирди Стронг. – Коралнинг ҳаёти билан ўйнашишга!

– Биз ҳаммамиз битта арқон билан бир-биримизга боғланганмиз, – деб эътироз билдирди Питер. – Сиз, Корал, Уилсонлар ва биз, “Ньюсвью” ходимлари. Сиз кураш қизиб кетди деб ўйлаяпсиз. Ҳа, у аланга ола бошлади. Мен сизни тушунаман. Лекин биз сиз билан муҳокама қилган эдик-ку, ҳар қандай тарзда ҳам енгилишимиз муқаррарлигини. Демак, жанг қилишдан ўзга йўлимиз йўқ. Бизнинг бирдан-бир имкониятимиз – курашмоқ. Нима деб ўйлайсиз, агар сиз сўнги манзилгача ўз аҳдингизда турсангиз, Клингерга айб қўйсангиз, уни ер билан яксон қилсангиз нима бўлади?

– Ё Корал, ё Клингер, деб шарт қўйилган. Мен учун эса Корал ўнга Клингердан ҳам афзал.

– Фикрингизга қўшилишаман. Лекин эшитинг, атрофда нималар бўлаётганини кузатинг. Самолётларни олиб қочишяпти, одамларни гаров тариқасида ўғирлаб товон талаб қилишяпти. Нима учун бу вабо каби машғум ҳол кенг авж ола бошлади? Чунки ҳаммавақт товон тўлаяптилар. Бу баландпарвоз гапларим учун кечиринг, лекин, биласизми, кимдир, қаердадир мардона отилиб чиқиб, бу мараз вабога қарши қатъий тарзда “йўқ!” – деб жавоб қилиши керак.

– Мана, сиз отилиб чиқдингиз! – деб чийиллади Стронг. – Оқибатда дўстларингиз Уилсонлар ўз шивағаларини олишди. Лекин Корал ҳали тирик! Унда қутулиш имконияти бор.

– Минг афсус, мен сизга ёрдам қилолмайман.

– Льюис сизга Клингер ҳақида бирон янгилик айтдими? – сўради Стронг.

– У ҳам фақат гаровга олинган тугкун экан. Клингер шантаж билан шуғулланадиганга ўхшайди. Лекин бутун “Мовий осмон” компанияси шу шантажга хизмат қилиб ётибди-ку. Бу янгилик эмас, тўғрими?

Стронг бош чайқади. У худди оғзи қуриб қолгандай, лабларини ялади.

— Биронга ҳам сўзингизга ишонмайман, Стайлз. Сиз биласиз Коралнинг қаердалигини. Уни сиз олиб қочиб кетгансиз. Сиз унинг ҳаётини қиморга тикиясиз. Агар унга бирон шикаст етгудек бўлса, мен бу дунёда бир зум ҳам яшай олмайман. Онг ичиб айтаман... сиздан ўч олмай қўймайман. Илтимос қиламан, Стайлз, раҳмингиз келсин менга. Уни қаёққа яширдигиз? Қаердан қидирай уни? Имкон беринг, бу ишни ўзим ҳал қилай. Ўз билганимча курашай.

Питер худди совуқ қотгандек жунжиқди. Стронгга ҳамдард бўлмаслик инсофдан эмас. Унинг ўрнида бўлганида, ўзи ҳам дағдаға қилган, ёлборган бўларди. Ё ваҳимасини сал-пал босиб қўйсинмикин? Корал бежавотир жойда, деб ишонтирсинмикин? Дарвоқе, Льюис билан Клингер ҳақидаги аломат савол унда қаёқдан пайдо бўлди? Питернинг Мэри билан учрашганини Стронг қаёқдан билдйкин? Унинг айтишича, юристларидан бири Питернинг бу ерга кирганини кўрганмиш. Ё полициячилар оғзидан туллаб қўйишдикикин? Эҳтимол шундайдир. Лекин Питер олдин ҳамма гапни аниқ суриштириб билиб, кейин раҳмдиллик қилмоқчи бўлди. Сабабки, агар...

— Айтмоқчисизки, “агентлик”нинг тахминича, Корални мен ўғирлабман, — деди Питер. — Улар аниқ нимани кўздан қочиришибди? Ахир улар менинг орқамдан қадам-бақдам кузатишяпти-ку.

— Улар энг нозик бир пайтда сизни йўқотиб қўйишган.

Бу энди тўғри эди. Максвил Питернинг уйини назорат қилиб турган гангстерни ҳибсга олган ва ўшанда кузатув узилиб қолган эди.

— Ўшалар айтгандирда сизга менинг Максвил ҳузурда эканлигимни?

— Айтдим-ку сизга. Бигга юрист...

— Ҳа-я, дарвоқе.

— Ўзингизни жинниликка солманг! Мен...

— Сиз полицияга мурожаат қилинг, — деб маслаҳат берди Питер. — Хотинингизни ўғирлашган. Бундай ишда энг яхши ёрдамчи — полиция. Бу минг маргалаб исботланган.

— Қандай мурожаат қилай полицияга? — дея чинқирди Стронг. — Анча-мунча ишларга қўл уриб қўйган бўлсам.

— Тўғри, кўпгина ишга, — деб тасдиқлади Питер. — Прокурорлик бурчига хиёнат қилдингиз. Ҳақиқат ошкор бўлса, сизни истеъфога чиқариб юборишади. Судья ҳам ўша қопқондами?

— Айтинг-чи, менинг ўрнимда бўлганингизда, сиз нима қилардингиз?

— Ҳозирми ё бошланишидами? Бошланишида мен хотинимни ҳимоя қила олган бўлардим, уларнинг миясини мажаглаб бўлса ҳам. Лекин ҳозир... — Питер елкаларини учуриб қўйди.

— Уларнинг ниҳоятда қудратли куч эканлигини ҳанузгача тушунмаган экансиз, демак фаҳм-фаросат йўқ сизда. Ошхонангизда яна қанча одам осилишини истайсиз? Ваъзхонлик қилишингизга ҳеч барҳам бериб бўлмаяпти. Сиз мавжуд ҳақиқатга тик қарай олмаясиз.

— Маъзур кўрасиз... Мен билмайман Коралнинг қаердалигини.

Стронг чакакларидagi бўртмаларини ўйнатиб, Питерга қаттиқ тикилди, сўнг орқасига ўгирилиб хонадан отилиб чиқиб кетди.

Максвилнинг столи тепасида электр соат осилиб турарди. Яна бир кун ниҳоясига етаётган эди. Вақт соат бешдан ошибди. На Траск, на Клингер, на Мэри Льюис бирон-бир янгилик айтишди. Питернинг кўлида “агентлик”ка қарши курашувчи бирон-бир қурол йўқ эди ҳали ҳам. Олган маълумотлари орасидан “пичоққа илинадиган” ҳеч нарса чиқмади. Бу аҳволда у Эллини озод ҳам, Мэрини ҳимоя ҳам қила олмайди. “Йўл-йўл костюм” ҳақ шекилли: ҳокимият учун курашда энг кучлилар ютиб чиқади, қандай хатоларга йўл қўйган бўлишларига қарамай.

Ҳар нечук, улар қандай хаголиклар қилишганкин? Уларнинг Эллига қилган ҳужумлари амалий хатолари эди — бу рақибларнинг жўшқин норозилик билдиришига сабаб бўлди. Улардан кимдир қандайдир хатога йўл қўйган, буни Жорж пайқаб қолган; бу шундай катта хато бўлганки, оқибат, Жоржининг овозини мангу ўчирганлар. Ҳозирча Жорж қилган ҳаракатни кузатишнинг имкони бўлмади. У соат учда жўновчи Филадельфия поездида чиқиш учун



тахририятдан ўқдай отилиб чиқиб кетган эди. Шундан кейин то Питер уни ўз ошхонасида осилиб турганини кўргунча вақт – бўм-бўш, оқ доғдан иборат, шунингдек, бу машғум ўйиннинг сирини очувчи калит ҳам мавҳум. Максвилнинг одамлари Жоржнинг ҳаракатини тиклаш учун, барча йўналишларни қовлаштириб ётибдилар. Лекин ҳозирча ҳеч қандай натижа йўқ.

Максвил қайтиб кирди.

– Айтдингми унга? – деб сўради у.

– Йўқ.

– Бечоранинг авзойи жуда бузуқ эди. Сен тошбағир экансан, оғайни.

– У мени деярли кўндирган ҳам эди-ю, лекин салгина хато қилиб қўйди. Битта савол берди. Менинг бу ердалигимни у ўз адвокатидан билибди, у қайсиям бир маҳбус билан учрашгани келган экан.

– Ҳа, у Сай Фелдман, анча қобилиятли ёш юрист, – деб изоҳлади Максвил.

– Битта қотилликни тергов қилишти, Клингернинг ишига алоқаси йўқ. Мен уни кўрувдим. Йўлакда тўқнаш келувдим.

– Лекин унга ким айтган бўлиши мумкин бизнинг ҳозиргина Мэри Льюисниқидан келганимизни? Льюиснинг уйида бўлиб у билан суҳбатлашганимни?

– Ҳеч ким.

– Балки навбатчи гуллаб қўйгандир – гунг маҳбусимизни олиб чиқиб кетган полициячини айтганиман.

– У фақат ҳибсга олиш сабабини айтиши мумкин-у, лекин сен ё мисс Льюис тўғрисида ҳеч қандай гап айтолмайди. Стронгнинг бундан хабар тошганини сен қаёқдан билдинг?

– У мендан, Льюис сизга биронта фойдали гап айтдим, деб сўради. Стронг қаёқдан билдйкин менинг у ерда бўлганимни?

Максвилнинг қовоғи осилди, сигарета олгани қўл чўзди.

– “Агентлик” айтган бўлиши мумкин. Буни улар немис йигитдан билишган.

– Ундай бўлса, нега Стронг Мэрининг пайига тушмай, Фелдманнинг кўнғироғини кутдйкин?

– Стронг бугун ичак-чавақлари билан сотилган, – деди Максвил. – Унинг қилмишларига ақл бовар қилмайди. У Корални қутқариш учун уларнинг ҳар қандай амр-фармонларини бажаришдан ҳам қайтмайдиган кўринади. Кел, яхшиси, Фелдмандан сўраб кўрамиз. У айтади, мен унга баъзи бир яхшиликлар қилганман.

– Кетиб қолмаганмикин?

– Ҳозир биламан, – Максвил телефон олдига борди.

Фелдман ҳали кетмаган экан. Бу ранги офтобда қорайган барваста қомат йигит бўлиб, Максвил учун астойдил жон куйдиришга тайёр эканлиги афтидан кўриниб турарди.

– Ҳа, сизнинг мистер Стайлз билан кириб келганингизни кўрувдим, – деди у. – Бошлигим эрталабдан бери уни қидираётганидан хабарим бор эди. Шунинг учун кўнғироқ қилувдим унга. Беадаблик қилибманми?

– Йўқ, – жавоб қилди Максвил. – Унга, қаерга телефон қилдингиз?

– Хизмат жойига.

– Зумда учиб келти-да, – деди Максвил.

– Ахир прокуратурамиз бу ердан атиги бир квартал нарида-ку, – деб эслатди Фелдман. – Пиёда беш дақиқали йўл. Яхши қилибманми? У эрталабдан бери кетма-кет Стайлзга кўнғироқ қилиб ётувди. Ҳеч уни тополмаётганиди.

– Нега кўнғироқ қилганиди, биласизми?

– Айтгани йўқ. Менимча, бу Клингер ишига дахлдор гап бўлса керак. – У Питерга қараб муғамбирона жилмайиб қўйди. – Сиз “Ньюсвью”да астар-аврасини ағдариб юбордингиз шекилли?

– Клингер масаласида... – деб гапга аралашди Максвил.

– Мен бу иш билан шугуланмайман, – деди Фелдман шоша-пиша. Унинг табассуми ғойиб бўлди. – Лекин бугун прокуратурада анча-мунча миш-мишлар бўлди. Сизнинг хонадонингизда ўлдирилган репортёр ҳақида, Стайлз. Бизларнинг фикримизча, ўша дўстингиз – исми Уилсонмиди? – ишни фош қилувчи қандайдир бир далилни билиб қолган. Бу нима бўлиши мумкин, деб ўйлай бошладик.

- Хўш, нима қарорга келдинглар? – қизиқиб сўради Питер.
- Стронгга нимадир халақит қилаётган бўлса керак. Ишни судга тайёрлаётган ходимлар довлараб қолишган. Уларнинг тахминича – миш-мишларга қараганда – Стронгга материал етарлимиш. Агар суд бошланса, иш қизигандан-қизирмиш. Лекин Стронг ишни кўришни нуқул кейинга суриб ётганмиш.
- Сабаб нима экан?
- Барибир, нимадир етишмаётган бўлса керак.
- Ходимлар тушунишмас эканми сабабини?
- Улар нутқ сўзламайдилар-ку судда, – деб яна жилмайиб кўйди Фелдман.
- Лестер энг олий даражадаги юрист. Мен, масалан, у чиқарган хулосага ишонган бўлардим. Лекин нияти нима – билмайман, мен Клингер иши билан шуғулланмайман. Унга мистер Стайлз ҳақида кўнғироқ қилганим яхши бўлмабдими?
- Нима сабабдан бу ерга келганимни биласизми сиз? – деб сўради Питер.
- Сабаби Уилсоннинг ўлдирилганидир-да? Ахир уни сизникида ўлдиришган-ку. Лейтенант Максвил бўлса бу жиноятни тафтиш қиляпти. Нимайди?
- Сиз менинг қаерда бўлганимни, қаердан келганимни ҳеч кимдан сўрамовдингизми?
- Кечирасиз, унча тушунмадим, нимани сўраяпсиз?
- Сиз Стронгга кўнғироқ қилишдан олдин менинг қаерда бўлганлигим ҳақида ҳеч кимдан суриштирмадингизми? Менинг палон-писмадон ердан келганимни Стронгга айтмовдингизми?
- Вой, нималар деяпсиз? Ўзим ҳам бу ҳақда ҳеч нима билмайман-ку.
- Сизга ҳеч ким ҳеч нима демадими? Шунчалик, йўл-йўлакай?
- Йўқ.
- Биз олиб келган маҳбусни кўрувдингизми? – деб гапга аралашди Максвил.
- Лекин ёнингизда ҳеч ким йўқ эди-ку.
- Гунг гангстерни бошқа эшикдан олиб кирган эдилар.
- Максвил Питерга қаради: афтидан, Фелдман опшоқ эди.
- Безовта қилганимиз учун узр, – деди Питер.
- Ҳамиша хизматингизга тайёрман, – деди Фелдман ва жўнаб кетди.
- Максвил сигарета қолдигидан янги сигарета тутатди.
- Демак, Стронг маълумотни сенинг ҳамроҳинг немисдан, ёки у орқали анавилардан олган.
- Нега Стронгга қаерда бўлганимни айтишдийкин?
- Сени чиқитга чиқаришлари керак. Сен уларнинг тумшуғи остидан Корални ўтирлаб кетдинг. Зора-мора битта-яримтадан бирон янги гап эшитсам, деб ҳаммани сўроққа тутиб ётибсан. Ўша Мэридан ҳам суриштирдим. Бу қизнинг фақат юраги дов бермаса керак, уларнинг барча кирдикорларини очиб ташлашга. Стронг таслим бўлган, улар нимани буурса бажараверади. Ҳозирги ҳолатда эса, сени чапигмоқчи бўляпти.
- Питер стол четига ўтирди: узоқ вақт муттасил қаттиқ ҳаяжонда бўлганлигидан, оёқларида дармон қолмаган эди.
- Уилсон тўғрисида ҳеч қандай янги гап йўқми? – деб сўради у.
- Ҳеч қандай. Биронта ҳам илинтирадиган илгак йўқ. Биз билган ягона аниқ далил – унинг соат иккидан кейин таҳририятдан чиқиб кетгани. Тахминимизча, у вокзалга таксидан борган. Шу вақт орасида хизматда бўлган такси ҳайдовчларининг йўл варақларини кўриб чиқдик. Билсанми, қанча вақтимиз кетди бунга? Бу ҳудудда таксилар қалашиб кетган. Бу таксилар Пенсильвания вокзалигача қанча эркакни олиб боргани ёлғиз худога аён. Биронта ҳайдовчи Жоржни таний олармикин? Бизда унинг фақат никоҳ пайтида Элли билан тушган фотоси бор, холос. Қисқаси, ҳозирча ҳеч қандай натижа йўқ.
- Вокзалда-чи?
- У ерда минг-минг одам, – деди хўрсиниб Максвил. – Жоржнинг бурни ҳамманикидай, катта ҳам, қизил ҳам эмас. Ҳеч қандай тугма белгиси ҳам йўқ. Кўзи ғилаймас. Кассирнинг кўзига ташланадиган ҳеч нима йўқ унда.

Бунақалар минг-минглаб кассирнинг ойнасига бош тикадилар. Юзлаб эркаклар Филадельфияга чиппа олишган. Ковлаштиряпмиз. Лекин умид кам.

– Демак, йўқ даражада.

– Яна кўрамиз. Менинг тахминим – у поездга чиқмаган. Демак, уни вокзалда ушлаб олишган. Хотинини қидириб кетаётган бу йигитни фақат куч ишлатиб қўлга олган бўлишлари керак. У ўлса ҳам ўз ихтиёри билан таслим бўлмасди. Демак, биқинига пистолет тирашган. Эҳтимол уни кутилмаганда юраги хуруж қилган бемордай суяб олиб кетишгандир. Ҳозирча ҳеч ким биронга гайриоддий ҳодиса содир бўлгани ҳақида хабар қилгани йўқ. Бугун кабинетимга вокзални текшираётганларнинг ҳаммаси йиғилди: улар мунтазам йўловчилар билан, юк ташувчилар, киоскачилар, справка бюроси ходимлари билан суҳбатлашишган – ҳеч нима эшитишмаган. Ҳали яна кеча вокзалдан жўнаб кетган бир неча юзлаб кишилар бор. Лекин полицияга ҳеч ким муурожаат қилмаган. Қаршимизда фақат каттакон, йўғон ноль рақами турибди.

Питернинг кўзлари санчиб оғирди ва у кўзларига бир дақиқача кафгини босиб турди.

– Уилсон қандайдир жуда муҳим бир нарсани пайқаб қолган ва менга ё Деверига қўнғироқ қилгани телефон олдида борган, шунда уни ушлаб қолишган. У улгурмаган. Сен ҳақсан – уни ҳеч нима тўхтатиб қололмасди Филадельфияга боришдан. Лекин агар у кутилмаганда бирон нимани пайқаган, фош қилган бўлса, у албатта қўнғироқ қилишга уринарди.

– Масалан, нимани?

– Ким билади дейсан? Эҳтимол унинг изига тушишгандир. Буни у сезган. Бизга буни маълум қилмоқчи бўлган.

– Пуч хаёл. Сенинг ҳам изинга тушишган. Деверини ҳам кузатишган. Буни ҳатто яширишга ҳам уринмаганлар. Жорж ўзини таъқиб қилишаётганини сезган-у улар, тагин сирни очиб қўямасин, деб уни ушлаб қолишганми? Бўлмаган гап. Улар таъқиб қилаётганларини сизлардан яширмаганлар. Нега энди бирдан бу таъқиб муҳим бўлиб қоларкан?

Питер стол четини чангаллаб, бошини ҳам қилди.

– Биласанми, Грег, биз бунинг жавобини энди ҳеч қачон билолмасак керак. Жорж айтолмайди. Энди у ҳеч қачон қўнғироқ ҳам қилмайди, келмайди ҳам.

– Лекин кимдир билади бунинг сабабини, – деб эътироз билдирди Максвил. – Масалан, уни ўлдирганлар. – У сигарета тутунини ичига чуқур тортди. – Эртами-кечми...

– Лекин кеч бўлса фойдаси йўқ! – деб дўстининг сўзини бўлди Питер. – Корал умрбод яшириниб яшолмайди. Элли масаласида ҳам, балки энди кечиккандирмиз. Мэри ҳам узоқ вақт беркинолмайди. Биласанми? Биз уларнинг усулини қўллаб, ҳаммаларини оёғи куйган товукқа айлантиришимиз керак. Қанча тез бўлса, шунча яхши!

– Йўқ! Биз маҳбусни сўроқ қиламиз, лекин уларнинг усули бизга керакмас. Максвилнинг столида телефон жиринглади.

– Максвил эшитади. Ким? Бен Мартин? Ие, ҳа. Шошманг. Ким масаласида қўнғироқ қиялмасиз? Ҳа, тўғри. Питер ҳозир шу ерда, ёнимда. Гўшакни берайми? – Максвил гўшакни узатди. – Дўстинг. Брустердан қўнғироқ қиялпти. Паролни тўғри айтди – Жорж Уилсон деди.

– Бенмисан? – деди Питер гўшакни олиб.

– Бизда, бу ерда нималар рўй бермоқчи, – таажжубланган оҳангда деди Бен Мартин. – Яқинда, шундоққина ёнгинамизда бутун бошли армия пайдо бўлди. Беш-олтита йигит теварак-атрофни оралаб текшириб чиқяпти. Ҳаммалари бараварига ҳужумга ўтишган эди, мен уларни чўчигиш учун бир-икки марта ўқ уздим. Осмонга. Улар чекинишди – бошқача тарзда ҳужум қилишмоқчи шекилли. Назаримда, қоронғи тушишини кутадиғанга ўхшайдилар. – Унғача атиги бир-бир ярим соат қолди. Биз бу ерда, дўстим, сал юрак олдириб қўйдик. Сизлар ёрдам қилолмасмикинсизлар, деб қўнғироқ қияётувдим.

– Шошма-чи, – деди Питер ва Максвилга ўгирилиб, шоша-пиша вазиятни тушунтирди.

– Ўша участка полициячиларини ёрдамга юборамиз. Ярим соатда етиб боришади. Бу ердан юборганимиздан кўра тезроқ бўлади, – деб Максвил шошпанча хонадан чиқиб кетди.

– Максвил қўнғироқ қилгани кетди, – деди Питер Мартинга. – Ярим соатда етиб боришади.

– О, роса бошлаб қўрқитдим-да уларни, осмонга ўқ узиб. Лекин, ростакамига одам ўлдириш қанақа бўлади – билмайман. Қисқаси, улар жуда кўпчилик.

– Кечир, сени бу ишга тортиб яхши қилмадим. Менинг бугунги ҳаётим шунақа. Менинг касримга ҳамма қийналяпти.

– Қорал сен билан гаплашмоқчи. Максвилга халал бермаймизми?

– Йўқ. Биз полиция маҳкамасидамиз-ку. Бу ерда телефонлар сероб.

– Мана хонимимиз.

– Салом, азизим, – Коралнинг овози мутлақо хотиржам эди.

– Қалай, яхшимисан? – сўради Питер.

– Бугун кун жуда яхши ўтди. Фақат ярим соат бурун тўполон бошланди. Дўстинг Бен – ажойиб йигит. Питер, сен Лестер билан кўришдингми?

– Ҳали ярим соат ҳам бўлгани йўқ кўришганимизга.

– Айтдингми қаердалигимни?

– Йўқ.

– Демак, у сотган бўлиши мумкин эмас.

– Ҳа, у сотмаган.

– Мен қўрқувдим...

– Сени ўғирлаганимни мутлақо инкор қилдим.

– Питер!

– Ҳа, жоним!

– Балки, чиқиб таслим бўлганим яхшидир? Нега энди Бен мен туфайли балога қолиши керак? Ахир улар фақат мени овлашяпти-ку.

– Жим ўтир. Максвил ёрдам юборади. Тез орада.

– Лестер, уларни енгилнинг иложи йўқ, деб айтганди. Таслим бўлганим яхшидир? Тинчирмидик шунда-а?

– Эртага сўрайсан.

– Улар билишади қаердалигимни. Мен қаёққа бормай, барибир, билиб олишади. Ҳаттоки вақтида ёрдам етиб келганида ҳам.

– Эртага гаплашамиз.

– Биласанми, Питер, Лестернингмас, сенинг тарафингни олиш тўғри эканлигига менда шубҳа пайдо бўляпти. Ташкилот ҳақидаги маълумотлар сендан кўра Лестерга кўпроқ аён. У менга айтувдики...

Телефон ўчди. Питер пишангни азда-базда боса бошлади. Кейин ўзи Мартинга қўнғироқ қилди. Телефон гунг эди.

Максвил қайтиб кирди.

– Улар телефон симини узишганга ўхшайди, – деб хабар қилди Питер.

– Полиция йўлга чиқди. Нима дейсан, қаёқдан билишдйкин?

– Баннерманнинг компьютеридан. Гаров ўйнашим мумкин, уларда менинг бугун ҳаётим ёзилган. Албатта, Бен Мартиннинг ҳам номи бор. Яқин дўстим сифатида. Унинг уйи Дарьердан узоқ эмас.

– Борасанми? – сўради Максвил.

Питер аста-секин бош чайқади.

– Мен доим, уларнинг усули бўйича ўйин қиламан, деб гапириб юардим. Пайти келди.

### Учинчи боб

– Сиз, Стайлз, худди алмисоқи одамга ўхшайсиз. Менинг дохилий ҳаётимни билишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ, ўзимдан бошқа. Хоҳласангиз Парк-авенюга бориб мен ҳақимда плакат осиб қўйинг. Парво ҳам қилмайман.

Флоренс Тейлор Клиггер, Мэри айтганидек, сариқ соч экан. У ўта такаббур ва ҳўплаб ўтиргани муздек дайкиридан терлаган қадахдек совуқ эди. У узун оч-жигарранг сигарета чекарди.

Питер миссис Клиггерни “Уиллард Бэкъярд хузурида” номли ресторандан топди. У миллионерлар учун мўлжалланган бу рестораннынг бир чеккасидаги

стол ёнида ўтирарди; у кимнидир кутаётган эди. Питер аввал уни телефон орқали топишга уриниб кўрди, лекин ходималар бекаларининг бутун оқшом уйда бўлмаслигини айтишди. Жейкнинг мақолаларида Флоренснинг пулни гарра-шарра сарфлаши, ҳаммаша миллионерлар ва машҳур одамлар тўпладиган жойларда маишат қилиши ҳақида ёзилган эди.

Ресторан хўжайини, директори ва метрдотели Уиллард Бэжъярд Питернинг ошнаси эди. Уиллард, шунингдек, бу ерга келган маълум ва машҳур хўрандаларни ҳар турли “хира пашша”лардан ҳимоя ҳам қилиши керак эди.

– Ким билсин, ёнига яқин борсам, тагин аччиғи чиқиб “пов” этиб ёниб кетса-я, ” – деди Питер Уиллардга.

– Пилигини пасайтирамиз, – деб елкасини қисиб кўйди Уиллард. – Ахир мен қаёқдан билибман, ёлғиз ўзи зерикиб ўтирган хонимнинг машҳур журналист Питер Стайлз билан суҳбатлашишдан бош товлаши мумкинлигини?

Питер кираверишдаги духоба арқон олдида турганча, доврўгини кўп эшитган бу аёлни тадқиқ қиларди. Унинг узун енгли кечки кўйлағи бағоят башанг эди. Заррин сочларини олий даражадаги саргарош тараган бўлса керак. У таққан билакузуклар, узуклар, шода-шода марварид ва дур-маржонлари беадад мол-дунё қийматиغا тенг эди. Хонимнинг бутун безаклари беқусур нозик лид билан танланган эди. Лекин уларда қандайдир совуқлик, беўхшовлик сезилиб турарди. Бу безаклар бошқаларнинг ҳавасини келтириш учун эмас, балки ўзини хушнуд этиш учун тақилган эди. Питер бу аёлнинг каттакон кўзгу олдида туриб, ўзига қандай оро беришини тасаввур қилди.

– Менга уч дақиқа вақт бер, Уиллард. Унғача олдида борма, – илтимос қилди Питер. – Хоним шояд мени бирга кечлик қилишга таклиф этса, лекин ҳали уни бунга унатиш керак.

– Нима бўлганда ҳам, сен дунёвий ахборотномага тушмай қолмайсан энди, – деб ишонтирди Уиллард. – Хонимдан сал нарироқда Синтия Стивенс овқатланыпти. – У духоба арқон иллагини ечди, Питер столлар оралаб, Флоренс томон юра бошлади.

Флоренс унинг яқинлашиб келаётганини кўрди. Қарашидан, Питерни жуда яхши таниши сезилиб турарди. Унинг муҳитига мансуб одамлар барча машҳур кишиларни худди беш қўлдай билишади. Бинобарин, “Ньюсвью”нинг бу таниқли очеркнависи эрининг иши билан шуғулланаётгани Флоренсга аён бўлса керак, албатта. Питер бу аёлнинг ҳужумга шайланаётганини деярли жисмонан ҳис қилгандай бўлди.

– Ижозат берсангиз, сиз билан бир неча дақиқагина суҳбатлашсам, миссис Клингер! – деди Питер аёлнинг столи олдида келиб тўхтаб. – Менинг исмим Питер Стайлз.

– Исмингиз менга маълум. – Унинг овози чиройли, маданиятли эди. – Йўқ, ижозат бермайман. Мен, Стайлз, ҳеч ким билан муҳокама қилмайман эримнинг ишини.

– Ўз ишингизни-чи?

Аёлнинг сарғиш-нимяшил тусдаги аломат кўзлари совуқ ва адоват билан боқарди.

– Эрим огоҳлантирганди, мен билан учрашишга уринишингиз мумкинлигини. – Флоренс кўзи билан Уиллардни қидира бошлади. У узоқда, эшик олдидаги духоба арқон ортида турарди. Аёл бриллиант тақинчоқлари чақмоқдек ярақлаётган кўлини кўтариб, Уиллардга ишора қилди. – Жамоатчилик жойида менга яқин келиш бемаънилик. Агар мен билан учрашишни хоҳласангиз...

Уиллард унинг имо-ишорасини атайлаб пайқамасликка ҳаракат қилди.

– Сизни учрашувга кўндириш учун менда вақт йўқ, – деди Питер. – Ихтиёримда фақат бир неча соат вақт қолган, кейин қатъий чоралар кўришимга тўғри келади. Менинг дўстларим эрингизнинг дастидан қаттиқ жабрландилар. Жавоб бериш пайти келди. Аёл танишларимнинг бошига не-не кулфатлар ёғилмади. Зўрлаб номусига тегиш, шантаж қилиш, ўғирлаш. Қасос олишимиз учун энди энг мақбул нишон – сизсиз.

Флоренс Питернинг кўзига тик қаради: заррача ҳам кўрқув аломати бўлмаган осуда нигоҳ.

– Нима, мени зўрлашадими, шантаж қилишадими ё ўғирлашадими? Қизиқ-ку! Мутлақо янги, мавҳум ҳиссиётлар. Уиллардга айтишим керак: полиция чақирсин.

– Менинг тахминимча, масалан, шантаж қилиш сиз учун янгилик эмас. Сиз билан эрингиз, икковларингиз бу соҳа бўйича ноёб мутахассисларсиз. Сизлар ўзингизнинг нозик эҳтиётларингизни қондириш учун шантаждан ҳам ҳазар қилмайсизлар.

Флоренснинг антиқа кўзлари киприк қоқмай Стайлзнинг кўзига қалалди.

– Ҳа, майли, тан оламан: ниҳоят мени қизиқтириб қолдингиз. Яхши, ўтиринг, фақат шартим бор – мени дайқири билан меҳмон қиласиз.

Питер шу яқин атрофда ўраланиб юрган официантни чақирди ва ўтирди.

– Эрим ҳақида мендан бирон гап ундиришга уринишингизни билардим. У билан қонун ўртасида қандайдир англашилмовчилик юз беряпти, – деди аёл. Деярли бўшаб қолган қадаҳни ўйнаб турган унинг бармоқлари узун-узун, эгилувчан ва нафис эди.

– Менда фақат битта имконият қолди – сизнинг ёрдамингиз. Ёрдам қилмасангиз, демак хоҳламайсиз. Унда оқибати жуда нохуш бўлади, сўз бераман сизга.

– Қани, қани, бир жасорат кўрсатинг, – деди у жилмайиб. – Сизга мен эримни бутун ичак-чавақлари билан кўшиб сотайми – шуни истайсизми?

– Судда кўриладиган ишнинг якуни мени фақат репортёр сифатида қизиқтиради, – деди Питер. – Агар суд уни айбдор деб топса, судимиз фаолиятидан мамнун бўламиз. Демакки, суд жараёни одилона олиб борилган. Бордию уни оқлашса, бу демак, одил суднинг барбод бўлгани, шантаж ва порахўрликнинг ғалаба қилганидир. Лекин, миссис Клингер, ҳозир мени суд иши қизиқтираётгани йўқ. Менинг яқин одамларим қаттиқ хавф остида қолишган. Биттасини бўғиб ўлдириб, менинг хонадонимга осиб кетишди. Эрингиз Элли Уилсон исмли қиз ҳақида ҳеч гапирганмиди?

– Мен эрим билан жуда кам кўришаман, фақат иш юзасидан уюштирилган зиёфатларда. Турган гапки, у ўзининг ўйнашлари ҳақида менга гапирмайди.

– Элли Уилсон ўйнаш эмас асло. У таҳририятда хизмат қилади. Икки кун олдин унинг номусига тажовуз қилишибди ва, бошлигинга айт, ишга тумшуқ тикмасин, деб буюришибди. Бошлиқ – муҳарриримиз, иш эса, эрингизнинг иши. Кейин у қизни ўғирлаб кетишди ва гаров сифатида тутқунликда ушлаб туришибди. – Уларнинг энг нозик, хатарли сирларини ошкор қилмаслигимиз учун. Ҳозир эҳтимол прокурорнинг хотини ҳам уларнинг кўлига илингандир. Яна улар эрингизнинг ўйнашини ҳам қидиришяпти, ундан ҳам бизга қарши қурол сифатида фойдаланишмоқчи. Улар бизни ўз удумлари бўйича мудофаага ўтишга мажбур этишяпти. Пўписа қилиш учун вақт қолмади энди. Элли Уилсонни қерда асраб туришибдийкин? Мен эрчангизнинг жамоасидаги бирон кишини, албатта, мажбур қилишим шарт. Ким рози бўларкин? Эрингизми? Карл Баннерманми? Бизнинг ходимларимизга таҳдид солаётган ёлланма қотилларни чақириб олиш кимнинг ихтиёрида?

Аёлнинг чиройли пешонасида нафис ажинлар пайдо бўлди.

– Сиз чиндан ҳам ҳамма нарсани билади ёки айтади, деб ҳисоблайсизми мени?

– Мен, Клингер жамоасида эҳтимол жиндаккина диёнати бор биронта шахс тошилиб қолар, деб ўзимни ўзим ишонтиришга уриняпман, – деди Питер. – Ҳа, аминманки, порахўрлик ва шантаж сизнинг муҳитингизда ҳар куни қўлланадиган воситалардир. Лекин зўрлаш, қотиллик қилиш, жисмоний жазолашлар – бу энди қуюшқондан чиқиб, менимча. Бу борада, эҳтимол сизларнинг шахсий кодексларингиз ҳам энди чок-чокидан сўкила бошлагандир: ахир, эртами-кечми, ҳамма сирларингиз фош бўлиши аниқ-ку. Бугун мен учун ўша таниш аёлларнинг хавфсиз бўлиши зарур. Мен бу хавфсизлик учун ҳақ тўлашга ҳам тайёрман. Лекин агар кечиккан бўлсам, унда эҳтиёт бўлинг. Ҳарҳолда, сизга бефарқ бўлмаган бирон-бир кимса бордир ахир, миссис Клингер? Агар сиз бирдан гойиб бўлиб қолсангиз, кимдир югуриб-елиб сизни қидиришга тушар, дейман? Ҳолбуки, ҳис этишимча, сизнинг муҳитингизда ҳеч ким ҳеч кимга керак эмасдек. Ҳар бирингиз фақат ўзингизни, ўз шахсий ҳукмронлигингизни ўйлайсиз.

– Ўша Элли Уилсоннинг сўзлаб беринг, – деб илтимос қилди Флоренс, гўё Питернинг гапларини эшитмагандай.

– У ёқимтой, виждонли аёл. Яхши ходима. Ёши ўттизлар атрофида, – деб гапира бошлади Питер. – Бундан бир йилча бурун Жорж Уилсонга турмушга чиқди. Жоржни кеча кечаси ўлдириб кетишди. Улар бир-бирларини жудаям яхши кўришади. Бундай туйғуни сиз тушунмасангиз ҳам керак. Сизнинг замонавий мулоҳазангиз бундай туйғуни эҳтимол ўта мутаассиблик, деб билар. Фожиа шундаки, бу эр-хотин ҳеч қандай айб қилмаган бўлсалар ҳам, жуда бешафқат жазога тортилдилар. Улар бу ўйинда фақат арзимас мурватлар эдилар. Элли – “Ньюсвью” муҳаррири, Деверининг котибаси, Жорж репортёримиз эди. У мавзу тайёрлашда ишгирок этанди. Унинг вазифаси – прокурор Лестер Стронгни ўрганиш эди. На Элли, на унинг эри ҳеч кимга раҳбарлик қилишмаган. Шунчаки, майда балиқчалар улар. Клингернинг одамлари Деверини ҳақиқатни излашдан воз кечишга мажбур қилиш учун Уилсонларни жазоладилар. Ҳолбуки, улар Клингерга ҳеч қандай хавф туедирмаётган эдилар.

– Ҳайронман сизга, Стайлз, – деб Флоренс совуқ ва эҳтироссиз оҳангда унинг гапини бўлди. – Нима, сизнингча, Уилсонни, ўз лаёқатларини синаб кўриш мақсадида ўлдиришибдими? Фақатгина муҳаррирни кўрқитиб қўйиш учун-а?

– Эҳтимол Жорж сўнгги дамда бир нозик нарсани пайқаб қолгандир; у кеча соат иккидан ошганида, хотинини қидиргани Филадельфияга бориш учун, тахририятдан ўқдай отилиб чиқиб кетган эди. У ҳеч нимани билмас, унда ҳеч қандай маълумот ҳам йўқ эди. Бизнинг фикримизча, у Филадельфияга етиб бора олмаган.

– Гапингиздан, у шаҳар кўчаларида зир югуриб юриб, ниманидир кўриб қолган ё эшитган-да, бирдан хавфли шахс бўлиб қолган, шундайми?

– Шундай деб ўйлашга тўғри келади.

Флоренс қўлидаги қадаҳни ўйнаб ўтирарди.

– Нимага керак бўлиб қолибди уларга анави фоҳиша? Томмининг ўйнашини айтганиман, – суриштирди аёл.

– Мен у билан суҳбатлашганим. Эҳтимол, у оғзидан гуллаб қўяди, деб кўрқингандир.

– Энди Корал Трейн ҳақида. У прокурорнинг хотини, шекилли?

– Ҳа. Бу ерда шантаж мавжуд. Стронгни жиловлаб олишпан.

– Ҳамонки улар шундай кескин чоралар кўришаётган экан, демак Томми улар учун муҳим шахс бўлса керак-да, сиз нима дейсиз? – У Питерга қўлидаги қадаҳ устидан тикилди.

– Мени унинг нима учун муҳимлиги қизиқтиради. Ё “Мовий осмон” усиз ҳеч иш қила олмайди, ё бўлмаса, ўзининг шантажчилик қобилиятини ўз ходимларига қарши ишлатиш билан шуғулланиб келади.

– Томмини менсимаслик яхшимас! – деб кулди хоним. – Агар у сиқувга олинса, жуда ҳам хавфли бўлиб кетади!

– Агар менинг жигимга тегишса, мен ҳам ғарчча тишлаб оламан!

– Йўғ-е! Сиздай романтик одам-а? – деб қўл силтаб қўйди Флоренс. – Анави “мурватлар” никоҳини кўқларга кўтариб мақтадингиз. Гўёки менинг вужудимга жо бўлган қандайдир дохийий диёнат ҳақида хом хаёлларга бордингиз. Назарингизда, ҳозир мен дув-дув ёш тўқаман-да, ҳамма-ҳамма гапни сизга очиқ айтиб бераман, чунки мен қалбан ғоятда виждонли аёлман, шундайми? Мени бирон хилват гўшага тортиб кириб, зўравонлик билан ҳамма сир-асрорларни билиб олиш сизнинг хаёлингизга ҳам келмайди. Сиз учун бу гўё Ойга учиндек гап. Сиз, Питер Стайлз, романтиксиз. Ҳолбуки, бутунги ҳаётда ва сизнинг жамоангиздаги одамларда романтикадан асар ҳам қолмаган. Сиз галаба қозонолмайсиз, чунки ҳеч қачон бизнинг усулимизни қўллашга жазм этолмайсиз. Бизнинг қоидаларимиз бўйича бошланган бу ўйинда сиз ўйнай олмайсиз: ожизлик қиласиз.

– Элли Уилсонни топиш учун менга ип учини беринг! Акс ҳолда, эҳтиёт бўлинг, тагин бу назарияларингиз пуфакдек ёрилиб кетмасин!

– Жудаям ачинапман сизга, – у сарғиш-нимяшил кўзларини Питерга қадаганча қадаҳидаги дайкиридан ҳўшлади. – Тўғри. Сиз нотавон дўстларингизга

ёрдам бериш учун жон-жаҳд билан ҳаракат қилиб ётибсиз. Мен диёнатли одамни шундай тасаввур қилардим... ёшлигимда. Энди эса, диёнат аҳлини тентаклар деб ҳисоблайман. Сиз далилларни аниқлашга уринаркансиз, ўша диёнатингизга қоқилиб панд еб қоласиз.

– Сиз ўзи нимага шама қилиясиз?

– Мен сизни романтизм дардидан фориг қилмоқчиман. Реалист бўлинг. Ҳеч кимга ишонманг. Кейин, бир қолигда яшашга барҳам беринг. Масалан, ҳамонки мен аёл киши эканман, дўқ-пўписалар билан мени қўрқитиш осон деб ўйлайсиз; менинг қалбимда ҳам худди сизнинг онангиз, хотинингиз ёки дугонангизда бўлганидек, виждон чўғлари ёниб турибди, деб ҳисоблайсиз. Янглишасиз! Мен реал ҳаётда, пуч хаёлларга берилмай яшайман. Шунга кўра, ҳар қандай восита билан истаган нарсамга эришаман. Мана ҳозир менинг истагим: мени тинч қўйсинлар, кўнглим тусаганча яшашимга халал бермасинлар. Сизга ёрдам қилайми? Қандай? Фақат маслаҳат беришим мумкин. – У қадаҳни столга қўйиб, ўзи ўтирган роҳат курсига суянди-да, Питерга совуқ, истеҳзоли жилва қилди. – Агар сиз, Стайлз, бу қадар номусли бўлмаганингизда, қудратли кишиларга эмас, ожиз ва заифларга ҳамла қилган бўлардингиз. Мен қудратлилар тоифасиданман, лекин сиз агар барча аблаҳ одамларга яхшироқ тикилиб қарасангиз, ҳатто сиз ҳам улар ичидан заиф ҳалқани ажрата оласиз. Стайлз, фақат янглишманг! Бу Томми эмас! Мана шу тарзда панд еб қолади сизга ўхшаган ҳалол кишилар. Томми – сиқувга олинган ҳайвон, у тиш-тирноғи билан ўзини муҳофаза қилади. Кимда-ким ўз обрўсини сақлаш мақсадида ҳаммани бепарқлик билан сотса – ўша заифдир. Томмида ва унинг дўстлари, Баннерманда ва Клаудда обрў йўқ. Ҳокимият бор, лекин обрў йўқ. Демакки, уларнинг муҳофаза қилинадиган обрў-эйтиборлари йўқ.

– Исмини айтинг!

– Ишонмайсиз-а! – деб янгроқ ханда ташлаб кулди Флоренс. – Ҳамма дастакларни кўр-кўрона босиб ётибсиз, фақат керагинимас. Аммо, лекин чиндан ҳам биттаси бор, айнан ўша сизнинг таҳдидларингиздан кўрқса керак. Фақат биттагина одам. Ёлғиз ўша сизга ёрилиши мумкин.

– Судья, – деб хаёл қилди Питер. – Демак, – судья Элсворт.

– Бирон ерда у қадаҳидаги пивосига кўз ёшларини тўкиб ўтиргандир. У кўрққанидан қора терга ботган. У ҳам газеталарни ўқиб туради-да. Қизиқ, бирон-бир хушхулқ судья ўз қилмиши билан қотиликка шерик бўлиб қолишини ҳеч тасаввур қилганмикин? Йўқ, сиз мени қандайдир юксак ҳавас даъватига кўра ошкораликка майл қўйди, деб ўйламанг! Асло. Мен фақатгина ўз муҳитимни омон сақлаб қолмоқчиман, холос. Энг қизиқ томони шундаки, сиз ҳозир чиндан ҳам менинг очиқ айтмоқчи бўлган гапимни эшитаётгандек ҳис қилдингиз ўзингизни. Лекин аслида бундай эмас. О, кечирасиз, менинг олдимга келишди.

Уиллард бу томонга бир одамни бошлаб келаётган эди. Флоренс у одамни кулаб мулоийм жилмайди. Ҳа, унинг муҳити ҳали дарз кетмаган эди.

Вестюблга чиққан Питер Максвилга кўнгироқ қилди.

– Қандай янгиликлар бор Брустердан? – сўради у.

– Сенга ёқмайдиган янгилик.

– Корал билан Бен қалай?

– Билмаймиз.

– У нима деганинг?

– Полициячилар – тўрт киши – Мартинникига кеч кириб, қош қорая бошлаган пайда етиб боришган. Уларга ўқ узишган. Полициячилардан бири ўлган, бири оғир жараланган. Кейин уларга ёрдам етиб келган. То ёрдам етиб келгунча полициячилар ҳисобни тенглаштиришган.

– Яъни?

– Ўрмондан учта бандит ўлигини топишган. Тириклари топилмаган.

– Корал билан Бен-чи?

– Полициячилар киришганда уй бўм-бўш экан. Қаҳва чойнаги ҳали илиқ, кулдонда саргарета тутаб ётганмиш. Лекин ҳеч ким йўқмиш. Қоронғида ўрмон кезиб, уларни ахтариб бўлмайди. Душман ўқига нишон бўлиш мумкин фақат. Иккита тахмин бор: “агентлик” йигитлари полициячиларни ўққа тутаётган



пайтда, уларнинг шериклари миссис Стронг билан Мартинни тутиб олиб кетишган. Ё бўлмаса, отишма пайтида уларнинг ўзлари қочиб кетишган. Бир нарса деб бўлмайди, улардан хабар кутишга тўғри келади. Эҳтимол уларни эргалаб ўрмондан топармиз.

Питернинг чаккалари лўқиллаб оғирди. Доим кечикамиз. Эллини олиб келишга улгурмадик, Корални ҳимоя қилишга улгурмадик, Жоржни ўлдиришларига халақит қилишга, Мэрини ушлаб қолишга ҳам улгурмадик. Ярим қадам орқада қоляпмиз, доимо ярим қадам орқада...

– Гапимни эшитмаясанми? – маънос овозда сўради Максвил.

Питер гўшакка тикилди. “Қадаҳидаги пивога кў эшларини тўкиб ўтирибди. Кўрққанидан қора терга ботган...” Охирги имконият, охирги имконият. Кейин жуда кеч бўлади, ҳеч нимани эшлаб бўлмайди.

– Эътиборинг учун, – деди Питер, – билиб қўй, мен виждонли одамлар тоифасидан чиқаман.

– Нималар деб жавраяпсан? Менга қара, Питер, мен...

Питер гўшакни илди.

“Салливан ҳузурда” номли бар қувноқ одамлар билан гавжум эди. Музыка кулоқларни қоматга келтирарди. Жейк Жекобс пешпахта олдида бир тўда қизлар билан бамайлихотир гурунглашиб ўтирарди. У одамлар оралаб ўзи томон келаётган Питерни кўрдию қизларни қолдириб, дўстига пешвоз борди.

– Бирон нима иллинай деяпганими?

– Судья Элсворт. У сенинг рўйхатингда йўқ. Телефони ҳам справочникда кўрсатилмаган.

– Шубҳали шахс. – Жейк ёнидан блокнотини чиқариб Питерга судьянинг Сентрал-паркдаги адресини берди. – Испан услубида қурилган бино. Бундан эллик йилча бурун жуда серҳашам ва чиройли бино экан, судьянинг ўзи ҳам у пайтларда навқирон ва тетик йигит бўлган. Ҳа, тинчликми?

– Тушунтириб ўтиришга вақт йўқ. Фақат шунга айтишим мумкин, судья – менинг охирги умидим. Жонини суғуриб олсам ҳам, гапиришга мажбур қиламан.

– Кел, яхшиси, мен ҳам сен билан борай, – деб унга ҳамроҳ бўлишни таклиф қилди Жейк. – У сента ўлса ҳам ҳеч нима айтмайди, эшиги тирқишидан мўралаб сени кўрадию гунг бўлади-қолади. Сен судья орзу қилган суҳбатдошлардан эмассан. Мен бўлсам ўзимни почтачи қилиб кўрсатаман. Фақат ҳозир қизларим билан хайрлашай. – У пешпахта олдида бориб, қизлар билан хайрлашаркан, улар анча ранжиб қолишди.

Улар таксида жўнашди, Питер йўл-йўлакай ҳамма бўлган воқеаларни сўзлаб берди.

– Жуда аломат хотин бу миссис Клингер, – деди Жейк. – Биласанми, у ҳақ. Заиф ҳалқа – судья. Нью-Йоркдаги судьяларнинг ярмини махфия сотиб олган, қолганлари – профессионал сиёсатдонларнинг мулкига айланган. Элсворт, назаримда, бутун жону тани билан “Мовий осмон”га қарам бўлиб қолган бўлса керак. Кўрқув оғизларини маҳкам ёпиб қўйган, Питер.

– Оғизларни очадиган ҳам кўрқув, – деб эътироз билдирди Питер.

Испанча услубдаги бинонинг даҳлизи катта ва қоронғи эди. Кўҳна телефон коммутатори олдида форма кийган кекса эшикоғаси қалин бир журнални ўқиб ўтирарди. Жейк, биз судья Элсвортнинг олдида келдик, деб айтди.

– Келганингизни айтишим керак, – деди чол.

Питер нимқоронғи даҳлиздан чиқиб, ҳамёнини очди.

– Муюлишдаги дорихонага бориб, бир қутга сигарета олиб келолмайсизми? – У иккита эллик долларли қоғоз пул чиқариб, чолга узатди. – Қайтими ўзингизники.

Чолнинг оғзи очилиб қолди.

– Қанақа сигарета олай, мистер?

– Хоҳлаганингизни. Ўзингиз танланг. Мен чекмайман.

Чол бу кутилмаган бойликка қимгинибгина кўл узатди.

– Хонадон: тўрт-икки.

— Қонун ва тартиб! — деб Жейк ваъзхонлик қила бошлади гижирловчи ва ингровчи қафассимон лифтда кўтариларкан. — Одми кишилар шу қонун ва тартибга суянадилар... то ўзларига нисбатан қонун қўлланмагунча. Ана унда эса, қонунни ҳам, тартибни ҳам сариқ чақага сотиб юборадилар!

Тўртинчи қаватнинг йўлаги хира-сарғиш чироқлар билан ғира-шира ёритилган эди.

— Гирт ўликхона-я! — сўкинди Жейк. — Орқароқда тур, Питер. Агар мен чолни эшик очишга қўндиролсам, хотиржам бўл, уни ёпа олмайди.

Питер сарғиш бурчакка тисарилди. Жейк қўнғироқ тугмасини босди. Салдан кейин занжири туширилмаган эшик қия очилди.

— Кимсиз? — Жейк сочлари опшоқ оқарган кекса аёлни кўрди.

— Миссис Элсвортмисиз?

— Ҳа!

— Мен судьяга шошилинч топшириқ олиб келдим.

— Нега келганингизни хабар қилишмади?

— Даҳлизда ҳеч ким йўқ экан, хоним.

— Топшириқ кимдан? Судья ишляпти, халақит қилиш мумкинмас.

— Мистер Баннермандан одам кепти, деб айтинг. Шахсан ўзларига топшириш буюрилган.

— Баннерман? Ҳеч қанақа Баннерманни билмайман мен.

— Сиз судьяга айтинг, у билади.

Эшик ёпилди. Жейк билан Питер, бу найранг иш берармикин, деб хавотирлана бошлашди. Бир неча дақиқадан кейин эшик яна занжири узунлигида қия очилди. Энди Жейкка судьянинг ўзи тикилиб турарди.

— Қанақа топшириқ? — сўради у.

— Уни эшик тирқишидан айтиб бўлмайди, жаноб судья. Ўзингиз биласиз, агар топшириқ шошилинч бўлмаганда, мистер Баннерман мени юбормасди. Менга сиздан баъзи нарсаларни сўраш ва жавобингизни унга етказиш буюрилган.

Судья олдинига иккиланиб турди, кейин ниҳоят занжирни тушириб эшикни очди. Бу опшоқ сочлари қуюқ, қоп-қора бароқ қошлари ҳурпайган баланд бўйли басавлат чол эди. Жейк ичкари кирди ва фақат бир сонияга айёрлик қилиб эшик табақасига суяниб турди, шу фурсатдан фойдаланиб, Питер ҳам ичкарига кириб олди.

— Ана холос! — деди ҳайрон бўлган судья. — Бу ким? Питер Стайлтзми?

— Топдингиз. Илтимос, хотинингизга айтинг, ҳеч ерга қўнғироқ қилмасин.

— Ахир бу хонадон даҳлсизлигини бузиш, хонадонга рухсатсиз бостириб кириш-ку, — деб норозилик билдира бошлади судья. — Бу оғир жиноят ахир!

— Қотиллик ва одам ўғирлаш ҳам оғир жиноят. Муҳтарама миссис Элсворт, биз билан қолишингизни ўғиниб сўрайман. — Жейк ичкари хона эшиги олдида борди ва шу томонга қўрқа-писа якка кифт бўлиб келаётган аёлнинг йўлини тўсди.

Бу ушбу бино услубидаги хона эди. Мебеллар тўқ-қизил ёғочдан ясалган, деразаларга тутилган духоба пардалар эскириб ўнгиган. Деворга унниқиб кетган портрет осилган, балки у — судьясининг отасидир. Яна бир портрет — бу энди бундан ўттиз йил олдинги судьянинг ўзи бўлса керак.

— Сизни Баннерман юбормаган! — деди судья.

— Лекин унинг номи бизга эшик очди, — деди Жейк.

— Менинг вақтим зиқ, Элсворт, — деб гапга аралашди Питер. — Мен бу ерга Элли Уилсон, Корал Стронг ва Мэри Льюисларнинг қаердалигини билиш учун келганман. Нима учун уларни қидириб сизнинг олдингизга келганим сабабини тушунтиришим шартми? Икковимиз ҳам бу воқеалардан бохабармиз-ку, тўғрими?

Чол юзини тескари бурди, лаблари пир-пир уча бошлади.

— Мен оладиганим маълумот учун унча кўп ҳақ тўлолмайман, — деб гапида давом этди Питер. — Лекин сиз юристсиз. Бинобарин, Жорж Уилсоннинг ўлдирилишида, Эллен Уилсоннинг номусига тажовуз қилиниб, ўғирланишида, Корал Стронгнинг ўғирланиши ва Мэри Льюисга суиқасд уюштирилишида сизнинг жавобгарлигингиз қай даражада эканлиги ўзингизга маълум.

– Кристиан! – деб пичирлади кампир. – Нималар деяпти бу одам?

– Сиз, Элсворт, менда қандай далиллар борлигини эшитмай туриб, ҳамма гапни очиқ айтишингизга тўғри келади. Лекин кўнглингиз тўқ бўлсин, ҳали уларнинг ҳаммаси менинг қўлимда бўлади. Қонуннинг сизга нисбатан марҳаматли бўлиши учун фақат биттагина восита бор. Вақт борида, ўша аёлларнинг қардалигини менга айтинг.

Чол унга ўгирилди ва дармони қолмаганидан роҳат курси суянчигига қўлларини тиради.

– Жинни одамнинг валдираши бу! – деди у энтика-энтика. – Мен ўша сиз айтган қотиллик, номусга тегиш, одам ўғирлашлар ҳақида мутлақо ҳеч нима билмайман!

– Оҳ, қанийди сиз ҳеч нима билмаган, эшитмаган бўлсайдингиз! Улар сизни Кингир иши бўйича судья этиб тайинлашган, чунки сиз уларнинг кўлида бир кўғирчоқсиз! Кингир ишини қонун кўришни қейинга суриш унча хавфли иш эмас эди: эҳтимол сиз у ишни қонун асосида кейинга сургандирсиз – прокурор қаршилик кўрсатмаган эди-да. Лекин сиз прокурорнинг нега ҳамма таклифга рози бўлаётганини билгансиз ва оқибат ўзингиз ҳам ботқоққа бота бошлаганингизни сезгансиз. Ботганда ҳам анча чуқур ботгансиз. Буни пайқаган пайтингизда эса, улар энди сизни икки томондан сиқувга олиб бўлган эдилар. Элли Уилсонга нима бўлгани ҳам, нега бундай бўлгани ҳам сизга маълум. Бугун эрталабки газетани ўқиганингиздан кейин эса, қотилликка шерик бўлганингизни тушунгансиз. Элли билан Корални қаерда ушлаб турганларини айтсангиз – омон қолишга умид боғлашингиз мумкин – судья лавозимида эмас, албатта. Бу сиз учун энг охириги ва ягона имконият.

– Кристиан, наҳотки бу гапларда заррача ҳақиқат бўлса? – деб сўради судьянинг хотини. У бутун умр шу эри билан яшади – бу яққол кўзга ташланиб турарди.

– Элизабет! – чол оҳиста, аммо қаттиқ ўкинч билан чинқириб юборди. Кейин Питерга қаради. Унинг қора кўзлари гилт-гилт ёш эди. – Аввалига ҳаммаси мутлақо безарар ишдай туюлганди. Менга Кингирни суд қилиш буюрилган эди, ҳимояга ён бошган ҳолда. Аслини олганда, бунинг ҳеч бир ғайриқонуний жиҳати йўқ эди. Яхши яқун – Кингирни оқловчи ҳукм чиқариш. Ёмон яқун – агар ҳимояда апшеляция учун асос бўлса, мен бунга розилик беришим керак. Лекин кейин бирдан Стронгнинг феъли жуда ғалати тарзда ўзгариб қолди. У ўзининг ҳалол ишини виждонли прокурордек олиб бормади. Тушундимки, уни ҳам сиқувга олишган. Фақат қай тарздалигини билмасдим. Мен Баннерманни учратиб, одамларда шубҳа уйғониши мумкин, ишни бу тарзда давом эттириш яхшиликка олиб бормади, ҳеч бўлмаса, сиртқи одоб, интизомни сақлаш керак, деб огоҳлантирдим. Ана шунда у Стронгни қандай жиловлаётганларини менга ошкор қилди. Буни эшитиб, ҳанг-манг бўлиб қолдим – мени шерик қилишган эди.

– Эллини қаерда ушлаб туришибди? – сўради Питер. – Корални қаёққа олиб кетишган?

– Сен буларга айтишинг керак, Кристиан, – деб буюрди кампир. – Қиттаккина бўлса ҳам ишончимиз бор экан, айтишинг керак.

Судья кўкариб кетган лабларини ялади.

– Ист-сайдда бир уй бор; у Бракстон Клаудга тегишли. У ерда кўндан бери ҳеч ким яшамайди. Бўм-бўш.

– Эллини ўша ерга қамашганми?

– Аниқ айтолмайман. Лекин у уйдан ҳар турли мақсадларда фойдаланиб туришларини биламан. Балки...

– Адреси?

– Ҳозир олиб келаман. Кабинетимда эди.

У Жейк соқчилик қилиб турган эшик томон юра бошлади, йўл-йўлакай тўхтаб, титроқ кўли билан хотинининг юзини силади.

– Кристиан! – деди пичирлаб хотини.

– Керакли қоғозни топишда судьяга ёрдамлашвор, – деб Питер Жейкка имо қоқди.

Жейк судьянинг орқасидан кирди. Миссис Элсворт Питернинг камзуридан ушлаб олди.

– Ахир сиз, мистер Стайлз, гангстер ҳам, жиноятчи ҳам эмассиз-ку. Менга ростини айтинг, Кристианнинг аҳволи ёмонми ҳозир?

– Эрингиз жиноят машинаси учун ўзидан мурват ясашларига қаршилик қилмаган. Оқибати бундай бўлиб чиқишини у балки тасаввур ҳам қилмагандир. Лекин охир-оқибатда жиноят иштирокчисига айланган – ўз ихтиёри биланми ё тасодифанми, фарқи йўқ.

– Уни жуда катта ваъдалар билан ўзларига оғдирмоқчи бўлишди. Лекин Кристиан ҳамма таклифларни рад этаётганини билардим. Ишонардимки...

Кампирнинг яна нимага ишонишини Питер билишга улгуролмади. Қўшни хонадан гумбурлаган ўқ овози ва кимнингдир чинқириб юборгани эшитилди. Питернинг назарида бу Жейкнинг овози эди. У кўлига пистолетини олганча қия очиқ турган эшикдан ўқдай отилиб кирди.

Судья Элсворт ўз хонасида столга бош қўйиб ётар, калласининг ярми мажақланган, қўли эса ҳамон револьверни чапгаллаганча қотиб қолган эди. Жейк ҳозир қайт қилиб юборадиган ҳолатда бир неча қадам нарида турар, сурмаранг шишали кўзойнак таққан кўзларида ҳайрат акс ётарди.

– Адреслар дафтари галадонда, – деди. Қўл тиқиб, револьвер олди. Ва... ва мен қаршилик қилишга улгурмай, қўндоқни оғзига тиқди...

Орқада миссис Элсворт жонҳолатда фарёд қиларди.

Полиция билан тиббий экспертлар етиб келгунича (уларни телефон орқали Жейк чақирган эди) Питер жасадни безовта қилмаган ҳолда, судья столи галадонларини синчиклаб текшириб чиқди. Элсворт очган галадонда қайд дафтари йўқ эди. Демак, Элсворт адресни қидиришни хаёлига ҳам келтирмаган; фақат револьверни қидирган.

Бракстон Клауд номига ёзилган телефон Манхеттенда йўқ эди. Кечаси бемаҳалда солиқ бюросининг ҳужжатхонасида адреслар дафтари қидириб топиб, ундан қайси уй Клаудга тегишли эканлигини аниқлаш амримаҳол эди.

– Қолаверса, бундай ёзув мутлақо бўлмаслиги ҳам мумкин, – деди Жейк. – Клауд сингари одамлар ўз ишларини ўнлаб қалбаки ё ҳақиқий корпорациялар орқали амалга оширадилар. Эҳтимол ўша уй қандайдир Жо Блоуд номига ёзилгандир.

Питер ҳеч кутмаган ёрдам бирдан “лоп” этиб пайдо бўлди. Элизабет Элсворт ниҳоят сал ўзини босиб олди. У эрининг устига ёпиш учун Питерга жундан тўқилган қалин рўмол олиб келиб берди ва ўзи меҳмонхонага кириб кетиб, ўша ерда портретларга тикилганча шамдай қотиб қолди.

Питер, эҳтимол, Элсворт ўша адресни билмагандир ҳам, деган хаёл билан ўзига таскин бера бошлади. Фақат револьвер олиш учун баҳона қидирган. Лекин полиция келганида Питер миссис Элсвортнинг унга қандайдир имо-ишоралар қилаётганини пайқаб қолди. Жейк кетма-кет телефон қилиш билан овора эди – у Бракстон Клауднинг уйини билувчи солиқ бюроси ходимларидан биронтасини топишга уринарди.

Питер кампир ўтирган курсига яқин келди.

– Мен қаттиқ таассуфдаман, миссис Элсворт.

Кампир унга қаради. Унинг унниқиб кетган кўк кўзларида дард бор эди.

– Кристианни энди кутқариб бўлмайди, тўғрими? Айтмоқчиманки, унинг обрўсини. У ўз обрўси билан жуда фахрланарди. Кўнглим сеза бошлаганди: кейинги ҳафталарда унинг авзойи бузук эди. Турмуш курганимизга қирқ беш йил бўлган бўлса, фақат энди биринчи марта мен билан дардлашмаган эди.

– Афеуски, ҳеч нимани ўзгартириб бўлмайди, – деди Питер. – Унинг ўз жонига қасд қилиши айбини бўйнига олган билан баробар.

Кампир юзини тескари бурди.

– Балки сизга ёрдамим тегармикин? Шояд шу билан Кристианнинг айбини юмшатишга имкон туғилса.

– Ахир қандай қилиб, миссис Элсворт?

– Ўша уйнинг адресини бераман сизга.

Питер хушёр торди.

– Сиз уни биласизми?

– 69-Ист-стрит, Ленсингтон билан Учинчи кўча ўртасида. Биласизми, менинг синглим ўша атрофда яшайди. Кристиан икковимиз ҳар якшанба кuni синглимни кўргани борамиз, у ногирон. У кўча жуда чиройли, дарахтлар кўп. Мен кўндан бери бу ердан кўчиб кетишни орзу қиламан. Биз бу ерда деярли турмуш курган пайтимиздан буён яшаб келамиз. Қанийди... синглимга яқинроқ жойга кўчиб борсам...

– Адресни айтинг, миссис Элсворт!

– Олдинги якшанбада биз пиёда юрдик, шунда мен бир иморатни кўрдим. Унинг ҳаммаёғига эълонлар ёпиштириб ташланган эди. Мен, сотиладиган уй бўлса керак, деб ўйладим. Кристиан менинг уй сотиб олиш ниятида эканлигимни эслади, шекилли, баралла кулиб юбориб деди: “Бу мумкин эмас. Қизиғи шундаки, бу уй Клаудники. Ҳозир мен олиб бораётган иш унга ҳам тегишли”. Бўлган гап шу. Биз уй сотиб олиш ҳақида бошқа ҳеч гаплашмадик. Мен ҳам бошқа эсламадим, то... бутун Кристиан тилга олмагунча. Балки, ўшадир сиз қидираётган уй?

– Эҳтимол. Раҳмат сизга.

– Марҳамат. Илтимос, Кристиан фаолиятини юмшатишга урининг, мистер Стайлз...

Питер ва Жейк 69-кўчадаги иморат қаршисида туришарди. Бутун кварталда фақат шу уйга эълонлар ёпиштириб ташланган эди. Деразаларга, кўча эшикка ҳам эълонлар чашлаб ташланган.

– Агар бу ерда чиндан ҳам биров яшаётган бўлса, у хуфия орқа йўлдан юрса керак.

– Юр, айланиб кўрамыз! – деб таклиф қилди Питер.

Питер ва Жейк, яқин ўртада бирон кимса йўқмикин, деб текшириб кўриб, тор кўчадан орқа эшик томон йўл олишди. Уй орқаси баланд тахта девор билан ўралган боғ экан. Жейк дўстининг қўлига туртиб, юқорига ишора қилди: иккинчи қаватдаги деразанинг паст томонидан ёруғ тушаётган эди.

– Одам яшаркан, – деб пичирлади Жейк. – Лекин девордан ошиб тушишмаса керак, ахир. Демак, уйнинг эшиги бор албатта. Кириб-чиқиш керак-ку, тўғрими? Юр, нариги томонниям бир кўрайлик.

Улар аста-секин боғни айланиб, уйнинг шарқий томонига йўл олдилар. Яна Жейкнинг қўли Питерни туртди. Бу сафар сал қаттиқроқ туртди. Икковлари кулюк солишди. Тор кўчадан кимдир шоша-пиша келарди. Йигитлар ўзларини панага олишди.

Кўча фонусларининг гира-шира ёруғида келаётган одамнинг қораси кўринди. Бу баланд бўйли, найнов одам енгил одимларди. У яқин келиб, чўнтагидан бир шода калит чиқарди. Деворга яқин қолганида тўхтаб, калитларни шилдиратди. Ёнидан зажигалка чиқариб, уни ёқди: афтидан у деворга ўрнатилган қулфни қидираётган эди. Зажигалка шуъласи унинг қоқ суяк озғин юзини ёритди.

– Баннерман! – деб пичирлади Жейк. – Карл Баннерман!

Режа тузиб ўтиришга вақт йўқ эди. Питер икки ҳатлаб Баннерманга етиб олди ва унинг орқасида туриб, энсасига пистолет тиради.

Баннерман бир қўлида – калитлар, иккинчи қўлида – зажигалка билан қотиб қолди.

– Очинг! – деб буюрди Питер. Баннерман калитни аста-секин қулф тешигига тиқиб буради. Эшик ичкари томонга очилди. – Олга!

Баннерман боғга кирди. Питер унинг орқасидан изма-из борарди, Жейк эса, орқа томон ҳимоясини таъминлади. У боғ эшигини беркитди, Питер унинг қулфланганини эшитди.

– Кимсиз? – деб сўради Баннерман орқасига ўтирилмай.

– Питер Стайлз!

– Ҳаваскорларнинг куни туғибди-да! – хохлаб қулди Баннерман. – Нега нуқул гашимизга тегасиз, Стайлз? Бегона ишларга тумшук тикасиз, ҳаракатларингиз шунақанги беўхшов ва бесўнақайки, ўзингиз ҳам худди қалбакига ўхшайсиз.

– Лекин пистолет ҳақиқий – қалбаки эмас! – Питер қўндоқни Баннерманнинг бошига тиради.

– О, бунга ишончим комил! Лекин тепкини босиш қўлингиздан келармикин?

– Бу энди сизнинг омадингизга боғлиқ. Лекин агар менинг номимни компьютерда кўрган бўлсангиз, биласиз қўлимдан келишини! Қани, юрақолинг, Баннерман! Менга Эллен Уилсон керак.

– Менимча, сиз ҳозир ақлингизни ишлатсангиз ёмон бўлмасди. Уйда қуролли одамлар бор, улар сизни тилка-пора қилиб ташлашади.

– Демак, сиз билан мени биродарлик қабрига дафн этишаркан. Умидим сиздан. Сиз уларни чақириб оласиз. Қани, энди юринг!

Ғазаб ва заифлик алангаси Питерни икки кундан бери ҳоли-жонига қўймай ёндирарди. У энди, бир қадам орқага чекинсаммикин, пистолет қўндоғини четга қаратсаммикин, тагин беҳосдан бармоқ босиб юбориб, Баннерман калласини мажақлаб юбормай, деб ўйлай бошлаган эди. Э, минг лаънат ҳаммасига! Унинг ёрдами ҳеч кимга керакмас!

– Балки келишармиз? – деб таклиф қилди Баннерман.

– Нимани нимага айрбошлаймиз? – деб сўради Питер. – Қани, бўлақол, оғайни, юр тезроқ!

– Менинг ҳаётимни сизларникига, – жуда жиддий тарзда жавоб қилди Баннерман. – Сиз ахир тушунишингиз керак, Стайлз, ҳозир не ҳолат юз бермасин, лекин келусида – эртага, бир ҳафта, бир ой, бир йилдан кейин, барибир, мағлуб бўлишингиз муқаррар.

– Қани, юр тезроқ! – деб буюрди Питер. У тушунганди Баннерманнинг нима демоқчи бўлганини: агар чўп тикиб, уларнинг уясини қовлағудек бўлса, сендан қасос олиш учун “агентлик”ни ёллайдилар. Уларнинг уяси эса – мана, кўз олдида.

Уйга кираверишда Баннерман тўхтаб қолди.

– Оч, оч, тез! – деди Питер иккиланмай.

– Ана, холос! Менда уйнинг калити йўқ. Қўнғироқ қилсам эшик олдига қуролланган соқчи келади. Ана унда отишма бошланади.

– Унда сен, Баннерман, соқчинга яхшилаб тушунтиришга тайёрлан, у фақат сени отанидан кейингина мени ўлдиради, – деб маслаҳат берди Питер. – Қани, қўнғироқ қил!

Анча ичкаридан қўнғироқнинг жиринглагани эшитилди.

– Жейк, четроқда тур, – деб буюрди Питер. Унинг бармоғи пистолет тепкисига ёпишиб турарди.

Ичкаридан оёқ товуши эшитилди.

– Ким у? – деб сўради эркак овози.

– Гапир мен буюргандай, – деб пичирлади Питер Баннерманга ва унинг асабийлашаётганини ҳис қилди. Лекин Баннерман чуқур тин олиб, одатий овоз билан деди:

– Баннерманман.

Эшик ланг очилди. Гира-шира ёритилган узун йўлакда (чироқ узоқда эди) қуролланган гангстер турарди. У аввалига Питерни кўрмади.

– Анча ҳаяллаб қолдингиз, – деди у сезилар-сезилмас талаффузда.

Питер бир кун олдин ўзини шафқатсиз равишда кастет билан дўшослаган бадбашара гангстернинг овозини таниди.

– Кўряпсанми, Август, орқамда ким турганини? – сўради Баннерман. – Энсамга пистолет тиралган. Илтимос, тушун аҳволни. Ҳозирча мистер Стайлз устун чиқди.

– Жейк! Замбарагини тортиб ол! – буюрди Питер. Вазият ниҳоятда кескин эди, чунки автомат билан қуролланган гангстер бирдан Баннерманни унча эътиборли шахс эмас деб ўйлаб қолиши ҳам мумкин эди.

– Биз ҳали бу ўйинда ютиб чиқамиз, Август, ҳали ҳаммаси олдинда, – деди Баннерман. Чамаси, унинг қўнғилида ҳам Питернинг ҳаёлига келган таҳлика ҳосил бўлган эди.

Жейк қоронғиликдан чиқди. Ҳозир ҳаммаларининг ер тишлаши ҳеч гап эмас эди.

– Маош олмасдан олдин хўжайинларни ўлдириб бўлмайди! – деди у жўшиб ва бир зумда автоматни тортиб олди.

– Ундан фойдаланишни биласанми, а, Жейк? Билмасанг, кел, олишамиз.

– Бўпти, – рози бўлди Жейк. Энди хавф-хатар барҳам топгач, у унча шўх оҳангда гапирмади. У автоматни Питерга узатиб, ундан пистолетни олди. – Қани, бошланг, Баннерман, Август орқангиздан боради, – деб буюрди Питер.

Баннерман юра бошлади. Қора кўланка бўлиб турган Август орқасига тисарилиди. Питер гангстерга яқинлашганда, автомат қўндоғи билан қулочкашлаб туриб унинг тумшугига туширди: бир марта, кейин яна бир марта, у ерга йиқилгандан кейин эса – учинчи марта, ҳузурбахш мамнуният билан урди.

– Бу ҳали ҳолва сенга, унутма, мараз! – деб паст овозда ваъда қилди у. – Қани, қимирла, Баннерман!

Улар йўлакдан кета бошладилар, узоқдаги хира чироқ анча ёришди.

– Сенмисан, Карл? – деб сўради кимдир.

Питернинг юраги қаттиқ тепа бошлади. Бу овозни ҳам у таниган эди: Лестер Стронг-ку! Унинг гумони бирдан аниқ далилга айланди.

— Ҳа. Таассуфки, менман.

У меҳмонхонага Питернинг олдига тушиб кириб борди. Стронг ўрнидан турди ва улар билан юзлашди. Хонанинг нариги бошида диванда бир йигит чўзилиб ётарди, шундоққина ёнгинасида, ерда автомат ётарди. У қуролга қўлини чўзди ва шу заҳоти Питернинг қўлидаги автомат тириллаб отилди. Йигит чинқириб юборди ва қонга бўялган қўлини чангаллаганча ерга ағанаб тушди.

— Замбарагини бу ёққа ташла, Жейк! — деди Питер ва Стронгга ваҳшиёна назар ташлади.

Жейк дарров автоматни олди. Яраланган гангстер ерда гужанак бўлиб инграб ётарди.

— Баннерман мени Эллининг олдига олиб боради, — деди Питер. — Сен Стронгга кўз-қулоқ бўлиб тур, мабодо бирон-бир найранг қилмоқчи бўлса, шартга отиб ташла бу итдан тарқагани!

Протокол ёзаётган полициячининг бармоқлари машинка устида тўхтаб қолди — у гапнинг давомини кутарди. Питер стулга суянди. У Максвилнинг полиция участкасида ўтирарди. Унинг кўзлари ачишар, бутун вужуди зирқираб оғрир, ўзи учун қадрдон бўлган икки одамнинг изтиробли қисматлари унинг юрагини ёзарди. Девери дераза олдида туриб, шаҳар узра аста-аста тонг ёриша бошлаганини кузатарди. Максвил стол ортида худди ҳайкалдек қотиб ўтирарди; у ўзининг сариқ блокнотига ўқтин-ўқтин бирон нима қайд қила бошлаганида, бармоқлари худди ёғочга айлангандек базўр қимирларди.

— Баннерманнинг бутунлай руҳи тушиб кетди, — деб Питер бир текисда, лоқайдлик билан гапини давом эттирди. Протоколчи унинг ҳикоясини машинкада чиқиллатиб ёза бошлади. Ҳолбуки, ушбу дам кайфиятини ҳеч қандай сўз билан ифодалаб бўлмасди. — Эллини иккинчи қаватдаги хонага яширишган экан. У мени кўришни хоҳламади. У ўлишни истарди, чунки унинг учун ҳаётнинг ҳеч қандай қизиғи қолмаганди. Биз ҳаммамиз уни қўллаб-қувватлашимиз, унга далда беришимиз керак.

— Зўрлаб номусга текканлари, эрининг ўлдирилгани, — деди Девери. — Қандай дош берсин бу зулумотга!

— Эрининг ўлдирилиш сабаби — Элли учун оғунинг охирги томчиси бўлди, — деб изоҳдай бошлади Питер. — Биласанми, Фрэнк, Жорж анчадан бери бу жиноятга боғланиб қолган экан. Биз бўлсак, ҳаммамиз Баннерманнинг компютерида қайд этилганмиз, деб ҳисоблардик ўзимизни. Ҳали ҳам шундай — ҳаммамиз унинг рўйхатидамиз. Жорж ҳам ўша рўйхатда — бечора тентак, очкўз Жорж. Уларда “Ньюсвью” ходимларидан бирон кишини ўзларига оёдириш истаги туғилган. Бу киши журналнимиз режаларини уларга етказиб туриши керак эди. Қармоққа Жоржни илинтиришган. Унга сахийлик билан ҳақ тўлаб туришган — тагин кутилмаганда олижаноблиги кўзиб айниб қолмасин, деб.

— Ишонгинг келмайди! — гўлдиради Девери.

— Гап шундаки, уларда алоқа пухта ишлаб чиқилмаган. Жорж уларга бизнинг яқинда Клингерни фош қилишимиз мумкинлигини айтганида, улар бизни сиқувга олмоқчи бўлганлар. Лекин буни қандай амалга оширишларини Жоржга айтмаганлар. Тўғри, Фрэнк, улар фақат сени сиқувга олмоқчи бўлишган. Улар режа тузишган. Режа бўйлаб, қоронғи кечда таҳририятдан чиққан биронга кизни тутиб олиб, уни зўрлаб номусга тегишлари ва буйруқларини муҳарририга етказишни айтишлари керак эди. Ижрочилар — “қотиллик агентлиги”нинг гангстерлари, ёлловчилар — Баннерман ва Стронг бўлган. Ҳамма ишни шу иккови бошқарган.

— Стронгнинг бу фитнага аралашганига ҳам ишонгинг келмайди, — деди Девери.

— У сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш ишгиёқиди ёнган. Мана, иккиқўллаб узатишди унга ўша ҳокимиятни, эвазига Клингерни суддан озод қилса бўлади. Дунёда ўз кўзлаган ниятига етиш учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган одамлар сон мингта.

— Ана Стронг: у ҳатто хотинини ўғирлаб кетишларига ҳам рози бўлибди-да? — деди Девери.

— Ҳаммасини унинг ўзи уюштирган ва хотини билан ҳам келишиб олган.

Айёрлигини қара, мабодо бирон кишида, нима учун прокурор ўзини бундай туяшги, деган шубҳа уйғонгудек бўлса, ўзи учун олдиндан ишончли баҳона тайёрлаб қўйган. Эллига қайғайлик. Бандитлар, ўзлари номусига тажовуз қилган аёл – Уилсоннинг хотини эканлигини билишмаган. Улар учун Элли “Ньюсвью”да хизмат қилувчи “бир қиз” бўлган, холос. Лекин, турган гапки, Жорж бу фожиани эшитгани ҳамано, бунда кимнинг қўли борлигини дарров пайқаган. Ҳамонки, шундай экан, вокзалга бориб нима қилади? У ўша заҳоти Баннерманнинг олдига югуриб борган. Ё Стронгнинг олдига. У Эллини севарди, шунинг учун газаби қайнаб тошган. Эҳтимол, у ўшаларнинг биронтасига жаҳл билан ташлангандир, ё бўлмаса, ҳамма сирларингни очаман, деб дўқ қилгандир. У кўп нарсаларни билган. Олдинига қотиллик қилиш уларнинг режасида бўлмаган. Лекин энди Жоржни буткул овозини ўчириш лозим эди. Оқибат, улар бир кесак билан икки қарғани урмоқчи бўлишган. Ҳам Жоржни тинчитмоқчи, ҳам мени қўрқитиб қўймоқчи бўлишган-да, уни менинг ошхонамга осиб кетишган.

– Клингер масаласида тўғри айтган экансанми? – деб сўради Девери. – Уни оқлашга уринишларидан мақсад, унда тўладаги айрим шахсларни бадном қилувчи ҳужжатлар борлиги эканми? Тагин бу далиллар Брактон Клауднинг ўзига қарши қаратилган бўлса-я?

– Бунга ҳали билиш керак. Лекин Клингернинг бўлари бўлди. Агар у қошқонга тушса, ундан хавфлироқ ҳайвон йўқ дунёда, деб ҳисоблайди хотини. Сабр қилайлик, у ўзида нималар борлигини жамоатчиликка ошкор қилади ҳали.

– Хўш, Корал Стронг билан дўстинг Мартин ҳақида нималар маълум? – деб сўради Девери.

– Улар беҳавотир жойда, – жавоб қилди Максвил. – Баннерманнинг одамлари, худди биз ўйлагандек, Питер ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиб, Коралнинг қаердалигини топишган. Отишма бошланган чоғда Корал билан Мартин ўрмонга қочиб кетишган. Улар мента кўнғироқ қилишди, Питер кетганидан кейин.

– Қаердадир беркиниб ўтирган Льюис нима бўлди? У энди озод эканлигини, бошқа беркинмаслиги кераклигини билмаса ҳам керак? – сўради Девери.

– Мен у қизни қаердан топишни билсам керак, – деб ўрнидан турди Питер. – Сизларга илгариям айтувдим – билишимча, у ўзининг дўсти олдига кетган. Ўша ўзи наркотик моддалар олиб келиб берган йигит олдига.

– Бу бир гарам пичан ичидан игна қидириш билан баробар.

– Унчаликмас, – деди Питер. – Клингерда Мэри ҳақида ҳужжат бор: унинг ва дўстининг фотосурати. Клингер одамларнинг сиқиб сувини ичишга уста: у қиздан ҳам, унинг дўстидан ҳам ўз манфаатини кўзлаб фойдаланган. Билишимча, Мэри Эрик Траскникида.

– Қинғир йўлдаги сайру саёҳат ниҳоясига етди, – деб суҳбатта яқун ясади Девери.

Клингернинг қинғир йўлда сайр қилиши тугади, деб ўйлади Питер, лекин у йўлнинг ҳамон охири кўринмайди. Максвил учта гангетерни ҳибсга олди, лекин улар ҳеч нимани айтмайдилар, кўрсатмайдилар. Бу қинғир йўлнинг қайси ям бир ерида жиноятчиларнинг уяси бор. То Питер ўша уяни топмагунча қинғир йўлда кезиш тугамайди. Қолаверса, иккита мазлума аёл борки, уларнинг ҳаётини қайта тиклаш зарур. Бинобарин, бу ҳали қинғир йўлнинг охири эмас, балки бошланишидир.

Қодир МИРМУҲАМЕДОВ  
таржимаси.

